

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА ИННОВАЦИЯЛАР
ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК
УНИВЕРСИТЕТИ**

ТАРЖИМА – САНЪАТ, ТАРЖИМАШУНОСЛИК – ИЛМ

*Хайрулла ҲАМИДОВнинг илмий-педагогик
ва ижодий фаолияти ҳақидаги
мақолалар, тақризлар ва ОАВ хабарлари*

Тошкент – 2025

Таржима – санъат, таржимашунослик – илм (*Хайрулла Ҳамидовнинг илмий-педагогик ва ижодий фаолияти ҳақидаги мақолалар, тақризлар ва ОАВ хабарлари*). – Тошкент: ТДШУ, 2025. – 212 б.

УО'К: 81'25

КВК: 141.2

X – 15

Ушбу китобда таниқли таржимашунос, туркшунос олим, ижодкор-таржимон, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, Тошкент давлат шарқшунослик университети профессори, филология фанлари доктори Хайрулла Худоёрович Ҳамидовнинг 2011-2025 йилларда олиб борган самарали илмий, ижодий ва педагогик фаолияти ҳақида турли манбаларда чоп этилган мақолалар, тақризлар, вақт-ли матбуот ва интернет саҳифалари ҳамда бошқа ёзма манбаларда нашр этилган хабар, маълумотлар, шунингдек университетда кўп йиллардан бери олим билан бирга фаолият олиб бораётган устозу ҳамкасблар ёзган мақолалар жамланди. Хайрулла Ҳамидовнинг илмий, ўқув-услубий ишлари ва таржима асарлари рўйхати ҳам илова қилинган ушбу китобдаги барча ёзма материаллар илк (манба) нашрларда қайси ёзувда бўлса, шундайлигича берилди.

Нашрга тайёрловчи:

Марал Ҳамидова

Масъул муҳаррир ва сўзбоши муаллифи:

ТДШУ доценти, PhD. Наргиза Исматуллаева

Тақризчилар:

Филология фанлари доктори, доцент Самида Мустафаева

Филология фанлари номзоди, доцент Эргаш Очилов

Тошкент давлат шарқшунослик университети
“Таржимашунослик, тилшунослик ва халқаро журналистика” олий мактабининг 2025 йил 4 июндаги 23-сонли қарори билан нашрга тавсия этилган.

© Тошкент давлат шарқшунослик университети, 2025.

*Ушбу китоб
падари бузрукворимиз **Худоёр Хомидов**,
волидамиз **Гулабза Ҳайитова**,
акамиз **Нурилло Хомидов**, опаларимиз
Назокат ва Барно Хомидовалар,
жигарларимиз **Шавкатжон**,
Ҳулкарой ва Худоёржонларнинг
Порлоқ ва пок хотираларига бағишланади.*

Ҳамидовлар оиласи номидан

СЎЗБОШИ

Таржимонлик соҳасининг маданий ҳаётимиздаги аҳамиятини таъкидлаган давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев ўз нутқида шундай дейди: “Юртимизда дунё адабиётининг бебаҳо мулки бўлган минг-минглаб асарлар таржима қилиниб, китобхонлар қалбидан жой олгани, бадий таржима ва таржимашунослик бўйича ўзига хос ижодий мактаб шаклланишини алоҳида таъкидлаш лозим... Ўзбек мумтоз ва замонавий адабиётини халқаро миқёсда ўрганиш ва тарғиб қилиш, (уларни) таҳлил этиб, зарур илмий-амалий хулосалар чиқариш, келгуси вазифаларимизни белгилаб олиш катта аҳамиятга эга”. Ўзбекистонимизда ана шу йўналишда ҳам илмий-педагогик, ҳам самарали амалий, ижодий фаолият олиб бораётган таржимашунос, туркшунос олимлардан бири Тошкент давлат шарқшунослик университети “Таржимашунослик, тилшунослик ва халқаро журналистика” олий мактаби муаллими, профессор, филология фанлари доктори, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси **Хайрулла Худоёрович Ҳамидов**дир.

Хайрулла Ҳамидовнинг бой илмий-педагогик ва сермахсул ижодий фаолияти ҳақида сўз юритганда, у кишининг ҳозирги турк тили, таржимашунослик ва шарқшуносликка оид ўн бешдан зиёд монографиялари, илмий ва илмий оммабоп рисолалари, у яратган ўнлаб ўқув адабиётлари, 300 га яқин илмий мақола ва тезисларни эътироф этиш жоиз. Шунингдек, унинг тузув-

чи ва таржимон сифатида нашрга тайёрлаган таржима антологиялари, йиғма-китоблар ва альманахлар, 20 дан зиёд халқаро ва республика миқёсида ўтказилган илмий-амалий конференция тўпламлари, хрестоматияларни алоҳида таъкидлаш жоиз.

Х.Ҳамидовнинг ўзбек-турк таржимачилигига қўшган ҳиссаси алоҳида эътиборга лойиқ. У Яшар Камол, Холида Адиб Адивар, Умар Сайфиддин, Саид Ф.Абасиёниқ ва Азиз Несин каби турк адабиётининг йирик намояндаларининг роман, қисса ва ҳикояларини ўзбек тилига таржима қилиб нашр эттирган. Бундан ташқари, Х.Ҳамидов ўзбек адабиётининг йирик намояндаларидан Абдулла Қодирий, Ғафур Ғулом, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Саид Аҳмад, Ўлмас Умарбеков, Пиримқул Қодиров, Одил Ёқубов, Ўткир Ҳошимов, Тоғай Мурод, Улуғбек Ҳамдам, Исожон Султон каби адибларнинг қисса ва ҳикояларини, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Ҳусниддин Шарипов, Омон Матжон ва Муҳаммад Юсуф каби машҳур шоирларнинг шеър ва дostonларини турк тилига таржима қилиб, Ўзбекистонда ва Туркия Республикасида нашр эттирган. Хусусан, 2020 йил Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Саид Аҳмад таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан Туркия Республикасининг Халқаро TÜRKSOY маданият ташкилоти кўмагида Анқарада унинг *“Said Ahmed. Seçme Hikâyeler”* (Саид Аҳмад. Танланган ҳикоялар) таржима китоби нашр этилди ва ушбу китоб Туркиядаги ўзбек адабиёти ихлосмандларига тухфа қилинди. Бундан ташқари, олим рус тилидан ўзбек тилига ва ўзбек тилидан рус тилига ҳам бадиий асарлар, ўқув адабиётларини таржима қилган.

Эътироф этиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан илк бор Тошкентда нашр этилган 100 жилдлик “Туркий адабиёт дурдоналари” жамланмасининг 2 жилди (45- ва 51-жилдлар) устоз Хайрулла Ҳамидов томонидан тузилган. Бундан ташқари, ушбу жамланманинг 47-жилдида унинг турк тилидан қилган (Азиз Несин ҳикоялари) таржималари ўрин олган. Олим ўзбек таржимашунослик мактаби асосчиси Ғ.Саломовнинг таржимашуносликка оид дарслик ва монографияларини, таржимашунос Жуманиёз Шариповнинг таржима тарихи ҳақидаги монографиясини қайта таҳрир қилиб, латин алифбосида чоп эттирган ҳамда дарслик, ўқув қўлланмалар сифатида олий таълимга жорий қилган.

Қўлингиздаги китобда таниқли таржимашунос, туркшунос олим, ижодкор-таржимон, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, Тошкент давлат шарқшунослик университети профессори, филол. ф. д. Хайрулла Ҳамидовнинг асосан 2011-2025 йилларда олиб борган самарали илмий, ижодий ва педагогик фаолияти ҳақида турли манбаларда чоп этилган мақолалар, тақризлар, вақтли матбуот ва интернет саҳифалари ҳамда бошқа ёзма манбаларда нашр этилган хабар ва маълумотлар, шунингдек, олимнинг 60 йиллик юбилеи муносабати билан чоп этилган китобдан саралаб олинган, у билан университетда кўп йиллар бирга фаолият олиб бораётган ҳамкасбларининг мақолалари ҳам жамланди.

Хайрулла Ҳамидовнинг илмий, ўқув-услубий ишлари ва таржима асарлари рўйхати ҳам илова қилинган ушбу китобдаги барча ёзма материаллар илк (манба) нашрларда қайси ёзувда бўлса, шундайлигича берилди.

*Филология фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доцент
Наргиза Исматуллаева*



**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ, ПРОФЕССОР,
ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ АЪЗОСИ ХАЙРУЛЛА
ҲАМИДОВНИНГ ИЛМИЙ-ПЕДАГОГИК ВА ИЖОДИЙ
ФАОЛИЯТИ ҲАҚИДА**

Таржимашунос ва туркшунос олим, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, филология фанлари доктори, проф. Хайрулла Худоёрович Ҳамидов 1963 йилнинг 1 майида Қашқадарё вилоятининг Касби тумани Пандирон қишлоғида хизматчи оиласида туғилган. 1970-1980 йилларда Касби туманидаги 26-сонли ўрта мактабда ўқиган. 1984-1989 йилларда Тошкентдаги Республика рус тили ва адабиёти педагогика институти (Ҳозирги ЎзДЖТУ нинг Рус тили ва адабиёти факультети)да таҳсил олиб, уни 1989 йил “Рус тили ва адабиёти ўқитувчиси” мутахассислиги бўйича имтиёзли диплом билан тамомлаган. Маълумоти – олий, мутахассислиги – рус филологи, турк тили билимига эга тилшунос, турк тили, таржимашунослик билан боғлиқ фанлар ўқитувчиси, филология фанлари доктори, профессор. Кўп йиллик самарали таржимонлик фаолияти ва нашр эттирган таржима асарлари учун 2024 йил 27 майда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолигига қабул қилинган.

Х.Ҳамидов Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 октябрдаги Фармонида биноан таъсис этилган “Ўзбекистон Конституциясига 25 йил” эсдалик нишони, Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирининг 2023 йил 25 сентябрдаги 433-буйруғига биноан “Олий таълим аълочиси” кўкрак нишони билан тақдирланган.

Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф таваллудининг 70 йиллигига бағишлаб турк тилида нашр эттирган, шоирнинг шеър ва дostonларининг туркча таржималари жой олган “Muhammed Yusuf. Seçme Şiirler” номли китоби учун Хайрулла Ҳамидов Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти ректорининг 2024 йилнинг 22 апрелдаги 44-сонли буйруғига асосан таъсис этилган “Муҳаммад Юсуф” кўкрак нишони билан тақдирланган.

2025 йил 7 февралда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг “Дўрмон” ижод уйида Туркий давлатлар халқаро шеърят байрамини юқори савияда ўтказишдаги ҳамкорлиги учун Туркия Республикаси “Türksoy” Халқаро маданият ташкилотининг

эсдалик нишони ва Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг "Ташаккурнома" ёрлиқлари билан тақдирланган.

Хайрулла Ҳамидов меҳнат фаолиятини 1980 йил сентябрь ойидан Қашқадарё вилояти Касби тумани маданият бўлимига қарашли клуб директори лавозимида ишлашдан бошлаган. 1982-1984 йилларда Қуролли кучлар сафида 2 йиллик ҳарбий хизматни ўтаган. 1984 йилнинг май-август ойларида Касби туманидаги 26-ўрта мактабда болалар ташкилоти раҳбари бўлиб ишлаган.

1989 йилда Республика рус тили ва адабиёти педагогика институтини тамомлагач, 1989-1992 йилларда ушбу институтнинг Ёшлар Иттифоқи қўмитаси котиби, 1992-1994 йиллар Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети Қиёсий типология ва таржима назарияси кафедрасида ўқитувчи бўлиб ишлаган. 1994-1997 йиллар ЎзДЖТУда кундузги аспирантурада таҳсил олган. 1997-1998 йиллар ЎзДЖТУ Инглиз тили таржима назарияси ва амалиёти кафедраси ўқитувчиси бўлиб ишлаган.

1995-1999 йилларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Фармойишига биноан асосий иш жойидан ажралмаган ҳолда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Туркия Республикасидаги расмий вакили, айни дамда Истанбул Университети Адабиёт факультети "Славян тиллари ва адабиётлари" кафедрасида стажер-тадқиқотчи сифатида фаолият олиб борган. 1997 йилда турк тилини билиш даражаси имтиҳони топшириб, "Yüksek Türkçe" натижасига кўра Анқара Университетининг муддатсиз амал қилувчи 6-даража (C 2) дипломини қўлга киритган.

1998-2011 йиллар Тошкент давлат шарқшунослик институтининг Туркиёт кафедраси катта ўқитувчиси лавозимида ишлаб, турк тили, турк тили лексикологияси, стилистикаси, таржима амалиёти, Туркия тарихи ва бошқа фанлардан дарс берган. Ўша йиллар (2000-2011) институтда кенг миқёсда ўтилган ва ҳозирда мамлакатимизнинг бир неча олий таълим муассасаларида ўтиб келинаётган "Асосий шарқ тили "Турк тили" фанининг мукаммал намунавий дастурини ишлаб чиққан ва узоқ йиллар институтда бу фандан талабаларга сабоқ берган. Бундан ташқари, "Турк тили диалектологияси", "Турк тили фразеологияси", "Турк тили паремиологияси" фанларининг ўқув ва ишчи дастурларини, институтнинг Хорижий мамлакатлар тарихи кафедраси буюртмасига мувофиқ 2004-2007 йиллар-

да "Тарих (Хорижий мамлакатлар тарихи) магистратура мутахассислиги талабалари учун "Туркия тарихининг долзарб муаммолари", "Туркия тарихи муаммоларининг ҳал этилиши", "Туркияда этник-ижтимоий муаммолар", "Туркияда сиёсий тизим эволюцияси", "Туркиянинг ривожланишида тарихий шахсларнинг роли", "Туркия тараққиётининг хусусиятлари", "Туркия ва Европа Иттифоқи: тарих ва ҳозирги замон", "Туркияда вестернизация сиёсати" каби ихтисослик ва танлов фанлардан сермазмун, тўлақонли намунавий фан дастурлари ҳамда ўқув-услубий мажмуалари, маърузалар тўпламларини ишлаб чиқиб, ушбу фанлардан талаба ва магистрантларга дарс берган.

2009-2010 ва 2015-2016 йиллар ўриндошлик асосида Тошкент давлат шарқшунослик институти магистратура бўлими бошлиғи, 2010-2012 йиллар ТДШИ Бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси лавозимларида ишлаган.

2011-2014 йилларда ТДШИда янги очилган Таржима назарияси ва амалиёти кафедраси мудир, 2014-2016 йилларда кафедра доценти, 2016-2018 йиллар кафедра катта ўқитувчиси, 2018-2020 йиллар Таржимашунослик кафедраси мудир лавозимларида ишлаган. 2020 йил сентябрдан 2024 йилгача Таржимашунослик ва халқаро журналистика кафедрасининг доценти, профессори в.б. 2024 йил 16 сентябрдан Таржимашунослик, тилшунослик ва халқаро журналистика олий мактаби профессори лавозимида ишлаб, турк тили грамматикаси, лексикологияси, турк тилини ўргатиш ва таржимашуносликка оид ўнга яқин фандан талаба ва магистрантларга дарс бериб келмоқда.

2011-2024 йилларда дастлаб Таржимашунослик кафедрасининг мудир ва кейинчалик ушбу кафедранинг доценти, етакчи мутахассиси сифатида кафедрадаги магистратура мутахассисликлари ("Қиёсий тилшунослик, лингвистик таржимашунослик" ва "Синхрон таржима"), бакалаврият таълим йўналишлари ("Таржима назарияси ва амалиёти", "Гид ҳамроҳлиги ва таржимонлик фаолияти", "Халқаро журналистика")да ўқитиладиган "Таржима назариясига кириш", "Таржима назарияси", "Амалий таржима", "Таржима тарихи", "Илмий иш асослари", "Асосий шарқ тили лексикологияси", "Синхрон таржима", "Бадий таржима", "Таржима стилистикаси ва танқиди", "Асосий шарқ тили паремиологияси ва таржима", "Фалсафий матнлар таржимаси" "Илмий матнлар таржимаси", "Ижтимоий-сиёсий

матнлар таржимаси”, “Публицистик матн таржимаси”, “Таржима ишини ташкил этиш”, “Асосий шарқ тили ва ўзбек (рус) тиллари қиёсий грамматикаси”, “Шарқ (турк) тилини ўқитиш методикаси”, “Фразеологизмлар таржимаси масаласи”, “Мутахассисликнинг назарий масалалари”, “Матн таржимаси ва таҳрири”, “Таржима методологияси ва таржимон маҳорати”, “Мутахассисликка оид махсус адабиётлар таҳлили”, “Асосий чет тилидаги махсус адабиёт таҳлили”, “Синхрон таржима назарияси”, “Синхрон ва кетма-кет таржима амалиёти”, “Синхрон таржима стратегиялари”, “Семантаграфия асослари”, “Синхрон таржима терминологияси” сингари ўнлаб ихтисослик ва танлов фанларининг мукамал, сермазмун, тўлақонли намунавий фан дастурлари, ишчи дастурлари ва силлабуслари ҳамда ўқув-услубий мажмуалари, маърузалар тўпламлари ишлаб чиқиб, ўқув қўлланмалари ва дарсликлар ёзиб, ушбу фанлардан талаба ва магистрантларга дарс бериб келди.

Х.Ҳамидов **2018** йилда филол.ф.д., проф. Абдурахим Маннонов раҳбарлигида “**10.00.05** – Осиё ва Африка халқлари тили ва адабиёти” ихтисослиги бўйича “Турк тилида фразеологизмларнинг юзага келиши, маъно ва грамматик хусусиятлари” мавзули диссертациясини ҳимоя қилиб, филол. фанлари бўйича фалсафа доктори (**PhD**) илмий даражасини, **2020** йил “**10.00.05** – Осиё ва Африка халқлари тили ва адабиёти” ихтисослиги бўйича **доцент** илмий унвонини олган.

2021 йилда филол.ф.д., проф. Абдурахим Маннонов илмий маслаҳатчилигида **10.00.06** – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиш-тирма тилшунослик ва таржимашунослик ихтисослиги бўйича “Ўзбек қисса ва романларининг туркча таржималарида миллийлик, бадиийлик ва лисоний адекватлик масалалари” мавзули диссертациясини ҳимоя қилиб, филология фанлари доктори (**DSc**) илмий даражасини, **2024** йил 28 августда **10.00.06** – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиш-тирма тилшунослик ва таржимашунослик ихтисослиги бўйича профессор илмий унвонини олган.

У 2023-2025 ўқув йилида Тошкент давлат шарқшунослик университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Фил/ Тар.21.01 рақамли Илмий кенгаш аъзоси, 2020-2025 йилларда ушбу Илмий кенгаш қошидаги 10.00.05 – Осиё ва Африка халқлари тили ва адабиёти, 10.00.06 – Қиёсий адаби-

ётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва таржимашунослик ихтисосликлари бўйича Илмий семинар котиби ва аъзоси бўлган.

Х.Хомидов кафедрада таржимачилик ва таржимашунослик илмини ривожлантириш йўналишида 2012-2014 йилларда бажарилган “Ўзбек адабиёти намуналарини шарқ тилларига таржима қилишнинг назарий ва амалий масалалари” мавзусидаги ва 2015-2017 йилларда бажарилган “А-1-180 “Таржима ва маданиятлараро мулоқот масалаларига оид ўқув қўлланмалари яратиш” мавзусидаги ҳамда хорижий тиллардаги тарихий асарлар тадқиқи йўналишида 2016-2018 йилларда бажарилган “А-1-191 “Хорижий тиллардаги тарихий асарларнинг илмий тадқиқи ва танқидий таҳлили асосида шарқ мамлакатлари тарихига оид замонавий ўқув адабиётларини яратиш” мавзусидаги илмий-тадқиқот лойиҳалари (давлат грантлари)да фаол иштирок этган.

Х.Ҳамидов ҳозирда Ўзбекистон Республикаси ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтининг ОАК рўйхатидаги “Ўзбек тили” илмий журнали ҳамда Тошкент давлат шарқшунослик университетида нашр этиладиган ОАК рўйхатига киритилган “Шарқшунослик”, “Шарқ машъали” ҳамда “Туркшунослик” номли илмий журналлар таҳрир ҳайъатларининг аъзоси ҳисобланади. Бундан ташқари, у “Academicia Globe: Inderscience Research is a scholarly peer reviewed international multidisciplinary Journal” ISSN: 2776-1010 (SJIF: 5.653, Impact Factor: 7.425) hamda “*Comparative Turkish Dialects and Literatures. Karşılaştırmalı Türk Lehçeleri ve Edebiyatları*” (Туркия) журналлари таҳририятларининг аъзосидир.

Х.Ҳамидов ҳозирги турк тили, таржимашунослик ва шарқшунослик соҳаларига оид 12 та монография, 6 та илмий ва илмий-оммабоп рисола, 20 дан ортиқ ўқув адабиёти (1 та дарслик, 16 та ўқув ва 4 та ўқув-услубий қўлланма, 4 та икки тилли изоҳли луғат)ни нашр эттирган. Унинг турк тили фразеологияси ҳамда таржимашуносликка бағишланган 250 дан ортиқ илмий мақола ва тезислари Ўзбекистондаги илмий журналлар, тўпламлар, халқаро ва республика конференциялари тўпламлари, Туркия ва бошқа мамлакатларнинг нуфузли илмий журналлари, тўпламларида чоп этилган (Булардан 16 таси – хорижий илмий журналлар, жумладан импактфакторли журналларда нашр этилган илмий мақолалар, 42 таси – Ўзбекистон Республикаси ОАК рўйхатидаги илмий журналларда нашр этилган илмий мақолалар, 38 таси – Халқаро илмий-амалий конференция материаллари тўпламларида нашр этилган мақола ва те-

зислар, 8 таси – Республика газеталарида нашр этилган мақолалари ва давра суҳбатлари, 74 таси – Ўзбекистон Республикасида ўтказилган илмий-амалий конференция материаллари, турли журнал ва тўпламларда нашр этилган мақолалар, 40 таси – ТДШУ даги илмий тўпламлар, илмий-амалий конференция материалларида нашр этилган тезис ва мақолалар). Унинг Ўзбекистонда яшаб ижод этган таниқли олимларнинг юбилейлари муносабати билан бу машҳур шахсларнинг ҳаёти ва ижоди ҳақидаги 10 дан ортиқ мақоласи ҳам тўпламлардан жой олган.

Бундан ташқари, Х.Ҳамидов 20 дан зиёд халқаро ва республика миқёсида ўтказилган илмий-амалий конференциялар тўпламлари, таржима тўпламлари, алманах ва хрестоматияларнинг ҳам тузувчиси, лойиҳа раҳбари ҳисобланади. 2012-2022 йиллар давомида мунтазам нашр этиб келинган жами 10 жилддан иборат “Ўзбекистон Таржимашунослари Форуми” материаллари, 5 жилддан иборат “Ёш таржимашунос” илмий мақолалар тўплами (2014-2020 йиллар), 4 жилддан иборат “Бу қадимий санъат” таржима мактаби талабалари алманахи (2014-2017 йиллар), 3 жилддан иборат “Таржима масалалари” тўплами шулар жумласидан.

2012-2023 йилларда Х.Ҳамидов турк адабиёти намояндалари, мумтоз адибларидан Яшар Камолнинг “Оғритоғи афсонаси” романи (ушбу таржима асари 2021 йил “Севги афсонаси” номи остида “Янги аср авлоди” нашриётида, 2023 “Оғритоғи ноласи” номи остида “Ўзбекистон” нашриётида минглаб ададда нашр этилган) ва “Тунука” қиссаси, “Инжа Мамад” романидан парча, Холида Адиб Адиварнинг “Чорасоз” қиссаси, Умар Сайфиддин, Саид Ф.Абасиёниқ ва Азиз Несинларнинг ўнлаб ҳикояларини ўзбек тилига таржима қилиб нашр эттирган.

Х.Ҳамидов ўзбек адабиётининг йирик намояндаларидан Абдулла Қодирий, Ғафур Ғулом, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Саид Аҳмад, Одил Ёқубов, Пиримқул Қодиров, Ўлмас Умарбеков, Ўткир Ҳошимов, Шукур Холмирзаев, Муҳаммад Али, Тоғай Мурод, Хуршид Дўстмуҳаммад, Хайриддин Султонов, Нормурод Норқобилов каби адибларнинг ҳикоялари (ва қиссаларидан парчалар)ни, Ҳамид Олимжон, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Ҳусниддин Шарипов, Омон Матжон ва Муҳаммад Юсуф каби машҳур ўзбек шоирларининг шеър ва достонларини, бугун орамизда яшаб ижод қилаётган, Исожон Султон, Улуғбек Ҳамдам, Қўчқор Норқобил, Абдулла Айизов, Рисолат Ҳайдарова, Зулфия Қуролбой қизи, Маъмура Зоҳидова каби ёзувчиларнинг сара ҳикояларини турк тилига таржима қилиб, Ўзбекистонда ва Туркияда нашр эттириб келмоқда (**Қаранг:** *Илмий ишлар рўйхати*). Хусусан, 2020 йил Ўзбекистон халқ ёзувчиси Саид Аҳмад та-

валлудининг 100 йиллиги муносабати билан Туркия Республикасининг TÜRKSÖY Халқаро маданият ташкилоти кўмагида Анқарада Х.Ҳамидовнинг *“Said Ahmet. Seçme Hikâyeler”* (Саид Аҳмад. Танланган ҳикоялар) таржима китоби Анқарада нашр этилди ва Туркиядаги ўзбек адабиёти ихлосмандларига тухфа қилинди. Бундан ташқари, олим рус тилидан ўзбек тилига ва ўзбек тилидан рус тилига ҳам илмий ва бадиий асарлар, ўқув адабиётларини таржима қилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев ташаббуси билан илк бор Тошкентда 2022 йилда “O‘zbekiston” нашриёти томонидан чоп этилган 100 жилдлик “Туркий адабиёт дурдоналари” жамланмасининг икки жилди (45- ва 51-жилдлари)ни Х.Ҳамидов тузган. Ушбу жилдлардан унинг турк тилидан қилган асарлари ўрин олган. Жамланманинг 47-жилдида Х.Ҳамидовнинг турк тилидан амалга оширгани Азиз Несин ҳикоялари таржималари ҳам берилган. 2023 йилда “Туркий адабиёт дурдоналари” 100 жилдлик жамланмасидан “O‘zbekiston” нашриёти томонидан саралаб олиниб алоҳида китоблар ҳолида чоп этилган китоблар орасида Х.Ҳамидовнинг таржималари ўрин олган уч алоҳида китоб (Яшар Камол. “Оғ-ритоғи ноласи”; Саид Фоиқ Абасиёниқ “Эфталикус қаҳвахонаси” ва Азиз Несин “Калтаксиз туролмайман”) салкам 10 минг нусхада ўзбек китобхонларига армуғон этилди.

Хайрулла Ҳамидов ўзининг таржимонлик фаолияти давомида турк тилидан **1 та роман, 2 та қисса ва 1 романдан парча** ҳамда **30 дан зиёд ҳикоя**ни ўзбек тилига таржима қилиб, нашр эттирган бўлса, ўзбек тилидан турк тилига атоқли ўзбек адибларининг асарлари, жумладан, **1 романдан парча, 10 га яқин қиссадан парча, 90 га яқин ҳикоя, 5 та достон ва 119 та шеър**ни турк тилига таржима қилиб, Ўзбекистон ва Туркия республикаларида нашр эттирган (**Қаранг:** Илмий ишлар ва таржима асарлари рўйхати).

Х.Ҳамидовнинг масъул муҳаррирлигида 40 га яқин китоб ва турли тўпламлар, таржима терма-китоблари, хрестоматиялар, альманахлар нашр этилган. У таниқли олимларнинг юбилейлари (проф. Т.Ғиёсовнинг 80 йиллик юбилейи (2011), проф. А.Содиқов (шифокор)нинг 70 йиллик юбилейи (2016), проф. Аҳмад Дурсунов (шифокор), филол. ф.н., доцент Жумали Шабанов (2018) ва ф.ф.д. доц. Р.Шарипов (2021) ларнинг 60 йиллик юбилей саналари, устози, таниқли шарқшунос-афғоншунос олим, филол.ф.д., профессор Абдурахим Маннонов таваллудининг 80 йиллик юбилейи муносабати билан, филол. ф.н. профессор Адҳам Алимбековнинг 70 йиллик юбилейи, эсдалик ва хотира китобларини нашрга тайёрлаган.

Х.Ҳамидов 2016-2023 йилларда атоқли ўзбек таржимашуносларидан Ғ.Саломовнинг 1978 йил нашр этилган “Таржима назарияси-

га кириш” номли дарслигини, 1966 йилда нашр этилган “Тил ва таржима” номли монографиясини, Ж.Шариповнинг 1965 йилда нашр этилган “Ўзбекистонда таржима тарихидан” деб номланган машхур монографиясини қайта ишлаб, нашр эттирган ва бу китоблар бугунги кунда янги авлод илмий ва ўқув адабиётлари сифатида олий таълимга жорий қилинган.

Х.Ҳамидовнинг илмий раҳбарлигида ТДШУ ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.Фил/Тар.21.01 рақамли Ихтисослашган илмий кенгашда 10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва таржимашунослик ихтисослиги бўйича 2023 йил тадқиқотчи Марҳабо Абдуллаева “Миллий колоритни ифодаловчи фразеологизмлар таржимаси муаммолари (Агата Кристи асарларининг ўзбекча таржималари мисолида) мавзусидаги, 2025 йил тадқиқотчи Гулноза Назруллаева “Бадий таржимада персонаж нутқининг қайта яратилиши (ҳиндийдан ўзбек тилига таржималар мисолида)” мавзусидаги филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияларини ҳимоя қилди.

2005-2023 ўқув йиллари мобайнида Х.Ҳамидов илмий раҳбарлигида 5А 220102 – Лингвистика (Турк тили) ва 70230201 – Қиёсий тилшунослик, лингвистик таржимашунослик (шарқ тиллари бўйича), 70230202 – Синхрон таржима (шарқ тиллари бўйича) мутахассисликларида 10 дан зиёд магистрлик диссертациялари, 30дан зиёд бакалавриат йўналиши талабалари битирув малакавий ишларини муваффақиятли ҳимоя қилишган.

Ҳозирда унинг раҳбарлигида таянч докторантлардан Камола Расулова, Дилфуза Шодмонова ва бошқа мустақил тадқиқотчилар таржимашунослик соҳасида филол. ф. бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияларини ҳимояга тайёрламоқдалар.

Хайрулла Худоёрович Ҳамидов оилали, 3 фарзанднинг отаси, 4 набиранинг бобосидир.



ХАЙРУЛЛА ҲАМИДОВНИНГ ИЛМИЙ ВА ИЖОДИЙ ҲАОЛИЯТИ ҲАҚИДАГИ МАҚОЛАЛАР

ТУРКШУНОСЛИГИМИЗНИНГ ЙИРИК НАМОЯНДАСИ

Абдурахим МАННОНОВ,

филология фанлари доктори, профессор

Хайрулла Ҳамидов мен учун бениҳоя қадрли ва яқин инсонлардандир. Хайрулла билан илк бор танишувим 1998 йилда, унинг Туркиёт кафедрасига ўқитувчи бўлиб келганидан бошланган. Мен у вақтлар Тошкент давлат шарқшунослик институтининг ўқув ишлари проректори бўлиб фаолият юритар эдим.

У билан илк танишувимиздан ҳозиргача Хайрулланинг ўқитувчиликдан институт қошидаги Магистратура бўлими бошлиғи, Институт касаба уюшмасининг раиси, шарқшунослик тарихида илк бор очилган “Таржима назарияси ва амалиёти” кафедрасининг биринчи мудирлари ҳамда филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) (2018) ва филология фанлари доктори (DSc) (2021) юксак илмий даражаларига ва доцент унвонига эга бўлиш каби жараёнлари билан боғлиқ 25 йиллик фаолияти, ҳамма-ҳаммаси шундай менинг кўз олдимда турибди. Шу чорак аср ичида у раҳбарлик, ташкилотчилик ёки минглаб соатлар кесимида талабаларга дарс бериш орасида нафақат юқори илмий даража ва унвонларга эга бўлишга улгурди, балки бу давр ичида ўзининг мислсиз меҳнаткашлиги ва ўз соҳасининг фидойиси сифатида умумий ҳажми қарийб 100 босма табоқдан иборат 10 та монография ва 4 та рисола, энг замонавий талаблар асосида яратилган катта ҳажмдаги “Турк тили” дарслиги, 16 та салмоқли ва ўта зарур қўлланмалар, талабалар ва ёш ўқитувчилар учун муҳим бўлган 4 та ўқув-услубий қўлланма, 4 та икки тилли изоҳли луғат ва турк адабиёти хрестоматияси каби китобларни нашр эттирди ва бутун илмий-педагогик фаолияти давомида 250 га яқин хорижий ва республикамиздаги илмий журналлар, турли халқаро ва республика даражасидаги илмий конференциялар тўпламларида, қатор оммавий матбуот нашрларида мақолалари чоп этилди.

Юқорида зикр этилган катта ҳажмдаги илмий монография ва мақолалари қаторига бу олимнинг яна 16 та дарслик ва қўл-

ланмаларининг нашрий салмоғини ҳам илова қилсак, уларнинг ҳажмий рақами салмоғи жуда залворли бўлиб чиқади. Масалан, Хайрулланинг 2022 йилда нашр этилган “Турк тили” дарслигининг ўзиёқ 382 бет, яъни 25 босма табоқдан иборатдир. Агар бу рақамларга яна қолган қўлланмаларини, ҳам унинг турк тилидан ўзбек тилига ағдарган роман, қисса ва ҳикоялари, шунингдек, ўзбек тилидан турк тилига ўгирилган Абдулла Қодирий, Ойбек, Саид Аҳмад, Ўлмас Умарбеков, Пиримқул Қодиров, Ўткир Ҳошимов, Тоғай Мурод, Улуғбек Ҳамдам, Исажон Султон каби адибларнинг қисса ва ҳикояларини, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Ҳусниддин Шарипов, Омон Матжон ва Муҳаммад Юсуфнинг шеърлари, дostonлари таржималарининг кўплаб нусхаларда чоп этилганлигини ҳам эътиборга олсак, дарҳақиқат, улкан меҳнатнинг салмоғи янада яққолроқ кўринади. Менинг бу мисолларни келтиришимдан мақсад, Хайрулла Ҳамидовнинг жуда кам сонли олим, ижодкорларга насиб этадиган улкан меҳнаткашлик, ижод, тадқиқот ва педагогика йўлида ҳайратланарли тиниб-тинчимаслик, ўта сермахсул ва фаол бўлган инсон эканлигига урғу беришдир.

У ҳар сафар жуда чиройли ва самимий, эҳтиромли сўзлари билан менга ўзининг янги нашр этилган қўлланмалари, таржималари, дарсликларини тақдим этиб боради. Мен эса, уларнинг ҳар бирини синчиклаб ўқиб чиқишга ҳаракат қиламан. Аммо баъзида унинг китобларини варақлаб чиқишга ҳам улгурмасимдан, у бошқа янги нашр этилган илмий китобини ёки таржималарини кулиб туриб қўлимга тутқазиб кетади.

Университетда Хайрулланинг кетма-кет ёзиб нашр этаётган асарларидан бохабар баъзи ҳамкасблари унинг ортидан: “Шунча дарс соатлари бўла туриб, ҳар ой битта китоб ёки рисола ёки таржима чоп этади”, деб қўйишади, яхши кўнгилда.

Хайрулла учун педагогик фаолият, дарс бериш масаласи энг асосий, муқаддас юмушдир. Дарҳақиқат, у бакалаврлар, магистрантларга ўнга яқин фанлардан юксак маҳорат билан маърузалар ўқиш, амалий дарс, семинарлар олиб бориш ва уларга пухта талаб даражасида ҳозирлик кўриш жараёнлари орасида ижод қилиш, илмий тадқиқотлар олиб бориш ва таржималарни амалга оширишга улгуради. Қатор тажрибали профессор-ўқитувчиларимиздан Хайрулланинг мароқли дарс бериш малакаси ҳақида ҳавас билан фикр билдирганликларининг ҳам гувоҳи-

ман. Шунинг учун бўлса керак, унинг атрофида, қачон кузатсанг, ёш педагоглар, талабалар, магистрантлар гавжум.

Хайрулла учун ўқитувчилик том маънодаги касбга айланган.

Яхши инсонни вақт кашф этади, деб бежиз айтишмаган. Хайрулла мен учун 25 йил давомида синалган, кашф қилганим – яхши инсондир.

Мен бир юнон донишмандининг “Инсоннинг даражаси (кимлиги) унинг ўз кучи билан қилган ишига кўра белгиланади”, деган ҳикматига Хайрулла мисолида тўла қўшиламан. Назаримда Хайрулла ўзининг бутун онгли ҳаётини яхши, олийжаноб ва эзгу ишларни қилишга бахш этган ва бу ишларни ўзининг шарафли вазифаси деб билади.

Хайрулланинг филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси асосида чоп этилган “Турк фразеологияси масалалари” (2019-йил, 160 бет) ва докторлик диссертацияси материаллари асосида нашр этилган 276 бетли “Ўзбек қисса ва романлари турк тилида” (2022-йил) монографиялари ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги буюртмаси билан янги чоп этилган салмоқли (382 бет) “Турк тили” дарслиги мисолида айтиш мумкинки, у, дарҳақиқат, ва беистисно ҳозирги замон ўзбек туркшунослигининг улкан, салмоқли, залворли ютуқларини амалга оширишни ўз зиммасига олган олимдир.

Биламизки, фразеология масалалари жаҳон тилшунослигида энг кўп ўрганилган, аммо ҳамон жуда кўп, беҳисоб муаммолари ҳал этилмаган йўналиш ҳисобланади. Бу соҳада, инглиз, рус, немис тиллари бўйича қатор фундаментал тадқиқотлар амалга оширилганлиги, бу тилларнинг бир неча жилдлик фразеологик изоҳли луғатлари чоп этилганлиги маълум. Аммо бошқа жуда кўп тиллардаги фразеологик бирикмаларнинг илмий-назарий тадқиқи ва луғатларини тузиш масалалари ҳамон долзарб бўлиб қолмоқда. Шу жумладан, туркий тилларнинг бу соҳадаги йирик-йирик ечилмаган муаммолари бор. Ўзбек фразеологияшунослиги ҳам, гарчи бошқа туркий тилларга қараганда анчайин илгарилаб кетган бўлса-да, бу ерда ҳам, хусусан, янги илмий-назарий қарашлар асосида ўрганилиши лозим бўлган, ечимини кутаётган масалалар кам эмас.

Хайрулла Ҳамидовнинг турк фразеологиясига оид асари уч йирик боб, ўн иккита фаслдан ташкил топган. Ушбу монографияда ҳозирги турк тилининг фразеологизмларига оид деярли

барча назарий ва амалий масалаларнинг ичига кириб борилган, ҳар бир боб, фаслларда тадқиқ доирасига киритилган ҳар бир масала ва мисол чуқур назарий концепциялар асосида таҳлилга тортилиб, аниқ ва ўта асосли хулосалар чиқарилганлиги билан алоҳида эътиборга лойиқдир. Ўйлайманки, Хайрулла Ҳамидовнинг бу асари ўзбек, озарбайжон, туркман, қозоқ, қирғиз, турк, бошқирд, татар каби туркий тиллар оиласига кирувчи барча тилларнинг турғун, барқарор фразеологик бирликларини ҳам функционал, ҳам назарий типологик ўрганишда ўзининг чуқур, фундаментал таҳлил ва хулосалари билан жуда-жуда асқотади.

Хайрулла бу тадқиқот ишини амалга ошириш жараёнида дастлаб фразеологизмларга оид жуда кўп қарама-қарши назарий қарашларнинг тўғри махражини топиш ва йиғилган улкан материалларни бирма-бир саралашда биров қийналди, ҳатто тушкунликка тушган пайтлари ҳам бўлди. Аммо биламизки, ҳар қандай қийинчилик, муаммо ўз йўлини қатъий танлаган инсон учун уни келажакда ким бўлиб илмий майдонига чиқиши учун синов эди.

Хайрулла Ҳамидовнинг кейинги монографияси унинг “Ўзбек қисса ва романларининг туркча таржималарида миллийлик, бадиийлик ва лисоний адекватлик масалалари” деб номланган докторлик (DSc) диссертациясининг биров қайта ишланиб ва тўлдирилиб нашр этилган вариантыдир.

Маълумки, мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб турк тилидан ўзбек тилига ва ўзбек тилидан турк тилига жуда кўп қисса, роман ва ҳикоялар, пьесалар ва шеърӣ асарлар таржима қилинди. Ва бу таржималарнинг баъзи қирралари ҳақида бир қатор номзодлик диссертациялари ҳам ёқланди. Аммо ҳозирга келиб икки тилда амалга оширилган бадиий таржималарнинг салмоғи, сони ва таржималар билан боғлиқ ўта долзарб **“айтмаса бўлмайдиган”** муаммолар шунчалик кўпайиб кетдики, бу масалаларни кенг миқёсда ўрганиш, керак бўлса таржимачиликда юзага келган ноаниқликлар, кечириб бўлмайдиган ғализликлар, бефарқликлар ва ҳ.к. муаммоларни у ёки бу тарзда кенг ва асосли ўрганиш, ҳал қилиш, тўғри илмий йўлга солиш зарурияти пайдо бўлди. Туркия ва Ўзбекистонимизда таржимашунослик муаммоларини у ёки бу тарзда ўрганишга оид қатор яхши илмий мақолалар чоп этилди ҳам. Аммо масалаларни, чигалликларни таржимашуносликнинг яхлит бир ил-

мий концепция асосида кенг миқёсда монографик тадқиқ этишга узоқ вақтгача қўл урилмади, тўғрироғи, бу уммонга шўнғишга юрагимиз бетламади. Чунки юзага келган ўнлаб долзарб муаммоларни ўрганиш, очиб бериш ва ҳал қилиш учун фақат замонавий жаҳон таржимашунослиги ўртага ташлаётган нуқтаи назарларни чуқур билишнинг ўзи асло кифоя қилмас эди. Бунинг учун ҳар иккала қардош тилнинг барча нозик хислатлари, бадийий имкониятларини олий даражада билиш ва энг муҳими, бундай ишга қўл урмоқчи бўлган тадқиқотчининг ўзи таржимонлик ишини бошидан ўтказган ва бу борада салмоқли тажриба орттирган, **“суяги қотган”** бўлиши керак эди. Назаримда, айнан ана шу хислатларни, малакаларни бошқалардан кўра кўпроқ ва мукамалроқ ўзида мужассам этган олим – Хайрулла Ҳамидов эди.

Хайрулла Ҳамидов бу диссертация ва китобида ўз олдида қўйган барча муаммо ва масалаларни атоқли ёзувчиларимиз Абдулла Қодирийнинг машҳур икки романи, Ойбекнинг “Навоий”, Одил Ёқубовнинг “Адолат манзили” романлари ва Ўткир Ҳошимовнинг “Дунёнинг ишлари” қиссасининг турк тилига туркиялик таржимонлар амалга оширган вариантлари мисолида ҳал қилиш учун, аввало, шу мавзу доирасига кирувчи, “Мустақиллик йиллари ўзбек-турк таржимачилигининг долзарб муаммолари” номи остида бирлашган, бир неча қисмдан иборат илмий тадқиқот ишларини алоҳида китоблар ҳолида эълон қилади. Булар: **“Ўзбекчадан туркчага насрий таржима муаммолари”** (2014 йил), **“Мақол ва идиомалар таржимаси муаммолари”** (2017 йил), **“Абдулла Қодирий асарлари турк тилида”** (2019 йил), **“Одил Ёқубов асарлари турк тилида”** (2019 йил), **“Ўткир Ҳошимов асарлари турк тилида”** (2020 йил), **“Миллий хос сўзлар – романлар ва бадийий таржима”** (Мақолалар тўплами, 1998 йил) ва бу тўпламга кирмаган яна бир неча мақолаларни ҳам эълон қилади. Натижада шу тадқиқотлар ва яна чоп этилмаган бир дунё илмий материаллари асосида дастлаб докторлик (DSc) диссертацияси ва унинг асосида юқорида тилга олинган фундаментал монографиясини чоп этади.

Ушбу монографияга ёзилган бизнинг “Сўзбоши”мизда бу асар ҳақида, жумладан, қуйидагилар зикр этилган эди: “Тадқиқот натижасида А.Қодирийнинг “Ўткан кунлар” ва “Меҳробдан чаён”, Ойбекнинг “Навоий”, О.Ёқубовнинг “Адолат манзили” ро-

манлари, Ў.Ҳошимовнинг “Дунёнинг ишлари” қиссасининг турк тилига таржималари қиёсий таҳлили асосида илк бор асарларнинг асл нусхаларга бадиий жиҳатдан мувофиқлик даражаси аниқланган; таржималарда муаллиф услубининг сақланиши, асарларда қўлланилган ўхшатиш, метафора ва жонлантириш каби бадиий тасвир ва ифода воситалари, реалияларнинг аслиятга мослик даражаси, персонажлар нутқи, портрет ва табиат тасвирини адекват қайта яратиш йўли очиб берилган; мақол ва фразеологизмларнинг таржимада эквивалент, муқобил воситасида ҳамда тавсиф йўли билан берилиши, уларнинг лингвомаданий жиҳатлари аниқланган; аслият образларига хос эмотсионаллик, давр руҳини беришда сўзма-сўз таржимага йўл қўйилиши муаллиф услубининг ғализлашувига олиб келганлиги далилланган; ўзбек ва турк тилларидаги сўзларнинг шаклий жиҳатдан ўхшашлиги ва семантик жиҳатдан фарқлилиги, бадиий матн тузишда тилларнинг ўзаро лексик-семантик муносабатга киришуви масаласи асосланган; таржималарда маънолари етарлича очиб берилмаган, муқобиллари муваффақиятсиз танланган ёки маъноси англашилмай қолган мақол ва фразеологизмлар аниқланган, тўғри вариантлари таклиф этилиб, келажакда ушбу асарларнинг қайта таржима қилиш кераклиги асосланган; таржималарда тилларнинг яқинлигидан юзага келадиган “сохта эквивалентлик”, реалияларнинг берилиши муаммолари аниқланиб, илмий ечимлари таклиф этилган”.

Ўзбекистонимизнинг бу кўзга кўринган туркшунос олими, юксак салоҳиятли устоз, таниқли таржимон Хайрулла Ҳамидовнинг илмий ва ижодий фаолияти келгусида алоҳида рисолада тўлақонли аксини топажак.

Хайрулла Ҳамидовнинг, айтилганларга қўшимча яна бир қатор инсоний хислатлари ҳақида икки оғиз сўз. Хайрулла Ҳамидов ўзининг барча яхши ва гўзал инсоний хислатлари билан университетда ва ундан ташқарида танилган, ҳақиқатдан ҳам унда биз кашф қилган яхши хислатларининг сарлавҳасида унга хос бўлган одамийлик, оққўнгиллик, тўғри-сўзлик, ўзбеконалик, ҳақсўзлик, камтаринлик ва бағрикенглик, донишмандона фикрлашга мойиллик, бирсўзлик, поклик, аҳли аёли ва фарзандларига, яқинларига, дўстларига, устозларига бўлган самимийлик, меҳрибонлик ва яна ўнлаб олийжаноб фазилатларнинг соҳиби эканлигига гувоҳман.

Хайрулла Ҳамидов бирон бир кимсага озор бермаган, аксинча қўлидан келганича яқинлари, шогирдларини қўллаб-қувватлашни ўзининг бурчи деб билади. Ўзи ишлайдиган кафедранинг барча аъзолари Хайруллани айнан юқорида зикр этилган ва этилмаган инсоний хислатлари, меҳнаткашлиги учун чин дилдан ҳурмат қилишади, яхши кўриб ардоқлашади. Қўйиб берса уларнинг ҳар бири Хайруллани бошига кўтариб юришга ҳам тайёр. Назаримда кафедрани усиз тасаввур этиб бўлмайди. Ҳамма бу меҳрибон, хушмуомала, кўнгли очик ва тиниб-тинчимас, заҳматкаш олим, ҳаммага кўмак беришга тайёр, кафедранинг бош “патриоти” бўлган бу инсонга жуда боғланиб, ўрганиб қолган. У келмаган куни кафедра ҳам ҳувиллаб қолгандек бўлади. Юнон файласуфи айтади: “Яхшилик буюкликдан иборат эмас, аксинча буюклик яхшиликдан иборат”.

Ҳозир у ҳаётнинг аччиқ-чучуги, баланд-пастликларини кўриб бўлган, ҳамма ўйлаган эзгу ниятларни тўлақонли амалга оширишга қодир ёшда. Унинг қиладиган ишлари, режалари кўнглига тинчлик бермай турибди. Ишонаманки, у албатта, ўнлаб илмий салоҳиятли ёшларни тарбиялаб беради, яна ўнлаб монографиялар ёзади, дарсликлар яратади, турк тилидан ўзбек тилига, ўзбек тилидан турк тилига кўп сара асарларни қойилмақом қилиб таржима қилади, халқаро конференцияларда иштирок этиб, илмий чиқишлар қилади. Булар орасида амалга оширилиши муҳим бўлган ишларини, ўз китобларини ҳам турк тилига таржимасини албатта амалга ошириши керак, деб ўйлайман. Буларнинг ҳаммаси мен унда кўрган ўша буюк эзгуликлардир. Хайруллага бардавом, мустаҳкам саломатлик тилайман.

Tarjimashunoslar forumi – 2023.

Translation Forum – 2023

(Xalqaro ilmiy-amaliy anjuman materiallari).

– Toshkent: TDSHU, 2023. – B.311-316.





Adabiyot, madaniyat yashasa — millat yashaydi

O'ZBEKISTON ADABIYOTI VA SAN'ATI

1956-yil 4-yanvardan
chiqa boshlagan

ADABIY-BADIY, MA'NAVIY-MA'RIFIY, IJTIMOY GAZETA

№ 52 (4554)
2019-yil 27-dekabr

Абдулла Қодирий таваллудинини 125 йиллиги


№ 52 (4554) 2019 йил 27 декабрь

Ўзбек адабиётининг энг сара намуналарини хорижий тилларга таржима қилишга бугунги кунда давлат миқёсида аҳамият берилаётир. Мустақиллик туфайлигина хорижий тиллардан, яъни аслиятдан ўзбек тилига, ўзбек адабиётининг сара намуналарини хорижий тилларга таржима қилиш имкони юзага келди. Бу жараён, табиийки, таржимашуносларни ҳам фаолликка ундаётир.

ТУРКЧАГА ТАРЖИМА ҚИЛИШ ОСОНМИ?

Адҳамбек АЛИМБЕКОВ,
ТошДШИ доценти

Тошкент давлат шарқшунослик институти “Таржимашунослик” кафедраси мудири PhD. Хайрулла Ҳамидовнинг “Ўзбек-турк таржимачилигининг долзарб муаммолари (1991-2017 йиллар)”. Абдулла Қодирий асарлари турк тилида” номли рисоласида (ТошДШИ, 2019) улуғ адиб романларининг турк тилига таржималари



таҳлил этилган. Қардош туркий тиллардан таржима қилиш осон деб ўйловчилар бор. Аммо бу янглиш фикр. Ҳар бир тилнинг ўз нозиклиги бўлиб, таржимон шуни ҳис қилиши ва “алдоқчи сўзлар”ни билиши керак. Абдулла Қодирий асарларининг турк тилига таржимаси бунинг яхши мисолидир.

Адибнинг “Ўткан кунлар” романини Аҳсан Ботур, “Меҳробдан чаён” романини биринчи марта Я.Карадениз, ундан кейин қодирийшунос турк олими Азиз Мерҳан турк тилига ўгирган.

Таҳлиллар давомида тадқиқотчи хос сўзларни беришда мутаржим майда деталларга эътибор қилмагани боис таржимада

миллийликка қисман путур етганини тўғри таъкидлайди. Масалан, Х.Ҳамидов “Ўткан кунлар”да учрайдиган фонетик ва морфологик жиҳатдан туркий сўз эканлиги сезилиб турган “*чимилдиқ*” сўзи қатнашган бир ўзбекча жумла ва унинг туркча таржимасига эътибор қаратар экан, ушбу сўзнинг туркча таржимада “*zifaf çadırı*” (никоҳ чодир) дея изоҳланганини таъкидлайди. Ҳолбуки, туркларда никоҳ ўқилган хонанинг келин-куёв тўшаги солинадиган ва парда (чимилдиқ) тутилган қисми “*gerdek*” дейилиши, “*zifaf çadırı*” бирикмаси таркибидаги “*zifaf*” сўзининг луғавий маъноси “никоҳ” эканлиги (*zifaf gecesı* ёки *leylei zifaf* – никоҳ кечаси), сўзнинг яна бир синоними *hacle, haclegâh (haclegâhe girmek* – *чимилдиққа кирмоқ*) эканлиги боис таржимада ушбу сўзнинг “*gerdek*”¹ деб ўгирилиши мақсадга мувофиқ бўлишини турк тилининг изоҳли луғатидан далил келтириб, исботлайди. Тадқиқотчи таржимоннинг ютуғини ҳам, камчилигини ҳам зийраклик билан кузатиб мисоллар келтиргани таржимага холис ёндашганлигини кўрсатади. “Ўткан кунлар”даги яна бир машҳур сўз, – деб ёзади Х.Ҳамидов, – Кумушбибининг “бегона” қўлдан сесканиб айтган сўзидир: “–*Ушламангиз*, – деди ҳам сиқувчи қўлдан қутилиш учун орқага тисланди”. Ушбу сўзни турк таржимони “– *Dokunmayınız!* – *dedi ve kolunu tutan elden kurtulmak için geriye çekildi.*” – шаклида жуда ишончли ўгирган. Аслида таржимон ушбу сўзни “– *Dokunmayın!*” деб содда буйруқ майли (2-шахс кўплик) шаклида ўгирса ҳам бўларди, аммо у ҳозирги жонли нутқда деярли қўлланмайдиган олий ҳурматни ифодаловчи *-iz* қўшимчасини қўшиб, тўғри йўл тутди (99-бет).

Тадқиқотчининг таржимани зийраклик билан текширгани “Меҳробдан чаён” таржимаси хусусидаги фикрларида ҳам кўрилади. Бир мисол. “Меҳробдан чаён” таржимаси ҳақида сўз борганда эса, – деб ёзади Х.Ҳамидов, – китобхоннинг хаёлига илк келадиган нарсаси роман қаҳрамони Анварнинг маҳбубаси Раънога, ҳозиржавоб Раънонинг эса Анварга ёзадиган байтидир:

*Агар Фарҳоднинг Ширин, бўлса Мажнунларнинг Лайлоси,
Насиб ўлмиш менга гулшан аро гулларнинг “Раъно”си. (Мирзо)
Агар ор этса Лайли ҳақлидир Қайснинг жунунидин,
Не бахт, Раъно, харидоринг талаб аҳлининг “Мирзо”си (Раъно).*

¹ Турк тилининг изоҳли луғатида *gerdek* сўзига қуйидагича изоҳ берилади: “келин-куёв учун махсус бўлма, хона; келиннинг хонаси, никоҳ хонаси”.

Асарнинг ушбу байтлар келтирилган фаслида Раънонинг гўзаллигидан ташқари, маъсума қизнинг одоб-ахлоқи, ақл-заковати, фаҳм-фаросати, шоиралик қобилияти намоён бўлади. Энди ушбу байтларнинг таржималарини кўриб чиқамиз. Туркча таржимаси:

*Eğer Ferhad'ın Şirin'i, olsa Mecnunların Leylâ'sı,
Nasip olmuş bana çiçek bahçesi arasında çiçeklerin Rânâ'sı.
Eğer utansa Leylâ haklıdır, Kays'ın akılsızlığından,
Ne şans, Rânâ aşk isteyenin "Mirza"sı.*

Ташқаридан қараганда, таржима жуда бежиримга ўхшайди, оҳанг, қофиялар ҳам жойида. Аммо синчиклаб қаралса, биринчи байтнинг иккинчи мисраси сўзма-сўз ўгирилган ва оқибатда “ичида” маъносидаги ўзбекча “аро” сўзи туркча “ўртасида”, “орасида” маъносидаги “*arasında*” сўзи орқали бериб қўйилган. Иккинчи байтнинг иккинчи мисрасида эса “бахт” сўзи европача “*şans*” сўзи орқали берилган. Ҳолбуки, турк тилида шеърларда “*baht*” сўзи бемалол қўлланилиши мумкин эди. Бундан ташқари, ўзбекча мисра туркча таржимада ҳеч қандай маъно касб этмаган, яъни мазмун англашилмай қолган. Агар охириги мисра транслитерация усули билан қуйидагича берилганда ҳам маъно тўла англашилган бўлар эди:

*Eğer âr etse Leylâ haklıdır, Kaysın cünûnünden,
Ne baht, Rânâ, haridar²ın talep ehlinin "Mirza"sı.*

Абдулла Қодирий романлари нафақат мукаммал услуби ва чуқур ижтимоийлиги билан, балки асарларда қаҳрамонлар ўз нутқларида қўллаган машҳур, барқанот сўз ва иборалари билан ҳам халқимиз эътиборини ўзига тортиб келади. Салкам юз йилдан бери миллионлаб ўзбекни ўзига жалб этиб келаётган бу барҳаёт асарлардаги сўз ва ифодалар халқимиз орасида оғиздан-оғизга ўтиб, жонли нутқнинг ажралмас парчасига айланган.

Х.Ҳамидов турк тилидаги таржимадан мисоллар келтирар экан, бунда романдаги энг асосий нуқталар таржимасига эътибор қилади ва уни аслиятга руҳан қанчалик мос келишига аҳамият қаратади. Шу ўринда қуйидаги мисол намунадир: “Ўзбек ойимнинг Отабекни жаҳлини чиқариши эпизодини ҳам келтириб ўтиш ўринли бўлади: “*Биз сани марғилон андисига бунчалик муккадан кетишингни ўйламаган эдик, адабсиз... Ўзинга қолса шу*

² “Haridâr” сўзини таржимасиз қолдириб, унга “alıcı, talip, damat adayı” деб туркча изоҳ бериш мумкин.

марғилонлиқни хотинға ҳисоблаб кетаберар экансан-да, уятсиз!.. Отабек ҳам қизишди: – Хотин бўлмаса нима, ахир?!

– Қошлиқ, кўзлик бир анди!

– Анди деганингиз нима ўзи?

Юсуфбек ҳожи ўғлини босиш ўрнига жавоб бер, дегандек қилиб илжайган ҳолда хотинига қаради. Ўзбек ойим “анди” маъносини билдириб, андиларнинг сирини рад қилиш учун бироз тутилиб қийналди: – Анди... анди... ўзи хитойми, нима бало... ўзи қалмоқдан тарқаган бўладир. Тушунмаган бўлсанг, лўлиларнинг бир тойифаси... Бу жавобга Юсуфбек ҳожи ўзини хохлаб қулишдан тўхтата олмаганидек, Отабек ҳам қулиб юборди... Жиддият билан ўғлига деди: – Ўғлим, сен онангнинг гапига аччиқланма...”.

Ўзбек ойимнинг Отабекка жаҳл қилиб айтган сўзлари эса турк тилида қуйидагича берилган: *“Biz senin Mergilanlı bir yabanın eteğine uyarışır kalacağını düşünmezdik, edepsiz! Kendine kalsa şu Mergilanlıyı hanım diye bağına basacaksın, utanmaz seni!..*

Atabey de sinirlendi:

Hanım değil mi dedin, ne dedin?

Kaşı gözü bulunan bir yaban!

Hacı Yusufbey, aşağıdan al der gibisinden karısına baktı. Özbek hanım “yaban”ın ne demek olduğunu anlattıktan sonra, onların sihrinden oğlunu kurtarmak için hayli zorlanmaya başladı.

Yaban.. yaban işte!. Çinli mi, Kalmak artığı mı her neyse.. Halâ anlamadıysan anla! Çingenelerin bir kolu!. Hacı Yusufbey, bu cevap karşısında kahkaha atmaktan kendini alamadı. Atabey de gülmeye başladı. ...Hacı bey, gözlerindeki yaşı silerek ciddi bir tavırla:

Sen ananın sözüne alınma, oğlum! – dedi”.

Турк таржимони Отабек билан онаси орасидаги диалог таржимасида анча эркин иш тутган. Буни тадқиқотчи ўз рисоласида назардан қочирмаган. “..Марғилон андисига бунчалик муккадан кетишинг...” бирикмасини “марғилонлик бир келгиндининг этагига ёпишиб қолишинг” (*Mergilanlı bir yabanın eteğine uyarışır kalacağını*)” деб, “хотинға ҳисоблаб кетаберар экансан-да...” бирикмасини эса “хоним дея бағринга босасан...” (*...hanım diye bağına basacaksın...*) деб ўгирган. Бундан ташқари, “Бошқа жойдан келиб ўрнашиб қолган; келгинди. 2. Таги, зоти паст (зодагонлар, бойлар назарида)”³ маъносидаги “анди” сўзини туркча луғатдаги шакли, яъни “yaban” сўзи орқали ўгирган турк таржимони “хотин” сўзини “hanım” (хоним) деб берган. Ҳолбуки, бу сўзни “кағи” (хотин) деб берган маъқул эди” (97-б).

³ Ўзбек тилининг изоҳли луғати, 5 жилдди: –Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006, 1-жилд.

Тарихий асарларда замон руҳини сақлаш муҳим масала. Таржимада ҳам шундай бўлиши керак. А.Қодирий романларининг туркча таржимасида *diktatör, sempatik, normal* ва шу каби замонавий турк тилида ишлатиладиган сўзларнинг қўллангани асарнинг тарихийлигига зарар етказган. Туркчада “табиб” сўзининг ***tabip, hekim*** сингари муқобиллари бўлгани ҳолда доктор деб бериши каби. Реалиялар таржимасида аслиятнинг таржима қилинаётган тилда муқобили бўлмаса, аслиятдагидек берилган сўзга изоҳ бериш энг мақбул йўлдир. Афсуски, туркча таржимада бунга ҳамиша риоя қилинавермайди.

XX асрнинг охири, XXI асрнинг бошларида ўзбек тилидан турк тилига ўгирилган асарларда йўл қўйилган хато ва камчиликларнинг асосий сабаби ўша йилларда ўзбек адабиёти намуналарини туркчага ўгиришга фаол киришилган бўлсада, таржима танқиди ва ўзбекчадан туркчага таржиманинг ўзига хос тамойиллари унчалик яхши шаклланмаганлиги, лексик ва услубий имкониятларнинг ҳали тўла намоён бўлмаганлиги оқибати дея тушуний мумкин. Шу боис бундай нуқсонлар нафақат ўзбекчадан туркчага бадий таржима, балки бутун таржимачилик соҳасига хос объектив ҳолатдир. Зеро, замон талаби билан ўша йиллар фақат бир мақсад – турк китобхонларини ўзбек адабиётининг буюк намуналари билан тез орада таништириш кўзда тутилган эди. Шу сабаблими, таржимада, айниқса “Ўткан кунлар”да айрим боблар тушириб қолдирилган. Мансабни билдирувчи “қутидор” сўзи касбга оид “сандиқчи” бўлиб қолган. Илк таржимадаги қусурлар кейингиларда тузатилади деган умиддамиз. Шунинг учун ҳам Х.Ҳамидовнинг “Ўзбек-турк таржимачилигининг долзарб муаммолари (1991-2017 йиллар)”. Абдулла Қодирий асарлари турк тилида” номли рисоласи каби илмий асарлар таржимачилигимиз учун жуда зарур. Бундай тадқиқотлар таржимашунослигимиз савиясини кўтариб, ёш олимлар учун намуна бўла олади. Айни пайтда ўзбек тилидан турк тилига таржима қилувчи ижодкорлар учун ҳам ўзбек таржимашунослигида таржима савиясини кўрсата оладиган олимлар борлиги таржимонларни ҳушёр торттириб, таржима ишига масъулият билан ёндашишга ундайди.



**ЎЗБЕКЧА-ТУРКЧА ТАРЖИМАЛАРДА СЎЗ ТАНЛАШДА
ТАРЖИМОН МАҲОРАТИ
(Хайрулла Ҳамидов таржималари мисолида)**

ШАБАНОВ ЖУМАЛИ

Филология фанлари номзоди, доцент, ТДШУ

Аннотация. Турк тилидан ўзбек тилига жуда кўп бадиий асарлар таржима қилинди. Бунда ўзбек таржимонларининг ҳиссаси катта. Бунинг баробарида ўзбек адабиётининг энг сара намуналари ҳам турк тилига ўгирилиб, турк китобхонларига армуғон этилмоқда. Ўзбек насри раънақига муносиб ҳисса қўшган А.Қодирий, П.Қодиоров, А.Қаҳҳор, Ў.Ҳошимов ва бошқа атоқли адибларимизнинг асарлари бугунги кунда турк китобхонларига етиб борган. Бунда эса турк таржимонларининг ҳиссалари беқиёс. Шу билан бир қаторда ўзбек адабиёти намуналарини турк тилига таржима қилишда ўзбек таржимонларининг ҳам муносиб ҳиссалари бор. Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Ўзбекистон Қаҳрамони Саид Аҳмад асарларининг устоз Иристой Қўчқортоев, Х.Ҳамидов ва шогирдлари томонидан турк тилига қилинган таржималари ишлар жумласидандир. Таҳлилга тортилган асарлар ва таржималар ҳақида сўз юритилар экан, келгусида бу соҳадаги ишларни янада ривожлантириши, ўзбек таржимонларининг айрим камчиликларини кўрсатиши билан биргаликда уларнинг ютуқларини ҳам қайд этиши, таржималарни моҳир таржимонлар назаридан ўтказиб бориши мақсадга мувофиқ.

Таянч сўз ва иборалар: Таржима, таржимон маҳорати, Х.Ҳамидов, турк таржимонлари, дунё адабиёти, фразеологизмлар.

Аннотация. Многие произведения искусства переведены с турецкого на узбекский. При этом значителен вклад переводчиков с узбекского языка. В то же время лучшие образцы узбекской литературы переводятся на турецкий язык и представляются турецким читателям. На сегодня турецкие читатели ознакомились с произведениями А. Кадъри, П. Кадърова, А. Каххора, О. Хошимова и других известных писателей, внесшими достойный вклад в развитие узбекской прозы. Неоценим вклад турецких переводчиков. Вместе с тем, узбекские переводчики внесли достойный вклад в перевод узбекской литературы на турецкий язык. Среди них переводы произведений Народного писателя Узбекистана, Героя Узбекистана Саида Ахмада на турецкий язык, выполненные Иристой Кочкартоевым, Х. Хамидовым и их учениками. Говоря об проанализированных произведениях и переводах, целесообразно и дальше развивать работу в этом направлении, выделить некоторые недостатки узбекских переводчиков, а также их достижения, вести переводы с точки зрения квалифицированных переводчиков.

Опорные слова и выражения: Перевод, переводческое мастерство, Х.Хамидов, турецкие переводчики, мировая литература, фразеология.

Abstract. Many works of art have been translated from Turkish into Uzbek. The contribution of Uzbek translators is significant. At the same time, the best examples of Uzbek literature are being translated into Turkish and presented to Turkish readers. The works of A. Kadyri, P. Kadyrov, A. Qahhor, O. Hoshimov and other famous writers who have made a worthy contribution to the development of Uzbek prose have reached Turkish readers today. The contribution of Turkish translators is invaluable. At the same time, Uzbek translators have made a worthy contribution to the translation of Uzbek literature into Turkish. Among them are translations of the works of the People's Writer of Uzbekistan, Hero of Uzbekistan Said Ahmad into Turkish by teachers Iristoy Kochkartoev, H. Khamidov and his students. Speaking about the analyzed works and translations, it is expedient to further

develop the work in this area, to highlight some shortcomings of Uzbek translators, as well as their achievements, to conduct translations from the perspective of skilled translators.

Keywords and expressions: Translation, translator skills, Kh.Hamidov, Turkish translators, world literature, phraseology.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги йилларида бутун дунё халқлари ўзбек адабиёти, тарихи ва маданиятини бадиий таржима воситасида янада яхшироқ таний бошлади. Ўз навбатида, ўзбек адабиёти ҳам дунё адабиёти дурдоналари билан янада бойиди. Адабиёт соҳасида алоқаларни кучайтириш, ўзбек адабиёти, маданияти, қадриятларимизга ҳурмат билан қараётган халқларга нималарни тақдим этишимиз мумкин деган масала кун тартибидан ўрин олди.

Сўнгги йилларда турк тилидан ўзбек тилига жуда кўп бадиий асарлар таржима қилинди. Бунда ўзбек таржимонларининг ҳиссаси катта. Бунинг баробарида ўзбек адабиётининг энг сара намуналари ҳам турк тилига ўгирилиб, турк китобхонларига армуғон этилмоқда. Ўзбек насри равнақиға муносиб ҳисса қўшган А.Қодирий, П.Қодиров, А.Қаҳҳор, Ў.Ҳошимов ва бошқа атоқли адибларимизнинг асарлари бугунги кунда турк китобхонларига етиб борган. Бунда эса турк таржимонларининг ҳиссалари бекиёс. Шу билан бир қаторда ўзбек адабиёти намуналарини турк тилига таржима қилишда ўзбек таржимонларининг ҳам муносиб ҳиссалари бор. Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Ўзбекистон Қаҳрамони Саид Аҳмаднинг асарларининг устоз Иристой Қўчқортоев, Х.Ҳамидов ва шогирдлари томонидан турк тилига қилинган таржималари шулар жумласидандир.

Ўзбек ёзувчиси С. Аҳмад асарларининг қаҳрамонлари оддий одамлар. Уларнинг ҳатти-ҳаракатлари, гап-сўзлари, орзу-умидлари табиий, ҳаётда бирон нарсага эришса қувонишади, хато қилишса, тўсиқларга дуч келиб, муваффақиятсизликка учрашса қайғуришади, изтироб чекишади. Уларнинг қувонч онлари, дарду изтироблари адиб томонидан ғоят ишончли қаламга олинади.

Қуйида ўткир қалам соҳиби Саид Аҳмад ҳикояларининг турк тилига бадиий таржимаси хусусида сўз боради. Ҳикоялар турк тилига Х. Ҳамидов томонидан таржима қилинган.

Таржимада ҳар доим маданий компонент, яъни бир халққа хос бўлган маданий унсур – халқ мақолларидир. Таржимон ижод жараёнида ана шу маданий бўёқдор сўзларга доимий равишда эътибор бериши керак.

Саид Аҳмаднинг “Бир ўпичнинг баҳоси” деб номланган ҳажвий ҳикоясидан: “Аёл қиқирлаб кулди. Шунда йигит уни елкасидан тортиб ўзига қаратди-да, яна чўпиллатиб ўпа бошлади. Йигитнинг дўпписи скамейка орқасига тушди. Қўл узатиб олаёт-

ганда кўзи Сотволдига тушдию қимирламай қолди. Ердан олган дўппи худди бир тонналик юк бўлиб туюлди. У дўппини нима қилишини билмай бақрайиб тураверди”⁴. Ушбу парчани Х.Ҳамидов турк тилига қуйидагича ўгиради: “*Kadın da hıkır hıkır güldü. O an adam kadının omuzlarından tutarak kendine çekip öpmee başlamaz mı?! Derken adamın başındaki doppusu peykenin arkasına düştü. Elini uzatıp doppuyu kaldırırken gözü Satvaldı’ya düştü. Eğildiği hâlde donakaldı. Kaldırmakta olduğu doppu değil de, bir tonlu ağır yüktü sanki. Ne yapacağını şaşırıp bir an hareketsiz durdu*”⁵.

Таржимон парчани ўгирар экан, ҳар бир сўзга алоҳида эътибор қаратган. Бир сўзга алоҳида эътибор қаратамиз. Таржимон ўзбекча “дўппи” сўзининг аслиятдагидай ёзилишига эътиборга олинган, яъни сўз транслитерация йўли билан ўгирилган. Шу билан бирга, тавсифий таржима усулини қўллаш орқали мазкур реалияга изоҳ бериб ўтилган: *doppu* – “*takkeye benzeyen baş giysisi*”. Ушбу мисолда Саид Аҳмад енгил бош кийими – дўппини “бир тонналик юк”ка ўхшатиш, яъни адиб метафорик ўхшатиш усулини қўллаш орқали йигитнинг аҳволини, шарманда бўлганлигини тасвирлайди. Таржимада бу индивидуал метафорик ўхшатиш калькалаш йўли билан берилади: Худди бир тонналик юк бўлиб туюлди. – *bir tonlu ağır yüktü sanki*. Шу каби, парчада “бақрайиб турмоқ” бирикмаси учрайди (“У дўппини нима қилишини билмай бақрайиб тураверди”) Уни таржимон “*Ne yapacağını şaşırıp bir an hareketsiz durdu*” – деб ўгиради. Таржимон асл матндаги вазиятни ишончли тиклаб бера олган.

Яна бир парчага эътибор берамиз: “– *Хотин, – деди Тўлаган бир кун. – Бир нарсага ҳайронман. Менинг бурним япасқи, сенинг иягинг наст. Мен буғдойранг, сен оппоққинасан, боламиз нечукким қирра бурун, қоп-қора, сочлари жингала, худди Пушкиннинг бола пайтига ўхшайди. Мабодо туғуруқхонада бировнинг боласига айрибоши қилиб қўйишмаганмикин? Уруғимизда бунақанги башарали одам бўлмаган эди шекилли. Лўли-пўлининг боласи эмасмикин?*

– Э, гапингиз қурсин...

– Ўша сен ётган роддомда биронта лўли хотин туғмаганмиди?

Марҳаматхон ўйланиб қолди.

–Қайдам. Бир лўли хотин бола кўрди, дегандек гап бўлганди шекилли.

⁴ Саид Аҳмад, “Бир ўпичнинг баҳоси”, ҳикоя, Танланган асарлар, 3 жилдлик, 2-жилд, Ҳажвиялар, пьесалар, “Шарқ” нашриёт-матбаа концерни Бош таҳририяти. – Тошкент, 2000.

⁵ Said Ahmad, “Bir öpücüğün faturası”, hikâye, Özbek Edebiyatı’nın Seçme Eserleri, 2. Bölüm. Hikâyeler. –T.: “Mumtoz So’z”, 2013.

Тўлаган икки тиззасига шапиллатиб уриб, ўрнидан туриб кетди.

– Ана, айтмадимми? Бу бола лўли, қилиқлари ҳам лўлича. Дутор олиб бердим, қарамади, рубоб олиб бердим, ушлаб ҳам кўрмади. Чилдирма олиб келганимда кўлимдан юлиб олди-ю, дарангла-тиб чалишга тушиб кетди. Лўлилар чилдирмага ўч бўлади-да. Ўн иккига энди кирди, мўйлаби чиқяпти. Умуман, лўли болаларнинг мўйлаби тез чиқади дейишади.

Юқоридаги парчанинг Х.Ҳамидов томонидан қилинган туркча таржимасига эътибор қаратамиз: *“Karıcığım, düşündükçe şaşırıyorum. Benim burnum yassı, senin çenen de düz, ben esmerim, sen de beyaz tenlisin. Ama neden oğlun gagaburun, teni de simsiyah, saçları kıvrıcık, Puşkin’in gençliğini hatırlatıyor. Acaba, bu çocuğu doğum evinde başkasının çocuğuyla değiştirmişler mi, yoksa? Bildiğim kadarıyla, bizim ailede böyle bir çocuk doğmamış. Çingene falan mı doğurmuş bu çocuğu diye korkuyorum.*

– *Saçmalama!..*

– *İşte o senin yattığın doğum evinde o günler çingene kadın doğum yapmamıştı, değil mi!*

– *Merhamet hanım biraz düşünceye daldıktan sonra:*

– *Nereden bileyim, ama orada bir çingene kadının doğum yaptığı kulağıma çalınmıştı bir ara, – dedi.*

Töleşen dizlerini dövdü ve hemen oturduğu yerden fırladı.

– *Söyledim, ya! Bu çocuk çingene yavrusu, vallahi. Davranışları da tam çingenelere has. Dutar³ aldım, elini bile sürmedi, rübab⁴ aldım, dönüp bakmadı, ama bir tef getirdim, elimden hemen çekip aldı ve gümbür gümbür çalmaya başladı. Vallahi, bu çocuk gerçek bir çingene yavrusu. Çünkü çingeneler tefi görünce dayanamazlar. Daha on iki yaşım doldurmadı, ama bıyığı çıkmaya başlamış. Çünkü çingene çocuklarının bıyıkları erken çıkar, kıllı bir millet olur onlar.*

Саид Аҳмад асарларидаги ибораларнинг таржимада берилиши алоҳида мавзуни ташкил этади. Масалан, ўзбек тилида “ошга пашша тушмоқ” ибораси бор (“хурсандчилик пайтда бирдан нохуш вазиятнинг юз бериши” маъносида). Таомларнинг шоҳи ҳисобланган ош билан боғлиқ анаъаналар қанча кўп бўлса, бу билан боғлиқ мақол ва иборалар ҳам кам эмас. Саид Аҳмад ушбу иборани “ширин суҳбатнинг белиги тепиш” маъносида “чойга пашша тушмоқ” шаклида ишлатади. “Бир ўпичнинг баҳоси” ҳикоясида ўн икки яшарлик Сотволди паркда дадаси Тўлаганнинг дўкон сотувчиси Суйди-хонни ўпганини кўриб қолади. Ота-боланинг ўртасида даҳанаки жанг бўлади: *“Тўлаган ёнидаги жувонга қаради.*

– Сиз кетаверинг, чойимизга пашша тушди. Бу аҳмоқ билан ўзим гаплашиб қўяман”. Жумла туркчага қуйидагича ўгирилган:

“Töleğen yanındaki kadına baktı.

Hayatım, sen şimdi git, çayımıza sinek düştü artık. Bu yaramaz çocukla konuşurum ben, sen hiç merak etme, tamam mı? Haydi...”

Таржимада ўзбекча ибора калкалаш усулида берилган. Бундан ташқари, таржимон айрим сўзларни ўзидан қўшиб жумланинг таъсирини янада кучайтиради. Масалан, таржимон *“Hayatım”, “Sen hiç merak etme, tamam mı? Haydi”* жумлаларини ўзидан қўшиш орқали ўзбекча матнни туркча сўзлашув услубига максимал даражада яқинлаштиришга ҳаракат қилади.

Ўзбек адабиётида ўзининг ўчмас асарлари билан ном қолдирган, халқ меҳри ва ардоғига сазовор бўлган ёзувчи ва драматург Саид Аҳмадни қанчалар таърифласак кам. Ҳикоя ва романлари ҳар бир ўзбек хонадонининг китоб жавонидан ўрин олган адибнинг ибратли ҳаёт ва ижод йўли китобхонлару тадқиқотчилар томонидан зўр қизиқиш билан ўрганилиб келинмоқда.

“Саид Аҳмад ҳикояларида Ойбекнинг психологик тасвир маҳорати, Ғафур Ғулом юмори, Абдулла Қаҳҳор баёнидаги ихчамлик мужассамдир.”⁶ Дарҳақиқат, адиб ҳикояларининг ўқиркан ушбу фикрларнинг нечоғлик тўғри эканлигига амин бўласиз. Ўзига хос баадияти, юморига эга бўлган ёзувчининг қаҳрамонлари оддий кишилар бўлиб, ҳар доим эзгу орзу-истаклари йўлида курашадилар. Уларнинг ҳаёт тарзида миллийлик, қадриятларга содиқлик, раҳм-шавқат, каттага ҳурмату кичикка иззат каби инсоний туйғулар акс этади. Шунингдек, ёзувчи жамият ҳаётидаги баъзи бир камчиликларни енгил мутоиба билан қаламга олиб муҳим маънавий масалаларни олға суради.

С.Аҳмаднинг “Ялпиз ҳиди” ҳикоясида эри билан уришиб қолиб, ундан қасд олиш ниятида аҳдига хиёнат қилмоқчи бўлган аёл ҳақида. Ҳикоя хотин-қизлар, оила, муҳаббат мавзусида ёзилган ва адибнинг бошқа асарларидан алоҳида ажралиб туради. Бир мисол: “Бу ташвишни ўзимга қаёқдан орттирдим, дедим-у малол келгандек унинг оппоқ билакларидан ушлаб турғиздим-да, бир қўлимни белидан ўтказиб (бошқа иложим ҳам йўқ эди), сув ёқалаб олиб кетдим. ...Атроф жимжит. На қуш учади, на одам ўтарди. Бўй баравар қамишлар қилт этмайди. Ялангликроқ жойга келиб тўхтадик. Хотин сал ўзига келди” (72-б). Парчада персонажнинг ўша топда нима ўйлаётгани ифода этилган. Унинг фикрларидаги қарама-

⁶ <http://n.ziyouz.com/portal-haqida/xarita/o-zbek-ziyolilari/said-ahmad> -1920-2007

қаршилик, беқарорлик муаллиф томонидан ишончли берилган. Ушбу парчанинг туркча таржимасини кўздан кечирамиз: *“Nasıl karşıma çıktı bu baş belası?” düşüncesiyle kadının bembeyaz bileklerinden tutup ayağa kaldırdım ve bir kolumu belinden geçirerek su boyundan ileriye doğru götürdüm. Başka çarem de kalmamıştı zaten. ...Etraf sessiz. Ne bir kuş uçuyor, ne de bir insan. İnsanın boyu kadar kamışlar kıpırdamıyor bile. Düz bir yere gelince durduk”* (53-б). Турк тилига ишончли ўгирилган монологнинг баён шакли ва мазмуни таржимани ўқувчи китобхонга жуда ҳам тушунарли, оҳангдор, образли нутқ воситалари ниҳоятда бўёқдор.

Sharq mash'ali, 2021 yil 2-son
ISSN 2010-9709



ЯШАР КАМОЛНИНГ “СЕВГИ АФСОНАСИ” РОМАНИДАГИ МИФОЛОГИК УНСУРЛАРНИНГ ЎЗБЕКЧА ТАРЖИМАДА БЕРИЛИШИ

Рустам Шарипов, ТДШУ доценти, ф.ф.н.,
Ойбек Жумабоев, ТДШУ тадқиқотчиси

Ушбу мақолада атоқли турк адиби Яшар Камолнинг “Севги афсонаси” (“Ağrıdağı Efsanesi”) романидаги мифологик унсурлар ва уларнинг ўзбекча таржимада берилиши, таржимоннинг сўз танлаш маҳорати масаласи роман қаҳрамонлари, ўз муҳаббати учун курашган Аҳмад ва Гулбаҳорнинг қисмати ҳақида ҳикоя қилиш орқали кўриб чиқилган.

Юксак истеъдоди, инсон қалбининг туб-тубида ётган кечинмаларни санъаткорона ифодалаш қобилияти, насрий назми билан XX аср иккинчи ярми турк адабиётининг йирик намояндаларидан бирига айланган атоқли адиб – Яшар Камолнинг «Севги афсонаси» (“Оғритоғ ноласи” – “Ağrıdağı Efsanesi” [1]) романи жаҳон адабиётининг сара асарлари сирасига киради. 1955 йилда нашр этилган ушбу роман адибнинг қисқа даврда дунёнинг қирқдан ортиқ тилига таржима қилиниб, адиб номини дунёга танитган “Инжа Мамад” романидан кейинги машхур асаридир. Асарда

⁷ Очилов Э. Таржима назарияси (ўқув қўлланма). – Т.: 2014. -74-б.

ўз муҳаббатини Маҳмудхондан ҳимоя қилган Аҳмад ва Гулбаҳорнинг аччиқ қисматлари ҳақида ҳикоя қилинади. Афсоналар ва халқ оғзаки ижодига чин юракдан боғланган Яшар Камолнинг ушбу асари инсон психологиясининг энг теран торларини чертиб ўтади. Таржимада асарнинг айна мана шу нозик хилқатларини ўзбек ўқувчисига аниқ, раво ва энг муҳими бадиий салмоғини туширмаган ҳолда етказиб беришга муваффақ бўлинган.

Ҳақиқий сўз устаси, ўз ижодини Онадўлу халқ оғзаки ижоди намуналари билан омукта асарлар ёзиш билан бошлаган Яшар Камол турк тилининг бадиий ифода қудрати, нафосати, халқ оғзаки ижодининг ягона қаҳрамони бўлган турк халқининг бой маданиятидан илҳомланди. Европада Яшар Камолнинг “Оғритоғ ноласи” асари Шаҳризода ҳикоялари, Толстой романлари каби кенг миқёсли, Диккенс романлари каби жонли эканлиги, китобнинг гўзаллиги бой назм услуби, афсона туйғусига таяниши таъкидланади [2,6]. Дарҳақиқат, таржима асарлари туфайли китобхонлар жаҳон адабиёти дурдоналаридан баҳраманд бўлиш имкониятига эга бўладилар. Шу билан бирга, таржима тилларнинг ривожланиш суръатини жадаллаштирувчи, луғат бойлигини оширадиган ва такомиллаштирадиган восита сифатида ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ушбу жиҳатлар таржимани инсон маънавий ҳаётини бойитувчи, она тилининг бор бисотини рўёбга чиқарувчи, айна пайтда, унинг сержило бўлишини таъминловчи, китобхон тафаккурини чархлаб, янги ғоялар, тушунчалар билан бойитувчи хусусиятга эга эканлигини намоён этади. Шу билан бирга, таржима асарлар орқали миллий адабиётларга янги ғоявий йўналиш, янгича сюжет, жанр, янги образ ва бадиий тасвир воситалари кириб келади. Шу маънода, бадиий таржимани аслиятни қайта яратиш, талқин этиш санъати деб ҳам таърифлаш мумкин. Ушбу санъатни эгаллаш учун таржимондан, биринчи навбатда, аслият матни мазмун-моҳиятини тўла-тўқис идрок этиш, уни ўгириладиган тилда бекам қўст қайта ифодалашга эришиш талаб қилинади.

Бу масалага лингвистик нуқтаи назардан ёндашиладиган бўлса, таржимани бир тилда яратилган матнни унинг шакл ва мазмун бирлигини сақлаб қолган ҳолда, ўзга тил воситалари асосида қайта яратиш мақсад қилиб қўйилган ҳамда илмий жиҳатдан асосланган ижодий-адабий жараён сифатида таърифлаш мумкин. Демак, таржима жараёнида аслият тили воситалари ёрдамида яратилган асар таржима тили қонуниятлари ва имкониятларига мос равишда қайта яратилади ва бунинг натижасида

аслият ҳамда таржима матнларининг мазмуний-услубий муқобиллиги юзага келади. Бу эса ўз навбатида лингвомаданий қатламларнинг яқинлашувига замин яратади.

Жаҳон адабиёти хазинаси дунё тамаддуни томонидан яратилган энг буюк кашфиётлардан бири эканлиги шубҳасиз. Аммо, лисон отли хилқат сабаб ушбу хазинадан ҳамма ҳам бирдай баҳраманд бўлиши имконияти чекланган. Ушбу муаммонинг ягона ечими сифатида “бадий таржима” аталмиш ҳам адабий, ҳам илмий ҳодиса юзага келган. Академик Наим Каримов ўзининг “Таржима санъати ва жаҳон адабиёти” мақоласида шундай деб ёзади: “Одамзод қаерда, ер куррасининг қайси бир гўшасида яшаган бўлмасин, янги ҳаёт манзилларини кашф этиш, дарёлар, денгизлар, ҳатто уммонларнинг нариги соҳилидаги ҳаёт билан ошно бўлишга, ўша ердаги ҳаёт манбаларидан баҳраманд бўлишга интиланган. У шу мақсадда сузишни ўрганган, қайиқлар ясаган, кўприклар қурган. Инсоният тараққиётнинг муайян босқичига кўтарилганидан сўнг бошқа мамлакатлар ва қитъаларда яшаган халқлар бадий маданиятидан, нафис адабиёт оламида эришган ютуқларидан баҳраманд бўлишга катта эҳтиёж сезган. Одамзоднинг ана шу эҳтиёж тақозоси билан адабиётлар аро қурган “кўприги” ҳозирги кунда “бадий таржима” деб аталади” [3].

Инсоният тарихига назар ташлар эканмиз, ҳеч бир миллий маданият бошқа маънавий-маърифий қатламлардан, шунингдек тамаддун ривожланиш жараёнларидан ажралган ҳолда юксак тараққиёт босқичига кўтарилганини кўрмаймиз. Аксинча, дунёдаги барча маданиятлар бир-бирларига у ёки бу даражада таъсир ўтказиб, ўзига хос ривожланиш йўлини бошидан ўтказиб келган. Шунинг учун турли миллатлар маданиятларида умумийлик ва хусусийлик борлигини ҳисобга олиб, таржимани халқлар ўртасидаги лингвомаданий кўприк, таржимонларни эса маданият элчилари дейишга тўла асосимиз бор. Ҳаётдаги воқеа-ҳодисаларни тегаран фалсафий идрок этиш адиб ижодига хос хусусиятдир. У ўз асарлари орқали ҳаётдаги азалий ва абадий, ҳар доим ўзаро қурашиб келган ҳаёт ва ўлим, муҳаббат ва нафрат, садоқат ва хиёнат, гўзаллик ва чиркинлик, шахс ва жамият каби азалий қарама-қаршиликлар мавзусига мурожаат қилади. Ана шундай ижтимоий муаммолар, жумладан “ҳокимият ва халқ” муаммоси “Севги афсонаси” асарининг ҳам марказида туради.

“Яшар Камол ўз ижодини Онадўлу халқ оғзаки ижоди намуналари билан омукта асарлар ёзиш билан бошлади. Ҳақиқий сўз

устаси бўлган адиб турк тилининг ифода қудрати, нафосати, халқ оғзаки ижодининг ягона қаҳрамони бўлган турк халқи маданиятидан илҳомланди” – деб ёзган эди тунислик олима Желиҳа Ҳафсия (*La Press*). Англиянинг *Manchester Guardian* журнали адиб ҳақида “Яшар Камолнинг романи Толстой романи каби кенг миқёсли, Диккенс романи каби жонлидир” деб, Ирландиянинг *Irish Times* газетаси адибнинг тили ҳақида “Унинг бой, рангоранг услуби ва ёзган ҳар сўзи ўткир, сержило, сермағиз, буғдой дони каби тўқ, сермахсулдир” деб ёзган эди.

Ушбу асар ҳақида Англиянинг *Daily Telegraph* газетаси “Яшар Камол Шаҳризоданинг ҳикоялари, Толстой романлари каби кенг миқёсли, Диккенс романлари каби жонлидир” деб ёзган бўлса, “*Sunday Telegraph*” журнали “Китобнинг гўзаллиги бой назм услуби, афсона ва миф туйғусига таянади” деб таъкидлаган эди [2,5].

Турк мумтоз адабиётининг дурдона асари таржимасига қўл урган таржимон зиммасига жиддий масъулият юкланиши табиий. Аммо, таржимон асл матн тилини яхши эгаллаганлиги, турк халқининг миллий руҳий ҳолати, тарихи, маданияти, менталитети, мамлакатшуносликка оид маълумотлардан хабардор бўлиб, ўзбек тили қонун-қоидаларидан бохабар бўлганлиги асар ўзбек тилидаги таржимасининг муваффақиятли чиқишига замин яратган, десак асло муболаға бўлмайди.

Яшар Камол “Севги афсонаси” романида Оғритоғ (Арарат тоғи) этакларида яшаган халқларнинг ҳаёт тарзи, маҳаллий аҳолининг тарихий қадриятлари, урф-одатлари, халқларга оид афсоналардан усталик билан фойдаланган. Асарда ҳикоя қилинган воқеа-ҳодисаларнинг баъзилари афсона эмас, балки тарихда юз берган воқеалар бўлиб, адиб уларни ўз асарига моҳирона сингдира олган. Асар Оғритоғ этагида жойлашган Куп кўли атрофида чўпонларнинг ҳар йил баҳор келиши ўтказадиган маросимлари ҳақидаги ҳикояси билан бошланади. Унга кўра чўпонлар тоғдаги қорлар эриб, баҳор кўз очганда, ҳали қуёш чиқмасдан Куп кўли атрофида тўпланишади, ўзлари билан олиб келган сибизғаларини созлаб, “Оғритоғ ноласи”ни чала бошлайдилар. Бу нола қуёш чиқишидан бошланиб, уфққа бош қўйгандагина ниҳоясига етади. Кун ботиши билан эса қордай оппоқ, ингичка, бармоқдай келадиган, митти бир қушча кўл узра чарх ура бошлайди. У кўлнинг мовий сувига бир қанотини теккизиб ўтади ва бу ҳаракатини уч маротаба такрорлайди. Қушча ғойиб бўлгач, чўпонлар сибизғаларини яна белбоғларига қистириб, у ердан жимгина узоқ-

лашадилар. Айнан шу ҳикоя асарда бир неча маротаба такрорланади ва асарнинг қолган қисми ушбу ҳикоя атрофида “айланади”.

Кумуш безакли, нақшинкор, черкес усталари ясаган эгарли, кумушдан ясалган узангисига нақш солинган, кигиз ёпинчиқли шоҳона безатилган, асар қаҳрамони Аҳмаднинг бошига тушган ташвишларнинг асосий сабабчиси бўлган ушбу холдор от моҳирона чалинган сибизға ноласи туфайли Аҳмаднинг уйи олдига келиб тўхтади. Аввалига қўшнилари, хусусан Сўфий ҳам отни Аҳмаднинг меҳмонларига тегишли деб ўйлайди. Отнинг кўриниши, эгари, ундаги тамгадан отнинг юқори мартабали бирига тегишли эканлиги билиниб турарди. Сўфий ўз оёқлари билан келган отни Аҳмаднинг қисмати эканлигини таъкидлайди. Шундай бўлсада Сўфий Аҳмадга отни уч маротаба уйдан узоққа ташлаб келишини маслаҳат беради ва ҳар сафар от такрор Аҳмаднинг эшиги олдига келиб тўхтади. Шундан сўнг Аҳмад ҳам холдор отнинг ўз қисмати ва илоҳий мукофот эканлигига ишонади.

Маҳаллий аҳоли урф-одатларига кўра, ўз оёғи билан келган от асл эгасига ҳеч бир ҳолатда қайтариб берилмасди. Бу вазият аслиятда қуйидагича берилган: “Atın sahibi bey de olsa, paşa da, Osmanlı Padişahı, Acem Şahı da olsa, Köroğlu da olsa, kelleni verir de bu atı veremezsin. Ve hem de veremeyiz” [1,15]. Таржимаси: “Майли, отнинг собиқ эгаси бей бўладими, пошшоми, Усмонли султони ёки Ажам мулкининг подшоси бўладими, Гўрўғли бўладими, бошингни ўртага қўясан, аммо отни эгасига қайтариб бермайсан. Бу бизнинг одатларга тўғри келмайди [2,17]”.

Холдор от нафақат Аҳмад ва Гулбаҳор учун балки маҳаллий аҳоли, Гулбаҳорнинг отаси, ушбу ҳудуд беги Маҳмудхон ҳам от туфайли қизи ва ўз таъсир кучидан айрилади. Орадан олти ой вақт ўтгандан сўнг от Боязид беги Маҳмудхонники эканлиги маълум бўлади ва у отини қайтариб беришни талаб қилиб одамларини жўнатади. Аҳмад отни қайтариб бермагач, ғазаб отига минган Маҳмудхон Оғритоғ сари юришга отланади. Аҳмаднинг Сариқ қишлоғига кириб келгач, ҳувиллаб қолган қишлоқда Сўфийдан бошқа биронта тирик жонни топа олмайди. Қишлоқ аҳолиси ва Аҳмад Маҳмудхондан қочиб Оғритоғ бағридаги қишлоқда яшириниб олади. Асарнинг кейинг қисмларида Аҳмадга Оғритоғ чўққисида машъала ёқиш шарти қўйилганда тоғ билан боғлиқ афсоналарга кенг ўрин берилади.

Асарда тоғ дунё яратилгандан буён мавжуд бўлган муқаддас макон сифатида берилади. Афсонага кўра ушбу тоғ дунёнинг

маркази эканлиги ва инсоният тарихида илк олов ана шу тоғ чўққисидagi машъаладан олингани айтилади: “Ağrının tam tepesinde bir ateş harmanı vardır. Doruğun tam ortasından bir kuyu dünyanın ortasına iner. İlk ateş bu kuyudan alınmıştır” [1,121]. Ушбу парча таржимада қуйидагича берилган: “Оғритоғнинг чўққисида бир вулқон бор. Чўққининг айнан ўртасидан то ер қаъригача боради. Илк олов ана шу вулқон қаъридан олинган экан”. Бу ерда илк олов айнан Оғритоғдан олинган деган асотир илгари сурилади. Маҳмудхон Аҳмадга Оғритоғнинг чўққисида машъала ёқиш шартини қўйганида, “тоғдан олов ўғирлаш” воқеаси ҳақида сўз боради. Унга кўра, инсонлар Оғритоғнинг тепасидан олов олишга бир неча маротаба ҳаракат қилишган: “Ateşi kaçıranlardan bir tanesi dağın gafletinden faydalanmış, ateş gölünden bir tutam ateş koparmış, başlamış dağdan aşağı koşmağa, ta aşağılara inmiş. Tam bu sırada Ağrı uy-anmış, bakmış ki ateşi koparan başını almış gidiyor. Hemen eli ateşli adamı orada, olduğu yerde yakalamış, durdurmuş. Adamı da, elindeki ateşi de o anda, orada dondurmuş” [1,121]. Таржимада бу ҳолат қуйидагича берилади: “Оловни олиб қочган киши тоғнинг ғафлатда бўлган пайтидан фойдаланган, олов денгизидан бир ҳовуч олов юлиб олиб тоғдан пастга югурган. Шунда Оғритоғ уйғонган ва тезда уни тутиб олган, уни ҳам, қўлидаги оловни ҳам тошга айлантириб қўйган экан [2,106]”.

Маҳмудхон, Исмоил оға маслаҳатига кўра, Аҳмадни тоғнинг чўққисига жўнатар экан, тоғ билан боғлиқ афсоналарга эслайди ва Аҳмадни шартини бажара олмай чўққида вафот этишига ишонади. Асарда ушбу ҳолат шундай берилади: “Балки чиқар, -деди пошшо. – Чиққан тақдирда ҳам қайтиб туша олмайди. Оғритоғ уни қўйвормайди [2,106]”.

Гарчи Оғритоғ ҳақида манфий афсоналар кўп берилган бўлса-да, тоғнинг зулмга учраганларга ёрдам қўлини чўзиши, ёмонликка қарши ғазаби билан бўлиқ афсона ҳам келтирилади.

Афсонага кўра чўпон ва бекнинг қизи бир-бирини ёқтириб қолади. Бундан ҳабар топган бек ва қўл остидаги ўн беш қишлоқнинг йигитлари тоққа яширинган чўпон йигитни топиш учун йўл олади. Тоғнинг севишганларга қарши бўлганлар ва уларнинг зулмга ғазаби қуйидагича берилади: “Ağrıdaki zulme, kötülüğe öfkelenmiş, kaldırmış bir parçasını bunların üstüne yollamış. On beş köy tek-mil canlısıyla dağın altında kalmış. Dağ yutmuş onları” [1,118]. Таржамаси: “Оғритоғ зулмдан ғазабланган, ана шу ғазабдан бир парча-

сини уларга йўлаганди. Ўн беш қишлоқ аҳолиси билан тоғ остида қолган, тоғ уларни ямлаб ютган эди...”.

Бошқа бир ўринда, Оғритоғнинг халқ билан биргаликда Гулбаҳорни қутқаргани Маҳмудхон саройи устига юргани айтилади. Яъни Оғритоғ халққа айланади. “....гўё ердан одам униб чиқаётгандай, осмондан ёғилаётгандай сўнгсиз оломон, Оғритоғ билан Маҳмудхон саройи томон оқмоқда [2,85]”. Бу орқали ёзуви халқ бирлашса тоғдай кучли бўла олишини таъкидлашга ҳаракат қилади. Инсон ва коинотнинг яратилиши билан боғлиқ афсоналарга кўра тоғ инсонлар орасидаги бирлик рамзи ҳам ҳисобланади.

Роман охирида Аҳмад Куп кўлида афсонавий қалдирғоч каби нозик, кичкина қушга айланади. Ушбу қуш иштирокидаги ҳолат асар давомида бир неча бор такрорланади “.... kücücük ak bir kuş gelip kanadını suyun som mavisin batırır. Ve sonra da bir atın kapkara gölgesi gölün üstünden gelir geçer” [1,143]. Бу парча таржимада қуйидагича берилади: “...шунда кичкина оппоқ қушча учиб келиб, қанотларини мовий зилол сувга теккизади ва яна юқорига парвоз қилади.... Сўнгра бир қўнғир отнинг қоп-қора кўланкаси кўл устидан учиб ўтгандай бўлади” [2,125]. Барча воқеаларнинг сабабчиси бўлган холдор от ва асар якунида Аҳмаднинг афсонавий қушга айланиш саҳнасида қўнғир отнинг қоп-қора кўланкаси пайдо бўлади. Отлар асарда Гулбаҳор образини ифодалайди, буни ушбу парчадан ҳам билиб олишимиз мумкин “...Бу тақдирнинг тақозоси, пешонага ёзилгани, йигитнинг бошига қўнган бахт қуши эди. От ҳам, Гулбаҳор ҳам унга Яратганнинг, Оғритоғнинг бебаҳо тухфаси эди. Демак, Аҳмад бу бебаҳо тухфага муносиб бўлмоғи керак”.

Хулоса. “Оғритоғ афсонаси” романида от, муқаддас ҳаёт дарахти, темирчи каби дostonга оид унсурлар; сўфи, Карвон шайхи, Оғритоғ чўққисига чиқиб олов ёқиш каби ҳикоя ва афсона мотивларидан фойдаланилган. Оғритоғ, Куп кўли, сибизга нолази, қалдирғочга ўхшаган нозик қушча, қоп-қора от кўланкаси асарда афсонавий рамзларга айлантирилган. Асарни ўзбек тилига моҳирона ўгирилганлигини эътироф қилиш баробарида, асар таржимаси устида келажакда иш давом эттирилажagini таъкидламоқчимиз.

Адабиётлар:

- [1] – Yaşar Kemal. Ağrıdaki Efsanesi, roman. www.cizgiliforum.com.
- [2] – Яшар Камол. Севги афсонаси: роман. Таржимон: Х.Ҳамидов. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2021 йил. – 128 б.
- [3] – Каримов Наим. Таржима санъати ва жаҳон адабиёти. “Жаҳон адабиёти” (эл. нашр), 2017 йил.

*O'zbekiston tarjimonlari va tarjimashunoslari forumi – 2021.
– Toshkent: TDSHU, 2021. – S. 55-61.*



Adabiyot, madaniyat yashasa — millat yashaydi

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

1956-yil 4-yanvardan chiqq boshlagan

ADABIY-BADIIY, MA'NAVIY-MA'RIFIY, IJTIMOIIY GAZETA

2023-yil 17-fevral / № 6 (4717)

Таржима – юксак санъат

Насрий асар деганни кўпчилик шундай тушунади: бир воқеа тасвири икки-уч бетдан то йигирма-ўттиз бетгача бўлса – ҳикоя, ундан каттароқ, юз-юз эллик саҳифали насрий асар – қисса, ундан ҳам семизроғи – роман. Аслида эса, испан, француз, итальян, португал ёки руминчада – романий тилларда битилган насрий асар роман деб аталган, у герман тиллари- (инглиз ё олмон)да ёзилганларига зид тарзда тушуниланган. Бу бежиз эмас.

Ўта мулоҳазакор ва инжиқ олмонлару инглизларга қараганда табиатан бирмунча жўшқин ва орзумандона табиатли Жанубий Европа адиблари ижод қилган асарлар услубан ва пафосига кўра романтикроқ бўлган. Бироқ романтизмни кула-кула ҳажв этиб, ўлдириб қўяқолган Сервантес замонларидан бошлаб дунё адабиётида реализм устувор бўлди. Турмушдаги соддалик, дўлворлик, тасвирдаги муболага ҳажв объекти бўлиб қолди. Психологик тасвир кучайиб, охири сюрреализмга етди-да, ундан ҳам ошиб ўтиб, абсурд даражасига тушди. Романтизмнинг ўзи инсоният бадий тафаккурининг эски бир шакли (гўё асфальт шосседан бурунги арава йўли каби) деб тушуниладиган бўлиб қолди. Охирги асргача романтизм оғушида улғайган ўзбек сўз санъатида

ўтади. Бироқ бу шунчаки сентиментал бир роман бўлмай, унинг марказида “ҳокимият ва халқ” муаммоси туради.

Асар бошида бир чўпон йигитнинг ҳовлиси олдида ажаб келишган, эгар-жабдуғи башанг бир от келиб тўхтади. Наридайдасалар ҳам, яна қайтиб келаверади. Оғритоғ элининг удумига кўра, ўз оёғи билан келган от асл эгасига ҳеч бир ҳолатда қайтариб берилмасди. Энди бу от уники, ҳатто эгасига ҳам бериб юбориш мумкин эмас. Аммо шундай хоназот оддан хабар топган вилоят ҳокими унга оғиз солади, чўпон эса отни яширади, чунки бу олчқлик, номуссизлик бўлар эди. Ҳоким ҳеч қўймагач, узоқларга бош олиб кетади. Асар ўз муҳаббатини Маҳмудхондан ҳимоя қилган Аҳмад билан Гулбаҳорнинг аччиқ қисматлари ҳақида ҳикоя қилади.

РОМАН ЭМАС, ДАРДЛИ БИР ҚЎШИҚ

ҳам шу ҳол юз берди (Ғафур Ғуломнинг “Шумбола” асаридаги “бир гурзи урганларида тиззагача ерга ботдими, ё белгача?”, деган сарказмини эсланг).

Аммо... шу билан адабиёт ютдими? Реализм ва бошқа ижодий методларнинг ёйилиши учун романтизмдан воз кечиш шартми эди?

Мен бу саволни фақат сизга эмас, ўзимга ҳам беряпман, чунки жавобини ҳали топа олганим йўқ.

Бу саволнинг ўзи ҳам менда кунни кеча,

Бундай асар таржимасига қўл урган таржимон зиммасига жиддий масъулият юкланиши табиий. Романни турк сўз санъатининг бир талай намуналарини она тилимизга, ўзбек адибларининг асарларини туркчага ўгириб, етарли малака ҳосил қилган туркшунос мутахассис, филология фанлари доктори Хайрулла Ҳамидов таржима қилган. Мақсадимиз асарни бир бошдан таҳлил қилиш эмас, балки унинг баҳонасида бир-икки фикр айтиш бўлганлигидан, мутаржим сўзма-сўз эмас, лозим

бир романтик романи мутолаа қилиб тугатганим чоғ пайдо бўлди. Ўқиб бўлгач эса, ажабки, унинг ичидаги воқеалар, қаҳрамонларнинг тақдири ҳақида ўйламадим. Хаёлимга келгани – романтизм бир олабўжи ёки масхараланишга лойиқ ижодий метод эмас, инсоннинг дилида унинг ўзига ҳам мавҳум бўлган сирли ва гўзал туйғуларни уйғотиб юборадиган ажиб бир ижод тарзи экан-ку, деган қониқиш бўлди. “Ўтган кунлар”нинг бизда бунчалар суюкли бўлиши боиси ҳам унинг романтизмга мойилроқ эканидан эмасмикин, деб қолдим.

Қачондир Жан-Жак Руссонинг бир романини ўқигандим. Асар бир қиз ва севгилсининг бир-бирларига ёзган узун-узун мактубларидан иборат эди. Бу хатларда икки маҳбуб қалбда кечган энг нозик ҳиссиётлар баён қилинар, ажабки, уни ўқир чоғингизда сизда ҳам ана шундай инжа, олижаноб туйғулар юзага чиқа бошлар эди.

Энди, кеча ўқиган романимга келадиган бўлсак, у турк ёзувчиси Яшар Камолнинг “Севги афсонаси” (туркчаси: “Оғритоғ афсонаси”) деган асари эди. Муаллиф 1926 йилда туғилган ва салкам тўқсон йил яшаб, 2007 йилда вафот этган бўлса, асарига ундан камида бир неча аср аввалги даврга хос воқеа-ҳодисалар материал бўлган. Албатта, бу романда ҳам сентиментал сахналар бисёр, аммо ҳар қандай бадий асардан кутиладиган асосий нарсаси – китобхон қалбини юмшатиб, унга олижаноб туйғулар бахш этадиган катарсис ҳодисаси тўла-тўқис амалга ошган.

“Севги афсонаси”да воқеалар кўп эмас, улар тигиз ҳам эмас. Асарда Оғритоғ (Арабат) этагида жойлашган Куп кўли атрофида чўпонларнинг ҳар йил баҳорда ҳали қуёш чиқмасдан сибизғада “Оғритоғ ноласи”ни чалишлари айтилади. Бу нола қуёш чиқишидан бошланиб, уфққа бош қўйгандагина ниҳоясига етади. Кун ботиши билан эса қордай оппоқ, бармоқдай келадиган митти бир қушча кўл узра чарх ура бошлайди. У кўлнинг мовий сувига бир қанотини уч маротаба теккизиб ўтади. Қушча ғойиб бўлгач, у ердан жимгина узоқлашадилар. Мана шу тасвир романда бир неча маротаба такрорланади.

Ўринларда ўзбек китобхони учун зарур бўладиган “қистирма”ларни ҳам ўринли қўллаганини далиллаш учун иккита мисолни тақдим этиш билан чекланамиз.

Аслият: “Atın sahibi bey de olsa, paşa da, Osmanlı Padişahı, Acem Şahı da olsa, Köroğlu da olsa, kelleni verir de bu atı veremezsin. Ve hem de veremeyiz”

Таржимаси: “Майли, отнинг собиқ эгаси бей бўладими, пошшоми, Усмонли султони ёки Ажам мулкининг подшоси бўладими, Гўрўғли бўладими, бошингни ўртага қўясан, аммо отни эгасига қайтариб бермайсан. Бу бизнинг одатларга тўғри келмайди”.

Роман охирида Аҳмад Куп кўлида афсонавий қалдирғоч каби нозик, кичкина қушга айланади:

“... kücücük ak bir kuş gelip kanadım suyun som mavisin batırır. Ve sonra da bir atın kapkara gölgesi gölün üstünden gelir geçer”

“...шунда кичкина оппоқ қушча учиб келиб, қанотларини мовий зилол сувга теккизади ва яна юқорига парвоз қилади.... Сўнгра бир кўнғир отнинг қоп-қора қўланкаси кўл устидан учиб ўтгандай бўлади”.

Юқорида таъкидлаб ўтдик, асарда ана шундай тахайюл меваси бўлган тасвирлар бисёр. Уларни ўз романтикаси, хулёвий руҳи билан ўзбек китобхонига тақдим этиш учун алоҳида маҳорат, сўз бойлиги лозим. Х.Ҳамидов буни удалай олганини кўрдик – таржима матнининг ҳеч бир ўрнида қоқилиш, китобхонни тараддудга солиб қўядиган жумлалар йўқ.

Тўғри, ҳозир турк тилидан таржима авжида. Бироқ асл миллий, дурдона асарларга нисбатан Омина Шенликўғлу каби ёзарманлар шоша-пиша битган романларни танлаб-танламай ўгиришга берилиб қоляпмиз. Ҳолбуки, турк адабиёти ниҳоятда бой, унинг ўзбек китобхони ўқиши шарт бўлган асарлари сон-саноксиз. Шу маънода, Хайрулла домла Яшар Камолнинг ушбу асарини танлаб ўгиргани – айни муддао.

Чўлпон бир таржимасига ўзи ёзган сўзбошида “Нафис асарларни бир тилдан иккинчи тилга ағдариш жуда оғир бўлади. Айниқса, ишланган тилдан ишланмаган тилга”, деб кўрсатиб ўтган эди. Биз ҳо-

Хўш, бу сирли тасвир зимнида не ҳодисотлар бор?

Яшар Камол “Севги афсонаси” романида Оғритоғ (Арарат тоғи) этакларида яшаган халқларнинг ҳаёт тарзи, маҳаллий аҳолининг тарихий қадриятлари, урф-одатлари, халқларга оид афсоналардан усталик билан фойдаланган. Асарда ҳикоя қилинган воқеа-ҳодисаларнинг баъзилари афсона эмас, балки тарихда юз берган воқеалар бўлиб, адиб уларни ўз асарига моҳирона сингдира олган. Ҳозиргача қирқдан ортиқ тилга ўгирилган ушбу асар киши руҳиятининг энг нозик торларини чертиб

зиргача, асосан, рус тилидан таржимага андармон бўлиб, шу тилдан ўгириш принципларини хийла яхши эгалладик. Бироқ бошқа қайси тилдан ўгиришга киришсак, тилимиз ўша онда, Чўлпон айтган “ишланмаган тил” ҳолига тушади. Бунинг давоси битта – кўп тиллардан кўп-кўп асарларни бевосита ўгиришни йўлга қўйиш, ҳатто жуда яқин бўлган турк тилидан ҳам рус тили орқали таржима қилиш каби даққионусдан қолган амалиётга барҳам беришимиз керак.

Зухриддин ИСОМИДДИНОВ



ÖZBEK EDEBİYATINDAN SEÇME ESERLER: HİKÂYELER – ŞİİRLER (ANTOLOJİ)" ADLI KİTAP ÜZERİNE

Prof. Dr. Hüseyin BAYDEMİR, Atatürk Üniversitesi Edebiyat Fakültesi Çağdaş Türk Lehçeleri ve Edebiyatları Bölüm Başkanı, Erzurum, Türkiye.

hbaydemir@atauni.edu.tr

2023 yılında 100 yaşını dolduran Türkiye Cumhuriyeti ile 32 yaşını geride bırakan Özbekistan Cumhuriyeti arasındaki ilişkiler her geçen gün daha da güçlenerek ilerlemektedir. İki toplum arasındaki ilişkilerin önemli bir ayağı da edebi alakalardır. Büyük Türk dili ailesinin iki büyük lehçesi olan Özbekçe ve Türkiye Türkçesi yaklaşık 1000 yıldan beri yazı dili olma özelliği taşımaktadır. Özbekçe doğu Türkçesinin, Türkiye Türkçesi ise batı Türkçesinin ana koludur. Her ikisi de imparatorluk dili olma tecrübesine sahiptir. Her ikisi de bütün Türk lehçeleri içinde söz varlığı açısından en zengin lehçelerden ikisidir. Bu iki toplumun dilleri kadar edebiyatları da zengin, renkli ve çok yönlüdür. Sovyetler Birliği döneminde kısa süreliğine kesintiye uğrayan edebi etkileşim, 1991 yılında Özbekistan'ın bağımsızlığa ulaşmasıyla tekrar kaldığı yerden devam etmeye başlamıştır. Kaldığı yerden devam etmeye başladı dememizin sebebi, Sovyetler Birliği dönemine kadar bu iki edebi muhitin birbirini çok yakından takip ediyor olmasındandır.

Edebi alakaların güçlenmesini sağlayan en önemli faaliyet alanlarından biri de çeviridir. Özbekistan'ın bağımsızlığını kazanmasından itibaren iki edebi saha arasında karşılıklı çeviriler hız kazandı. Bunlardan biri de Özbek bilim adamı ve tercüman, Taşkent Devlet Şarkşinaslık Üniversitesi Çeviri Teorisi ve Uluslararası Gazetecilik Ana Bilim Dalı öğretim üyesi Doç. Dr. Hayrullah Hamidov'un hazırladığı “*Özbek Edebiyatından Seçme Eserler: Hikâyeler – Şiirler (Antoloji)*” adlı çeviri kitabıdır. 2023 yılında Taşkent'te “*Innovatsion rivojlanish nashriyot-matbaa uyi*” tarafından basılan kitap, Özbekistan Cumhuriyeti'nin bağımsızlığının 32. yıldönümü, Türkiye Cumhuriyeti'nin kuruluşunun 100. yıldönümü, Taşkent Devlet Şarkşinaslık Üniversitesinin kuruluşunun 105. Yıldönümü ve TÜRKSOY Uluslararası Türk Kültürü Teşkilatının kuruluşunun 30. yıldönümüne ithaf edilmiştir. Kitabın tanıtımı 27 Ekim 2023 tarihinde Taşkent Devlet Şarkşinaslık Üniversitesinde, Türkiye Cumhuriyeti Taşkent Büyükelçisi Sayın Olgan Bekar'ın da katılımlarıyla, Türkiye Cumhuriyeti'nin 100. yılı anısına düzenlenen programda yapıldı.

Kitap XX. yüzyıl Özbek edebiyatının en güzel örneklerinden olan ünlü yazar ve şairlerin seçme hikâyeleri, şiirleri ve destanlarını içermektedir. Özbek halkının milli kimliğini en güzel yansıtan eserlerin seçilmesi, eserlerin muhtevasına halel getirilmeden çevrilmesi, sanat ve üslup özelliklerinin korunması hususlarında azami titizliğin gösterilmesi, bu çalışmanın özgün ve başarılı yönlerinden birini teşkil etmektedir. Dolayısıyla Hayrullah Hamidov Hocamızın yayımlamış olduğu bu kitap alanında çok önemli bir boşluğu dolduracaktır.

XX. yüzyılın 30'lu yılları çağdaş Özbek edebiyatının oluşması ve gelişmesinde özel bir dönemdir. Bu döneme bilhassa Abdulla Kadiri, Aybek, Abdulla Kahhar gibi güçlü edipler damga vurmuşlardır. 1970'li ve 1980'li yıllarda bir yandan Said Ahmed, Adil Yakubov, Pirimkul Kadirov, Askad Muhtar, Mirmuhsin gibi ünlü yazarlar ve bu kuşağın devamı sayılan Uçkun Nazarov, Ölmes Ömerbekov, Aman Muhtar, Ötkir Haşimov, Şükür Halmırzayev, Tahir Melik gibi genç yazarların eserleri Özbek hikâye ve romancılığını yeni bir seviyeye taşır. Erkin Vahidov, Abdulla Aripov, Aman Matcan gibi şairlerin şiirleriyle Özbek şiirinde yeni bir dönem başlar. Bu dönemde yazılan eserler konu bakımından da oldukça geniştir.

1990'lı yıllardan başlayan Bağımsızlık dönemi ise, uzun bir tarihe sahip Özbek halkı için bir dönüm noktası olmuş, milletin dayanağı olan maddi ve manevi temeller baştanbaşa değişmiştir. Toplumsal

değişim, insanların dünyaya bakış açısını, manevi dünyasını büyük ölçüde etkilemiştir. Dolayısıyla, insanın iç dünyasının değişmesi, yeni dönem insanların ortaya çıkmasını sağlamış, Özbek edebiyatında yeni konular, yeni imgeler boy göstermiştir. Bu konuda ünlü bilim adamı Naim Kerimov “Edebiyat, gerçek anlamda, milli ve ulusal olmalı, Özbek halkının yaşamını, hayallerini, kalbini, ruhunu yansıtmalıdır” diye yazmıştı.

Özbek halkının yaşam tarzı, örf âdetlerinin edebiyat, özellikle, edebi çeviri aracılığıyla dünyaya tanıtılması günün öncelikli vazifelerindendir. Bu bağlamda bağımsızlık öncesi ve sonrası dönem çağdaş Özbek edebiyatının en seçkin eserlerinin Doğu dillerine, özellikle aynı aileden olan çağdaş Türkçeye çevrilerek yayınlanması önemlidir.

Elinizdeki kitap iki bölümden oluşmaktadır: Özbek hikâyeleri ve Özbek şiirleri. Birinci bölümde ünlü Özbek yazarlarından Abdulla Kadiri’nin 1920’li yıllarda yazdığı “Cinler Bezmi”, “At Yarışı” adlı hikâyeleri; Aybek’in 1930’lu yıllarda yazdığı “Fenerci Dede”, “Kumru”, “Hayal Kırıklığı” adlı hikâyeleri; Abdulla Kahhar’ın “Sanatçı”, “Yıllar”, “Nineler Telefon Açtılar”, “Kim Suçlu” adlı hikâyeleri; Seyid Ahmed’in “Üvey Anne” (Mehribon), “Kardelen” (Ko’klam chechaklari), “Fotoğraf” (Surat) adlı hikâyeleri, “İlkbahar Senfonisi” (Ko’klam taronalari) adlı nesri destanı ve o meşhur “Karagöz Mecnun” (Qorako’z Majnun) adlı hikâyesi, Ölmes Ömerbekov’un “Abdulla Kavuncu” (Abdulla Qovunchi) ve “Bahar Nefesi” (Ko’klam nafasi) hikâyesinin Türkçe çevirisi yer almaktadır.

Bu bölümde yer alan bazı hikâyelere XX. yüzyılın en ağır dönemi, özellikle İkinci Dünya Savaşı ve savaş sonrası dönem insanların yaşamı ve düşünceleri konu edilmiştir. Kahramanlar toplumun en sıradan insanlarından seçilmiş olup, bu hikâyeleri okurken yazarların psikolojik tasvir mahareti ve de dönemin psikolojisine muvafık kısa ifadelerden oluşan edebi üslup dikkat çekmektedir. Örneğin, ünlü Özbek yazarı Ötkir Haşimov’un özel hayatı ve yaklaşık 50 senelik yazarlık faaliyeti sırasında yaşadıkları ve düşündükleri, büyük hayat tecrübesinin sonucu, yazarın özel günlüklerinin kenarlarına yazdığı notlardan oluşan “Derkenar Yazıları” (Daftar xoshiyasidagi bitiklar) adlı eseri, küçük hikâyelerden oluşan, dünyanın bir kaç diline tercüme edilerek geniş okur kitlelerine ulaşmış “Bu Dünyanın İşleri” (Dunyoning ishlari) ve hayat gerçekleri ve insan kaderini konu edinen “Ak Bulut, Appak Bulut” (Oq bulut, oppoq bulut) adlı eserlerinden seçilmiş hikâyeler, ciddi düşünce, sosyolojik analizler içeren “Savaşın Son

Kurbanı" (Urushning so'nggi qurboni), "Mutluluk" (Baxt), "Tesadüf" (Tasodif) adlı hikâyeleri bu cümledendir. Ayrıca, seri öyküler ve romanlar yazarı Tağay Murad'ın "Dede ve Torunu" ("Bobosi bilan nevarasi") adlı hikâyesi ve "Babamdan Kalma Tarlalar" (Otamdan qolgan dalalar) romanından alıntı, Yeni Özbek edebiyatının meşhur temsilcilerinden İsacan Sultan'ın Yaşam (Turmush) hikâyesi, Uluğbey Hemdem'in "Bir Kâse Su" (Bir piyola suv) ve "Heykeller Adası" (Haykallar oroli) adlı hikâyeleri, Abdulla Ayizov'un "İnsanlar Gazete Okuyormuş" (Gazeta o'qisharkan) adlı hiciv hikâyesi ve "Güreşçinin ağladığı gece" (Polvon yig'lagan tun) romanından alıntının Türkçe çevirisi yer almaktadır.

Bir yandan çağdaş Özbek edebiyatında eşsiz karakterler galerisini yaratmış, halk edebiyatı geleneklerine bağlı, sıradan insanlara özgü olan zekâ, halk bilimine özgü üslup ve betimlemenin ender örnekleri olan hikâyeleri kaleme almış ünlü yazar, XX. yüzyıl Özbek hicvinin atası, hiciv ve mizah yazarlarının da ustası sayılan Said Ahmed'in XX. Yüzyıl sonu insanların yaşamı ve düşüncelerini konu edinmiş, kahramanları da toplumun en sıradan insanlarından seçilmiş olan hikâyelerini keyifle okurken, öbür yandan Aybek'in psikolojik tahlil maharetini, Gafur Gulâm'ın hicvini, Abdullah Kahhar'ın kısa ifadelî üslubunu keşfedebilirsiniz.

Kitabın ikinci bölümünü, fevkalade yeteneği, derin yaşamsal ve felsefî düşünceleri, ruhun derinliklerinden akan tutkuları, şiire getirdikleri ahenkler, kendilerine özgü sanatsal tarzlarıyla edebiyat tarihinde kendilerine özgü mektep oluşturmuş şairlerden Erkin Vahidov, Abdulla Aripov, Aman Matcan, Hüsniddin Şaripov ve Muhammed Yusuf'un şiir ve destanları oluşturmaktadır.

Bağımsızlık dönemi uzun bir tarihe sahip Özbek halkı için bir dönüm noktası olmuş, milletin dayanağı olan maddî ve manevî temeller baştanbaşa değişmiştir. Toplumsal değişim, insanların dünyaya bakış açısını, manevî dünyasını büyük ölçüde etkilemiştir. Dolayısıyla, insanın iç dünyasının değişmesi, yeni dönem insanının ortaya çıkmasını sağlamış, Özbek şiirinde de yeni konular, yeni imgeler ortaya çıkmıştır. Özbek şiirinin konuları millî özellikler çerçevesinde genişlemiş, şiirlerin içeriği zenginleşerek yeni yeni betimleme araçları ile gelişmiş, şiirlerin dili, halkın diline daha çok yaklaşmıştır.

Bir edebî eserin kardeş bir dilden bile olsa tercüme edilmesi ve buna harcanan emek, diğer tercümelerden daha kolay değildir. Bunun da kendine özgü zorlukları ve çevirmeni düşündüren tarafları vardır. Tercüme sırasında orijinaldeki kelimenin anlamını tam karşılayabilen keli-

me ya da ifadeyi bulup yerli yerine koymak hakikaten kolay iş değildir. Böylesine zor ve hassas bir işin üstesinden gelen tercümanın çalışmalarının değerlendirilmesi, çevirilerinin daha geniş kitlelere ulaştırılması son derece önemlidir. Bu amaç doğrultusunda hazırlanmış olan ve XX. Yüzyıl Özbek nesri ve şiirinin gelişmesine büyük katkı sağlamış meşhur yazar ve şairlerin en güzel hikaye, şiir ve destanlarını içeren bu kitap, Özbekistan'da Türkçe öğrenen üniversite ve lise öğrencileri, Türk Dili ve Edebiyatı öğretmenleri, çeviri teorisi ve pratiği alanında araştırma yapan uzmanlar, Özbekçe ve Türkçeyi karşılaştırmalı olarak incelemek isteyen araştırmacılar, ayrıca, zengin Özbek edebiyatının en seçkin eserleriyle yakından tanışmak isteyen Türk okurlarının hizmetine sunulmuştur. Eserin, beklenen hizmeti yerine getireceği aşıkardır.

Kaynaklar:

1. Özbek Edebiyatı'nın Seçme Eserleri, Çeviri Kitabı, Yayın Yönetmeni \ Editor Hayrulla Hamidov, Taşkent, 2013, 152 s.
2. Özbek edebiyatı'nın seçme eserleri, 3. Bölüm. Muhammad Yusuf, Şiirler. Destanlar, Taşkent, Taşkent Devlet Şarkşinaslık Enstitüsü, 2014. - 56 s.
3. Ahmed, Said, Miras (hikâye) (Türkçeye çeviren Hayrullah Hamidov). Güncel Sanat, Kültür Sanat Edebiyat Dergisi, İki Aylık Yerel Süreli Yayın, Kasım-Aralık 2016 / Yıl:8 - Sayı:45.
4. Said Ahmed. Seçme Hikayeler Tercüman ve Yayına Hazırlayan: Hayrullah Hamidov. – Ankara: – 2020. 160 s.
5. Aripov Abdulla, Seçme Şiirler. – Taşkent, Nodirabegim. – 2021. – 76 s.
6. Aman Matcan, Seçme Şiirler. – Taşkent, TDSHU. – 2023. – 84 s.
7. Özbek Edebiyatından Seçme Eserler: Hikâyeler – Şiirler (*Antoloji*). – Taşkent: “Innovatsion rivojlanish nashriyot-matbaa uyi”, 2023. – 464 s.

***“Tarjimashunoslari forumi – 2023”
(Xalqaro ilmiy-amaliy anjuman materiallari).
– Toshkent: TDSHU, 2023. B. 109-113.***



“Özbek Edebiyatından Seçme Eserler: Hikâyeler (Antoloji)” adlı kitaba yazılan ÖN SÖZ

*Prof. Dr. **Hüseyin BAYDEMİR**, Atatürk Üniversitesi Türkiyat Araştırmaları
Enstitüsü Müdürü. Erzurum, Türkiye.*

hbaydemir@atauni.edu.tr

Özbek edebiyatının gelişmesinde edebi çevirinin önemli yeri vardır. Özellikle, XX. yüzyılda oluşmuş edebi gelenekleri sürdüren, Özbek halkının milli özellikleri ve manevi değerlerini daha da derin şekilde betimlemekte olan çağdaş Özbek edebiyatının dünyaya tanıtılması; Özbek halkının da dünya edebiyatının güzel örnekleriyle tanışması edebi çeviriler sayesinde gerçekleşebilir.

Milletler arasındaki dostluk bağları ve işbirliğinin güçlendirilmesi, milli edebiyatların daha da zenginleşmesinde edebi çeviri büyük önem arz etmektedir. Edebi çeviriler aynı zamanda karşılaştırmalı edebiyat çalışmalarına da kaynaklık edeceği için, bu alandaki çalışmalar hiç bir zaman güncelliğini yitirmeyecektir.

Son bin yıl içinde coğrafi bakımdan yer yüzünün farklı bölgelerinde bulunsa da, dili, tarihi ve kültürü birbirine çok yakın olan Özbek ve Türk halkları arasındaki dostluk ve kardeşlik bağları edebi çeviri sayesinde daha da kuvvetlenmektedir. Burada Özbekistan Cumhuriyeti’nin bağımsızlık yıllarında ünlü Özbek yazarlarının eserlerinin Türkçeye ve aynı şekilde Türk edebiyatının en gözde eserlerinin Özbekçeye aktarılması söz konusudur. İşte bu bağlamda Özbek bilim adamı, tercüman Taşkent Devlet Şarkşinaslık Üniversitesi Çeviri Teorisi, Dilbilimi ve Uluslararası Gazetecilik Ana Bilim Dalı öğretim üyesi Prof. Dr. Hayrullah Hamidov’un hazırladığı **“Özbek Edebiyatından Seçme Eserleri: Hikâyeler (Antoloji)”** adlı çeviri kitabı XX yüzyıl ve Çağdaş Özbek edebiyatının en güzel örneklerinden olan ünlü yazarların seçme hikâyeleri ve romanlarından alıntıları içermektedir.

Kitapta Özbek edebiyatının ünlü isimlerinden Abdulla Kadirî’nin “At Yarışı”, “Ben Güneşle Yarışırım”, “Cinler Bezmi” adlı hikâyeleri; Aybek’in 30’lu yıllarda yazdığı “Fenerci Dede”, “Kumru”, “Hayal Kırıklığı” hikâyeleri; Abdulla Kahhar’ın “Sanatçı”, “Yıllar”, “Nineler Telefon Açtılar”, “Kim Suçlu”, “Hırsız”, “Hasta”, “Nar” hikâyeleri; Said Ahmed’in “Üvey Anne” (Mehribon), “Kardelen” (Ko’klam chechaklari), “Fotoğraf” (Surat), “İtiraf” adlı hikâyeleri, “İlkbahar Senfonisi” (Ko’klam taronalari) adlı nesri destanı, Adil Yakubov’un “Adalet

Menzili” romanından alıntı, Pirimkul Kadirov’un “Özgürlük” uzun hikâyesinden alıntı, Ölmes Ömerbekov’un “Abdulla Kavuncu” (Abdulla Qovunchi) ve “Bahar Nefesi” (Ko’klam nafasi) hikâyeleri, Ötkir Haşimov’un “Yenge”, “Savaşın Son Kurbanı”, “Tesadüf” adlı hikâyeleri, romanlarından alıntılar, ayrıca Şükür Halmırzayev’in “Hicran” ve “Cadı” hikâyeleri, Muhammed Ali’nin “El Tayir Yıldızı” hikâyesi, Hurşid Dostmuhammed’in “On Saniye”, “Esinti” hikâyeleri, Hayriddin Sultanov’un “Annemin Köyü”, “Temsil” hikâyeleri, ayrıca İsacan Sultan, Uluğbey Hemdem, Koçkar Narkabil ve diğer Özbek yazarlarının hikâyelerinin Türkçe çevirileri yer almaktadır. Kitapta ünlü Özbek kadın yazarlarından Risalet Haydarova’nın “Üçüncü Kehanet” adlı tarihi hikâyesi, Zülfiye Kuralbay kızının “Kadın” ve Mamura Zohidova’nın “Yenge” hikâyelerinin Türkçe çevirisi yer almaktadır.

Özbek halkının milli kimliğini en güzel yansıtan eserlerin seçilmesi, eserlerin muhtevasına hâlel getirilmeden çevrilmesi, sanat ve üslup özelliklerinin korunması hususlarında azami titizliğin gösterilmesi, bu çalışmanın özgün ve başarılı yönlerinden birini teşkil etmektedir. Dolayısıyla, Hayrullah Hamidov Hocamızın yayımlamış olduğu bu kitap alanında çok önemli bir boşluğu dolduracaktır.

**Özbek Edebiyatından Seçme Eserler:
Hikâyeler (Antoloji).** – Taşkent: TDŞÜ, 2025. – 452 s.



**ÇOCUK KALBİNE DOKUNAN HİKÂYELER:
NARMURAD NARKABİLOV'UN ESERLERİ TÜRKÇEDE
(ÖN SÖZ)**

*Prof. Dr. Hüseyin Baydemir,
Atatürk Üniversitesi Türkiyat
Araştırmaları Enstitüsü Müdürü*

Çocuk edebiyatının en önemli işlevleri arasında eğitme ve değer aşılama yer almaktadır. Çocuk okurken hem öğrenir hem de millî kültürden beslenen bir zeminde eğitilmiş olur. Bu işlevler, çocuğun hayal gücünü kültürel referanslar ile bağ kurarak geliştirme ilkesine dayalı olarak gerçekleşir. Bu işlevlere çocuğun psikolojik ve duygusal gelişimi ve dil kullanma becerisinin ilerlemesi gibi işlevler de ilave edildiğinde çocuk edebiyatının önemi ve milli edebiyattaki yeri daha da belirginleşmiş olur.

Bu işlevlerin çocuk okur üzerinde aynı anda gerçekleşebilmesinin en önemli olmazsa olmazı usta kalemlerdir. Çocuğun aynı anda öğrenmesi, eğitilmesi ve psikolojik gelişiminin sağlanması hassas bir dengedir ve bu dengeyi ancak tecrübeli yazarlar koruyabilirler. İşte Narmurad Narkabilov, eserleri yaklaşık 40 yıldan beri Özbekistan'da sevilerek okunan tam da böyle bir yazardır.


Elinizdeki bu kitap, hikâyeler, uzun hikâyeler ve roman türünde eserleriyle Özbek çocuk edebiyatına damgasını vurmuş çağdaş yazarlardan Narmurad Narkabilov'un en güzel çocuk hikâyelerinden seçkiler içermektedir.

Çocuk edebiyatına ait eserleri çevirmek de ayrı bir titizlik ve profesyonellik gerektirir. Bu hikâyeleri Özbekçeden Türkçeye Özbek bilim-adamı, tercüman, Taşkent Devlet Şarkşinaslık Üniversitesi Çeviri Teorisi ve Uluslararası Gazetecilik Bölümü öğretim üyesi Prof. Dr. Hayrullah Hamidov ve öğrencileri çevirdiler.

Hayrullah Hamidov uzun zamandan beri Türkçe ve Özbekçe arasında akademik düzeyde çeviriler yapmakta ve bu alanda tercümanlar yetiştirmektedir. Dolayısıyla, elinizdeki bu kitap, usta tercümanların kaleminden süzölmüş usta bir yazarın hikâyelerini içermektedir.

Zevkle okunacağını düşünüyorum...

**Özbek Çocuk Edebiyatı.
Küçük Okurlar İçin Büyük Hikâyeler:
Narmurad Narkabilov'dan Seçme Öyküler.
– Taşkent: TDŞÜ, 2025. –S. 3.**



Ўзбек тили ва адабиёти. O'zbek tili va adabiyoti. O'zbekiston Respublikasi FA. – Toshkent, 2023, № 2. B. 123-125.

Фанимиз заҳматкашлари. Хайрулла Ҳамидов.

Муаллифлар:

Маҳмудов Н., Очилов Э., Ходжаева Н.

Фанимиз заҳматкашлари

ХАЙРУЛЛА ҲАМИДОВ

Таниқли таржимашунос ва туркшунос олим, моҳир таржимон, филология фанлари доктори Хайрулла Ҳамидов қутлуғ 60 ёшга тўлди.

Бўлажак олим 1963 йил 1 майда Қашқадарё вилояти Касби туманининг Пандирон қишлоғида хизматчи оиласида туғилган. 1970–1980 йилларда Касби туманидаги 26-сонли ўрта мактабда ўқиган. 1980 йил сентябрь ойидан Қашқадарё вилояти Касби тумани маданият бўлимига қарашли клуб директори лавозимида ишлаган. 1982–1984 йилларда Қуролли кучлар сафида хизмат қилган. 1984 йил май-август ойларида Касби туманидаги 26-мактабда болалар ташкилоти раҳбари лавозимида ишлаган.

1984–1989 йилларда Тошкентдаги Республика рус тили ва адабиёти Педагогика институти (Ҳозирги ЎзДЖТУнинг Рус тили ва адабиёти факультети)да таҳсил олиб, уни 1989 йили "Рус тили ва адабиёти ўқитувчиси" мутахассислиги бўйича имтиёзли диплом билан тамомлаган. 1989–1992 йилларда Республика рус тили ва адабиёти педагогика институти Ёшлар Иттифоқи кўмитаси котиби, 1992–1994 йиллар ЎзДЖТУ Қиёсий типология ва таржима назарияси кафедрасида ўқитувчи бўлиб ишлаган. 1994–1997 йилларда ЎзДЖТУда кундузги аспирантурада таҳсил олган. 1997–1998 йилларда ЎзДЖТУ Инглиз тили таржима назарияси ва амалиёти кафедраси ўқитувчиси бўлиб ишлаган.

1995–1999 йилларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Фармойишига биноан асосий иш жойидан ажралмаган ҳолда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Туркия Республикасидаги расмий вакили, аynи дамда Истанбул университети Адабиёт факультети "Славян тиллари ва адабиётлари" кафедрасида стажер-тадқиқотчи сифатида фаолият олиб борган. 1997 йилда турк тилини билиш даражаси имтиҳонини топириб, "Юксак Туркча" натижасига кўра Анқара университети 6-даража (2) дип-

ломини (муддатсиз) қўлга киритган.

1999–2011 йиллар ТДШИ Туркиёт кафедраси катта ўқитувчиси лавозимида ишлаб, турк тили, турк тили лексикологияси, стилистикаси, таржима амалиёти, Туркия тарихи ва бошқа фанлардан дарс берган. 2009–2010 ва 2015–2016 йиллар ўриндошлик асосида Тошкент давлат шарқшунослик институти магистратура бўлими бошлиғи, 2010–2012 йиллар ТДШИ Касаба уюшма қўмитаси раиси лавозимларида ишлаган. 2011–2014 йилларда ТДШИда янги очилган Таржима назарияси ва амалиёти кафедраси мудир, 2014–2016 йилларда кафедра доценти, 2016–2018 йиллар кафедра катта ўқитувчиси, 2018–2020 йиллар Таржимашунослик кафедраси мудир лавозимларида ишлаган. 2020 йил сентябрдан ҳозирги вақтгача Таржимашунослик ва халқаро журналистика кафедрасининг доценти лавозимида ишлаб, турк тили грамматикаси, лексикологияси, турк тилини ўргатиш ва таржимашуносликка оид ўнга яқин фандан талаба ва магистрантларга дарс бериб келмоқда.

Х.Ҳамидов 2018 йилда филология фанлари доктори, профессор Абдурахим Маннонов раҳбарлигида "Турк тилида фразеологизмларнинг юзага келиши, маъно ва грамматик хусусиятлари" мавзусида диссертация ҳимоя қилиб, филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий

даражасини, 2020 йилда доцент илмий унвонини олган. 2021 йилда "Ўзбек қисса ва романларининг туркча таржималарида миллийлик, бадиийлик ва лисоний адекватлик масалалари" мавзудаги диссертациясини ҳимоя қилиб, филология фанлари доктори (ДС) илмий даражасини олган.

Х.Ҳамидов ҳозирги турк тили, таржимашунослик ва шарқшуносликка оид 9 та монография, 4 та илмий ва илмий оммабоп рисола, 20 дан ортиқ ўқув адабиёти (1 та дарслик, 16 та ўқув ва 4 та ўқув-услубий қўлланма, 4 та икки тилли изоҳли луғат)ни нашр эттирган. "Ўзбекчадан туркчага насрий таржима муаммолари" (2014), "Мақол ва идиомалар таржимаси муаммолари" (2017), "Турк фразеологияси масалалари" (2019) каби монографиялари, "Турк тили" дарслиги (2021), "Турк тили. Морфология". (Шарқ тиллари академик лицейларининг турк тили бўлими 2- ва 3-курс ўқувчилари учун (2011), "Турк тили. Лексикология. Фразеология. Лексикография (2013, ҳаммуаллифликда), "Таржима тарихи" (2017, (ҳаммуаллифликда), "Синхрон таржима" (2020, ҳаммуаллифликда), "Матн таржимаси ва таҳрири" (2020) қўлланмалари шулар жумласидандир. Унинг турк тили фразеологияси ҳамда таржимашуносликка бағишланган 200 дан ортиқ илмий мақоласи ва тезислари Ўзбекистондаги илмий журналлар, тўпламлар, халқаро ва республика конференциялари тўпламлари, Туркия ва бошқа мамлакатларнинг нуфузли илмий журналлари, тўпламларида чоп этилган.

Бундан ташқари, Х.Ҳамидов 20 дан зиёд халқаро ва республика миқёсида ўтказилган илмий-амалий конференциялар тўпламлари, таржима тўпламлари, альманах ва хрестоматиялар ҳам тузган. 10 жилддан иборат Ўзбекистон Таржимашунослари Форуми (2012–2022 йиллар) материаллари, 5 жилддан иборат "Ёш таржимашунос" илмий мақолалар тўплами (2014–2020 йиллар), 4 жилддан иборат "Бу қадимий санъат" таржима мактаби талабалари альманахи (2014–2017 йиллар), 3 жилддан иборат "Таржима ма-

салалари" илмий мақолалар тўплами шулар жумласидандир. Филология фанлари доктори Х.Ҳамидов масъул-муҳаррирлигида 30 га яқин дарслик, ўқув қўлланмалари ва турли тўпламлар, жумладан таржима йиғма жилдлари нашр этилган.

2012–2023 йилларда Х.Ҳамидов турк адабиёти намояндалари, мумтоз адибларидан Яшар Камолнинг "Оғритоғ афсонаси" романи ва "Тунука" қиссаси, Холида Адиб Адиварнинг "Чорасоз" қиссаси, Умар Сайфиддин, Саид Ф.Абасиёниқ ва Азиз Несиннинг ўнлаб ҳикояларини ўзбек тилига таржима қилиб нашр эттирган. Бундан ташқари, Х.Ҳамидов ўзбек адабиётининг йирик намояндаларидан Саид Аҳмад, Ўлмас Умарбеков, Ўткир Ҳошимов, Тоғай Мурод, Улуғбек Ҳамдам каби адибларнинг ҳикояларини, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Ҳусниддин Шарипов, Омон Матжон ва Муҳаммад Юсуф каби машҳур шоирларнинг шеър ва дostonларини турк тилига таржима қилиб, Ўзбекистонда ва Туркия Республикасида нашр эттирган. Бундан ташқари, олим рус тилидан ўзбек тилига ва ўзбек тилидан рус тилига ҳам илмий ва бадий асарлар, ўқув адабиётларини таржима қилган. 100 жилдлик "Туркий адабиёт дурдоналари" туркумининг 2 жилдини (45- ва 51-жилдлар) шахсан Х.Ҳамидов тузган. Ушбу туркумининг 47-жилдида унинг турк тилидан қилган таржималари (Азиз Несин ҳикоялари) ўрин олган.

Х.Ҳамидовнинг мамлакатимизни малакали илмий кадрлар билан таъминлаш билан борасидаги фаолияти ҳам эътиборга молик. Ҳозирда унинг раҳбарлигида М.Абдуллаева, Ш.Ҳасанова, Г.Назруллаева, О.Жумабоев, Н.Иноятоваларнинг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари ҳимояга тайёрланмоқда. У 2020 йилдан буён Тошкент давлат шарқшунослик университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи ДС.03/30.12.2019.Фил/Тар.21.01 рақамли Илмий кенгаш қошидаги 10.00.05 – Осиё ва Африка халқлари тили ва адабиёти, 10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва таржимашунослик ихтисосликлари бўйича Илмий семинар котиби сифатида фаолият кўрсатиб келмоқда.

Х.Ҳамидов Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтининг "Ўзбек тили ва адабиёти" илмий журнали ҳамда Тошкент давлат шарқшунослик университетида нашр этиладиган "Шарқшунослик", "Шарқ машғали" ҳамда "Туркшунослик" номи илмий журналлар таҳрир ҳайъатларининг аъзоси ҳисобланади. Бундан ташқари, у *Academicia Globe: Inderscience Research is a scholarly peer reviewed international multidisciplinary Journal ISSN: 2776-1010 (SJIF: 5.653, Impact Factor: 7.425)* hamda *Comparative Turkish Dialects and Literatures. Karşılaştırmalı Türk Lehçeleri ve Edebiyatları* (Туркия) журналлари таҳририятларида ҳам аъзодир.

Хайрулла Худоёрович Ҳамидовни қутлуғ 60 ёши билан муборакбод этар эканмиз, унга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, ўзбек тилшунослиги ва таржимашунослигини янгидан-янги илмий тадқиқотлар билан бойитишини тилаб қоламиз.

**Низомиддин МАҲМУДОВ,
Эргаш ОЧИЛОВ,
Нилуфар ХОДЖАЕВА**



Adabiyot, madaniyat yashasa – millat yashaydi

O'ZBEKISTON

adabiyoti va san'ati

ADABIY-BADIIY,
MA'NAVIY-MARIFIY,
IJTIMOIY GAZETA
1956-yil 4-yanvardan
chiqa boshlagan

2023-yil 16-iyun
№23 (4734)

ИЗЛАНИШЛАР САМАРАСИ

Таниқли таржимашунос ва туркшунос олим, мохир таржимон, филология фанлари доктори Хайрулла Ҳамидов сермахсул ва серқирра фаолият соҳиб.

У ҳозирги турк тили, таржимашунослик ва шарқшуносликка оид монографиялар, илмий ва илмий-оммабоп рисоалар, йигирмадан зиёд ўқув адабиётини нашр эттирган. “Ўзбекчадан туркчага насрий таржима муаммолари”, “Мақол ва идиомалар таржимаси муаммолари”, “Турк фразеологияси масалалари” каби монографиялар, “Турк тили” дарслиги, “Таржима тарихи” (ҳаммуаллифликда), “Матн таржимаси ва таҳрири” сингари қўлланмалар муаллифи. Турк тили фразеологияси ҳамда таржимашуносликка бағишланган илмий мақолалари илмий журналлар, тўпламлар, халқаро ва республика конференциялари тўпламлари Туркия ва бошқа мамлакатларнинг нуфузли илмий нашрларида чоп этилган.

Яшар Камолнинг “Оғритоғ афсонаси” романи ва “Тунука” қиссаси, Холида Адиб Адиварнинг “Чорасоз” қиссаси, Умар Сайфиддин ва Азиз Несиннинг ўнлаб ҳикояла-



кафедрани зарур адабиётлар билан таъминлашдан бошлади. Ўзбекистонда таржимашунослик бўйича йирик тадқиқотлардан тортиб кичик мақолаларгача – барчасини излаб топиб, уларни компьютер хотирасига киритиб, таржимашуносликка оид адабиётларнинг бой электрон тизимини яратди. Қисқа фурсатда истиқлол даврида ижтимоий фанларда қарор топган янгича қарашлар асосида жаҳон андозаларига жавоб берадиган кўплаб янги авлод дарсликлари, ўқув қўлланмалари, услубий тавсияномалар, мақолалар ва

рини ўзбек тилига таржима қилиб нашр эттирганидан ташқари, Хайрулла Ҳамидов Саид Аҳмад, Ўлмас Умарбеков, Ўткир Ҳошимов, Тоғай Мурод, Улуғбек Ҳамдамнинг ҳикояларини, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Ҳусниддин Шарипов,

таржималар тўпламларининг дунёга келишига бош-қош бўлди ва уларнинг катта қисмига ўзи муаллифлик қилди. Кафедра профессор-ўқитувчилари ва мутахассислари томонидан ўн йилда юзтача турли ўқув, ўқув-услубий ва илмий адабиётлар

Омон Матжон ва Муҳаммад Юсуф каби машҳур шоирларнинг шеър ва дostonларини турк тилига таржима қилиб, Ўзбекистонда ва Туркияда нашр эттирган. Шунингдек, рус тилидан ўзбек тилига ва ўзбек тилидан рус тилига илмий ва бадиий асарлар, ўқув адабиётларини таржима қилган. 100 жилдлик “Туркий адабиёт дурдоналари” туркумининг икки жилдини (45- ва 51-жилдлар) тузган.

Хайрулла Ҳамидовнинг ташкилотчилик ва раҳбарлик фаолияти ҳам эътиборга молик. У Тошкент давлат шарқшунослик университетида “Таржима назарияси ва амалиёти” кафедрасига мудир этиб тайинлангач, қисқа фурсатда уни университетда ўз ўрни ва мавқеига эга кафедрага айлантирди. У ишни

нашр этилди. Бу китоблар ииллар давомида талабаларнинг таржима назарияси бўйича билимларини оширишга баҳоли қудрат хизмат қилиб келмоқда. У шунингдек, умидли ёшларни топиб, танлаб, тарбиялаб етиштирди ва кафедранинг илмий салоҳиятини мустаҳкамлади.

Истеъдод туғма бўлгани билан уни изчил ва машаққатли меҳнат юзага чиқаради. Хайрулла Ҳамидов ҳам ўзида мавжуд лаёқат ва истеъдодни изчил меҳнати билан намоён этиб келмоқда. Заҳматкаш олим ўзининг меҳнати билан нафақат республикамизда, балки Туркия илм аҳли, ижодкорлари орасида ҳам кенг эътибор қозонди.

Эргаш ОЧИЛОВ,
филология фанлари
номзоди.



VIII TRANSLATION FORUM
VIII ФОРУМ ПЕРЕВОДОВЕДОВ
VIII TARJIMASHUNOSLAR FORUMI

(E)ISSN: 2181-1784
4(27), Dec., 2024
www.oriens.uz

YASHAR KAMOLNING “OG‘RITOG‘I AFSONASI” ROMANI TARJIMASIGA DOIR



<https://doi.org/10.5281/zenodo.14643014>

Filol.f.n. **Lolaxon AMINOVA,**
TDSHU dotsenti. Toshkent, O‘zbekiston
Tel: 97 761 65 56; E-mail: lolahonim@mail.ru

Mashhur turk yozuvchisi Yashar Kamolni “Inja Mamad”, “Ilonni o‘ldirsalar” asarlari orqali o‘zbek kitobxoni tanib ulgurgan. Yozuvchining mazkur asarlari o‘zbek adabiy xazinasining durdona asarlari orasidan joy olib bo‘lgan. Ushbu adabiy merosimiz Yashar Kamolning yana bir asari “Og‘ritog‘i afsonasi” romani bilan yanada boyitildi. Ushbu romanni ham o‘zbek kitobxoni bimalol o‘z ona tilida o‘qishga muvaffaq bo‘ldi. Bu esa mohir tarjimon, pedagog, filol.f.d., prof. Xayrulla Hamidovning sa’y-harakatlari bilan amalga oshdi. X.Hamidov nafaqat turk tilidagi

asarlarni o'zbek tiliga tarjima qilgan, balki o'zbek adabiyotining eng sara asarlarini ham turk tiliga tarjima qilib, o'zbek romanchiligi va hikoyachiligini dunyoga tarannum qilishda o'z hissasini qo'shib kelmoqda.

60-70 yillar orasida sermahsul ijod qilgan Yashar Kamol o'z ijodini xalq og'zaki ijodi namunalarini to'plash, afsona va rivoyatlarini yig'ib, ularni baxshi sifatida aytib yurish bilan boshlagan. O'z hududining urf-odat, inonch-e'tiqod, irim-sirimlarini yaxshi o'rgangan va o'z asarlarida ulardan samarali foydalangan. "Og'ritog'i afsonasi" romani ham yozuvchining o'zi bilgan, eshitgan, baxshi sifatida kuylab yurgan voqealar asosida dunyoga kelgan. Bu romanning g'oyasi – birdamlik, adolat, sadoqat, o'z xalqiga, urf-odatlariga sodiqlik, g'urur - iftixor tuyg'ularini tarannum etadi.

Yashar Kamolning aksariyat asarlari tabiat manzarasi bilan boshlanadi. Yozuvchi voqealar sodir bo'ladigan atrof-muhitni mayda tafsilotlarigacha batafsil tasvirlaydi: *"Her yıl karlar eriyip de bahar gözünü açınca. Ağrı-dağında bir ulu tazelik patlayınca, gölün kıyıları ince kar çizgisinin üstü, keskin, kısa, küt çiçeklerle dolar. Çiçeklerin rengi alabildiğine parlaktır. En küçük çiçek bile mavi, kırmızı, sarı, mor kendi renginde çok uzaklardan bir renk pırıltısı olarak balkır. Ve Keskin kokarlar.*

Gölün mavi suyu, bakır rengi toprağı baş döndürücü keskin kokularla kokar. Ve bu kokular çok uzaklardan duyulur." [1,1.]

Tarjimasi: *"Har yili tog'dagi qorlar erib, bahor ko'z ochishi bilan, Og'ritog' uzra qandaydir poklik keza boshlaydi, musaffo havodan insonning ko'ngli yayraydi. Yupqa qor qatlamining yuzasi pakana dala chechaklari bilan qoplanadi. Chechaklarning ranggi, porloqligi ko'zni qamashtiradi. Uzoqdan eng mayda chechaklar moviy, qizil, sariq, binafsha va boshqa ranglarda tovlanib, jilolanadi, atrofga xushbo'y ifor taratib, dimoqni qitiqlaydi. Ko'lning moviy tovlangan suvi, yoqasidagi misrang tuproqning xushbo'y isi boshni aylantiradi. Bu ifor, xushbo'y hid uzoq-uzoqlarga taraladi"* [2,1.]

Ushbu parchada tabiat manzarasi – tog'lar, havoning musaffoligi, chechaklarning rangiyu hidi mayda tafsilotlarigacha tasvirlangan. Yozuvchining mana shunday peyzaj tasviridagi mahoratini ko'zda tutgan holda tarjima amalga oshirilishi talab qilinadi. Tarjimon parchadagi har bir so'zga alohida e'tibor berishi bilan birga, o'zbek tilidagi parchada gaplar asliyatga qaraganda yanada to'liqroq va mukammalroq o'girilishiga muvaffaq bo'lgan. Masalan; "karlar eriyip" jumlasini "tog'dagi qorlar erib" deb, shunchaki qorlar emas, balki tog'dagi qorlar eriganligiga aniqlik kiritib ketilgan. "Çiçeklerin rengi alabildiğine parlaktır" jumlasini "Chechaklarning ranggi, porloqligi ko'zni qamashtiradi" deya

o'girilib, chechaklarning rangi porlab, tovlanib turganligi, o'zbek tiliga "ko'zni qamashtiradi" iborasi bilan berilgan.

Tildagi barqaror so'z birikmalari hissiy ta'sirchanlikni ta'minlash bilan bir qatorda ma'lum bir millatning dunyoqarashini, munosabatini ham bildiradi. Bir tildan ikkinchi tilga matn o'girilganda mana shunday birliklarning muqobilini topish va o'rnida qo'llash juda muhimdir. Ma'lumki, turk va o'zbek tillaridagi iboralarning ko'pchiligi bir biriga yaqin. Ba'zi iboralarning esa muqobilini topish tarjimondan katta mahoratni talab etadi. Ibora tarkibidagi leksemalarning ma'nosidan butunlay boshqa mazmunni anglatishi ham mumkin. [3,160.]

Har bir tasvir ibora orqali ifodalansa ham jozibali ham ma'nosi yanada aniq etib borishiga erishiladi. "Ve Keskin kokarlar" jumlasini ham oddiygina, chechaklarning hidi juda o'tkir edi, deyish ham mumkin edi. Lekin tarjimon shu o'rinda ham yanada obrazli va badiiy holda "atrofga xushbo'y ifor taratib, dimoqni qitiqlaydi" deya mohirona o'giran. O'zbek tilidagi "dimonni qitiqlamoq" iborasi go'zal iboralardan biri bo'lib, juda yoqimli, nozik hidlarning dimoqqa yoqimli urilishining shoirona tasviridir. Turk tilidagi asliyatda gullarning hidini faqat "o'tkir" deya tasvirlanadi, lekin tarjimon o'zbek tiliga juda chiroyli ibora orqali ma'noni etkazib bergan. Ushbu parchadagi "Ve bu kokular çok uzaklardan duyulur", "Bu ifor, xushbo'y hid uzoq-uzoqlarga taraladi" deb o'girilgan jumlagina ozgina e'tiroz bildirishimiz mumkin. Umuman olganda bu gapning ma'nosi to'g'ri ochib berilgan, lekin, turk tilidagi parchada "chechaklarning yoqimli hidlari uzoq-uzoqlardan sezila boshlaydi" degan ma'no yotibdi. O'zbek tilidagi tarjimada esa chechaklarning hidlari uzoq-uzoqlarga taraladi, deyilgan.

Yana bir peyzaj tasviriga e'tibor qaratsak:

"Ve her yıl Ağrıdağında bahar gözünü açtığında, çiçeklerle, keskin kokular, renklerle, bakır rengi toprakla birlikte Ağrıdağının güzel, kederli kara gözlü, iri yapılı, çok uzun, ince parmaklı çobanları da kavallarını alıp Küp gölüne gelirler. Kırmızı kayalıkların dibine, bakır toprağın, bin yıllık baharın üstüne kepeneklerini atıp gölün kıyısına firdolayı oturlar. Daha gün doğmadan Ağrıdağının harman olmuş yalp yalp yanan yıldızları altında kavallarını bellerinden çıkarıp Ağrıdağının öfkesini çalmağa başlarlar. Bu, gün doğumundan gün batımına kadar sürer"[1, 1.]

Tarjimasi: "Har yili Og'ritog'da ilk bahor ko'z ochganda, gullar, o'tkir iforlar, turfa ranglar, misrang tuproq bilan birga Og'ritog'ning go'zal, qora ko'zlari g'amgin boquvchi, barvasta, uzun bo'yli, barmoqlari ingichka cho'ponlari sibizg'alarini olib Kup ko'li tomon yo'l

oladilar. Qizil qoyalar yoniga borib, ming yillik bahoriy misrang tuproq ustiga chakmonlarini to'shab, davra qurib o'tiradilar. Hali quyosh chiqmasdan belbog'lariga qistirilgan sibizg'alarini chiqarib, Og'ritog'ning erta tongda hanuz yal-yal chaqna b turgan yulduzli osmoni ostida "Og'ritog'i nolasi"ni chala boshlaydilar. Bu nola quyosh chiqishidan boshlanib, ufqqa bosh qo'ygan chog' nihoyasiga etadi..." [2, 1.]

Tarjimada birgina detal, birgina so'z ma'lum bir davr, muhit, o'ziga xos sharoit kabi o'zgachaliklarni anglatib kelishi mumkin. Yuqoridagi parchaning o'zbek tilidagi tarjimasida "sibizg'a" so'zi ishlatilgan bo'lib, u o'zbek tili izohli lug'atida "sibiziq, cho'pon nayi- tilchali, puflamali o'zbek xalq musiqa cholg'u asbobi, nayning bir turi, cho'pon nayi" deya izohlangan. Asliyatda esa ushbu so'z "kaval" deb berilgan. "Kaval" – so'zi turk tili izohli lug'atida "kamiştan yapılan genellikle çobanların çaldığı, yumuşak sesli, perdeli büyük düdük", yani "qamishdan yasalgan, odatda cho'ponlar chaladigan, mayin ovozli, pardali katta nay" deya izohlangan. "Kaval" so'zini "nay" deya o'girsam ham bo'lardi. Lekin tarjimon bu erda oddiy nay emas, balki aynan cho'ponlarning o'ziga xos cholg'u asbobi haqida gap ketayotganini to'g'ri anglab, sibizg'a so'zi bilan ifodalagan. Bu esa matnga o'ziga xos muhitni, o'zgachalikni beraolgan. Shu o'rinda yana aytib o'tish lozimki, sibizg'a so'zi yosh kitobxonlar uchun yangi so'z bo'lib tuyulishi tabiiy. Lekin yosh avlodni o'zbek tilining boy namunalari bilan tanishtirish, ularga o'z ona tillaridagi yangi so'zni o'rgatish yozuvchi va tarjimonlarning yana bir boshqa, so'zomon qirralari deya baho berish mumkin.

O'zbek tilida "tili shirali" degan ibora mavjud. Ya'ni o'ziga xos, chiroyli, shoirona ifodalar uchun shu ibora qo'llaniladi. "Og'ritog'i afsonasi" romanining o'zbek tilidagi tarjimasi uchun ham shu iborani ishlatib, shirali tilda o'girilgan desak, mubolag'a bo'lmaydi. Shu ta'rifimizga yuqoridagi parchadan bir misol: "Bu, gün doğumundan gün batımına kadar sürer". Bu gap oddiy tarjima qilinganda, "Bu, tong otishi, kun yorishishidan quyosh botgunga qadar davom etadi" deya o'giriladi. Lekin tarjimon "Bu nola quyosh chiqishidan boshlab, ufqqa bosh qo'ygan chog' nihoyasiga etadi" deya bu jumlanı shoirona o'gırgan. Bu gap xuddi sherning bir misrasi kabi chiroyli bir o'xshatish bilan tasvirlangan.

Yuqoridagi parchadagi "kepenek" so'ziga e'tibor qaratsak: "Kepenek" so'zi turk tili izohli lug'atida "çobanların omuzlarına aldıkları dikişsiz, kolsuz, keçeden üstlük" yani, cho'ponlarning elkalariga tashlab oladigan, tikilmagan, engsiz, qalin matoli ust kiyim, deya izohlangan. Ushbu so'zni tarjimon "chakmon" so'zi bilan beradi. Chakmon –

o'zbek tili izohli lug'atida, "ustki kiyim turu, erkaklarning oldi ochiq, qishki to'ni, jun matodan to'qiladi" deya izohlangan. Tarjimon "kepenek" so'zini "chakmon" deya o'girib, to'g'ri yo'lni tanlagan, chunki chakmon ham izohda aytilishiga ko'ra, jun matodan to'qilgan, yani qalin matoli ust kiyim. Bu esa cho'ponlarning ustlariga tashlab yuradigan to'nlarini ifodalash uchun to'g'ri va chiroyli ifoda bo'lgan.

Yashar Kamolning yozuvchi sifatida o'ziga xos uslubi bor. U voqealar tasvirida qisqa, kesik-kesik jumalardan, ketma-ket kelgan diologli gaplardan foydalanadi. Bunday gaplarni tarjima qilishda, o'quvchiga tushunarli bo'lishi uchun, tarjimon, ma'nodan yiroqlashmagan holda, gaplarni o'zidan qo'shishiga to'g'ri keladi. Masalan: *"Sofi bir süre azıcık ürkmüş, azıcık şaşırmış, azıcık korkmuş atın ötesinde sessiz durdu"* [1, 3]. Gapning so'zma-so'z tarjimasini: "So'fiy bir muncha vaqt qo'rqib, biroz hayron ham bo'lib, otning yonida jimgina turib qoldi." Ushbu gap X.Hamidov tarjimasida quyidagicha berilgan: *"Ha, So'fiy bobo nimanidir eslab, uzoq o'ylanib qoldi, hatto sal bezovta ham bo'ldi. Qalbining tub-tubida qandaydir hadik, qo'rquv yalab o'tganday bo'ldi. U shu alpozda birpas turib qoldi..."* [2,7] Korinib turganidek asarning o'zbekcha tarjimasini yanada tushunarliroq, mukammalroq chiqqan. Bu esa tarjimonning asarni chuqur his qilib, unga ijodkor sifatida yondashganligidan dalolat beradi.

Yashar Kamol uslubiga xos yana bir xususiyat shuki, u o'z asarlarida ketma-ket kelgan dialogli gaplardan keng foydalanadi. Masalan:

«Ahmet, Ahmet» diye bağırdı.

Ahmet Sofinin sesini tanıdı, kapıya yürüdü, açtı:

«Buyur dayı» dedi.

Atı gördü, önce şaşırdı. Sonra bir ata, bir Sofiye baktı.

Sofi: «Konuğun kim Ahmet?» diye sordu. «Hoş geldi safalar getirdi.»

Ahmet: «Konuğum yok,» diye karşılık verdi.

İkisi de ata baktılar. ."[1, 3.]

Tarjimasini:

Ahmad, ho'v Ahmad, – deb uy egasini chaqirdi. So'fiyning tovushini eshitgan Ahmad asta yurib kelib, eshikni ochdi.

– Keling, So'fiy tog'a – deb cholni ichkariga taklif qilar ekan birdan ko'zi otga tushdi. U avval hayron bo'lib, bir otga, bir So'fiy boboga qaradi.

– Mehmoning kim, Ahmad? – deb so'radi So'fiy bobo.

– ...

– Mayli, kim bo'lsa ham xush ko'rdik.

– Qanaqa mehmon? – dedi Ahmad ajablanib.

Shunda ikkalasi ham birdan otga yuzlandilar. [2, 11.]

Tahlil qiladigan bo'lsak, turk tilida dialoglar ko'pincha qisqa, fikr tugallanmagan, to'liqsiz gaplar shundayligicha berilgan bo'ladi.

Bunday gaplar filmlarda tushunarli bo'лади, izoh ham shart bo'lmaydi, chunki filmda holat so'z bilan emas, harakat, holat, joy tasvirlarida ham namoyon bo'лади. Lekin yozma matn va uning tarjimasida vaziyat boshqacha bo'лади.

O'zbekcha tarjimani olib ko'radigan bo'lsak, har bir gap aniq, tushunarli. Masalan; «Ahmet, Ahmet» diye bağırdı” jumlası “Ahmad, ho'v Ahmad, – deb uy egasini chaqirdi”. Haqiqatan, asarning shu o'rnida So'fiy bobo duch kelgan odamga “baqirmayapti”, aksincha Ahmadning eshigi oldida turib uyning egasi, yani Ahmadni chaqirmoqda. Shu gapning o'zidayoq tarjimonning mahorati yaqqol ko'zga tashlanmoqda. Yoki “Ahmet Sofinin sesini tanıdı, kapıya yürüdü, açtı:” jumlası “So'fiyning tovushini eshitgan Ahmad asta yurib kelib, eshikni ochdi” deb o'girilgan. Shu o'rinda parchalarning o'zbek tilidagisiga e'tiroz bor. Turk tilida Ahmad So'fiyning ovozini tanib eshikni ochganligi aytilmoqda. Lekin o'zbek tilida Ahmad So'fiyning ovozini eshitib eshikni ochgan deya aytilmoqda. Turk tilidagi So'fiyning ovozini taniganligi uchun eshikni ochganligi o'zbek tilida tushurib qoldirilgan. Bu erda ma'noda katta o'zgarish bo'lmasada, tarjimadagi aniqlikka etibor berilmagan.

«Buyur dayı» dedi. Atı gördü, önce şaşırdı. Sonra bir ata, bir Sofiye baktı.” Turk tilidagi ushbu gapga etibor beraylik. Gapni aynan tarjima qiladigan bo'lsak, shunday jaranglaydi “Gapiring tog'a, dedi. Otni ko'rdi, avval hayron bo'ldi, keyin bir otga bir so'fiyga qaradi.” Bu gapning tuzilishiga to'xtaladigan bo'lsak, gaplar qisqa, vergul tinish belgisi orqali uyushib kelmoqda. Uyushub kelgan har bir gapda hukm mavjud. Endi ushbu gap tarjimonning tarjimasida qanday jaranglamoqda.

– Keling, So'fiy tog'a – deb cholni ichkariga taklif qilar ekan birdan ko'zi otga tushdi. U avval hayron bo'lib, bir otga, bir So'fiy boboga qaradi. Turk tilidagi qisqa, uyushib kelgan gap, o'zbek tilida qo'shimchalar orqali bog'lanib, ma'nosi ham silliqalanib, bir gapga jo bo'lgan. “cholni ichkariga taklif qilar ekan” degan gap turk tilida yo'q, lekin tarjimon ijodiy yondoshib, eshigiga kelgan odamni ichkariga taklif qilish odobini e'tiborga olib va o'sha erdagi holatni yanada yaqqolroq tasvirlash maqsadida ushbu gapni qo'llagan va juda chiroyli ifodaga erishgan. Asardan yana bir parcha tanlab tahlil qilamiz.

“Ahmedin kapısına bir küheylanın gelip durduğunu önce bütün köy duydu. Gelip atı gördüler. Sonra yakın köyler, sonra tekmil Ağrı yöresi duydu, gelip atı gördüler. Az bir zamanda atın ünü İrana Turana ulaştı. Bu hali, Ahmedin başına gelip konan devlet kuşunu türlü türlü yorumladılar. Kimi hayra yordu, kimi şerre...”[1, 3.]

Tez orada Ahmadning eshigi oldiga bir afsonaviy ot kelib to'xtagani xabari butun qishloqqa yoyildi. Hamma bu otni ko'rgani kela boshladi. Boshqa qishloqlardan ham odamlar otni ko'rgani oqib keldi. Shu tarzda butun Og'ritog' hududi bu g'alati voqeadan xabardor bo'ldi. Hamma bu g'aroyib otni ko'rishga oshiqdi. Ot voqeasi Eronu Turonga yoyildi. Ahmadning boshiga qo'ngan bu davlat qushini hamma o'zicha ta'bir, talqin qila boshladi. Biri xayr alomati desa, boshqasi yomonlikka yo'ydi, "baxtsizlik alomati", – dedi. [2, 3.]

Parchadagi "Ahmedin kapısına bir küheylanın gelip durduğunu önce bütün köy duydu" jumlasini tarjimon "Tez orada Ahmadning eshigi oldiga bir afsonaviy ot kelib to'xtagani xabari butun qishloqqa yoyildi." deb o'giran. Turkcha matndagi "küheylan" so'zi turk tili izohli lug'atida shunday berilgan. "Küheylan – arapça, isim, soylu arap atı". Tarjimasi: "Küheylan – arapcha so'z, ot turkumli, ma'nosi - zotdor arab oti. Yozuvchi Ahmadning eshigi oldiga zotdor arab oti kelib to'xtagani ni yozmoqda. Lekin tarjimada "afsonaviy" ot deya o'girilgan. Natijada ma'noda katta o'zgarish bo'lmagan bo'lsada otning zoti e'tibordan chetda qolib, diqqat uning naqadar chiroyli va o'zgachaligini ochib berishga qaratilgan. Fikrimizcha "zotdor arab oti" deya o'girilsa maqsadga muvofiq bo'lar edi. Bundan tashqari turk tilida "bir küheylan", "bir mutluluk", "bir çocuk", "bir sevinç" kabi har bir jonli, jonsiz, predmet nomidan oldin "bir" so'zining qo'llanilishi turk tilining o'ziga xos xususiyati hisoblanadi. Lekin o'zbek tilida "bir" so'zini faqat miqdorni bildirish maqsadida qo'llanilsa yaxshi bo'lardi. Ko'p tarjimalarda xuddi turk tilidagidek bir afsonaviy, bir baxt, bir bola, bir sevinch deya o'giri layotganining guvohi bo'layapmiz. Shunday tillarning nozik jihatlariga biz ham "nozik" munosabatda bo'lishimiz kerakligi haqida darslarda ham qayta qayta takrorlaymiz.

O'zbek tilida "boshiga davlat qushu qo'nmoq" iborasi mavjud. Bu ibora hayotida katta zafarga, katta davlatga, katta yutuqqa erishgan kishi uchun qo'llaniladi. Huddi shu iboraning aynan bir xili turk tilida ham mavjud. "Ahmedin başına gelip konan devlet kuşu", ushbu jumlanı tarjimon "Ahmadning boshiga qo'ngan bu davlat qushini" deya juda to'g'ri o'giran. Chunki turk va o'zbek tillari bir oilaga mansub, ildizi bir tillar hisoblanadi. Tildagi mana shunday o'xshash so'z va iboralarning aynan bir xil shakllarining berilishi tillarning ildizi baquvvat va bir – biriga o'xshash ekanligini yana bir isboti bo'lib turibdi. Biz esa shu tillarda gapiruvchi, o'rgatuvchi insonlar sifatida shu jihatlarini ham targ'ib qilishimiz kerak deb hisoblaymiz.

Xulosa. Ushbu asarni tarjima qilgan Xayrulla Hamidov nafaqat tarjimon, balki mohir pedagog, ustoz va kuchli olim hisoblanadi. U o'zining bir qancha ilmiy ishlarida turk tilidagi maqol va frazeologik ibora-

lar ustida ish olib borgan. O'zbek va turk tilidagi turg'un birikmalar va frazeologik iboralar ustasi sifatida ushbu asardagi bir qancha iboralar-ni o'zbek tilidagi muqobil shaklini topib, mohirona tarjima qilgan. Turk tilida oddiy gap sifatida kelgan jummalarni ham o'zbek tiliga ibora sifa-tida o'g'irgan. Bu esa ona tilimizning boy hazinasini asarlarda qo'llab ularni targ'ib va tashviq etish hisoblanadi. Quyida turk tilidagi ibora-larni o'zbek tilidagi muqobilini topgan holda o'girilgan bir qancha ibo-rani ko'rib o'tamiz.

“Başa gelen çekilir, dayı» dedi Ahmet.” tarjimasi: “boshga tushgan-ni ko'z ko'rar ekan, deb taqdirga tan berdi”. “Sonra aşağıdaki ovadan, Karakiliseden, Gıhadın-den, Ig'dırdan Kürt Beyleri duyduklar”, tarjimasi: “Xabar quyi qishloqlarga, Gihodin, Ig'dirdagi kurd beylarining qulog'i-ga ham borib etdi.”, “Belki gözü kanlı, dediğinden dönmez bir beydi”, tarjimasi: “Balki ko'zi qonga to'lgan, aytgan so'zidan qaytmas, o'jar bir beydir?”, “Mahmut Hanla başa çıkılmaz.» tarjimasi: “Ammo Mahmud-xonga bas kelish imkonsiz”, “Dağını da, başındakileri de erle bir ede-rim, dedi” tarjimasi: “Ishongan tog'ini parchalab tashlayman, makonini er bilan yakson qilaman”, – dedi”, “Konağı velveleye Verdi”, tarjimasi: “Mahmud poshsho saroyini boshiga ko'tardi”.

Tarjimonlik – igna bilan chuqur qazishdek bir ish yoki zargarlik kabi nozik bir ish degan tashbehlarni ko'p eshitganmiz. Lekin biz tarji-ma ishini boshqa bir joydan ko'chat, nav-nihol olib, boshqa bir erga o't-kazib ekishga o'xshatamiz. Boshqa tuproqqa mansub ko'chatni umu-man boshqa joyga ko'chirib ekaningizda, uning qaytadan jonlanib, o'zini tiklab, barq urib ketishi qanchalik mushkul ish bo'lsa, boshqa til-ga mansub asarni yana boshqa bir tilga o'girib, unga qaytadan hayot berish ham shu qadar mushkul bir ishdir. Barcha asarlar, ilmiy ishlar muallifning jondan aziz farzandlari hisoblanadi. Chunki mualliflar ha-qiqtan asarlarga yangi hayot baxsh etadilar.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yhati

1. Yaşar Kemal, Ağrıdaki Efsanesi, Yapı Kredi Yayınları (YKY), 51.Baskı, İstanbul, 2018.
2. Yashar Kamol. Og'ritog'i nolasi. – Toshkent: 2022. –180 b.
3. Toshaliyeva S. Badiiy tarjimaning ba'zi muammolariga doir./ Tarjima-shunoslarforumu-Toshkent-2022. <https://cyberleninka.ru/article/n/badiiy-tarjimaning-bazi-muammolariga-doir>
4. Sanjar Siddiq. Adabiy tarjima san'ati, O'zAS, 1991-yil, 22-noyabr.
5. Salomov.G'. Til va tarjima. T., 1966.

*“VIII Tarjimashunoslari forumi”
(Xalqaro ilmiy-amaliy anjuman materiallari).
–Toshkent: TDSHU, 2024. – B. 250-257.*

MUHAMMAD YUSUF SHE'RLARINING TURKCHAGA TARJIMASIDA BADIY SAN'ATLARNING BERILISHI

Mehriniso KAYUMOVA,

TDSHU "Tarjimashunoslik va xalqaro jurnalistika kafedrası o'qituvchisi

O'zbek adabiyoti namunalarining turk tiliga tarjimasi o'zbek va turk xalqlari o'rtasidagi adabiy aloqalarning yanada mustahkamlanishiga xizmat qiladi. Shu o'rinda, o'zbek xalqining sevimli shoiri Muhammad Yusuf she'rlarining turk tiliga tarjimasi xususida to'xtalib o'tmoqchimiz. Kitobxon yo'q-ki, uning javonidan Muhammad Yusufning she'r kitobi topilmasin, hech bir o'zbek yo'q-ki, uning misralaridan mehr, muhabbat, sadoqat, vafo tuyg'usini his etmagan bo'lsin! Uning har she'rida o'zbek xalqining quvonch-u izzatoblari, orzu va armonlari o'z ifodasini topgan.

2014-yilda shoirning 60 yillik yubileyi munosabati bilan she'rlari xorijiy tillarga tarjima qilina boshlandi. Jumladan, shoirning bir qancha she'r va dostonlari Xayrulla Hamidov tomonidan turkchaga o'girilib nashr etildi⁸. Ushbu maqolada shoir she'rlarining turkcha tarjimalari qisman tahlilga tortiladi.

M.Yusufning talmeh san'ati qo'llanilgan "O'zbek qizlari" she'ri tarjimasiga e'tibor qaratamiz. She'rning ilk misralarida Momo Havo tilga olinadi, o'zbek qizlarida Momo Havoga xos hayo, ibo saqlanib qolganligiga urg'u beriladi:

O'zbekcha (asliyat)

Turkcha tarjimasi

*Bu Momo Havodan ularga odat: Hava Anamiz'dan onlara âdet,
Ushlasa gul ushlar qo'lini faqat, Tutarsa gül tutar elini, ancak.
Kuyovga chiqmagan o'zbek qizlarin Daha evlenmemiş Özbek kızının,
O'psa faqat shamol o'par yuzlarin. Öperse rüzgâr öper onun yüzünü.*

Tarjimada asliyatdagi mazmun, ohang saqlanganini ko'ramiz.

She'rda tashxis san'ati ham qo'llanilgan. O'zbek qizlarining yuzidan faqat "shamol bo'sa" olishi mumkinligi, ya'ni shamol jonlantirilib, unga insonga xos xususiyat baxsh etilgan. She'r tarjimasida ham bu san'at saqlangan. Yoki quyidagi misolda shoir uch marotaba talmeh san'atini qo'llaydi: Mashrab, Navoiy, Yassaviy nomlarini tilga oladi. Tarjimon bu ismlarning barchasini tarjimada sanab o'tar ekan, faqat turk o'quvchisiga unchalik tanish emasligini hisobga olib, unga havolada izoh beradi:

O'zbekcha (asliyat)

Turkcha tarjimasi

⁸ Muhammad Yusuf, Şiirler. Destanlar. (Türkçeye çeviren Hayrullah Hamidov). Özbek edebiyatı'nın seçme eserleri, 3. Bölüm. Muhammad Yusuf, Şiirler. Destanlar, Taşkent, TaşDŞE, 2014.

*Sen **Mashrabsan**,
Xalqda tumor,
Balxda dorga osilgan.
Navoiysan, shoh yonida,
Faqirni duo qilgan.
Yassaviysan, meniki deb,
Ko'ringan da'vo qilgan,
Ming bir yog'i ochilmagan
Qo'rig'imsan Vatanim.*

Shoirning "Ulug'imsan, Vatanim" she'rida O'zbekiston ulug'lanadi. She'riyatning tajohili orif san'ati qo'llangan satrlar turk tiliga quyidagicha o'giriladi:

O'zbekcha (asliyat)

*Men dunyoni nima qildim,
O'zing yorug' jahonim.
O'zinga bek,
O'zim sulton,
Sen taxti Sulaymonim.
"Yolg'izim",
"Yagonam" deymi,
"Topingan koshonam" deymi,
O'zing mening ulug'lardan
Ulug'imsan, Vatanim...*

Ko'ramizki, bu o'rinda tajohilu orif san'ati ham saqlangan, shu bilan birga, shoir qo'llagan tavsiflar ham tarjimada o'z ifodasini topgan.

M.Yusufning barcha yod biladigan "Lolaqizg'aldoq" she'ridan olingan quyidagi parcha va uning tarjimasiga e'tibor beraylik:

O'zbekcha (asliyat)

*Men ketsam, yomondan
Yiroq bo'l, ohu,
Chunki sen chiroyli,
Ko'rkli bir juvon.
Yomon kunlar bir kun
Yyaxshi bo'laru,
Yomon odam yaxshi
Bo'lmas hech qachon.
Yasha, chegarada
Turgandek ogoh,
Lola, lolajonim,*

*Sen **Meşrep'sin**⁹,
Halkın oğlu,
Belh'te dara çekilen,
Nevâi'sin, şah yanında,
Fakiri dua eden.
Yessevi'sin her insanın,
"Benim!" diye koştuğu.
Bin bir yanı açılmamış
Bâkirimsin, Vatanım...*

Turkcha tarjiması

*Bu dünyayla ne işim var,
Madem sensin cihanım,
Hünkâr - benim,
Benim - Sultan,
Sen Taht-ı Süleyman'ım,
"Yalnızım",
"Yegânem" mi diyim¹⁰?
"Tapındığım kâşânem".
Yalnız Sensin büyüklerden,
Daha büyük, Vatanım...*

Turkcha tarjiması

*Ben gidersem, kötülerden
Uzak dur, ceylân!
Çünkü sen güzelsin,
Görkemli civan¹¹.
Kötü günler geçer,
Gelir **güzel** an.
Kötü insan **iyi**,
Olmaz hiç zaman...
Uyanık ol sınırdaki,
Asker misali,
Lale, Lalecan'ım,*

⁹ "Kalender yaradılışlı ünlü Özbek şairinin adı" deb izohlangan.

¹⁰ Diyeyim.

¹¹ Tarjimon "Civan, burada "genç bayan", "kadın" anlamındadır", deb izohlangan.

Llolaqizg'aldoq!

Lalekızgaldak!

She'ning asl matnida "yaxshi" va "yomon" so'zlari qarshiligi ikki o'rinda qo'llangan bo'lib, tazod san'ati hosil bo'lgan. Ya'ni yomon kunning yaxshi bo'lishi va yomon odamning yaxshiga aylanmasligi ta'kidlanadi. Bu o'rinda yaxshi-yomon antonimlarini qo'llash orqali she'rdagi ma'no kuchaytirilgan. Tarjima e'tibor berilsa, ilk o'rinda **kötü** so'ziga **güzel** so'zi antonim sifatida, keyingi o'rinda esa **kötü** va **iyi** antonimlari qo'llanilganiga guvoh bo'lamiz. Ilk misradagi **kötü** va **güzel** so'zlari o'zaro antonim bo'lmasa-da, turk tilida **iyi** so'zi kunga nisbatan ishlatilmaydi, balki farovon, tinch, yaxshi kunlar ma'nosida **güzel** sifatida ishlatiladi. Ya'ni bu vaziyatda nutqiy antonim shakllangan bo'lib, tazod san'ati saqlanib qolgan, deyish mumkin.

Muhammad Yusufning "Iqror" she'ridan olingan birinchi bandda nido san'atining go'zal namunalarini ko'rishimiz mumkin.

Shoir vataniga murojaat qilar ekan, uni "ota makon", "onajon o'lka" deb tavsiflab so'zlaydi. Bu usul orqali u ham tug'ilib o'sgan yurtiga murojaat qiladi, g'am uning onasidek aziz, yagona ekanligiga urg'u beradi. "O" undov so'zi orqali murojaat ma'nosi kuchaytiriladi:

O'zbekcha (asliyat)

*O, ota makonim.
Onajon o'lkam,
O'zbekiston, jonim
To'shay soyangga.
Senday mehribon yo'q,
Seningdek ko'rkam.
Rimni alishmasman
Bedapoyangta.*

Turkcha tarjimasi

*Sen ata mekânım,
Canımsın, ülkem!
Özbekistan, sana kurban
Bin canım,
Senden gayri yoktur
Benim sevenim,
Senin gibi güzel yurt
Yoktur cihanda,
Roma'ya değişmem
Yonca tarlanı.*

Demak, "ota makonim" turk tiliga o'z shaklida qoldiriladi. Lekin bu o'rinda nido san'ati yo'qolib qolgan. Chunki "Sen ata mekânım, Canımsın, ülkem!" deyilganda, "ata mekânım" undalma emas, kesim bo'lib kelgan. Ya'ni "Sen ata mekânımsın, Sanımsın, ülkem!" bu o'rinda faqat nido sifatida "ülkem" murojaati qolgan bo'lib, ma'noni kuchaytiruvchi undov so'z ham tushirib qoldirilgan. Bu tarjima usuli nolli tarjima deb ham ataladi. "Iqror" she'ridan olingan yana bir parchaga e'tibor qaratamiz:

O'zbekcha (asliyat)

*Bir go'sha suv bo'lsa,
Bir go'sha qirlar,
Qancha yurtni ko'rdim,
Qancha taqdirlar.
Qayga borsam suyab,*

Turkcha tarjimasi

*Dört bir yanın ırmak,
Dağla çevrili,
Nice yurdu gördüm,
Nice kaderi,
Nereye gitsem başını*

***Boshni tik tut deb,
Tog'laring ortimdan
Ergashib yurar.***

***Dimdik tut diye,
Dağların arkamda
Sabit dururlar.***

Keltirilgan parchada tashxis va intoq san'ati birgalikda qo'llangan. Ya'ni shoir O'zbekistonni ulug'lar ekan, uning tabiatini ham tavsiflaydi. Shu bilan birga, ona yurtining tog'lari tilga kirib, "boshingni tik tut", deyishi intoq san'atini yuzaga keltirgan bo'lsa, tog'larning shoir ortidan ergashib yurishi tashxis san'atini hosil qiladi.

Demak, Muhammad Yusuf qo'llagan intoq va tashxis san'atlari turkcha tarjimada ham to'la aks etgan, deyish mumkin, faqat o'zbekchadagi "ergashib yuribdi" fe'li turk tiliga "sabit dururlar" shaklida o'girilgan bo'lsa-da, umumiy mazmunga salbiy ta'sir ko'r-satmagan, aksincha, ohangdor chiqishini ta'minlagan. Chunki "ergashib yuribdi" birikmasi so'zma-so'z o'girilsa, "peşimden geliyor" bo'lardi, unga nisbatan, albatta, "sabit dururlar" – sobit turishibdi shaklidagi tarjima jarangliroq chiqqan. Shoirning quyidagi ("O'zbek qizlari") she'rida qiz qalbi mehr-shafqat, olijanoblikda daryoga o'xshatiladi:

O'zbekcha (asliyat)

*Ko'ngli daryoday keng,
Mehri ulug'vor,
Dugonasi Hayo,
Dugonasi Or.
Ayting, farishtadan
Nima farqi bor,
Kuyovga chiqmagan
O'zbek qizlarin?..*

Turkcha tarjimasi

*Gönlü geniş derya,
Sevgisi büyük,
Arkadaşı haya,
Dostu namus ar,
Söyleyin, melekten
Nasıl farkı var?
Daha evlenmemiş
Özbek kızının?..*

Turk tiliga tarjimada o'xshatish san'atining asosiy vositasi (-day yuklamasi) tushirib qoldiriladi. Bu holat barmoq vazni talabi bilan yuzaga chiqqan, ya'ni har bir qatorda 11 tadan bo'g'in berilgan bo'lib, turk tilidagi o'xshatish ko'makchisini kiritishga imkon bo'lmagan.

Xulosa. Muhammad Yusuf she'rlarining Xayrulla Hamidov tomonidan turk tiliga qilingan tarjimasi asliyatga xos badiiylik, joziba, ohang, ta'sirchanlik, dilga yaqinlik kabi xususiyatlarni o'zida to'la namoyon etgan holda turk kitobxonini e'tiboriga havola etilgan. Galdagi vazifamiz shoirning barcha asarlarini turk tiliga o'girish va tarjimalarning sifati va badiiy saviyasini belgilashdan iborat bo'ladi, deb o'ylaymiz.


Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati

1. Очилов Э. Таржима назарияси (ўқув қўлланма). – Т.: 2014.
2. Юсуф, Муҳаммад. Сайланма. "Шарқ". – Т.: 2007.
3. Юсуф, Муҳаммад. "Булбулга бир гапим бор" "Шарқ". – Т.: 1987.
4. Yusuf, Muhammad, Ulug'imsan, Vatanim, O'zbekiston, Toshkent, 2012.

5. Yusuf, Muhammad, Şiirler. Destanlar (Türkçeye çeviren Hayrullah Hamidov). Özbek edebiyatı'nın seçme eserleri, 3. Bölüm. Muhammad Yusuf, Şiirler. Destanlar, Taşkent, TaşDŞE, 2014.

Yosh tarjimashunos, VI. Yillik an'anaviy ilmiy-amaliy anjumani materiallari. – T., 2021. – B.117-121.

<https://tsuos.uz/wp-content/uploads/2020/07/Yosh-tarjimashunos-V.pdf>



Yosh tarjimashunos (ilmiy maqolalar to'plami) –

1. (Talabalar yillik an'anaviy ilmiy-amaliy anjumani materiallari). – Toshkent: TDShI, 2015. – 152 b. – B. 119-125.

SAID AHMADNING “YALPIZ HIDI” VA “O'N SAKKIZ YOSHING” HIKOYALARI TURKCHA TARJIMASIGA DOIR

Muallif: **Oysha SHUKUROVA**

O'zbek hikoyachiligining ravnaqiga munosib hissa qo'shgan Abdulla Qodiriy, Abdulla Qahhor kabi ustoz yozuvchilarning izdoshi, O'zbekiston xalq yozuvchisi, O'zbekiston Qahramoni Said Ahmad nomini ta'rifu – tavsiflashga ehtiyoj yo'q. Bugungi kunda birorta o'zbek xonadoni yo'qki, Said Ahmad kitoblari kirib bormagan bo'lsa. Uning o'tkir mushohadaga boy romanlari, teran qissalari, ajoyib sahna asarlari xalqimiz dilidan joy olib bo'lgan.

O'zbek yozuvchisi S.Ahmad asarlarining qahramonlari oddiy odamlar. Ularning hatti-harakatlari, gap-so'zlari, orzu-umidlari tabiiy, hayotda biron narsaga erishsa quvonishadi, xato qilishsa, to'siq-larga duch kelib, muvaffaqiyatsizlikka uchrashsa qayg'urishadi, iztirob chekishadi. Ularning quvonch onlari, dardu iztiroblari adib tomonidan g'oyat ishonchli qalamga olinadi.

Quyida o'tkir qalam sohibi Said Ahmad hikoyalari [1]ning turk tiliga tarjimasida xususida so'z boradi. Hikoyalar turk tiliga X.Hamidov tomonidan tarjima qilingan [2]. Adibning “Yalpiz hidi” [1: 115] nomli hikoyasida milliylik namunalari ko'p o'rinlarda ko'zga tashlanadi. Hikoya tarjimasiga to'xtaladigan bo'lsak, hikoya boshlanishidagi “sa-

raton kunlarining birida” jumlasini turkchaga “temmuz ayının bir günü” tarzida o‘girilgan. Saraton chillasining iyul-avgust oylariga to‘g‘ri kelishini hisobga olgan holda buni mantiqan to‘g‘ri yondashuv deb qabul qilamiz. Hikoyadagi “shohi tuguncha” birikmasi ‘ipek bohça’ deb tarjima qilingan va predmet haqida aniq tasavvur uyg‘otgan. Shuningdek, atlas ko‘ylak so‘zi “ipekten elbise”, jazman - “sevgili”, duxoba - “kadife”, simyog‘och - “elektrik direkleri” tarzida o‘girilgan bo‘lsa, tilimizga rus tilidan kirib o‘zlashib qolgan va hikoyada ham ishlatilgan ayrim so‘zlar, jumladan, provodnik so‘zi “vagon hizmetchisi”, kupe - “kompartiman”, razyezd - “istasyon” kabi so‘zlar vositasida berilgan. Ko‘rib turganimizdek, o‘zbek tiliga chet tillardan kirib kelgan so‘zlar o‘rnida turk tilida ham o‘zlashma so‘zlar ishlatilgan. Bular vositasida asarning sodda xalq tilidagi, tushunarli va o‘qishli tarjimasiga erishilgan.

“O‘n sakkiz yoshing” hikoyasi o‘ziga xos uslubi bilan ajralib turadi. Hikoya sarlavhasining o‘ziyoq sof o‘zbekona bo‘lib, turk tiliga “Yaş on sekiz” shaklida o‘girilgan. O‘n sakkiz yoshga xalqimizda qadimdan yoshlikning eng go‘zal pallasini sifatida qarab kelinadi. Hikoyaga epigraf qilib hazrat Navoiyning

Ne ajab, chun sarvinozim o‘n sakiz yoshindadur,

O‘n sakiz ming olam oshubi agar boshindadur – bayti tanlangani ham shundan bo‘lsa kerak. Asar boshidan oyoq o‘n sakkiz yoshning zavqli, beg‘ubor onlaridan hikoya qiladi. Tarjimaga shunday mahorat bilan yondashilganki, mutolaa jarayonida turk o‘quvchisi ham o‘z-o‘zidan o‘n sakkiz yoshga o‘zbek xalqining munosabatini tushunib boradi. Hikoya boshida “*O‘n sakkizga kimabsiz, dunyoga kelmabsiz!*” [1:123] jumlasini keltirilgan va bu tarjimada quyidagicha aks etgan: “*On sekizi doldurmamışsanız, daha dünyaya gelmemişsiniz demek!*” [2:123] Shundan so‘ng o‘n sakkiz yoshning barchamizga tanish bo‘lgan ta‘rifi boshlanadi. Anvarning orzulari tasviri sirasida “*Mana, bugün hammasi chippakka chiqdi-ketdi*” [1:123] jumlasini keltiriladi. Ammo tarjimada bu jumla tushirib qoldirilgan. Fikrimizcha, uni “İşte bugün onun tüm hayalleri suya düştü” tarzida berish o‘rinli bo‘lar edi.

Hikoyadagi milliy tushunchalarning tarjimada qanday keltirilganiga bir nazar tashlaylik. Unda kuyovnavkar so‘zi “damat ve arkadaşları”, do‘rillagan ovoz – “gök gürültüsü gibi erkek sesi”, xizmat ko‘rsatgan artist – “devlet sanatçısı”, ariq labi - “akar su yakası”, ichku-yov “iç güveyisi”, tanga - “metal para”, shag‘al - “taş”, shogird - “öğrenci”(bu o‘rinda “çırak” so‘zini ham qo‘llash mumkin), yangi kalish -

“lastik ayakkabi” soʻzlari bilan berilgan va ularning aytarli hammasi asliyatga aynan mos tushgan. Taʼkidlab oʻtganimizdek, hikoya milliy qarashlar asosida yozilgan va mahoratli tarjima vositasida ushbu qarashlarning turk kitobxoni tasavvurida toʻlaqonli jonlantirib berilishiga erishilgan. Tarjima tahsinga loyiq, deb eʼtirof etish mumkin.

S.Ahmadning “Yalpiz hidi” hikoyasida eri bilan urishib qolib, undan qasd olish niyatida ahdiga xiyonat qilmoqchi boʻlgan ayol haqida. Hikoya xotin-qizlar, oila, muhabbat mavzusida yozilgan va adibning boshqa asarlaridan alohida ajralib turadi. Bir misol: *“Bu tashvishni oʻzimga qayoqdan orttirdim, dedim-u malol kelgandek uning oppoq bilaklaridan ushlab turgʻizdim-da, bir qoʻlimni belidan oʻtkazib (boshqa ilojim ham yoʻq edi), suv yoqalab olib ketdim. ...Atrof jimjit. Na qush uchadi, na odam oʻtardi. Boʻy baravar qamishlar qilt etmaydi. Yalanglikroq joyga kelib toʻxtadik. Xotin sal oʻziga keldi”* [1:72]. Parchada personajning oʻsha topda nima oʻylayotgani ifoda etilgan. Uning fikrlaridagi qarama-qarshilik, beqarorlik muallif tomonidan ishonchli berilgan. Ushbu parchaning turkcha tarjimasini koʻzdan kechiramiz: *“Nasıl karşıma çıktı bu baş belası?” düşüncesiyle kadının bembeyaz bileklerinden tutup ayağa kaldırdım ve bir kolumu belinden geçirerek su boyundan ileriye doğru götürdüm. Başka çarem de kalmamıştı zaten. ...Etraf sessiz. Ne bir kuş uçuyor, ne de bir insan. İnsanın boyu kadar kamışlar kıpırdamıyor bile. Düz bir yere gelince durduk”* [2:53]. Turk tiliga ishonchli oʻgirilgan monologning bayon shakli va mazmuni tarjimani oʻquvchi kitobxonga juda ham tushunarli, ohangdor, obrazli nutq vositalari nihoyatda boʻyoqdor.

S.Ahmadning oila, muhabbat mavzusiga bagʻishlangan hikoyasida ichki dunyosi boy, pokiza bosh qahramon – oʻzbek ayoli xarakterining qirralarini ochib beradi. Chunonchi, adibning “Alla” hikoyasida muhabbatning tugʻilishi, uning lazzati va dardlari, sevgini qadrlash va muhabbatda vafodor boʻlish masalalari, sevgining biz tasavvur qilolmaydigan taqdiri kabilar aniq, ishonarli va haqqoniy tasvirlangan. Bularning hammasi orqali katta insoniy muhabbat haqidagi adib falsafasi oʻquvchining qalbiga yetib boradi:

“... Mana hozir ham u Ozodaning yoʻliga koʻz tikib oʻtiribdi. ...Mana shu mehru muhabbat toʻla koʻzlarga boqish Ozoda uchun qanchalar ogʻir. Keyingi kunlarda erining mehru muhabbat toʻla koʻzlariga soʻlgʻinlik, pinhoniyl iztirobning taʼsiri sezilib qoldi. Ozoda bu dardni biladi. Biroq u erini yupatishga, mana shu maʼyus koʻzlarga tik boqishga qodir emas” [1:139]. Ushbu parcha turkchaga quyidagicha oʻgirilgan: *“Hamidcan şu an evde Âzade’yi dört gözle bekliyor ama, eve gelince kocasının gözlerine bakmak Âzade’ye hem mutluluk, hem acı veriyor. Son günlerde ko-*

casının sevgi, merhamet dolu gözlerinde yorgunluk, gizli ıstırap, dert saklı gibiydi. Bunun nedeni de Âzade'ye malum ama, her şeye rağmen kocasını teselli etmeye, onun derdini paylaşmaya, güzel gözlerine dik bakmaya cesareti de, gücü de yetmiyordu." [2:65]. E'tibor berib qaralsa, tarjimonning o'z ishiga qanchalik ijodiy yondashgani, kerakli o'rinlarda "o'zidan" so'zlar qo'shib asliyat jumlasiga mos jumlar qurganiga guvoh bo'lish mumkin.

E. Ochilov bir maqolasida Z. Isomiddinovning "Tarjima amaliyotida aksariyat kichik hajmdagi asarlarga to'la ravishda asliyatdagi oshirib o'giriladi, hajmi katta asarlarni ag'darishda esa bu hol ko'proq asarning muayyan qismiga oid bo'lishi mumkin"[3,20] – degan so'zlarini eslar ekan, yirik-yirik asarlarni boshdan oyoq asliyatdan o'tkazib tarjima qilish juda qiyinligi, kichik asarlar tarjimasida esa garchi bu hol siyrak uchrasa-da, buning uddasidan chiqish mumkinligini aytib, K. Simonovning H. Olimjon tarjimasidagi "Meni kutgil...", Q. Quliyevning A. Oripov tarjimasidagi "Hayrat", S.Yeseninning E.Vohidov tarjimasidagi she'rlari tarjimalarini bunga misol qilib keltiradi. Shu o'rinda biz quyidagi parchani keltirmoqchimiz: *"Kadıncağz da benim bu hâlimi görünce ne yapacağını şaşırdı. Sonra hafif gülümsemekle durumu kurtarmış oldu. Onun her erkeğin başını döndürüp aklını çelebilen şeytanca gülümsemesi ve yüzündeki gamzesi, neredeyse bana yabancı gelmiyordu. O an sanki vücudumda onlarca karınca birden ilerlemeye başlamış, tüylerim diken diken olmuştu. Öyle bir vaziyette valizimi kanapeye koyup kadına bir daha baktım"* [2:51]. Bu – tarjima emas, xuddi S.Ahmadning o'zi uni turkcha yozgan, deb o'ylaysiz. Holbuki, bu – yozuvchi satrlarining tarjimon sharofati bilan qayta jaranglagan turkcha ifodasi. Mana, parchaning asli: *"Xotin ham avval esankirab, keyin mayingina kulib qo'ydi. Uning bu xil, har qanday erkak qonini ko'pirtiradigan shayton kulgichini ilgari ham bir ko'rgan edim. Tanimdan son-sanoqsiz chumoli o'rmalagandek, g'alati seskanish bilan chamadonchamni o'rindiqqa qo'ydimu yana xotinga qaradim* [1:71]. S. Ahmadning "Yalpiz hidi" hikoyasidan olingan parcha uch jumladan iborat. Unda muallifning o'ziga xos ifoda uslubi namoyon bo'lgan. Ayol "mayingina" kulganda yuzida paydo bo'lgan kulgichiga berilgan sifat murakkab ibora vositasida ifoda etilgan: *"erkak qonini ko'pirtiradigan kulgich"* va *"shayton kulgich"*. Yoki bo'lmasa, *"tanimdan son-sanoqsiz chumoli o'rmalagandek, g'alati seskanish"* kabi. Asl nusxadagi uch jumla tarjima matnida besh jumla bilan berilgan. Undan tashqari, bir jumla tarkibidagi so'zlar boshqasiga o'tkazil-

gan. Bu bilan tarjimon o'zbekcha jumlani turk tiliga to'la moslashtirgan. Bunga amin bo'lish uchun turkcha tarjimani teskari (o'zbekchaga) o'girib ko'ramiz: *"Bechora ayol mening bu holimni ko'rib biroz esankiradi. Keyin mayingina kulimsirab vaziyatdan chiqqanday bo'ldi. Uning har qanday erkakning boshini aylantirib, yo'ldan ozdiradigan shaytoniy jilmayishi va yuzidagi kulgichi, nimagadir menga tanishday tuyuldi. O'sha payt tanimda o'nlab chumoli o'rmalagandek, tuklarim tikan-tikan bo'ldi. Shunday bir holatda jomadonimni o'rindiqa qo'yib, ayolga qaradim"* [1:71].

Yoki: *"Gerçekten ne yapacağımı, ne diyeceğimi bilmiyordum. Kadın bana bakmıyordu. Bence onun bütün varlığı sırta, gözleri de sihirle doluydu..."* [2,52]. Bu tarjima jumlasining asl nusxadagi ko'rinishi quyidagicha: "Nima qilishimni, nima deyishimni bilmayman. Xotin ham beringa qarayolmaydi. Nazarimda, bu xotinning butun vujudi sirga, ko'zlari sehrga to'la edi" [1,72]. Bu yerda ham izohga hech qanday o'rin yo'q. Zero, tarjimani san'at, tarjimonlikni ijodiy ish deb bilgan fidoyi mutarjim butun iste'dodini ishga solib, qalb qo'rini qo'shib, ana shunday chinakam san'at durdonalarini bunyod etadilar.

Xulosa. Tarjima muammolari nihoyatda ko'p. Ularni mo'jaz bir maqola doirasiga sig'dirish imkonsiz. Yuqorida ularning eng asosiylari ustida to'xtalib o'tildik. Kelajakda bu mavzudagi ishlar davom ettiriladi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

[1] – Said Ahmad, Tanlangan asarlar, 3 jildlik, 1-jild, Hikoyalar, "Sharq" nashriyot-matbaa konserni Bosh tahririyati, Toshkent, 2000, www.ziyouz.com. kutubxonasi.

[2] – Özbek Edebiyatı'nın Seçme Eserleri, 2. Bölüm. Said Ahmed, Hikâyeler. – T.: "Mumtoz So'z", 2013. – 100 s.

[3] – Исомиддинов З. Оригиналдан ошириб таржима қилиш мумкинми? // Таржима назарияси масалалари. ТошДУ илмий тўплами. № 606. – Т., 1979.



“OG‘RITOG‘I AFSONASI”NING AFSONAVIY TARJIMASI



<https://doi.org/10.5281/zenodo.14643384>

Dilfuza SHODMONOVA,

TDSHU 1-bosqich tayanch doktoranti,

Haqiqiy so‘z ustasi, o‘z ijodini Onado‘lu xalq og‘zaki ijodi namunalari bilan omixta asarlar yozish bilan boshlagan Yashar Kamol turk tilining badiiy ifoda qudrati, nafosati, xalq og‘zaki ijodining yagona qahramoni bo‘lgan turk xalqining boy madaniyatidan ilhomlanadi. Yevropada Yashar Kamolning ushbu asarlaridan Shahrizoda hikoyalari, Tolstoy romanlari kabi keng miqyosli, Dikkins romanlari kabi jonli ekani, kitobning go‘zallikka boy nazm uslubi, afsona tuyg‘usiga tayani-shi ta‘kidlanadi [1,5].

Yashar Kamol o‘z ijodini xalq og‘zaki ijodi – folklor namunalarini to‘plash va nashr qilish, she‘rlar yozish bilan boshladi. Yigirma yetti yoshigacha xalq ichida yurib, xalq dardini tingladi va ularni qog‘ozga tushirishga ahd qildi. Uning asarlarida hamisha ham yaxshilik yomonlik ustidan g‘alaba qozonavermaydi, adolat razolatni yengib, qahramonlar xuddi ertaklardagidek g‘alabalarini tantana qilavermaydilar. Biroq yozuvchi qalamiga mansub har bir asar kitobxon qalbiga xitob, unda insoniylilikni uyg‘otishga da‘vat, mehr-oqibatga chorlov ekanligi aniq.

Yashar Kamol “Sevgi afsonasi” romanida Og‘ritog‘ (Ararat tog‘i) etaklarida yashagan xalqlarning hayot tarzi, mahalliy aholining tarixiy qadriyatlarini, urf-odatlarini, xalqlarga oid afsonalardan ustalik bilan foydalangan. Asarda hikoya qilingan voqea-hodisalarning ba‘zilari afsona emas, balki tarixda yuz bergan voqealar bo‘lib, adib ularni o‘z asariga mohirona singdira olgan.

Adibning ushbu romani mustaqillik yillarida o‘zbek tiliga ham, rus tiliga ham tarjima qilingan. “Sevgi afsonasi” romani rus tiliga Alev Ib-ragimov tomonidan o‘girilgan va 1982-yil “Иностранная литература” nashriyotida “Легенда горы” nomi bilan nashr etilgan. Ushbu roman o‘zbek tiliga Xayrulla Hamidov tomonidan tarjima qilinib, 2021-yil “Yangi asr avlodi” nashriyotida “Sevgi afsonasi” nomi bilan nashr qilindi [1]. Tarjimonning kitobga bergan “Ag‘ritog‘ nolasi” sarlavhasi nashriyot tomonidan “Sevgi afsonasi” deb o‘zgartirilgan. Rus tiliga qilingan tarjima ham “Легенда горы” (“Tog‘ afsonasi”) deb o‘zgartiril-

gan. Buning sababini kitobxonlar diqqatini jalb qilish va kitobni sotish bilan bog'liq marketing masalasi deb faraz qilish mumkin.

Aslida, har bir ijodkor asar tarjimasi ishiga kirishganda eng nozik, eng murakkab nuqtada to'xtaydi. Bu – sarlavhalar tarjimasidir. Asarning asliyatdagi nomi ko'p hollarda tarjimonga yoki muharrirga yoqmasligi mumkin. Ammo sarlavha asar mazmuni, uning mavzusini aks ettirgani sabab unga tarjimon alohida e'tibor qaratmog'i kerak.

Turk millatiga xos or-nomus, qat'iyatlilik, jo'shqinlik asarda o'z ifodasini topgan “Ag'ritog' afsonasi” romanining rus tiliga tarjimasi (“Легенда горы”) sodda tilda, so'zma-so'z tarjima usulida yaratilgan. Bu tarjima rusiyzabon qatlam ongida turk xalqining milliyligi, uzoq o'tmishi, folklor san'atini to'laligicha shakllantiradi. Zero, badiiy tarjimaning asosiy maqsadi, bir xalq, millatga xos qadriyatlar, urf-odatlar, umuman, o'sha xalq haqidagi tasavvurlarni boshqa til vakillariga yetkazishdan iborat. Asarning o'zbek tiliga qilingan tarjimasi ravon o'qilishi, garchi asliyatda mavjud bo'lmasa-da, badiiy bo'yoqlarning naqadar ko'p qo'llanganligi bilan kitobxonni o'ziga tortadi. Yashar Kamol asliyatda frazeologik birliklardan keng ko'lamda foydalanmagan, faqat zarur o'rinlarda ibora va tasviriy ifodalarni qo'llagan. O'zbekcha tarjimini o'qigan o'quvchi unga uni o'zbek tilida yozilgandek qabul qiladi.

Yashar Kamol asarlarini peyzaj maqol va iboralarisiz tasavvur qilib bo'lmaydi. Asliyatni tahlil qilish davomida 3 ta maqol va 505 ta ibora mavjud ekanligi aniqlashtirildi. Maqollarning barchasi tarjimada ekvivalenti yoki izoh berish usuli orqali o'zbek tiliga o'girilgan. Maqollar milliylikni o'zida tashiydigan leksik birliklar sanalagani uchun, ularning tarjimasi ancha murakkab.

<i>Asliyat</i>	<i>Tarjima</i>
1. Başa gelen çekilir [2,18]	Boshga tushganini ko'z ko'rar ekan[1,13]
2. Doluya koydum almadı Boşa koydum dolmadı. [2,64]	O'zini qo'yarga joy topolmadi. Ko'ziga hech narsa ko'rinmadi. [1,57]
3. Kısas kıyamete kalmaz. [2,66]	Qasos qiyomatga qolmaydi. [1,70]

Asar bo'yicha asliyatda faqat 3dona maqol ishlatilganligi aniqlandi.

Asliyat. “Başa gelen çekilir, dayı,” dedi Ahmet. [2,16]. **Tarjima.** “Na iloj, boshga tushganini ko'z ko'rar ekan, deb taqdirga tan berdi” [1,13].

Asliyatda qo'llanilgan “başa gelen çekilir”(turkcha izohi: *çaresiz durumlara düşüldüğünde insanın kendini üzüntüye kaptırmayıp bu durumlara katlanmasının olağan ve doğru bulunduğunu anlatan bir söz*¹², so'zma-so'z tarjimasi: *boshga kelgan narsaga chidamay iloji yo'q*) iborasi orqali yozuvchi

¹² Türkçe Sözlük. Türk Dil Kurumu, 9. Baskı. – Ankara: 1998. – S.265.

qahramonlarning og‘ir vaziyatda qolganligini va holatda chidamasdan boshqa iloji yo‘qligini ifodalamoqchi bo‘lgan. Asarning o‘zbekcha tarjimasida esa, tarjimon “*boshga tushganini ko‘z ko‘rar*”, “*taqdirga tan bermoq*” iboralarini qo‘llagan. “*boshga tushganini ko‘z ko‘rar*” iborasi “biror mushkul ahvolga tushgan odamga tasalli berganda, qiyin ahvolni boshidan kechiryotgan odam o‘zini o‘zi yupatmoqchi bo‘lganda”¹³ ishlatiladi. “*taqdirga tan bermoq*” iborasi esa, 1) o‘z qismatiga, ko‘rguliklariga xudoning irodasi, xohishi deb rozi bo‘lmoq; 2) umuman ko‘nikmoq, chidamoq¹⁴ ma’nolarida ishlatiladi. Yozuvchi uslubidan farqli ravishda tarjimon ma’noni kuchaytirish maqsadida ikkita iboradan foydalangan. Bu orqali asliyat mazmunini to‘liq ko‘chirishga erishilgan. Endi shu iboraning ruscha tarjimada qanday berilganiga e’tibor qaratamiz. Ruscha tarjimada tarjimon “*baş a gelen çekilir*” iborasini “*оm судьбы не удеишь*”¹⁵ (tarjimasi: *taqdirdan qochib qutilib bo‘lmaydi*) deya, taqdirga yozilganidan qochib qutulib bo‘lmasligini bildiradigan ibora bilan tarjima qilgan. Ushbu ibora ham asliyat mazmunini to‘la ochib bergan.

Tarjimashunoslikda frazeologik birliklarni o‘g‘irishning quyidagi beshta qoidasi ajratiladi:

1. Asliyat tilidagi frazeologik birlikni tarjima tilidagi muqobilga har jihatdan teng bo‘lgan frazeologik birlik vositasida o‘g‘irish. Masalan, *ko‘rpaga qarab oyoq uzatmoq* – *ayağını yorgana göre uzatmak, birovga choh qazimoq* – *birine çukur kazmak* kabi. O‘zbek va turk tillarida bunday birliklar ko‘pchilikni tashkil etadi.

2. Bevosita muqobil topilmaganda asliyatdagi frazeologizmni tarjima qilinayotgan fraza bilan umumiy ma’noga ega, ammo boshqa lug‘aviy-obrazli asosga qurilgan o‘xshash frazeologik birlik vositasida tarjima qilish. Masalan, *Toshni siqsa suvini chiqaradi* – *Taşı sıkça suyunu çıkarır* (so‘zma-so‘z: *Tog‘ni ursa talqon qiladi*); *boshini ikkita qilmoq* – *baş göz etmek* (bosh-ko‘z etmoq, uylantirmoq). Biroq, bunday vaziyatda ko‘pincha ma’no jihatdan yaqin, ammo shaklan farqli frazeologizmlar hissiy-assotsiatsiyativ bo‘yoqqa ega bo‘ladi.

Frazeologik birliklar badiiy asarda so‘z ma’nosining ko‘chishi, obrazlilikni ta’minlovchi unsurlar hisoblanadi. Ularning baddiy tarjimada qayta yaratilishi tarjimashunoslikning murakkab va dolzarb muammolaridan sanaladi [3,173]. “Sevgi afsonasi” romani asliyat va tarjimasini tadqiq qilish davomida asliyatda 500 dan ortiq ibora ishlatilganligini guvohi bo‘lindi. Bu iboralarning ba’zilari qayta ishlatilgan, aksariyati esa bir marotabadan qo‘llanilgan. Iboralarning yarmidan ko‘pi somatik iboralar sanaladi. Ibora tarjimasi tarjimondan alohida mahorat talab etadi.

Asliyat: *Çok yiğit, gözünü daldan budaktan sakınmaz. Paşa için canını verir bir kişiydi* [2,38]. **Tarjima:** *Memo ham otasiday jasur, qo‘rqmas, o‘zini*

¹³ İ Yoldaşev, T.Öztürk, Y.Öztürk. Özbek-Türk atasözleri ve deyimleri sözlüğü. – Taşkent, 1998. – S.14.

¹⁴ https://uz.telegram-store.com/catalog/channels/ona_tili_tezkor/10141

¹⁵ В.И.Даль. Пословицы русского народа. – Москва, 1853. – С.53.

ayamay o'tga-cho'qqa uaradigan, ko'zini shox-butadan asramaydigan mard yigit bo'lib ulg'aydi [1,34].

Asliyatdagi **“gözünü daldan budaktan sakınmaz”** iborasi **“tehlikeli işlere girişmekten çekinmemek”**¹⁶ ma'nosini bildirib, so'zma-so'z tarjimasini **“ko'zini xas-cho'pdan asramaslik”** demakdir. O'zbek tilida bu ibora **“o'zini o'tga-cho'qqa urmoq”** ifodasiga teng. Tarjimon turkcha iborani ekvivalenti bilan tarjima qilish birga, **“ko'zini shox-butadan asramaydigan”** deya so'zma-so'z tarjimasini ham keltirib o'tgan. Bu ham tarjimaning ta'sirligini, tushunarli chiqishini ta'minlagan. Bu yerdagi so'zma-so'z tarjima tez tushunishga yordam beradi. Lekin bunday so'zma-so'z tarjima usuli har doim ham kutilgan natijani bermaydi. Yaqin tillardan tarjimaning eng asosiy muammolaridan biri so'zma-so'z tarjima uslidir. Shaklan o'xshash ma'no jihatidan farq qiladigan so'zlarning mavjudligi yaqin tillardan tarjimaning murakkabliklariga kiradi.

Badiiy asar milliy xususiyatlarni namoyon qilishi, milliy xos so'zlar, tushunchalarning mavjudlogi jihatidan ajralib turadi. Shunday ekan badiiy tarjima ham yaxshigan murakkab jarayondir. Ibora va maqolalar ma'lum xalqning an'analari, qadriyatlarini, milliyligini namoyon qilganligi uchun ham ularning tarjimasini tarjimondan alohida mahorat talab etadi.

Yashar Kamol asarlarining dunyo tillariga tarjima qilinishi turk adabiyotining dunyo xalqlari orasida keng targ'ib qilinishini ta'minlab kelmoqda. Shu nuqtai nazardan, avvalo yuqorida nomlari zikr etilgan ikki yirik asarning o'zbek adabiyoti xazinasining bebaho mulkiga aylanganini e'tirof etgan holda, asarlarining o'zbekcha tarjimalari va ularning milliy o'ziga xosliklari, badiiy xususiyatlarini qayta yaratish masalalari ustida kelajakda jiddiy tarjimashunoslik tadqiqotlari olib borilishi zarurligi, ushbu maqolaning esa bu yo'lda amalga oshirilgan ilk ishlardan hisoblanishini ta'kidlash o'rinli.

Foydalanilgan adabiyotlar:

[1] – Яшар Камол. Севги афсонаси: роман. Таржимон: Х.Ҳамидов. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2021 йил. – 128 б.

[2] – Yaşar Kemal. Ağrıdaki Efsanesi, roman. www.cizgiliforum.com.

[3] – Ҳамидов Х. Ўзбек қисса ва романлари турк тилида. – Тошкент: “EFFECT-D”, 2022.

[7] - Yaşar Kemal, Efsaney-i Ağrıdaki, Çev. Rahim Raiesnia, Tehran, Donya Yayınları, 1985.

*“VIII Tarjimashunoslari forumi”
(Xalqaro ilmiy-amaliy anjuman materiallari).
– Toshkent: TDSHU, 2024. – B. 258-261.*



¹⁶ Türkçe Sözlük. Türk Dil Kurumu, 9. Baskı. – Ankara: 1998. – S.412.

Х.ҲАМИДОВ НАШР ЭТТИРГАН КИТОБЛАРГА ЁЗИЛГАН АЙРИМ СЎЗБОШИ ВА СЎНГГИ СЎЗЛАР



ABDULLA ARIPOV. SEÇME ŞİİRLER.

Ön Söz: TDŞÜ Rektörü, Dr. Gülçihre Rıhsiyeva

Son Söz: Şaire Aripova

Abdulla Aripov. Seçme Şiirler. – Taşkent,
TDSHU: –2021 (76 b).

Özbek Edebiyatı'nın ünlü isimlerinden biri, Özbekistan Halk Şairi, Özbekistan Kahramanı, Özbekistan Devlet Marşı'nın yazarı Abdulla Aripov'un doğumunun 80. Yıldönümüne ithafen Taşkent Devlet Şarkşinaslık Üniversitesi'nin Çeviribilimi ve Uluslararası Gazetecilik Bölümü'nda Doç.Dr. Hayrullah Hamidov tarafından hazırlanmış "Abdulla Aripov. Seçme Şiirler" adlı kitapta şairin çeşitli dönemlerde yayımlanmış eserlerinden seçilmiş şiirlerin Türkçe çevirileri yer almaktadır.

Taşkent Devlet Şarkşinaslık Üniversitesi Rektörü Dr. Gülçihre Rıhsiyeva kitaba yazdığı Ön Söz'de şöyle diyor: *"Taşkent Devlet Şarkşinaslık Üniversitesi'nin Çeviribilimi Ana Bilim Dalı'nda Türkçe uzmanları ve öğrencileri tarafından hazırlanmış ve "Abdulla Aripov. Seçme Şiirler" adı altında yayınlanmakta olan bu kitapta Abdulla Aripov'un seçme şiirlerinin Türkçe çevirileri yer almaktadır... Elinizdeki bu kitapta şairin "Birinci muhabbatım" (İlk Aşkı), "Sen bahorni sog'inmadingmi?" (Sen Baharı Özlemedin mi?), "Unutmoq" (Unutmak), "Maktub" (Mektup), "Vafo qilurmisan, bahorim?" (Vefa Eder misin, Baharım?) gibi aşk konulu şiirleriyle birlikte "O'zbekiston" (Özbekistan), "Men neçun sevaman O'zbekistonni" (Ben Niçin Severim Özbekistan'ı), "Vatan" (Vatan) gibi ana yurt, vatan sevgisi konulu şiirleri, "Munojot"ni tinglab..." (Münacat'ı Dinlerken), "Dunyoni qizg'anma mendan" (Dünyayı Kısırma Benden), "Mantiq" (Mantık) gibi felsefi konulu şiirlerinin Türkçe tercümeleri de yer almaktadır. Fırsattan yararlanarak, bu kitabın dünyaya gelmesinde ve Özbek Edebiyatı'nın ünlü ismi Abdulla Aripov'un en seçkin şiirlerinin Türkçe'ye aktarılmasına katkıda bulunan uzman öğretmenlerimiz ve üniversitemiz öğrencilerine teşekkür borçlu olduğumuzu özellikle belirtmek istiyorum. Ayrıca, kitabın yayınlanmasına emeği geçen, üniversite-*


mizin Çeviribilimi ve Uluslararası Gazetecilik Bölümü öğretim üyesi, Doç. Dr. Hayrullah Hamidov'a teşekkürlerimi ifade etmeyi bir borç sayıyorum"¹⁷.

Abdulla Aripov'un kızı Şaire Aripova kitapta yazdığı ve "Umut Ülkesi" diye ad verdiği Son Söz'de şöyle diyor: "Özbekistan Cumhuriyeti Devlet Başkanı Ş.Mirziyoyev 2 Aralık 2020 tarihinde babamın doğumunun 80. Yıldönümünün kutlanması doğrultusunda önemli bir Kararname imzaladı. Bu tarihi Kararnamede babamın Özbek Edebiyatı ve kültürünün gelişmesine büyük katkı sağladığı, halkımıza benzersiz edebi miras bıraktığı vurgulanarak, onun Vatan sevgisi, vefa ve sadakat duyguları, iyi insana özgü faziletleri medheden yüksek edebi eserleri, anlamlı yaşamı ve sosyal faaliyetinin halkımız maneviyatının yükseltilmesi, genç evlâtlarımızın terbiyesindeki önemli rolü belirtilerek, doğumunun 80. Yıldönümünün münasip şekilde kutlanması ve hatırasının ebedileştirilmesi, eserlerinin yabancı dillere tercüme edilmesi ve yayınlanması özellikle vurgulanmıştır. Bu bağlamda babamın seçilmiş şiirlerinin Türkçeye çevrilerek bir kitap halinde yayınlanmasından memnuniyet duyduğumu belirtmek istiyorum. Ailemiz adına Özbekistan Cumhuriyeti Devlet Başkanı Sn. Şevket Mirziyoyev'e, Türkiye Cumhurbaşkanı Sn. Recep Tayyip Erdoğan'a, Taşkent Devlet Şarkşinaslık Üniversitesi Rektörlüğü'ne, ayrıca Abdulla Aripov şiirlerini Türkçeye aktararak yayına hazırlanmasında emeği geçen Doç. Dr. Hayrullah Hamidov başta olmak üzere tüm çalışan dostlarımıza en derin şükranlarımı sunuyorum. Babamın ruhu her zaman kardeş halklarımız ve tüm dünya halkları arasındaki dostluk ve kardeşlik bağlarını güçlendirmeye hizmet edeceğine can-ü gönülden inanıyorum (Tarih: 24 Şubat 2021)"¹⁸.



¹⁷ Abdulla Aripov. Seçme Şiirler. – Taşkent, TDSHU: –2021 (76 b). – B. 3-5.

¹⁸ Abdulla Aripov. Seçme Şiirler. – Taşkent, TDSHU: –2021. – B. 66-69.



O'ZBEK TARJIMA ADABIYOTI VA MIAD HAKIMOV (So'zboshi o'rnida)¹⁹

So'zboshi muallifi: Abdurahim Mannonov

Xayrulla Hamidov. Miad Hakimov – mohir tarjimon [Matn]: monografiya. – Toshkent: 2025 (144 b). – B. 3-6.

O'zbekistonning dunyo hamjamiyati bilan integrasiyalashuv jarayoni faol rivojlanib, Turkiya Respublikasi bilan munosabatlarda sifat o'zgarishlari yuz berayotgan bugungi kunda ikki qardosh xalq orasidagi adabiy aloqalarning ilmiy o'rganilishi dolzarb masalalardandir.

O'zbekistonning Turkiya bilan to'laqonli munosabatlari o'rnatilgan davr Respublikamiz mustaqilligining ilk yillariga to'g'ri keladi. Bu davrda barcha sohalarda bo'lgani kabi san'at, madaniyat va adabiyot bilan bir qatorda tarjima sohasida ham salmoqli ishlar amalga oshirildi. O'tgan asrning 90-yillari o'rtalarida turk adabiyoti namunalarining o'zbek tiliga va o'zbek adabiyoti namunalarining turk tiliga tarjima qilish ishlari o'zining yuqori cho'qqisiga erishdi. Bu sohada hozirda alohida jonbozlik ko'rsatayotgan yirik turkshunos olim, O'zbekiston Yozuvchilar uyushmasi a'zosi Xayrulla Hamidovning xizmatlari, erishgan yutuqlarini e'tiborga loyiq.

Toshkent davlat sharqshunoslik universiteti professori, filol.f.d. Xayrulla Hamidov songgi 15-20 yil ichida Yashar Kamol, Xolida Adib Adivar, Umar Sayfiddin, Said Foiq Abasiyoniq va Aziz Nesin kabi turk adabiyotining yirik namoyandalarining roman, qissa va hikoyalarini o'zbek tiliga²⁰, bundan tashqari, Abdulla Qodiriy, Oybek, Abdulla Qahhor, Said Ahmad, Odil Yoqubov, Primqul Qodirov, O'lmas Umarbekov, O'tkir Hoshimov, Shukur Xolmirzayev, Tog'ay Murod, Xurshid Do'stmuhammad, Xayriddin Sultonov, Ulug'bek Hamdam, Isojon Sulton, Qo'chqor Norqobil va boshqa o'zbek yozuvchilarining qissa va hikoyalarini, Abdulla Oripov, Erkin Vohidov, Husniddin Sharipov, Omon Matjon va Muhammad Yusuf kabi mashhur shoirlarning she'r va dostonlarini turk tiliga²¹ tarjima qilib, O'zbekistonda va Turkiya Respublikasida nashr ettirdi. Xususan, 2020 yil O'zbekiston Qahramoni, O'zbekiston xalq yozuvchisi Said Ahmad tavalludining 100 yilligi muno-

¹⁹ So'zboshi kitobda berilgani kabi lotin yozuvida berildi.

²⁰ Turk adabiyoti antologiyasi. 1-qism. – Toshkent: TDShU, 2023.–452 b.

²¹ O'zbek Edebiyatidan Seçme Eserler: Hikâyeler – Şiirler (*Antoloji*). – Taşkent: «Innovatsion rivojlanish nashriyot-matbaa uyi», 2023. – 464 s.

sabati bilan Turkiya Respublikasining Xalqaro TÜRKSOY madaniyat tashkiloti ko'magida Anqarada Xayrulla Hamidovning *"Said Ahmed. Seçme Hikâyeler"* (Said Ahmad. Tanlangan hikoyalar) tarjima kitobi Anqarada nashr etildi²² va ushbu kitob Turkiyadagi o'zbek adabiyoti ixlosmandlariga tuhfa qilindi. Bundan tashqari, olim rus tilidan o'zbek tiliga va o'zbek tilidan rus tiliga ham badiiy asarlar, o'quv adabiyotlarini tarjima qilgan.

Hozirgi turk tili va tarjimashunoslik sohalariga oid o'nlab darslik, o'quv qo'llanma va ikki tilli izohli lug'atlar, 10 da ziyod monografiya, ilmiy risolalar yozgan X.Hamidovning "Miad Hakimov – mohir tarjimon" nomli ushbu monografiyasi tarjimashunos olimning navbatdagi salmoqli tadqiqoti hisoblanadi. Miad Hakimov, darhaqiqat, XX asrning 60-90-yillari o'zbek tarjima adabiyotining taniqli namoyandasidir. Turk va rus adabiyoti durdonalarini ona tilimizga o'girib, kitobxonlarga armug'on etgan mohir tarjimon, ijodkor, badiiy so'z ustasi, xalqaro munosabatlar nuqtayi nazaridan murakkab tarixiy davrda ham sermahsul ijod qila olgan taniqli o'zbek tarjimoni, tarjimalari turli bahsu munozaralarga sabab bo'lgan, salkam qirq yil davomida turk va rus adabiyotidan qilgan o'nlab hikoya, qissa va roman tarjimalar keng o'quvchilar ommasida muvaffaqiyat qozonib, qayta-qayta nashr etildi. Tarjimalari salkam oltmish yildan buyon xalqimizni o'zga xalqlar hayoti bilan tanishtirish, o'zbek tarjima adabiyotini taraqqiy ettirish ishiga ulkan hissa bo'lib qo'shilib keladi. Xususan, 2022 yilda Toshkentda nashr etilgan 100 jildlik "Turkiy adabiyot durdonalari" nomli adabiy jamlanmaning 44- va 47-jildlarida M.Hakimov tarjimalariga keng o'rin berilganligi alohida diqqatga sozovor²³. Quvonarlisi, ushbu jamlanmaning 47-jildida Miad Hakimov bilan birga X.Hamidovning ham Aziz Nesin ijodidan qilgan 20 ga yaqin hikoya tarjimasi o'rin olgan. Iste'dodli tarjimon M.Hakimovning ijodiy faoliyati, mahorati, u yaratgan tarjimachilik maktab haqida alohida ilmiy tadqiqotlarni boshlash vaqti keldi, deb o'ylaymiz. Ana shunday ezgu maqsadni ko'zlab tayyorlangan mazkur tadqiqotda "Miad Hakimov – "Inja Mamad" romani tarjimoni", "Miad Hakimov – Aziz Nesin asarlari tarjimoni", "Rashod Nuri Guntekinning "Tamg'a" romani Miad Hakimov talqinida", "S.Ali hikoya-

²² Said Ahmed. Seçme Hikayeler Tercüman ve Yayına Hazırlayan: Hayrullah Hamidov. – Ankara: – 2020. 160 s.

²³ Turkiy adabiyot durdonalari. Umar Sayfiddin va Sabohiddin Ali (hikoyalar). 44-jild. Adabiy-badiiy nashr (to'plovchi va nashrga tayyorlovchi: Tohir Qahhor). – Toshkent: "O'zbekiston" nashriyoti, 2022. – 296 b.; Turkiy adabiyot durdonalari. Aziz Nesin (hikoyalar). 47-jild. Adabiy-badiiy nashr (to'plovchi va nashrga tayyorlovchi: Adhambek Alimbekov). – Toshkent: "O'zbekiston" nashriyoti, 2022. – 440 b.

lari tarjimasi” kabi fasllar alohida o‘rin egallaydi. Shuningdek, M.Hakimov tarjimalarida maqol va frazeologizmlarning berilishi masalasi ko‘rib chiqilar ekan, mualliflarning tili va o‘ziga xos uslublari-ning tarjimada qayta yaratilishi bilan bog‘liq muammolarga asosiy e‘tibor qaratildi. Maqollar va frazeologik birliklar o‘zbekcha tarjimalari bilan qiyoslangan holda tahlilga tortilgan tadqiqot jarayonida chiqarilgan xulosalar turk tilidan o‘zbek tiliga badiiy tarjimalarda uchrab turgan muammoli masalalarning yoritilishiga ko‘mak beradi.

Monografiyada Miad Hakimov tomonidan turk tilidan bevosita va rus tili vositasida tarjima qilingan asarlar asliyat matnlari bilan qiyoslangan holda tahlil etilib, ularning uslubi va badiiy xususiyatlari, milliy o‘ziga xosliklarining tarjimalarda berilishi masalalari ko‘rib chiqiladi. Bundan tashqari, kitobga turli matnlar va katta illyustrativ material ham ilova qilinganki, ular alohida e‘tiborni tortadi. Miad Hakimovning o‘z qo‘li bilan yozgan “O‘zbekcha kitobimga so‘zboshi” nomli maqola, uning “Inja Mamad” va uning muallifi” nomli kichik maqolasi, “Aziz Nesin asarlaridagi maqol va frazeologizmlarning Miad Hakimov tarjimalarida berilishi” nomli jadval, monografiya muallifi X.Hamidovning “Inca Mamad. 2-Jild (romandan parcha)” tarjimasi, “Aziz Nesinning Miad Hakimov tomonidan o‘zbek tiliga tarjima qilingan va 1969-2022 yillarda nashr etilgan asarlari” ro‘yxati, “Aziz Nesinning M.Hakimovga yozgan dastxatlaridan”, “Miad Hakimov turk va rus tillaridan tarjima qilib nashr ettirgan asarlar” nomli illyustrativ materiallar, M.Hakimov hayotidan fotolahzalar va “Aziz Nesin Miad Hakimovga sovg‘a qilgan kitoblar ro‘yxati” shular jumlasidandir.

Ushbu monografik tadqiqot natijalaridan va chiqarilgan xulosalardan “Tarjima nazariyasi va amaliyoti”, “Filologiya va tillarni o‘qitish” ta’lim yo‘nalishlari talabalari, “Qiyosiy tilshunoslik, lingvistik tarjimashunoslik” mutaxassisligi magistrantlari, tarjimashunoslik sohasida ilmiy izlanish olib borayotgan tadqiqotchilar foydalanishlari mumkin.



ХАЙРУЛЛА ҲАМИДОВ ИЖОДИ ҲАҚИДА ОАВ, ИЖТИМОИЙ ТАРМОҚЛАР ВА ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛЛАРДА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН МАҚОЛАЛАР, ТАҚРИЗЛАР ВА ХАБАРЛАР

ТАРЖИМАШУНОСЛАР АНЖУМАНИ

Эргаш ОЧИЛОВ

11.12.2014. Тошкент давлат шарқшунослик институтида “Шарқ таржимашунослиги: тарихи, ҳозирги куни ва келажаги” мавзуидаги илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Уни ТДШИ Туркиёт кафедраси мудири, доцент Ж.Шабанов очди. Институт ректори, проф. А.Маннонов кириш сўзида таржимашунослар олдида турган муҳим ва долзарб муаммолар ҳамда яқин келажақда амалга оширилажак ишлар хусусида сўзлаб, анжуман ишига муваффақият тилади. Шундан кейин СамДЧТИ проф. М.Холбеков “Таржима назариясининг долзарб масалалари”, ТИУ проф. З.Исломов “Шарқ манбашунослигидагикўп тилли асарлар таржимасининг ўзига хослиги (“Муқаддамату-л-адаб” асаридаги туркий сўзлар таржимаси асосида), проф. А.Қуронбеков “Алишер Навоийнинг форсий ғазалларида «дил» сўзининг таржимада талқинлари”, проф. Қ.Содиқов “Девону луғатит турк”да кечган *yelkin~elkin* сўзи ва унинг шеърӣй узиндилардаги семантикаси” ЎзР ФА Тил ва адабиёт институти катта илмий ходими Э. Очиллов “Архаизм ва таржима”, Х.Ҳамидов “Бадий таржимада тилак, дуо ва қарғишларнинг берилиши” мавзусида маъруза қилдилар. Доц. Ж.Зиямуҳамедов ИТД–1-144 “Ўзбек адабиёти намуналарини шарқ тилларига таржима қилишнинг назарӣй ва амалий масалалари” илмий-тадқиқот лойиҳаси якунлари ҳақидаги кўргазмали маърузасида лойиҳа асосида уч йил давомида таржимашуносликка оид 2 та монография, 4 та ўқув қўлланма, 1 та луғат, 2 та мақолалар тўплами, 2 та илмий маърузалар материаллари, 12 та шарқ тилларига ва шарқ тилларидан бадий таржималар китоби, жами 30 га яқин китоб нашрдан чиққани ҳақида маълумот берди.


Анжуманда, ТДШИ “Таржима назарияси ва амалиёти” кафедраси мудири, илмий лойиҳанинг фаол аъзоси Хайрулла Ҳамидовнинг “Ўзбекчадан туркчага насрий таржима муаммолари” (2014) номли монографияси, Эргаш Очилловнинг “Форсӣйдан ўзбекчага шеърӣй таржима муаммолари” (2013) номли монографияси ва “Таржима назарияси”, “Бадий таржима масалалари” ўқув қўл-

ланмалари, (2014) “Таржимашунослик терминларининг изоҳли луғати” (2014) ўзбек ҳикоя ва эртақларининг Хайрулла Ҳамидов томонидан турк тилига, Жасур Зиямуҳамедов томонидан хитой тилига, шунингдек бошқа профессор-ўқитувчилар, шарқ тили билимдонлари томонидан бир неча шарқ тилига таржима қилиниб, нашр этилгани, Хайрулла Ҳамидов томонидан “Шарқ адабиётидан таржималар” китоби, “Ёш таржимашунос” илмий мақолалар тўплами (2014), “Бу қадимий санъат” таржима мактаби талабалари алманахи (2014), 2 жилддан иборат “Таржима масалалари” илмий тўплами, “Шарқ таржимашунослиги: тарихи, ҳозирги куни ва келажаги” мавзуидаги илмий-амалий анжуман материалларининг 2 та сони (2013-2014) чоп этилганини алоҳида таъкидлади.

Анжуманда шарқ таржимачилигининг бой, ранг-баранг тарихини чуқур ўрганиш, уни ривожлантириш, нашрларга даврий нашр мақомини бериш, таржимашунослик бўйича замон талабларига жавоб берадиган янги авлод дарслик ва ўқув қўлланмалар, таржима хрестоматиялари яратиш ва бошқа долзарб масалалар юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

“Ўзбек тили ва адабиёти”

журнали, “2014 / № 6, «Илмий ҳаёт» рукни, – Б. 129-130.



ЧИНГИЗ АЙТМАТОВ ОБ УЗБЕКИСТАНЕ И УЗБЕКСКОМ ЯЗЫКЕ **24.07.2019**

*“Узбекистан — душа моя, сердце мое.
Это то место, где дышит и отдыхает
моя душа и мое тело. Это просто прекрасно.
Узбекистан — колыбель культуры” (Ч. Айтматов).*

Наследие, которое оставили наши великие предки, сегодня достояние не только народов Центральной Азии, но и всей мировой цивилизации. Одним из таких людей является Чингиз Айтматов — выдающийся писатель и общественный деятель, вышедший из Центральной Азии, человек, которого мы вправе называть одним из наших предков. Ведь его литературное наследие нельзя втиснуть в рамки одной нации или одного региона: ог-

ромное духовное богатство, которое оставил Айтматов, сегодня доступно всему миру.

Действительно, как говорил профессор А.Маннонов, «Чингиз Айтматов обладал даром такой силы воздействия, что каждый, открывший его книгу, начинает искать себя среди героев, “думающих сердцем”».

Как известно, Ч. Айтматов вел многогранную деятельность на пути установления мира и стабильности в ЦА, ее светлого будущего, укрепления дружбы между народами, спасения всего человечества. Сегодня, когда открылся новый период в отношениях между узбекским и кыргызским народами, бессмертное литературное наследие Ч. Айтматова имеет огромное значение. Это особо подчеркнуто в тексте Постановления Президента Республики Узбекистан от 2 апреля 2018 г. «О широком праздновании 90-летия со дня рождения великого писателя и общественного деятеля Чингиза Айтматова».

«Чингиз Айтматов является выдающейся личностью, гордостью не только кыргызского, но и всех тюркских народов, в том числе народа Узбекистана, большим другом которого он был. — говорится в Постановлении. – Многогранная деятельность Чингиза Айтматова была посвящена сохранению мира и спокойствия в нашем регионе, его будущему и процветанию, укреплению дружбы и согласия между нашими народами, тому, чтобы защитить их от любых конфликтов и противоречий». «Общественность Узбекистана всегда с благодарностью будет помнить, как во время организованных в 80-е годы прошлого века бывшим Центром политических кампаний, известных как “узбекское дело” или “хлопковое дело”, Чингиз Айтматов, обладавший обостренным чувством справедливости, с высоких трибун мужественно защищал честь и достоинство нашего народа. В знак огромного уважения к нему народа Узбекистана он награжден орденами “Дустлик” и “Буюк хизматлари учун”. Его дружба и творческое сотрудничество с известными представителями узбекской литературы и искусства служат примером для наших молодых литераторов», — подчеркивается в документе.

На земле Узбекистана у Чингиза Айтматова было много друзей и единомышленников, среди которых народный поэты А.Арипов, Т.Адашбаев, народные писатели Узбекистана А.Якубов, П.Кадыров и др. С ним были знакомы и глубоко ценили его творчество известные кинорежиссеры М.Каюмов, журналисты

А.Джурабаев, А.Мелибаев, ученые-айтматоведы Сайди Умиров, Гузаль Абдуллаева, П.Мирза-Ахмедова и др.

Здесь следует вспомнить имена выдающихся переводчиков произведений Ч.Айтматова Асыла Рашидова, Ибрахима Гафурова, С.Караева, Я.Худжамбердиева, Набиджана Баки, Т.Курбанова и др.

Особого внимания заслуживают слова Ч. Айтматова, сказанные об Амуре Темуре. В одной из своих статей, посвященной личности выдающегося правителя, которого писатель назвал личностью поистине звездного полета, поднявший туркестанские народы из праха отсталости и забвения. Он, в частности, писал, что «Амир Темур отличался высшими качествами – могучей волей и глубочайшими для того периода познаниями. Он сочетал в себе таланты государственного администратора, военного деятеля, полевого командующего и стратега, интеллектуала и религиозного теолога, реформатора и традиционалиста. Его влияние на последующие цивилизации, несомненно. Для того чтобы явилось космическое мышление потомков под куполами обсерваторий, кто-то должен пахать землю, строить города, развивать науки; кто-то должен наряду с тем положить жизнь на преодоление яростных инстинктов племенной или родовой разобщенности и столь же неукротимого политического эгоизма, вовлекающего стороны, а в итоге весь мир в конфликты и бесконечные войны, — и, стало быть, принужден воевать, и во всех этих действиях кому-то полагалось, кто-то должен был обратить всегда спонтанную человеческую стихию в организованный процесс, иначе говоря, сосредоточить власть в своих руках, повелевать и служить своему времени, текущей и будущей истории. В том контексте Темур – безусловно классическая фигура, воплотившая универсальные проявления человеческой сущности». Отмечая роль национальных языков, в том числе узбекского и казахского, Ч. Айтматов писал: «Этими языками надо пользоваться. Потому что литературный казахский язык формировался раньше, узбекский литературный язык имеет большой исторический опыт. Литературы Узбекистана и Казахстана нужно знать хорошо и глубоко».

**(из предисловия к книге Х. Хамидова
«Чингиз Айтматов — классик современности». –Т., 2018. -64 с.)**





В Узбекистане издана книга «Чингиз Айтматов – классик современности»

14/12/18 12:32

Ч.АЙТМАТОВ

Читайте и смотрите нас в



**В Узбекистане
издана книга
«Чингиз
Айтматов –
классик
современности».**

**Толонбай
Курбанов – Кабар**

Ташкент, 14.12.18. /Толонбай Курбанов – Кабар/. В Узбекистане издана книга «Чингиз Айтматов – классик современности». Данная книга была написана заведующей кафедрой переводов Ташкентского государственного института Востоковедения (ТашГИВ) Хайруллы Хамидовым и издана в рамках празднования 90-летия великого писателя и общественного деятеля Чингиза Айтматова в Узбекистане.

По словам к.ф.н., доцента ТГИВ А.Алимбекова, долг человека науки и литературы заключается в тщательном исследовании произведений выдающегося писателя-гуманиста, пропаганде высокоидейного творчества писателя среди молодежи. «Данная книга является частью проводимых в Узбекистане мероприятий, посвященных юбилейной дате великого писателя и должна восприниматься как знак глубокого уважения к памяти выдающегося писателя Чингиза Айтматова. Изложенные мысли будут полезной для молодых исследователей и студентов, ведущие научные работы по изучению теории и практики современной литературы», - отметил он. В основе работы легли итоги исследований автора по вопросам переводов отдельных произведений Ч.Айтматова, которые выполнены в ИСАА Московского государственного института им. М.Ломоносова, воспоминания современников великого писателя.




РЕЦЕНЗИЯ НА МОНОГРАФИЮ Х. ХАМИДОВА «ВОЗНИКНОВЕНИЕ ФРАЗЕОЛОГИЗМОВ НА ТУРЕЦКОМ ЯЗЫКЕ, ИХ СЕМАНТИЧЕСКИЕ И ГРАММАТИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ

“Ўзбекистонда хорижий тиллар” илмий-методик электрон журнал | № 4/2019
journal.fledu.uz

ТАҚРИЗ

Х. Х. Ҳамидовнинг “Турк тилида фразеологизмларнинг юзага келиши, маъно ва грамматик хусусиятлари” номли монографиясига

ТАҚРИЗ



Сўнгги минг йил давомида географик жиҳатдан ер юзининг турли минтақаларида яшаб келаётган бўлсада, тили, тарихи ва маданиятлари бир-бирига жуда яқин бўлган ўзбек ва турк халқлари нуткида қўлланиб келаётган фразеологизмларнинг турли нуқтаи назардан тадқиқ этилиши фаннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади. Бу борада Х. Ҳамидовнинг туркча фразеологизмларнинг маъно ва грамматик хусусиятлари чуқур

лиш тарихи, уларнинг шаклланиши ва грамматик асосланиши хусусида сўз боради. Унда фразеология кенг ва тор маънода тушунилиши, кенг маънода, турғун сўз бирикмаларининг барча турлари, шу жумладан, мақол, матал ва шунга ўхшаш кўчма маъноли бирикмаларни англатиши, тор маънода эса унинг қамрови анча торайиши ва фақат идиомалар кўзда тутилиши, бундай нуқтаи назар эътиборга олинмаган бўлса, унда катта миқдордаги образли турғун бирикмалар фразеология доирасидан чиқиб кетиши мумкинлигига асосли урғу берилади. Шунингдек, тадқиқотда турк тилидаги фразеологизмлар гуруҳларга ажратилиб, кўриб чиқилган.

Фразеологик маънонинг юзага келиши, сўз ва фразеологизм орасидаги семантик муносабатлар, фразеологизмлар орасидаги маънодошлик, шунингдек, мақол ва фразеологизмлар орасидаги муносабатлар кўриб чиқилиб, фразе-

ўрганилган диссертация тадқиқоти алоҳида аҳамият касб этади.

Маълумки, тил тараққиётида лексик-фразеологик birlikларнинг роли бекиёс. Ҳозирги замон турк тилида фаол қўлланиб келаётган фразеологизмлар илмий таҳлилга тортилган тадқиқотда турк тилидаги фразеологизмларнинг ўрганиш, кўчма, фразеологик маънога айланиши, кўчма маъно бирикмани ташкил этувчи компонентларнинг лексик маъносидан келиб чиқмаслиги, маънонинг ҳар бир сўзнинг алоҳида маъносидан олиб, қўшилиб эмас, бирикманинг образли, кўчма маъносидан юзага келиб,


ологик маънонинг юзага келишида илк (бирламчи) маъно муҳим аҳамият касб этиши, кўчма маъно ўша бирламчи маънодан шаклланиши ва улар орасидаги боғланиш, муносабатлар маълум бир даражада сакланиб қолиши, воқеликни акс эттирувчи бирламчи маъно образли тасаввур асосида қолиплашиши масалаларига тадқиқотда алоҳида урғу берилади.

Юқоридагиларни ҳисобга олиб, Х. Ҳамидовнинг “Турк тилида фразеологизмларнинг юзага келиши, маъно ва грамматик хусусиятлари” номли монографиясини нашрга тавсия этиш мумкин.

Қ. Ш. Омонов

Филология фанлари номзоди, доцент

<https://journal.fledu.uz/ru/author/sh-omonov/>



РЕЦЕНЗИЯ НА ПОСОБИЕ Х. ХАМИДОВА «АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ УЗБЕКСКО-ТУРЕЦКОГО ПЕРЕВОДОВЕДЕНИЯ (1991–2017 ГГ.). ЧАСТЬ 1. ПРОИЗВЕДЕНИЯ АБДУЛЛЫ КАДЫРИ НА ТУРЕЦКОМ ЯЗЫКЕ».

Sh. Omonov / № 3 (26) / 2019 / НАУЧНАЯ ЖИЗНЬ / РЕЦЕНЗИИ / 1792 / 4

Х.Ҳамидовнинг “Ўзбек-турк таржимачилигининг долзарб муаммолари (1991-2017 йиллар)”. 1-қисм. Абдулла Қодирий асарлари турк тилида” номли монографиясига тақриз

Халқлар орасидаги маданият кўприги ҳисобланган бадий таржиманинг санъат даражасига юксалишида таржимоннинг истеъдоди ва таржиманинг савияси муҳим ўрин тутди. Таржимоннинг асл нусхани бошқа тилда қайта яратишдаги маҳорати ижоднинг бундай турида асосий омилдир. Таржимон маҳорати қирраларининг тадқиқ этилиши эса таржиманинг сифатини баҳолашга имкон беради. ТДШИ катта ўқитувчиси Х.Ҳамидовнинг “Ўзбек-турк таржимачилигининг долзарб муаммолари (1991-2017 йиллар)”.1-қисм. Абдулла Қодирий асарлари турк тилида” рисоласида фаннинг ана шундай мураккаб масалалари тадқиқ этилган.

2018 йил 3 декабрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Буюк ўзбек ёзувчиси Абдулла Қодирий ижодининг улкан аҳамиятини инобатга олиб, ёш авлод қалбида Ватанга муҳаббат ва садоқат, аجدодларимизнинг маънавий мероси билан фахрланиш ва ифтихор туйғуларини юксалтириш ҳамда ёзувчи таваллудининг 125 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги 1027-Ф-сон Фармойиши қабул қилинди. Унга мувофиқ мамлакатимизда 2019 йилнинг октябрь ойида атоқли ўзбек адиби Абдулла Қодирий таваллудининг 125 йиллиги кенг нишонланади. Шу муносабат билан мамлакатимизда кенг миқёсдаги тадбирлар, шу жумладан республикамиз олий таълим муассасаларида адиб ҳаёти ва ижодига бағишланган адабий-бадиий тадбирлар, давра суҳбатлари, ижодкорлар билан учрашувлар уюштирилиши, 2019 йилнинг апрель ойида “Абдулла Қодирий ижодининг маънавий-маърифий аҳамияти” мавзусида Республикамизда илмий конференция ўтказилиши, адиб ижодига бағишланган адабий музей, ижодий мактаб, кутубхона барпо этилиши назарда тутилган. Х.Ҳамидовнинг ушбу тадқиқот иши мазкур Фармойишнинг ижроси йўлида амалга оширилган бўлиб, унда атоқли адиб Абдулла Қодирий романларининг турк тилига таржималари таҳлилга тортилган.

Ўзбек ва турк тиллари айна тил гуруҳига мансуб, уларнинг биридан иккинчисига таржима қилиш кўпинча таржимон учун қулайлик туғдирса-да, икки қардош тилнинг ўзига хос қонуниятлари ҳам борлиги, уларда айрим предмет ёки ҳодисалар бир хил аталса-да, фарқли маъно касб этиши мумкинлиги ва шунга ўхшаш хусуслар эътибордан четда қолмаслиги кераклиги китобда алоҳида таъкидланган. Тадқиқот жараёнида муаллиф келган хулосалар бадиий таржима муаммолари билан шуғулланадиган мутахассислар, таржимонлар ҳамда “Таржима назарияси ва амалиёти” йўналиши талабалар учун фойдали бўлади. Ишнинг эътиборли жиҳати шундаки, у нафақат ўзбек тилидан турк тилига, балки бошқа тиллар орасида амалга ошириладиган бадиий таржима билан шуғулланувчи мутахассислар учун ҳам фойдали бўлиши мумкин.

2019 йил 17 январь

ТДШИ Шарқ филологияси факультети
декани, филол.ф.д., доцент **Қ.Ш.Омонов**

Научно-методический электронный журнал
«Иностранные языки в Узбекистане». № 3 (26) / 2019.

<https://journal.fledu.uz/ru/recenziya-na-posobie-h-hamidova-aktualnye-problemy-uzbeksko-tureczkogo-perevodovedeniya-1991-2017-gg-chast-1-proizvedeniya-abdully-kadyri-na-tureczkom-yazyke/>



ИЛМИЙ ҲАЁТ

ТАҚРИЗ

ТошДШИ “Таржимашунослик” кафедрасида Х.Ҳамидов ва Ш.Хасановалар томонидан тузилган “Русча синхрон таржима терминларининг ўзбекча изоҳли лугати”га ТАҚРИЗ

угунги кунда оғзаки таржиманинг кенг тарқалган тури сифатида маълум бўлган синхрон таржима ўзининг тараққиёт босқичига ўтди, деб айтиш мумкин. Бу, ўз навбатида, соҳа мутахассислари зиммасига катта масъулият юклаш билан бирга, таржимонларнинг билим даражаси ва улар амалга оширган таржиманинг савияси юқори бўлишини ҳам тақозо этади. Бунда синхронист-таржимоннинг оғзаки нутқни аслият тилидан бошқа тилда ўтиришдаги маҳорати, билими, дунёқараши, икки халқнинг миллий ўзига хослигини чуқур билиши муҳим аҳамият касб этади. Синхрон таржимада маҳорат қирраларининг тадқиқ этилиши эса бундай таржима турининг сифатини баҳолашга имкон беради.

ТошДШИнинг “Таржимашунос-лик” кафедрасида ушбу кафедранинг мудири Х. Ҳамидов ва ўқитувчи Ш. Хасановалар томонидан нашрга тайёрланган ушбу изоҳли лугатда синхрон таржима соҳасига оид русча терминларнинг ўзбекча изоҳлари берилган. Лугат таржимашуносликка оид турли манбалар, жумладан, Л. Л. Нелюбиннинг Москвада нашр этилган “Таржимашуносликнинг изоҳ-ли лугати” (“Толковый переводовед-ческий словарь”)дан олиб ўзбекчалаштирилган, шунингдек, Э. Очиловнинг “Таржимашунослик терминларининг изоҳли лугати”дан олинган 500дан ортиқ терминни ўз ичига олган. Ундаги мақолачалар соф синхрон таржима терминларидан ташқари, таржимашунослик ва тилшунослик атамалари, анъанавий таржимага оид бир қатор атама ва ибораларни ҳам ўз ичига олган. Лугатдан “Синхрон таржима” ва “Қиёсий тилшунослик, лингвистик таржимашунослик” мутахассислиги магистрантлари, “Таржима назарияси ва амалиёти”, “Филология ва тилларни ўқитиш” йўналишида синхрон таржима сирларини ўрганаётган талабалар фойдаланишлари мумкин. Синхрон ва кетма-кет таржима қонуниятлари, принциплари барча тиллар учун муштарак эканлиги ҳисобга олинса, мазкур лугат оғзаки таржиманинг синхрон тури билан шугулланувчи мутахассислар учун ҳам фойдали бўлади.

239

Лугатнинг аҳамияти шундаки, у нафақат ўзбек тилидан шарқ тилларига, балки бошқа тиллар орасида амалга ошириладиган синхрон таржима билан шугулланувчи магистрантлар ва соҳа мутахассислари учун илмий тадқиқотлар олиб боришда фойдали манба бўлади, деб ўйлайман.

Юқоридагиларни ҳисобга олиб, ТошДШИнинг “Таржимашунослик” кафедрасида Х. Ҳамидов ва ўқитувчи Ш. Хасановалар томонидан нашрга тайёрланган ушбу изоҳли лугатни нашрга тавсия этиш мумкин.

Филология фанлари номзоди Э. З. Очилов.

O'ZBEK ZAMONAVIY ADABIYOTINI XORIJIY TILLARGA TARJIMA QILISHNING DOLZARB MASALALARI



YANGILIKLAR

O'ZBEK ZAMONAVIY ADABIYOTINI XORIJIY TILLARGA TARJIMA QILISH MASALALARIGA DOIR RESPUBLIKA KONFERENSIYASI BO'LIB O'TDI

24.12.2019

Kuni kecha O'zbekiston Yozuvchilar uyushmasi va "Ijod" jamoat fondi tomonidan "O'zbek zamonaviy adabiyotini xorijiy tillarga tarjima qilish va chet mamlakatlarda targ'ib qilishning dolzarb masalalari" mavzusida Respublika konferensiyasi bo'lib o'tdi.

Respublika konferensiyasining yalpi majlisi va sho'balalar yig'ilishlarida ToshDSHning Sharq filologiyasi fakulteti Tarjimashunoslik kafedrasida professor-o'qituvchilari (N.Mahmudov, M.Ali, X.Hamidov, M.Qayumova, N.Xodjayeva, B.Mamarajabov, Sh.Xasanova), ToshDSH professor-o'qituvchilari (A.Alimbekov, S.Nosirova, N.Valiyev, Z.Adashova va b.), shuningdek, Tarjimashunoslik kafedrasining 50 nafarga yaqin talabalari, yosh mutaxassislar, magistrantlar ishtirok etishdi.


Yurtimizning nufuzli tarjimashunos olimlari, tarjimonlar, shoir va yozuvchilar ishtirok etgan anjumanda ToshDSH Tarjimashunoslik kafedrasida mudiri Xayrulla Hamidov "O'tkir Hoshimov frazeologiyasining turkcha tarjimalarda berilishi" mavzusidagi, kafedra o'qituvchilari Nilufar Xo'jayeva "O'zbek-hind adabiy aloqalari taraqqiyotida tarjimaning o'рни" mavzusidagi, Shahzoda Hasanova "Badiiy tarjimada personajlar nutqining monolog vositasida berilishi" mavzusidagi ma'ruzalari bilan qatnashdilar.

Konferensiyaning yalpi majlisida X.Hamidov tomonidan turk tiliga o'g'irilgan Muhammad Yusuf she'rlari taqdimoti o'tkazildi. Taqdimotni Tarjimashunoslik kafedrasida o'qituvchisi Mehriniso Qayumova o'tkazdi, shoirning she'rlari Tarjimashunoslik kafedrasida 1-kurs talabalari tomonidan o'qildi.

<https://fledu.uz/language/uz/ozbek-zamonaviy-adabiyotini-xorijiy-tillarga-tarjima-qilish-masalalariga-doir-respublika-konferensiyasi-bolib-otdi/>



Тухфа

Адиб ҳикоялари
турк тилидаИрода ТОШМАТОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Тошкент давлат шарқшунослик университетининг таржимашунослик ва халқаро журналистика кафедраси мудир, таржимон Хайрулла Ҳамидов томонидан ўзбек адабиётининг буюк намояндаси, атоқли адиб, Ўзбекистон Қаҳрамони Саид Аҳмад таваллудининг 100 йиллик юбилейига бағишлаб “Özbek Edebiyatı'nın Seçme Eserleri. Said Ahmed. Hikâyeler” (“Ўзбек адабиётининг сара асарлари. Саид Аҳмад. Ҳикоялар”) номли китоб турк тилида нашр этилди. Адибнинг ўнлаб машҳур ҳикоялари ўрин олган рисолага ТДШУ ректори Г.Рихсиева сўзбоши ёзган.

Университетда устоз-шогирд анъанаси асосида амалга оширилаётган ижодий ишлар доирасида Х.Ҳамидов шогирдларининг ҳам таржималарига ўрин берилган китобдан адибнинг “Елим”, “Сағана”, “Бир ўпичнинг баҳоси”, “Хомталаш”, “Ханка билан Танка”, “Бир юз етмиш сўмлик хуррак”, “Менинг дўстим Баббаев!”, “Иқдор”, “Хотинбоз чумчуқ” сингари ҳажвий, “Ўн саккиз ёшинг”, “Суд”, “Қорақўз Мажнун” каби ҳикоялари ўрин олган.

— Моҳир сўз устаси Саид Аҳмаднинг ўзбек халқига таниш ва машҳур бўлган ҳикояларини турк тилига таржима қилиш нияти бундан 10 йил олдин, адибнинг 90 йиллиги нишонланган даврда бошланган эди, — дейди Ҳ.Ҳамидов. — 2011 йилда

институтимизда таржима назарияси ва амалиёти кафедраси очилиб, талабалар қабул қилинди. Қабул қилинган икки гуруҳнинг бири ҳинд, бири турк тили гуруҳи эди. Шунда биз талабаларни мустақил ижодий иш — бадиий таржимага жалб этишга ҳаракат қилдик. Ўзбек адабиёти намуналарини шарқ тилларига ўгириш ишларини бошлаб юбордик. Ўша йилларда жуда кўп асарлар шарқ тиллари, жумладан, турк тилига ҳам таржима қилиниб, институтимизда кичик тиражларда чоп қилинди. Мана, ниҳоят, бугунги кунга келиб, севимли адибимизнинг 100 йиллик юбилейига Тошкент давлат шарқшунослик университети номидан кичик бир тухфа сифатида кафедрамизда туркчага ўгирилган барча ҳикояларини бир жойга тўплаб, кичик тиражда чоп қилишга жазм қилдик. Яқин келажакда Саид Аҳмаднинг бошқа асарларини ҳам нафақат турк тилига, балки бошқа шарқ тилларига таржима қилишни режалаштирганмиз.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, бир бадиий асарни она тилига таржима қилиш осон эмас, ўз она тилидан хорижий тилга ўгириш эса ундан ўн карра мураккаб иш. Ушбу китоб Тошкент давлат шарқшунослик университети ижодий жамоасининг буюк адиб таваллудининг 100 йиллигига камтарона тухфаси бўлади.


Саид Аҳмад ҳикоялари турк тилида чоп этилди

> Воқеа-хודисалар

10 июн 2020

👁 39

Бугун ўзбек адабиётининг етук намоёниси, атоқли адиб, ҳикоялар устаси, Ўзбекистон Қаҳрамони Саид Аҳмад таваллудига 100 йил тўлди. Қутлуғ сана арафасида унинг издошлари, шогирдлари, адабиёт соҳаси вакиллари ёзувчи хотирасига бағишланган қатор ижод намуналари яратиб, сеvimли адибини муносиб ёд этмоқда.



Тошкент давлат шарқшунослик университети жамоаси ҳам юбелейга муносиб тухфа ҳозирлади. Таржимашунослик ва халқаро журналистика кафедраси мудир, таржимон Ҳайрулла Ҳамидов томонидан Саид Аҳмад ҳикоялари турк тилига таржима қилиниб, "Özbek Edebiyatı'nın Seçme Eserleri. Said Ahmed. Hikâyeler" (Ўзбек адабиётининг сара асарлари. Саид Аҳмад. Ҳикоялар) номли китоб тарзида нашр этилди.

Рисолага Ҳ.Ҳамидовнинг шогирдлари таржималари ҳам киритилган. Китобдан адибнинг "Елим", "Сағана", "Бир ўпичнинг баҳоси", "Хомталаш", "Ханка билан Танка", "Бир юз етмиш сўмлик хуррак", "Менинг дўстим Баббаев!", "Иқдор" сингари ўнлаб машҳур ҳикоялари ўрин олган.

– Моҳир сўз устаси Саид Аҳмаднинг халқимизга таниш ва машҳур бўлган ҳикояларини турк тилига таржима қилиш нияти бизда бундан 10 йил олдин, адибнинг 90 йиллигини нишонлаш вақтида бошланган эди, – деди Ҳайрулла Ҳамидов. – 2011 йилда институтимизда "Таржима назарияси ва амалиёти" кафедраси очилиб, талабалар қабул қилинди. Икки гуруҳнинг бири ҳинд, бири турк тили гуруҳи эди. Шунда биз талабаларни мустақил ижодий иш – бадиий таржимага жалб қилишга ҳаракат қилдик. Ўзбек адабиёти намуналарини шарқ тилларига ўгириш ишларини бошлаб юбордик. Ўша йилларда жуда кўп асарлар шарқ тиллари, жумладан, турк тилига таржима қилиниб, кичик тиражларда чоп қилинди. Мана, ниҳоят, бугунги кунга келиб, сеvimли адибимизнинг 100 йиллик юбелейига Тошкент давлат шарқшунослик университети номидан кичик бир тухфа сифатида кафедрамизда туркчага ўгирилган барча ҳикояларини бир жойга тўплаб, кичик тиражда тезкор нашрда чоп қилишга жазм қилдик. Яқин келажакда Саид Аҳмаднинг бошқа асарларини ҳам нафақат турк тили, балки бошқа шарқ тилларига таржима қилишни ҳам режалаштирганмиз.

Бир бадиий асарни она тилига таржима қилиш осон эмас, ўз она тилидан хорижий тилга ўгириш эса ундан ўн қарра мураккаб иш. Ушбу китоб Тошкент давлат шарқшунослик университети ижодий жамоасининг буюк адиб таваллудининг 100 йиллигига камтарона тухфаси бўлди.

Ирода ТОШМАТОВА,

"Янги Ўзбекистон" мухбири

РЕЦЕНЗИЯ НА МОНОГРАФИЮ Х. ХАМИДОВА «ПРОИЗВЕДЕНИЯ УТКИРА ХАШИМОВА НА ТУРЕЦКОМ ЯЗЫКЕ»

Nizomiddin MAHMUDOV /  /  РЕЦЕНЗИИ /  3637 /  77



**ТошДШИ “Таржимашунослик” кафедраси мудири
PhD. Х. Ҳамидовнинг “Ўткир Ҳошимов асарлари турк
тилида” номли монографиясига ТАҚРИЗ**

Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги йилларида бутун дунё халқлари ўзбек адабиёти, тарихи ва маданиятини бадий таржима воситасида янада яхшироқ таний бошлади. Ўз навбатида, ўзбек адабиёти ҳам дунё адабиёти дурдоналари билан янада бойиди. Адабиёт соҳасида алоқаларни кучайтириш, ўзбек адабиёти, маданияти, кадриятларимизга ҳурмат билан қараётган халқларга нималарни тақдим этишимиз мумкин деган масала кун тартибидан ўрин олди. Бу эса шарқшунос таржимонлар ва соҳа мутахассислари зиммасига масъулиятли вазифаларни юклайди.

Таниқли ўзбек адиби Ўткир Ҳошимовнинг “Дунёнинг ишлари” қиссаси ва “Дафтар хошиясидаги битиклар” асарининг турк тилига таржималари устида олиб борилган мазкур тадқиқотда аслиятдаги миллийликнинг таржимада берилиши ва бу билан боғлиқ долзарб муаммолар кўриб чиқилади. Бундан ташқари, тадқиқотда жаҳон адабиёти дурдоналарининг таржима воситасида маданиятлар ривожига муҳим роль ўйнаши, халқаро муносабатларнинг адабиёт воситасида янада мустаҳкамланиши долзарб вазифалардан экани таъкидланади.

Халқлар орасидаги маданият кўприги ҳисобланган бадий таржиманинг санъат даражасига юксалишида таржимоннинг истеъдоди ва таржиманинг савияси муҳим ўрин тутди. Таржимоннинг асл нусхани бошқа тилда қайта яратишдаги маҳорати ижоднинг бундай турида асосий омилдир. Таржимон маҳорати қирраларининг тадқиқ этилиши эса таржиманинг сифатини баҳолашга имкон беради. ТошДШИ “Таржимашунослик” кафедраси мудири Х.Ҳамидовнинг “Ўткир Ҳошимов асарлари турк тилида” номли монографиясида таржимашуносликнинг ана шундай мураккаб масалалари тадқиқ этилган.

Х.Ҳамидовнинг мазкур тадқиқотида атоқли ўзбек адиби Ўткир Ҳошимов асарларининг туркча таржималари, бунда таржимонлар эришган ютуқлар ва таржима жараёнида юзага келган муаммолар ҳақида сўз боради. Таржимонларнинг аслият тилидаги сўзларнинг маъно нозикликлари, ўзбек халқининг маданияти, миллий ўзига хосликлари, урф-одатларини қанчалик билишлари хусусида мулоҳаза билдирилади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундаки, у нафақат ўзбек тилидан турк тилига, балки бошқа тиллар орасида амалга ошириладиган бадий таржима масалалари билан шуғулланувчи магистрантлар ва соҳа мутахассислари учун ҳам фойдали бўлади, деб ўйлайман.

Юқоридагиларни ҳисобга олиб, Х.Ҳамидов томонидан нашрга тайёрланган “Ўткир Ҳошимов асарлари турк тилида” номли монографиясини нашрга тавсия этиш мумкин.

2020 йил 17 февраль

Н.М.Маҳмудов

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти директори,
филол.ф.д., профессор




YANGILIKLAR

ABDULLA ORIPOV SHE'RLARI TURK TILIDA

25.03.2021 / 1368

Joriy kunlarda o'zbek xalqi, xususan, butun ahli ijod xalqimizning sevimli shoiri, O'zbekiston Qahramoni Abdulla Oripov tavalludining 80 yillik yubileyini nishonlamoqda.

Ushbu muborak sana munosabati bilan "Nodirabegim" nashriyotida turk tilida "Abdulla Aripov. Seçme Şiirler" (Abdulla Oripov. Tanlangan she'rlar) nomli kitob nashrdan chiqdi.



O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.Mirziyoyevning 2020-yil 2-dekabrda "O'zbekiston Qahramoni va xalq shoiri Abdulla Oripov tavalludining 80 yilligini keng nishonlash to'g'risida"gi Qarori ijrosi yo'nalishida Toshkent davlat sharqshunoslik universitetining "Tarjimashunoslik va xalqaro jurnalistika" kafedrasida dotsenti Xayrulla Hamidov tomonidan atoqli o'zbek shoiri, o'zining betakror, chuqur falsafiy, tabiiy kechinmalar va teran obrazli mushohadalarga boy, qalb qo'ridan sizib chiqqan ehtirolari, she'riyatga olib kirgan ohanglari, badiiy uslubining o'ziga xosligi, hayot hodisalarining yangicha talqini bilan o'z adabiy maktabini yaratishga muvaffaq bo'lgan ijodkor Abdulla Oripov tavalludining 80 yilligiga bag'ishlab nashrga tayyorlangan va shoir yubileyi arafasida universitet rektori Gulchehra Rixsiyevaning so'zboshisi, shoirning farzandi Shoir Oripovning "Xotima"si, shuningdek, taniqli shoir Minhojiddin Mirzoning "Ustoz maktabi" she'rining turk tiliga o'girilgan she'ri ham kiritilgan mazkur kitobdan buyuk shoirimizning Vatanga sadoqat, xalqparvarlik, ijtimoiy-falsafiy va ishq-muhabbat mavzularida turli yillarda yozgan 50 dan ziyod she'ri, umr, adabiyot, ona tili haqidagi falsafiy fikrlari, hikmatli so'zlarining turkcha tarjimalari o'rin olgan.

Toshkent davlat sharqshunoslik universitetida ustoz-shogird an'anasi asosida amalga oshirilgan tarjimalar jamlangan kitobda Abdulla Oripovning "O'zbekiston", "Men nechun sevaman O'zbekistonni?", "Vatan", "Men - o'zbekman", "Ona tilim", "Xalqim", "Munajat"ni tinglab...", "Dunyoni qizg'anma mendan", "Ayol", "Onajon", "Birinchi muhabbatim", "Sen bahorni sog'inmadingmi?", "Yaxshi qol, ey dilbarim!", "Vafo qilurmisan, bahorim?" kabi she'rlarining turkcha tarjimalarini o'qiydiz.

Ushbu kitob Toshkent davlat sharqshunoslik universiteti jamoasining buyuk adib tavalludining 100 yilligiga kamtarona tuhfasidir.



Маънавият



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news

ИЛАРИ

ИЛМ БАЙРОҒИНИ
БАЛАНД TUTTAN OЛИМёхуд Ғайбуллоҳ ас-Саломнинг ўзбек
таржимашунослиги ривожигаги ўрни**Одилжон САФАРОВ,**
Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат
ўзбек тили ва адабиёти университети доценти,
филология фанлари номзоди

Башариёт бисотидаги мўъжизалардан бири тил, бошқаси ёзув бўлса, яна бири таржимадир. Усиз асрлар давомидаги маданиятлараро мулоқотни ҳам, ижтимоий ва халқаро тараққиётни ҳам тасаввур қилиб бўлмайди. Шу боис, таржимага оид масалалар доим ҳаммани қизиқтириб келган. XX асрда эса илмий, бадиий таржима ишларининг назарий ва амалий асосларини яратишга жиддий эътибор қаратила бошланган.

Республикада бу мавзу тарихи филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Халқаро Бобур мукофоти соҳиби Ғайбуллоҳ ас-Салом фаолияти билан чамбарчас bog'liq.

Ўзбек тили Давлат тили мақомига эришган ilk дамлардан бошлаб, илгаригидек Ғайбуллоҳ Саломов эмас, ўзбекона тарзда Ғайбуллоҳ ас-Салом

Муаллифларнинг ёзишича, "Таржима муҳаббат фарзандидир. Нафрат билан таржима қилиб бўлмайди. Бобур қалами остида чиққан Навоий тасвири истаган бошқа тилда қайта тиклаш учун бу табарруқ зотга ўзга шундай бир ҳазрати инсон — Бобур Мирзо мавқидан туриб қарамоқ, унинг кўзлари билан қарай билмоқ керак. Акс ҳолда, меҳр ёлқини ўрнига

Жўраев, Ғулом Хўжаев, Султонмурод Олимов, Адҳамжон Эргашев, Салоҳиддин Ҳайитов, Хонимқул Тоҳиев, Уқтамали Нурматов, Баҳодир Эрматов, Зебо Салимова, Ҳамдам Исмоилов, Салим Жабборов, Зоҳиджон Содиқов, Муҳаббат Бақровава қабилар шулар жумласидан.

"Олим таржимашунослигида ҳерменевтик таржима ва скопос (мақсад) назарияси масалалари" мавзусидаги номзодлик ишим ҳимоясидан сўнг мен ҳам улар сафига қўшилганман. Шу иш бўйича 1995-1996 йилларда ДААД (Немис Академик алмашув хизмати)нинг иллик стипендиати сифатида Берлиндаги Эркин (Freie) ва Хумбольт университетларида малака ошириш имкониятига эга бўлдим.

Устознинг таржима илмида амалга оширган ишларининг моҳияти ва аҳамиятидан хабардор бўлиш ҳамма учун бирдек фойдалидир. Чунки таржима ишларига дахлдорлик ҳисси ҳаммада ва ҳамма замонларда бўлган. Таржимавий таъқиблар аса ҳеч

биринчи иш эканлигини таъкидлаб, шундай ёзади, "Ўшбу асарнинг қўлами жуда кенг, унда минг йиллик таржима тарихининг қисқача очерки берилган. Шу даврга оид лоақал тавсифий биография тузишини ўзи бутун бир илмий ҳодимлар коллективининг мунтазам ишлашини талаб қилган бўлар эди".

Бундай сазъ-ҳаракатлар ўзбек таржимашунослигининг нисбатан қисқа вақт ичида нафақат шаклланишига, балки халқаро миқёсда эътироф этилишига ҳам олиб келган. Масалан, рус адабиётшуноси, адаби ва таржимони В. Россельс бу ҳолини чех олими Иржи Левийнинг "Искусство перевода" китобига ёзган сўзбошисида шундай ифодалайди: "Москва ва Ленинграднинг дастлабки маданий метрополиларидан ташқари, Киев, Тбилиси, Тошкент каби шаҳарларда назарий марказлар пайдо бўлганини, масалан, 1966 йилнинг баҳорида Москвада бўлиб ўтган бадиий таржима бўйича баъза симпозиумларнинг



“Олимнинг “Таржима назариясига кириш” китоби 2016 йилда Тошкент давлат шарқшунослик институти таржимашунослик кафедраси мудири Х.Ҳамидов ташаббуси билан лотин ёзувида қайта нашр этилди.

деб аталишни маъқул билган олимнинг илмий-иқодий фаолияти ўзбек таржимашунослигини шакллантириш ва унинг халқаро миқёсдаги нуфузини оширишга қаратилган.

Устознинг сазъ-ҳаракати билан 1961 йилдан Тошкентда "Таржима санъати" мақолалар тўплами чоп этиладиган бўлди, 1969 йилнинг кузида ЎзМУ (собиқ ТошГУ) журналистика

совуқ лоқайдлик, эътироф ўрнига эътироз, тасдиқ ўрнига инкор туйғуси ҳосил қилиш, ўзни ва ўзгани алдаб қўйиш ҳам мумкин".

Таржимашунос олимнинг кўплаб мақола ва таржималарга ёзган тақрирлари ҳам унинг ўз соҳасининг устаси, ҳақиқий фидойиси бўлганидан далолат беради. Ҳар ҳолда зукко ўқувчи бу ишлар замирида қанча

қачон ҳаммада бир хил бўлмаган. Бу ҳол XX аср таржимашунослиги таржима масалаларини турлича тушуниб ва талқин қилиб келганликларида яққол намоён бўлади.

Албатта, бундай талқинлардан қай бири илмий асосларга эга ёки эга эмаслигини фарқлай олиш керак. Маълумки, ҳар қандай халқ бисотидаги адабиётлар икки бебаҳо фонддан иборат, бири ўша халқ вакиллари яратган адабиётлар бўлса, иккинчиси таржима адабиётларидир.

Агар адабиёт сўзи одатдагидай тор маънода (бадиий адабиёт) эмас, кенг маънода (турли соҳаларга оид адабиётлар маъносига) тушуниладиган бўлса, таржима нақадар муҳим ижтимоий ва халқаро аҳамият касб этишини англаш қийин эмас.

Изланишлар далолат беришича, кўп асрлик таржима ишлари тиллар, ёзувлар, луғатлар, адабиётлар тараққиётига, шунингдек, муайян халқ

энг мазмунлисида кузатиш мумкин эди".

Албатта, ўшанда Ғайбуллоҳ ас-Саломнинг асосий мақсади Ўзбекистон олий ўқув муассасаларида таржима илмини фан сифатида ўқитишни йўлга қўйиш бўлган. 1969 йилнинг кузида собиқ ТошДУнинг журналистика факультетида тегишли кафедра очилиши билан унинг шу мақсади амалга ошган. Ёш олим дастлаб шу кафедра мудири вазифасини бажарувчи, бир йилдан кейин эса унинг мудири лавозимига фаолият юритган.

Янги фан бўйича ўқув дастурлари, ўқув қўлланма ва дарсликлар тайёрлаш ҳам олимнинг зиммасига тушган. 1978 йилда у "Таржима назариясига кириш", 1983 йилда "Таржима назарияси асослари" номли китобларини чоп эттиради. Бу орада Москвада "Литературные традиции и проблемы художественного перевода. Сравнительно — стилистичес-

УЗМУ (собиқ ТошДУ) журналистика факультетида "Таржима назарияси ва таҳрир-нашриёт ишлари" кафедраси очилди.

Албатта, Ўзбекистонда таржима илмини ўқитишни яхши йўлга қўйиш шу фан соҳасига оид дарсликлар, ўқув қўлланмалари, монографиялар чоп этилишини тақозо қилган. Ана шу эҳтиёжга кўра, Ғайбуллоҳ ас-Салом ўз соҳаси бўйича монографиялар, ўқув қўлланмалари ва дарсликлар чоп эттирган. "Русчадан ўзбекчага бадий таржиманинг баъзи масалалари хусусида", "Мақол, матал ва идиомаларни таржима қилиш масаласига доир", "Тил ва таржима", "Таржима ташвишлари" каби қўлланмалар устознинг бугунги авлодга қолдирган ноёб меросидир, десак адашмаган бўламиз.

Олим сифатида эса "Баҳийдан келур бир садо", "Жаҳонгашта Бобурнома", "Эзгуликка чоғлан, одамзод", "Эй умри азиз", "Ҳалоллик бозорда сотилмайди" каби китобларни нашр эттирди.

Муаллиф мустақиллик даврида ёзилган ушбу китобларида ҳам тилшунослик, адабиётшунослик, таржима ва таржимашунослик масалаларини шу даражада сингдириб юборганки, бу ҳол унинг ўз соҳасига меҳри ва садоқати бошқача бўлганидан, ҳаёт фалсафасини таржимавий тафаккур нуқтаи назаридан ҳам аниқ

ко ўқувчи бу ишлар замирида қанча

раққиётига, шунингдек, муайян халқ



билим ва тажриба, қанча меҳнату машаққат, изланиш, қанча фидойиллик ётганини илғаб олиши қийин эмас.

Домланинг ўттиз йилдан зиёд даври ўз ичига оладиган педагогик фаолияти дастлаб ТошДУнинг журналистика факультетида бошланиб, кейинчалик шу университет роман-герман филологияси (ҳозирги хоҳиш

вакиллари тафаккури тараққиётига қатта таъсир қилиб келган.

Ғайбуллоҳ ас-Салом таъбири билан ифодаладиган бўлса, "Таржима орқали халқлар бир-бирлари билан муомала қилган, олимлар бир-бирлари билан фикрлашган, адиблар бир-бирлари билан мулоқотда бўлган. Ҳамма замонларда — ҳоҳ ада-

вода. Сравнительно — стилистический и типологический анализ" мавзусидаги докторлик диссертациясини ҳимоя қилади.

Ғайбуллоҳ ас-Саломнинг дарсликлари ҳақида унинг ўзи адабиётшунос олим, профессор Сайди Умиров билан 1999 йили "Мулоқот" журналидаги суҳбатда шундай деган:

"Шу хилдаги "Кириш" ва "Асослар" беш мамлакатда чоп этилган: Германия, Франция, Польша, Россия, Ўзбекистон. Менинг қаламимга мансуб мазкур жиддий нашрларнинг мароқ билан ўқилиши сирини шундаки, уларда жуда ноёб маълумотларни териб-териблаб, саралаб, хиллаб берганман".

Олимнинг "Таржима назариясига кириш" китоби 2016 йилда Тошкент давлат шарқшунослик институти таржимашунослик кафедраси mudiri X.Ҳамидов ташаббуси билан лотин ёзувида қайта нашр этилди.

Ғайбуллоҳ ас-Саломнинг "Тил ва таржима" китоби ҳам шу икки дарсликдан сира қолишмайди.

Ўзбекистонда 1961-1985 йилларда "Таржима санъати" мақолалар тўплами чоп этилиб тургани ҳам Ғайбуллоҳ ас-Саломнинг сазъ-ҳаракатлари билан бевосита боғлиқ. Шу тўпلامнинг 3-6-китобларини шакллантиришда домлага шоғирди Тилак Жўра яқиндан ёрдам берган. Устоз-

тафаккур нуқтаи назаридан ҳам аниқ ва равшан ифодалай олиш даражасига эришганидан далолат беради.

Илм-маърифат аҳли таржимага оид ишларга ҳар доим бевосита ёки билвосита дахлдор бўлиб келган. Ҳозир ҳам, бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолиши табиий.

Ғайбуллоҳ ас-Салом шоғирди Н.Отажон билан ҳамкорликда тайёрлаб чоп эттирган "Жаҳонгашта Бобурнома" китобида қайд этилган куйидаги мулоҳаза эътиборга лойиқ:

"Бадий адабиётда шундай нодир обидалар борки, уларни қайта яратишда фақат матн доирасида ўралашиб қолиб бўлмайди. Олайлиқ, Бобурнинг қимлигини билмай туриб, "Бобурнома"ни таржима қилиб бўладими? Бундай ҳолларда ўғирлаётган муайян асарнинг адабий, илмий, иқтисодий-сиёсий, тарихий, инсоний муҳитдан ташқари, ҳатто табиий, жўрофий иқлимни ҳам билишга тўғри келади".

герман филологияси (ҳозирги хорижий филология) факультетида давом этган. Бу орада Ўзбекистондаги филологик олий ўқув муассасаларида таржима илми фан сифатида ўқитиладиган кафедралар ташкил этилган. ЎзДЖТУда алоҳида таржимонлик факультети фаолият юритадиган бўлган.

Шундай қилиб, ТошДУ таржимашунос олимлар тайёрланганидан марказга айланган. Ғайбуллоҳ ас-Саломнинг илмий раҳбарлиги ва илмий маслаҳатчилигида кўплаб тадқиқотчи ва олимлар таржима назарияси, қиёсий адабиётшунослик, қиёсий тилшунослик, адабий алоқаларга оид мавзулар бўйича номзодлик ва ҳатто докторлик диссертацияларини ҳимоя қилган. Нажмиддин Комилов, Комилжон Жўраев, Нematилла Отажонов, Ҳамидулла Кароматов, Сайдамин Аъзамов, Зухриддин Исомиддинов, Муҳаммад Али, Абдусалом Умаров, Раъно Файзуллаева, Самад Азимов, Тилак

ган. Ҳамма замонларда — ҳоҳ адабий, ҳоҳ илмий, ҳоҳ сиёсий китоблар таржимаси бўлсин — халқ, у яратган ёки яратётган маданият, фан, адабиёт ва санъат бундан фақат наф кўрган".

1961 йили домланинг "Рус тилидан ўзбекчага мақол, матал ва идиомаларни таржима қилиш масаласига доир" номли монографияси чоп этилган. Кейинчалик у "Бадий таржиманинг лексика-фразеология масалалари" мавзусидаги номзодлик диссертациясини ҳимоя қилади.

1965 йили Жуманиёз Шарипов "Ўзбекистонда таржима тарихидан" мавзусида тайёрлаган 482 бетлик монографияга муҳаррирлик қилади ва унга ўзининг ўн бетлик мазмунли муқаддимасини илова қилади.

Унда Ғайбуллоҳ Саломов мазкур асар, асосан, араб, форс ва рус тилларидан ўзбек тилига таржима қилиш тарихига оид республикамиздагина эмас, собиқ иттифокдаги

Жўра яқиндан ёрдам берган. Устоз-шоғирд ўртасидаги қизгин иқдодий жараёнга — муҳокама ва мунозараларга кўп марта гувоҳ бўлган Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф ўзининг Тилак Жўра ҳақидаги фикрини шеърга солиб, қуйидагича ифодалагани эътиборга лойиқ:

У хўп дейди, демас:

"Менга ҳам керак",
Ишонмасанг, бориб ўзидан сўра.
Жонинени прокатга бер десанг, Тилак
Икки қўллаб тутар: марҳамат, жўра.
Мен уни тугилмай туриб билардим,
Мурғак чоғ жаннатда юзин кўрганман.
Тегиримончилиқни орзу қилардим,
Унга ҳавас қилиб шоир бўлганман.

Фидойи олим Ғайбуллоҳ ас-Саломни тарбиялаган шоғирдлари, бетакор асарлари ва Ўзбекистонда яратган ўзига хос таржима мактаби туфайли ҳар бир ўзбек зиёлиси фахр ва гурур билан эсга олади.

Сафаров Одилжон, Илм байроғини баланд тутган олим ёхуд Ғайбуллоҳ ас-Саломнинг ўзбек таржимашунослиги ривожигаги ўрни.

Янги Ўзбекистон, № 252 (774),

<https://t.me/TX|xabarlari/3519> #Gazeta



ТАРЖИМАШУНОСЛИКНИНГ БУГУНИ ВА ЭРТАСИ УЧУН ҚАНДАЙ ИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА?

20:44 / 20.05.2022



Бугун Тошкент давлат шарқшунослик университетида «Таржимашунослик ва халқаро журналистика» кафедраси профес сор-ўқитувчилари ва магистрантлари мамлакатимиздаги энг нуфузли адабий нашр – «Жаҳон адабиёти» журнали таҳририятининг ижодий учрашуви – давра

суҳбати бўлиб ўтди.

Тошкент давлат шарқшунослик университети ректори Г.Рихсиева олиб борган давра суҳбатида «Жаҳон адабиёти» журнали бош муҳаррири, таниқли журналист, публицист ёзувчи Аҳмаджон Мелибоев, журнал таҳририяти аъзоси, шоир ва таржимон Даврон Ражаб, адабиётшунос олим Баҳодир Каримов, Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Али, таниқли муҳаррир М.Раҳимов ва бошқа ижодкорлар иштирок этишди.

ТДШУ ректори Г.Рихсиева ўз сўзида «Жаҳон адабиёти» журнали устоз, таниқли олим, Ўзбекистон Қаҳрамони Озод Шарафиддинов томонидан таъсис этилганига 25 йил тўлгани, ўтган чорак асрлик давр мобайнида ушбу журнал жаҳон адабиёти минбарига айланганини таъкидлади. «Жаҳон адабиёти» журнали бош муҳаррири Аҳмаджон Мелибоев талабаларга журналининг босиб ўтган шарафли йўли, таржимонлик машаққатлари ҳақида қизиқарли воқеаларни сўзлаб берди. Шоир ва таржимон Д.Ражаб ўқиган шеърлар, адабиётшунос Б.Каримов, шоир М.Алининг таржимонлар ҳаёти ҳақидаги сўзлари талабаларда таассурот қолдирди.

Шунингдек, ҳар йил ўтказилиши анъанага айланган «Ўзбекистон таржимонлари ва таржимашунослари форуми»га халқаро тус бериб, кейинги анжуманларда туркий ўлкаларда таржимашунослик йўналишида фаолият юритаётган мутахассисларни кўпроқ таклиф этиш, муҳими – университетнинг «Таржимашунослик ва халқаро журналистика» кафедраси қошида Ўзбекистон таржимашунослари кенгашини тузиш ва унинг фаолиятини тизимли асосда ташкил этиш, яқин келажакда ТДШУ негизда Таржимашунослик институтини очиш, Республика ҳукуматига Ўзбекистон таржимонлари уюшмасини ташкил этиш ҳақидаги таклиф билан мурожаат қилиш мақсадга мувофиқлиги белгилаб қўйилди.

Х.Ҳамидов, ТДШУ доценти



«Туркий адабиёт дурдоналари» – тил ва адабиёт масаласида олиб борилаётган ҳаракатлар намунаси

Тил инсон тафаккурининг шаффоф кўзгусидир. Уни нафақат асраб-авайлаш, балки тўхтовсиз такомиллаштириб бориш – давлат ва жамиятнинг вазифасидир. Дарҳақиқат, Президентимизнинг матбуотда эълон қилинган «Ўзбекистон халқига байрам табриги»да инсон учун она Ватан, ота-она қанчалик азиз бўлса, унинг маънавий оламини белгилайдиган она тили ҳам шунчалик мўътабар эканлиги алоҳида таъкидланган. Ушбу табрикда ўзбек мумтоз ва замонавий адабиётининг сара намуналари хорижий тилларга таржима қилиниб, чет эллик китобхонларнинг ҳам эътиборини қозонаётгани, хусусан, истеъдодли олим ва ижодкорларимиз қаламига мансуб илмий ва бадиий асарлар нуфузли халқаро мукофотларга сазовор бўлаётгани, қолаверса, тез кунларда она тилимизда «Туркий адабиёт дурдоналари» номли юз жилдлик муҳташам тўплам нашрдан чиқаётганига алоҳида урғу берилган. Қуйида шу тўплам ҳақида икки оғиз сўз айтиш ўринли.

Қадим туркий тилимизни илк бор илмий асосда тадқиқ этган буюк аллома Маҳмуд Кошғарий ва улуғ мутафаккир Мир Алишер Навоийдан бошлаб то бугунги кунда қалам тебратаётган ўзбек, қорақалпоқ, турк, озарбайжон, қозоқ, қирғиз ва туркман адабиёти намояндаларининг дурдона асарларини ўз ичига олган «Туркий адабиёт дурдоналари» номли юз жилдлик тўпламнинг яралишида Тошкент давлат шарқшунослик университети профессор-ўқитувчиларининг ҳам салмоқли ҳиссалари бор.

Жумладан, университет профессорларидан Боқижон Тўхлиев ушбу «юз жилдлик»нинг 3-жилди (Юсуф Хос Ҳожиб. «Қутадғу билиг») учун масъул муҳаррирлик қилган, Адҳамбек Алимбеков 45-жилди (Умар Сайфиддин, Сабоҳиддин Али. Ҳикоялар) ва 53-жилди (Тариқ Буғро. «Усмон Ғози». Роман) учун масъул муҳаррир ва бир неча жилднинг сўзбоши муаллифи, университет доц. Х.Ҳамидов 46-жилд (Турк адабиёти. Яшар Камол. Оғритоғи ноласи. Роман ва қиссалар) ва 52-жилд (Турк адабиёти. Холида Адиб Адивар. Чорасоз (қисса ва ҳикоя). Саид Фоик Абасиёниқ. Эфталикус қаҳвахонаси (ҳикоялар) учун масъул муҳаррир ва сўзбоши муаллифи ҳамда таржимон), Эргаш Очилов 32-жилд (Ўзбек мумтоз адабиёти антологияси. Сайланма) ва 59-жилд (Фузулий. «Девон» дан шеърлар (табдил)лар учун масъул, сўзбоши муаллифи), О.Давлатов 6-жилд (Алишер Навоий. Сайланма ғазаллар) учун масъул, ўқитувчи Шермурод Субҳонов 43-жилд («Мавлоно» романи, «Манас» асари, «Шарқнинг энг буюк ҳукмдори Темур» романи) ва 54-жилд (Турк шоирлари шеърий тўпламлари таржимаси: Шеърлар, Достонлар») учун масъул муҳаррирлик қилган ва сўзбоши ёзган.

Юртимизда тил ва адабиёт масаласида олиб борилаётган давлат сиёсати, хусусан, «Туркий адабиёт дурдоналари»ни халқимиз орасида кенг тарғиб этиш ишида университет ўқитувчиларининг беғараз ҳиссалари қувонтиради. Мамлакатимизда истиқомат қилаётган турли миллат ва элатларнинг тили, маданияти ва қадриятлари асраб-авайлаб ҳамда ривожлантириб келинаётган бир даврда ушбу йўналишда олиб бораётган ишларда университет мутахассисларининг ҳам ҳиссалари борлигидан фахр ва ифтихор туямиз. 19:50 / 24.10.2022

Х.Ҳамидов,

ТДШУ доценти. <https://uza.uz/posts/418807>

«ЖЕМЧУЖИНЫ ТЮРКСКОЙ ЛИТЕРАТУРЫ» - НАШИ БЕСЦЕННЫЕ СОКРОВИЩА

Uza.uz https://uza.uz/ru/posts/jemchuzhiny-tyurkskoy-literatury-nashi-bescennye-sokrovischa_464240. 16.04.2023.



Инициатива Президента – в действии

Как сообщалось ранее, Президент Республики Узбекистан Шавкат Мирзиёев 16 марта принял участие в состоявшемся в городе Анкаре чрезвычайном саммите Организации тюркских государств. Накануне визита главы нашего государства доцент Ташкентского государственного университета востоковедения, доктор филологических наук **Хайрулла ХАМИДОВ**, переводивший на турецкий язык и издавший в Анкаре произведения Саида Ахмада, рассказал корреспонденту УЗА следующее.

– Глава нашего государства в своей речи на очередном саммите Совета сотрудничества тюркоязычных государств 15 октября 2019 года, прошедшем в столице Азербайджана Баку, выдвинул инициативу об издании на узбекском языке 100-томного собрания «Жемчужины тюркской литературы», в которое вошли лучшие образцы литературы стран-членов и наблюдателей организации. Первая серия 100-томника вышла из печати накануне первого саммита Организации тюркских государств, прошедшего 10-11 ноября 2022 года в Самарканде.

В многотомник вошли лучшие произведения 629 известных поэтов, прозаиков и мыслителей XI-XXI веков – представителей уз-

бекской, каракалпакской, турецкой, азербайджанской, казахской, кыргызской, туркменской и венгерской литературы.

В первые пять томов под названием «Образцы общетюркской литературы» включены классические произведения Махмуда Кашгари, Юсуфа Хос Ходжиба, Ахмада Югнаки, Ахмада Яссави, Сулаймона Бакиргони, Насируддина Рабгузи – великих просветителей, впервые научно исследовавших тюркский язык. В следующие 28 томов вошли шедевры узбекской литературы начиная от Алишера Навои и заканчивая современными авторами. Этот крупный литературный проект, беспрецедентный не только для Центральной Азии, но и всего тюркоязычного мира, – бесценное сокровище, демонстрирующее внимание, уделяемое в нашей стране культуре и искусству узбекского и братских народов.

Серия издана в издательстве «Узбекистан». В ее подготовке принимали участие более 200 переводчиков, сотни ученых-литературоведов, писателей и редакторов.

Узбекистан – страна, расположенная в самом центре Центральной Азии, лидирующая во многих сферах. Издание впервые в нашей стране подобного 100-томника также стало большим достижением. Думаю, это еще более укрепит имеющиеся литературные связи с тюркоязычными странами.

«Жемчужины тюркской литературы» – первый шаг в рамках реализации концепции «Видение тюркского мира – 2040» и пятилетней стратегии Организации тюркских государств. Он направлен на дальнейшее укрепление престижа структуры, вобравшей в себя огромный регион с населением более 170 миллионов человек, поднятие сотрудничества между братскими народами и странами на самый высокий уровень.

*Записал **Бехруз ХУДОЙБЕРДИЕВ**, корр. УЗА*



"ТУРКИЙ АДАБИЁТ ДУРДОНАЛАРИ" БЕБАҲО ХАЗИНАМИЗДИР

ПРЕЗИДЕНТ ТАШАББУСЛАРИ – АМАЛДА

Ўзбекистонда юз жилдлик «Туркий адабиёт дурдоналари» тўплами лотин ва ўзбек алифбосида нашр қилинди.

Хабарингиз бор, 16 март куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Анқара шаҳрида Туркий давлатлар ташкилотининг фавқулодда саммитида иштирок этди.

Давлатимиз раҳбарининг Туркияга ташрифи арафасида ЎЗА муҳбири Саид Аҳмад асарларини турк тилига таржима қилиб, Анқарада нашр эттирган Тошкент давлат шарқшунослик университети доценти, филология фанлари доктори Хайрулла ҲАМИДОВ билан суҳбатлашди.

– Давлатимиз раҳбари 2019 йил 15 октябрь куни Озарбайжоннинг Боку шаҳрида ўтказилган Туркий давлатлар ҳамкорлик кенгашининг навбатдаги саммитида сўзлаган нутқида ташкилотга аъзо давлатлар адабиётининг энг сара намуналаридан ташкил топган «Туркий адабиёт дурдоналари» номли юз жилдлик тўпламни ҳар бир мамлакатнинг она тилида нашр этиш ташаббусини илгари сурган эди. Ана ўша ташаббус асосида илк бор Ўзбекистонда юз жилдлик «Туркий адабиёт дурдоналари» тайёрланиб, лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосида она тилимизда нашрга тайёрланди.

Жамланмага умумтуркий адабиётнинг энг сара намуналари, ўзбек, қорақалпоқ, турк, озарбайжон, қозоқ, қирғиз, туркман ва венгер адабиётининг 11-21 асрларга мансуб 629 нафар атоқли шоир, адиб ва мутафаккирларининг асарлари киритилган.

2022 йил 10-11 ноябрь кунлари Самарқандда ўтказилган Туркий давлатлар ташкилотининг 1-саммити арафасида ана шу юз жилдлик китоблар туркумининг нишона сони нашрдан чиқди.

Президент Шавкат Мирзиёев Самарқанд саммитида сўзлаган нутқида ташкилотга аъзо ва кузатувчи мамлакатлар адабиётининг сара намуналаридан иборат юз жилдлик «Туркий адабиёт дурдоналари» тўпламини ўзбек тилида нашр қилингани борасида ушбу бебаҳо маънавий хазина барча аъзо ва кузатувчи давлатлар тилларида ҳам чоп этилса, қардош элларимизни, аввало ёш авлодни ўзаро яқинлаштириш учун мустаҳкам замин яратилган бўлар эди, дея алоҳида таъкидлаган эди.

Мажмуанинг «Умумтуркий адабиёт намуналари» деб номланган илк 5 жилдини қадим туркий тилимизни илк бор илмий асосда тадқиқ этган буюк аллома Маҳмуд Кошғарий, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий, Аҳмад Яссавий, Сулаймон Боқирғоний ва Носириддин

Рабғузий асарлари ташкил этган бўлса, «Ўзбек адабиёти намуналари» деб номланган 6-33 жилдларини Алишер Навоийдан бошлаб то бугунги кунга қадар қалам тебратиб келган ўзбек адабиёти намояндаларининг дурдона асарлари ташкил этади.

Қолган жилдларни эса қорақалпоқ, турк, озарбайжон, қозоқ, қирғиз ва туркман тилларидан она тилимизга ўгириб, турли йилларда нашр этилган ва энди илк бор чоп этилаётган дурдона асарлар ташкил этади. Шунингдек, мажмуанинг 1 жилди венгер адабиёти вакиллариининг турли йилларда ўзбек тилига таржима қилинган асарларидан иборат.

Ушбу бебаҳо хазина нафақат Марказий Осиё, балки бутун туркий тилли давлатлар орасида илк бор рўёбга чиқарилган йирик адабий лойиҳанинг натижаси, шу билан бирга, она юртимизда маданият ва санъатга кўрсатилаётган муҳим эътибор, халқимизнинг қардош халқлар ва уларнинг сўз санъатига бўлган юксак эҳтироми рамзидир.

«Ўзбекистон» нашриётида чоп этилган ушбу туркумни тайёрлаш учун икки юздан зиёд таржимон, юздан зиёд адабиётшунос олим, адиб ва муҳаррир жалб қилинди.

Ўзбекистон Марказий Осиёнинг қоқ ўртасида жойлашган мамлакат ва ҳар соҳада марказий мавқени эгаллаб келаётгани ҳеч кимга сир эмас. Шу нуқтаи назардан юз жилдлик китобнинг илк бор Ўзбекистонда нашр этилгани ярашиқли бўлди ва туркий давлатлар ўртасидаги мавжуд адабий алоқаларимизни янада мустаҳкамлади, деб ўйлайман.

«Туркий адабиёт дурдоналари», «Туркий дунё нигоҳи – 2040» концепцияси ва бугунги кунда қабул қилинаётган Туркий давлатлар ташкилоти беш йиллик стратегияси доирасида амалга оширилган илк қадам бўлиб, 170 миллиондан зиёд аҳоли яшайдиган улкан минтақани ўз ичига олган тузилма нуфузини янада мустаҳкамлаш, қардош халқлар ва давлатлар ўртасидаги ҳамкорликни юксак поғонага олиб чиқиш борасидаги ниятимизнинг илк рўёбидир.

Бу каби тадбирлар халқларимизнинг улуғ ижодкорлари қолдирган бой маънавий меросни кенг тарғиб этади, балки уларни асраб-авайлашга, чуқур ўрганишга ҳам даъват қилади.

Бехруз Худойбердиев, ЎЗА

Эксперт Туркий адабиёт

https://uza.uz/uz/posts/ekspert-turkiy-adabiyot-durdonalari-bebaho-xazinamizdir_463831

| Uza.uz



YANGI O‘ZBEKISTON

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

№ 208 (997), 2023-yil 9-oktabr, dushanba



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news



6 2023-yil 9-oktabr, 208-son



Ma'rifat



yuz.uznews



ADABIY DO'STLIK — ABADIY DO'STLIK

Bugun barcha sohalarda bo'lganidek, adabiyotda ham muvaffaqiyatlar yorqin ko'zga tashlanmoqda. Mamlakatimiz rahbari o'tgan yili O'zbek tiliga davlat tili maqomi berilgan kun munosabati bilan O'zbekiston xalqiga yo'llagan tabrigida inson uchun ona Vatan, ota-ona qanchalik aziz bo'lsa, uning ma'naviy olamini belgilaydigan ona tili ham shunchalik mo'tabar ekanini alohida ta'kidladi. Shuningdek, iste'dodli olim va ijodkorlarimiz qalamiga mansub ilmiy va badiiy asarlar nufuzli xalqaro mukofotlarga sazovor bo'layotgani, qolaversa, ona tilimizda "Turkiy adabiyot durdonalari" nomli yuz jildlik muhtasham to'plam nashrdan chiqayotganiga alohida urg'u berdi.

Birinchii bo'lib O'ZBEKISTONDA, O'ZBEK TILIDA

"TURKIY ADABIYOT DURDONALARI" TO'PLAMI TURKIY TILLI
XALQLARNI YANADA YAQINLASHTIRISHGA XIZMAT QILADI

Gulchehra RIXSIYEVA,
professor

Oradan bir necha kun o'tib, Turkiy davlatlar tashkilotining Samarqandda o'tkazilgan, xalqlarimiz tarixi, o'tmishi va buyuk kelajagini ma'naviy rishtalar sifatida bog'lab turadigan, yangi O'zbekistonning ma'rifatli jamiyat sari jahon va zamonning umum-bashariy yutuqlariga erishishiga yo'l ochib beradigan "Turkiy sivilizatsiyaning yangi davri: umumiy taraqqiyot va farovonlik sari" mavzusidagi I sammit arafasida ana shu "yuz jildlik" kitoblar turkumi nashrdan chiqdi va sammitda Turkiy davlatlar tashkilotiga a'zo davlatlar rahbarlariga taqdim etildi.

Professor Adhambek Alimbekov majmuaning taniqli turk adiblari Umar Sayfiddin va Sabohiddin Ali hikoyalari tarjimasidan iborat 44-jildi, turk tilidan Miad Hakimov va Xayrulla Hamidov ona tilimizga tarjima qilgan Aziz Nesin hikoyalari tarjimasidan iborat 47-jildini hamda Tariq Bug'roning "Usmon G'ozii" romani kiritilgan 52-jildining tuzuvchisi hisoblanadi.

Universitetning Tarjimashunoslik va xalqaro jurnalistika kafedrası professori v.b. Xayrulla Hamidov majmuaning turk adabiyoti durdonalari, Yashar Kamol asarlaridan iborat 45-jildi va Xolida Adib Adivar hamda Said Foiq Abasiyoniy asarlaridan iborat 51-jildini tuzish barobarida jildlarga kiritilgan roman va qissalar tarjimoni ham hisoblanadi. Quvonarlisi, yuqorida sanab o'tilgan jildlarga kirgan asarlarni ona tilimizga tarjima qilgan mutaxassislar orasida universitetimiz professor-o'qituvchilaridan P.Kenjayeve, L.Aminova, yosh mutaxassislardan K.Rasulova, D.Shodmonova, M.Yoqubjonova, Sh.Yazdanova, S.Hamidova, N.Sultanova, N.Valiyeve, magistrant va talabalardan S.Bahodirova, Sh.Qurbonmurodovlar ham bor.

Davomi bor...

Ўзбекистон – Туркия муносабатларининг бугуни ва эртаси

21:55 / 29.10.2023

Тошкент давлат шарқшунослик университетида Туркия Республикаси ташкил топганининг 100 йиллигига бағишланган “Ўзбекистон-Туркия муносабатларининг бугуни ва эртаси” мавзуида давра суҳбати ташкил этилди.

Туркиянинг Ўзбекистондаги Фавқуллодда ва мухтор элчиси Олган Бекар сўзга чиқиб, давлатларимизни азалий дўстлик ва уйғун маданий алоқалар боғлаб туришини таъкидлади.

Тадбирда профессор Хайрулла Ҳамидовнинг “Ўзбек адабиётидан танланган асарлар: Ҳикоялар – шеърлар (антология)” номли китоби тақдимоти ўтказилди. Китобда таниқли ўзбек адиб ва шоирларининг энг гўзал асарларининг туркча таржималари жамланган.

Ўзбек ва турк халқлари географик жиҳатдан дунёнинг турли бурчакларида жойлашган бўлсада, тили, тарихи ва маданияти бири-бирига яқин бўлгани боис, улар ўртасидаги дўстлик ва қардошлик ришталари тобора мустаҳкамланиб бормоқда, – деди Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси ўринбосари, шоир Ғайрат Мажид. –

Мустақиллик йилларида таниқли ўзбек адибларининг асарлари турк тилига, турк адабиётининг энг машҳур асарлари ўзбек тилига таржима қилингани бунинг ёрқин далилидир. Хайрулла Ҳамидов томонидан тайёрланган ушбу китобда ҳам XX аср ўзбек адабиётининг энг сара намуналаридан бўлган атоқли ёзувчи ва шоирларнинг сара ҳикоя, шеър ва достонлари ўрин олган. Китоб Ўзбекистонда турк тилини ўрганаётган талабалар, турк тили ва адабиёти ўқитувчилари, шунингдек, таржимашунослик, қиёсий тилшунослик, чоғиштира адабиётшунослик соҳаларида илмий изланиш олиб бораётган мутахассислар ҳамда туркий китобхонларга манзур бўлади, деган умиддаман. Қайд этилганидек, ўзбек халқининг турмуш тарзи, урф-одатларини адабиёт, хусусан, бадий таржима орқали дунёга танитиш бугунги куннинг устувор вазифаларидан биридир.

Тадбирда шунингдек, Ўзбекистон – Туркия муносабатлари ривожланишига доир маърузалар тингланди. Тошкент давлат шарқшунослик университети 2-курс магистранти Арзу Карауста томонидан тайёрланган “Туркия Республикасининг 100 йиллигига тарихий нигоҳ” мавзуидаги видеолавҳа намойиш этилди.

Шаҳноза Маматуронова, ЎЗА

Uza.uz <https://uza.uz/uz/posts/ozbekiston-turkiya-munosabatlaring-buguni-va-ertasi> 533272. 29.10.2023.





Adabiyot, madaniyat yashasa ~ millat yashaydi

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САЊАТИ

Haftalik gazeta 1956-yil 4-yanvardan chiqq boshlagan

www.uzas.uz

2023-yil 3-noyabr №43 (4754)

2023-yil 3-noyabr № 43 (4754)

Adabiy do'stlik – abadiy do'stlik

Тошкент давлат шарқшунослик университетида “Özbek Edebiyatından Seçme Eserler: Hikâyeler – Şiirler (Antoloji)” (“Ўзбек адабиётидан танланган асарлар: ҳикоялар – шеърлар (Антология)”) китобининг тақдими бўлиб ўтди. Тадбирда ёзувчилар, шоирлар ва таржимонлар, Тошкент давлат шарқшунослик университети ўқитувчилари, талаба ва тадқиқотчилари иштирок этишди.

Китоб университетнинг “Таржимашунослик ва халқаро журналистика” кафедраси профессори, таржимон Хайрулла Ҳамидов томонидан нашрга тайёрланган.

Маълумки, 29 октябрда Туркия Республикаси ташкил топганига 100 йил тўлди. “Ўзбекистон – Туркия муносабатларининг бугуни ва эртаси” мавзусидаги давра суҳбати доирасида ташкил этилган бу тадбирда Туркия Республикасининг Ўзбекистондаги Фавкулудда ва мухтор элчиси Олган Бекар сўзга чиқди. Анжуманда Ўзбекистон ва туркий тили адабиёт таракқиётидаги муҳим жиҳатлар, ўзбек-турк адабий алоқаларининг бугунги куни, замонавий ўзбек адабиётини дунёга танитиш, миллий адабиётларни янада бойитишда бадиий таржиманинг аҳамияти ҳақидаги қизиқарли маърузалар тингланди.

Тақдим этилган китобдан XX аср ўзбек адабиётининг атоқли намоёндалари яратган сара ҳикоя, шеър ва достонлар ўрин олган. Тўплам икки қисмдан иборат. Биринчи қисми ўзбек ёзувчилари ҳикояларидан, иккинчи қисми эса, замонавий ўзбек шеърляти намуналаридан иборат. Биринчи қисмда ўн олти ўзбек ёзувчисининг ҳикоялари ўрин олган. Улар орасида Абдулла Қодирий, Абдулла Қаҳҳор, Саид Аҳмад, Ўлмас Умарбеков, Ўткир Ҳошимов, Тоғай Мурод, Улуғбек Ҳамдам, Исажон Султонларнинг кичик асарлари, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Омон Матжон, Ҳусниддин Шарипов, Муҳаммад Юсуфнинг шеър ва достонлари бор.

Мазкур китоб Ўзбекистонда турк тилини ўрганаётган талабалар, турк тили ва адабиёти ўқитувчилари, шунингдек, таржимашунослик, қиёсий тилшунослик, чоғиштира адабиётшунослик соҳаларида илмий изланиш олиб бораётган мутахассислар ҳамда ўзбек адабиётининг кўзга кўринган асарлари билан танишмоқчи бўлган турк китобхонларига манзур бўлади, деб умид қиламиз.

Зулайхо АҲМАДЖОНОВА

МИЛЛИЙ АДАБИЁТИМИЗ НАМУНАЛАРИ ХОРИЖДА КЎПРОҚ ТАРЖИМА ҚИЛИНИШИ ЗАРУР

18:17 / 28.02.2024

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида Бадий таржима кенгашининг 2023 йил фаолияти якунларига бағишланган йиллик ҳисобот йиғилиши бўлиб ўтди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг ўринбосари Ғайрат Мажид кейинги йилларда бадий таржима соҳасидаги амалий ишлар хусусида батафсил сўзлади.

– Давлатимиз раҳбари ғояси асосида “Туркий адабиёт дурдоналари” юз жилдлик мажмуанинг нашр этилгани бадий таржима соҳасида ҳам янги-янги ижодкорларни юзага чиқарди, – деди Ғ.Мажид. – Ушбу мажмуанинг Туркия ва Озарбайжонда тақдироти муваффақиятли ўтказилди. Айни пайтда Қозоғистон ва Туркменистонда ҳам мазкур муҳташам 100 жилдлик китоблар тақдиротини ўтказиш таклифи билдирилмоқда. 2023 йил 22 декабрда Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида Президентимиз таржимонликдек масъулиятли меҳнатни муносиб рағбатлантириш учун улуғ шоир ва таржимон Огаҳий номидаги халқаро мукофотни таъсис этишни таклиф этди. Бу ҳам миллий адабиётимизни хорижда тарғиб этишда ғоят муҳимдир. Айни пайтда бизнинг адабиётимиз намуналари хорижда таржима бўлса, нур устига аъло нур бўлар эди.

– Бугун Ўзбекистонда бадий таржима тобора кучаймоқда, – деди адабиётшунос олим Зухриддин Исомиддинов. – Шу билан бирга, китоб дўконларида рус тилидан ўгирилган таржималар жуда кўп. Ўтган йили мамлакатимизда Чингиз Айтматов таваллудининг 95 йиллиги кенг нишонланди. Чингиз Айтматов асарларининг 10 жилдлиги нашр этилди. Дунё эътироф этган бу ёзувчининг асарлари фақат Ўзбекистондагина энг кўп таржима этилган.

Ўтган йилда шунингдек, Пиримқул Қодировнинг “Юлдузли тунлар” романи Кэрол Ермакова томонидан инглиз тилига ўгирилиб, Ислон Каримов фонди ҳомийлиги остида Францияда нашр этилди. Ёзувчи Хайриддин Султоннинг “Одамлардан тинглаб ҳикоя” китоби озарбайжон тилида Бокуда, “Йўқчилик ва тўқчилик” ҳикоялар тўплами қирғиз тилида Бишкекда нашр қилинди. Ойбекнинг “Қутлуғ қон” романи Замира Ўзтурк томонидан турк тилига ўгирилиб, чоп этилди. **Хайрулла Ҳамидов томонидан "Özbek Edebiyatından Seçme Eserler: Hikayeler - Şiirler (Antoloji) ("Ўзбек адабиётидан танланган асарлар: Ҳикоялар - шеърлар (антология)" китоби нашрга тайёрланди.**

2023 йилда “Жаҳон болалар адабиёти дурдоналари” 100 жилдлик асарлар мажмуасини нашрга тайёрлаш ишларига тайёргарлик бошланди. Мажмуага жаҳоннинг беш қитъаси – Осиё, Европа, Африка, Америкадан болалар ёзувчиларининг асарлари киритилди. Лойиҳа 2026 йилда якунланади. Йиғилишда режалар хусусида келишилиб, кенгашнинг тегишли қарорлари қабул қилинди.

Назокат Усмонова, ЎЗА мухбири



ЮРАКДА ЯШАЙДИ АСЛ ШОИРЛАР

01.05.2024

<https://uza.uz/posts/593992>

Иқтисодиёт ва молия вазирлигида Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф та валлудининг 70 йиллигига бағишланган «Юракда яшай-

ди асл шоирлар» мавзули илмий-маърифий анжуман бўлиб ўтди. Тадбирда шоирнинг рафиқаси, Муҳаммад Юсуф номидаги жамоат фонди раиси Назира Саломова, шоирнинг синглиси Муҳаббатхон Юсупова, ТДШУ проф. Хайрулла Ҳамидов ҳамда доц. Наргиза Исматуллаева иштирок этдилар. Н.Саломова ва М.Юсуповалар шоирнинг ҳаёти тўғрисидаги хотираларни эсга олишди. Самимий, камтарин инсон Муҳаммад Юсуфнинг шеърлари халқимиз маънавий меросига айланиб бораётгани таъкидланди. Йиғилганлар эътиборига, Хайрулла Ҳамидовнинг «Muhammed Yusuf. Seçme Şiirler» номли китоби тақдироти бўлиб ўтди. Шоир таваллудининг 70 йиллигига бағишлаб нашр этилган ушбу тўпламда турк тилига таржима қилинган энг сара ижод намуналарини жамланган. Муҳаммад Юсуф шеърларини турк тилига таржима қилган олим Х.Ҳамидов сўзга чиқиб, бадий таржиманинг ўзига хос хусусиятлари, ўзбек адабиёти дурдоналарини жаҳон аҳлига танитиш борасида амалга оширилаётган ишлар хусусида тўхталиб ўтди ва иштирокчиларни қизиқтирган саволларга жавоб берди.

Бехруз ХУДОЙБЕРДИЕВ, ЎЗА.

https://uza.uz/uz/posts/yurakda-yashaydi-asl-shoirlar_59399



Переслано из 🕌 O'zbekiston Yozuvchilar uyushmasi
"O'zbek adabiyotidan tanlangan hikoyalar" antologiyasi turk tilida nashr etildi

Bugun O'zbekiston Yozuvchilar uyushmasida Toshkent davlat sharqshunoslik universiteti professori, filologiya fanlari doktori, uyushma a'zosi Xayrulla Hamidov tomonidan turk tiliga tarjima qilinib nashr etilgan "O'zbek adabiyotidan tanlangan hikoyalar" antologiyasi (Özbek Edebiyatından Seçme Eserler: Hikâyeler. Antoloji) kitobining taqdimoti bo'lib o'tdi.

Ijodkorlar, adabiyotshunos olimlar, tarjimonlar ishtirok etgan tadbirni uyushma raisi o'rinbosari G'ayrat Majid olib bordi. Unda Toshkent davlat Sharqshunoslik universiteti prorektori Qudratilla Omonov, uyushma a'zolari - Muhammad Ali, Xurshid Do'stmuhammad, Zuhridin Isomiddinov, Adhambek Alimbekov so'zga chiqdi.

Mazkur kitobda XX asrda yashab, buyuk asarlar yaratgan atoqli o'zbek adiblari va hozirda oramizda qaynoq ijod jarayonida bo'lgan 21 nafar taniqli o'zbek yozuvchilari qalamiga mansub 74 ta eng sara hikoyalarning turkcha tarjimalari jamlangan, - dedi Xurshid Do'stmuhammad. - Ushbu to'plam zamonaviy o'zbek adabiyotini dunyoga tanitish, xalqlar o'rtasidagi do'stlik aloqalarini yanada mustahkamlashda badiiy tarjimaning alohida o'rni bor.

Kitobdan XX asr o'zbek adabiyotining eng sara namunalaridan bo'lgan atoqli yozuvchilarning sara hikoyalari, qissalaridan parchalar o'rin olgan. O'zbek xalqining milliy o'zligini aks ettiruvchi asarlarni tanlab olish, asarlarni mazmun-mohiyatiga dahl qilmasdan tarjima qilish, badiiy-uslubiy xususiyatlarini saqlab qolishga intilish mazkur ijodiy ishning o'ziga xos va muvaffaqiyatli jihatlaridan biridir. Taniqli tarjimon Xayrulla Hamidov nashrga tayyorlagan ushbu kitob shu jihatdan muhimdir.

- Kitobda Abdulla Qodiriyning XX asrning 20-yillarida yozilgan "Jinlar Bazmi" va "Uloqda"; Oybekning 30-yillarda yozilgan "Fanarchi

2

ota", "Musicha"; Abdulla Qahhorning "San'atkor", "Yillar" "Kampirlar sim qoqdi", "Kim aybdor" hikoyalari, Said Ahmadning "Mehribon", "Ko'klam chechaklari", "Ko'klam taronalari" hikoyalari, O'lmas Umarbekovning "Abdulla qovunchi" va "Bahor nafasi" hikoyalari, O'tkir Hoshimovning hikoyalari o'rin olgan, deya ta'kidladi tarjimon Xayrulla Hamidov.

- Ushbu kitob muqovasidan o'rin olgan adiblarning suratiga qarasangiz, bu jarayonda tarjimon adabiyotga bir xil munosabatda bo'lganligini bildiradi, - dedi Adhambek Alimbekov. - Xayrullaning tarjima davridagi eng katta yutug'i bu uning turk dunyosini yaxshi bilganidandir.

Taqdimot yakunida tarjimon Xayrulla Hamidov yig'ilganlarga minnatdorlik bildirdi va oldinda xuddi shunday she'riy antologiya nashrga tayorlanayotganini ma'lum qildi.

Zulayho Ahmadjonova

👁 375 19:19 ✓

“O‘ZBEK ADABIYOTIDAN TANLANGAN HIKOYALAR” KITOB TURK TILIDA CHOP ETILDI

09:32 / 05.02.2025

O‘zbekiston Yozuvchilar uyushmasida Toshkent davlat sharqshunoslik universiteti professori, filologiya fanlari doktori, O‘zbekiston Yozuvchilar uyushmasi a‘zosi Xayrulla Hamidov tomonidan turk tiliga tarjima qilib, nashr etilgan “O‘zbek adabiyotidan tanlangan hikoyalar” kitobining taqdimoti bo‘lib o‘tdi.



«Ўзбек тилидан танланган ҳикоялар антологияси» (турк тилида)
тўплами тақдимоти
Foto:Oybek Pardayev

O‘zbekiston Yozuvchilar uyushmasi raisining o‘rinbosari G‘ayrat Majid mazkur to‘plam xorijdagi o‘zbek adabiyoti muxlislarini mamlatimiz so‘z san‘atidagi zamonaviy jarayonlarni tanishtirish bilan birga, yangi tarjima asarlariga yo‘l ochishini ta’kidladi.

– Bu to‘plam nainki turkiyalik kitobxonlar, balki AQSH va boshqa davlatlarning kitobxonlarini o‘zbek adabiyotidan bahramand etadi, – dedi O‘zbekiston xalq yozuvchisi Muhammad Ali. – Bugungi kitob taqdimoti xuddi bayram kabi o‘tkazilmoqda.

Shu bilan birga, ijodkorlarimiz to‘xtamasdan izlanishlari kerak.

– Kitobning ijtimoiy-siyosiy ahamiyati haqida gapirmoqchi edim, – dedi Toshkent davlat sharqshunoslik universiteti prorektori Qudratilla Omonov. – Xalqlarni birlashtirishning eng oson yo‘li badiiy adabiyotning tarjimasidan boshlanadi. Bu kitob XX asr va hozirgi davr adabiyoti bilan turkiy ulus kitobxonlarini kengroq tanishtirishda alohida ahamiyat kasb etadi. Yana bir jihati – ushbu kitob oliy o‘quv yurtlari talabalari uchun tarjimonlik sohasini o‘rganish bo‘yicha muhim bilimlar manbaidir.

– O‘zbek mualliflarini dunyoga yanada kengroq tanishtirishda Xayrulla Hamidov tomonidan turk tiliga o‘girilgan ushbu kitob o‘ziga xos ahamiyat kasb etadi, – dedi adabiyotshunos olim, Toshkent davlat sharqshunoslik universiteti professori Adhambek Olimbekov. – O‘ylaymanki, kelgusida bu kitob haqida ko‘plab maqolalar e‘lon qilinadi. Bu to‘plamning nashr etilishi tarjimashunoslik sohasida qo‘yilgan yirik qadamlardan biridir.

Mazkur kitobda XX asrda yashab, buyuk asarlar yaratgan atoqli o‘zbek adiblari va hozirda faol ijod qilayotgan taniqli o‘zbek yozuvchilari qalamiga mansub eng sara asarlar, asosan, hikoyalarning turk tilidagi tarjimalari jamlangan. O‘zbek xalqining milliy o‘zligini aks ettiruvchi asarlar-

ni tanlab olish, ularning mazmun-mohiyatiga daxl etmasdan tarjima qilish, badiiy-uslubiy xususiyatlarini saqlab qolishga intilish tarjima sohasidagi muvaffaqiyatli jihatlardan biri. Taniqli tarjimon Xayrulla Hamidov nashrga tayyorlagan to'plam shunisi bilan muhim.

Kitobdan Abdulla Qodiriyning o'tgan asrning 20-yillarida yozilgan "Jinlar bazmi" va "Uloqda", Oybekning 30-yillarda yozilgan "Fonarchi ota", "Musicha", Abdulla Qahhorning "San'atkor", "Yillar", "Kampirlar sim qoq-di", "Kim aybdor" hikoyalari, Said Ahmadning "Mehribon", "Ko'klam chechaklari", "Ko'klam taronalari" hikoyalari, O'Umarbekovning "Abdulla qovunchi", "Bahor nafasi" hikoyalari, O'tkir Hoshimovning qator hikoyalari o'rin olgan. O'zbek xalqining turmush tarzi, urf-odatlarini adabiyot, xususan, badiiy tarjima orqali dunyoga tanitish bugungi kunning ustuvor vazifasi sanaladi. Shu nuqtai nazardan, XX asarning 50-70-yillari, ayniqsa 1991 yildan keyingi davrdagi zamonaviy o'zbek adabiyoti vakillarining eng yirik asarlarini sharq tillariga, ayniqsa, hozirgi turk tiliga tarjima qilib, nashr etish muhim ahamiyat kasb etadi.

Shuni ham aytish kerakki, o'zbek adabiyotining namunalari turk tiliga asosan istiqlol yillarida tarjima etila boshlandi. O'tgan 30 yildan ortiqroq vaqt mobaynida so'z san'atimizning ko'plab namunalari – romanlar, qissalar, hikoya va dostonlarimiz turk tiliga qardosh xalq tarjimonlari, ijodkorlari tomonidan o'girib kelindi.

Hajmi, qamrovi jihatdan nihoyatda keng bo'lgan ushbu kitob keyingi 100 yil, ya'ni 1920 yillardan boshlab, 2020 yillarga qadar bo'lgan davrda ijod qilgan va bugun ham qalam tebratayotgan 20 nafardan ortiq yozuvchilar – Abdulla Qodiriydan boshlab to Risolat Haydarova hamda Ma'mura Zohidova kabi adibalarning hikoyalarini qamrab olgani bilan ahamiyatli.

Taniqli yozuvchilarimizning tanlangan hikoyalari, qissalari jamlangan ushbu kitob O'zbekistonda turk tilini o'rganayotgan universitet va litsey yoshlari, turk tili va adabiyoti o'qituvchilari, tarjimashunoslik, qiyosiy tilshunoslik, chog'ishtirma adabiyotshunoslik sohalarida ilmiy izlanish olib borayotgan mutaxassislar hamda o'zbek adabiyotining eng yaxshi namunalari bilan tanishmoqchi bo'lgan barcha kitobxonlarga manzur bo'ladi.

Nazokat Usmonova,

Oybek Pardayev (surat), O'zA

<https://uza.uz/oz/posts/ozbek-adabiyotidan-tanlangan-hikoyalar-kitobi-turk-tilida-chop-etildi> 684862



"ÖZBEK EDEBİYATINDAN SEÇME ESERLER: HİKÂYELER – ŞİİRLER (ANTOLOJİ) ("Ўзбек адабиётидан танланган асарлар: ҳикоялар (антология)" китоби тақдимидаги МАЪРУЗАЛАР

2025 йил 4 февраль куни Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида Тошкент давлат шарқшунослик университети профессори, филол. ф.д., Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Хайрулла Ҳамидов томонидан турк тилига таржима қилиб, нашр этилган "Özbek Edebiyatından Seçme Eserler: Hikâyeler (Antoloji) ("Ўзбек адабиётидан танланган асарлар: ҳикоялар (антология)" китобининг тақдими



бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси ўринбосари, шоир **Ғайрат Мажид** олиб борди. Тақдимотда Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Х.Дўстмуҳаммад, филол.ф.д, профессор, ТДШУ проректори Қудратулла Омонов ва б. сўзга чиқишди.

Муҳаммад Али, Ўзбекистон халқ ёзувчиси: Хайрулла Ҳамидов кўп йиллар амалий таржима билан шуғулланди, яхши танилди. ТДШУда кафедра мудир, талабаларнинг устози бўлиб юрганда ҳали фан доктори эмасди. Анча йиллар бирга ишладик. Дастлаб, адашиб фан доктори деб таништирганимизда, "Йўқ, мен ҳали фан доктори эмасман" деб жавоб берганди. Кейин, салкам нафақа ёшига етганда фан доктори илмий даражасини, профессор илмий унвонини ҳам олди. Бугун тақдим этилаётган таржима тўплами наинки саксон миллионлик турки китобхонлари, балки АҚШ ва бошқа давлатларнинг туркча ўқийдиган китобхонларини ўзбек адабиётидан баҳраманд этади. Бундай камтарин инсонларнинг қадрига етишимиз керак.

Хуршид Дўстмуҳаммад, Ўзбекистон халқ ёзувчиси, филол. ф.д. профессор: Ассалому алайкум! Мана бу китобда 21 та муаллиф ва 74 та ҳикоя ҳамда қиссалардан парчалар бор. 74 та асар 21 муаллифники, лекин бу китоб муаллифи Хайрулла Ҳамидов. Ўзбек замонавий ҳикоячилигига юз йил бўлган бўлса, ана шу юз йиллик тарихий давр қамраб олинган бу китобда. Унда бешта-олтита авлод вакиллари бор. Адабиётшуносликда шундай савол туради ҳар доим: фалон миллий адабиёт, миллий ҳикоячилик, фа-

лон бадий тафаккур қайси йўналишда кетяпти? Ҳикоя орқалиш билиш мумкин буни. Абдулла Қодирийдан тортиб, Маъмура Зоҳидовага қадар ўзбек ҳикоячилигининг йўналиши, тафаккури-ни кўрсатиб берган бу китоб. Катта аҳамиятга эга бу таржима аса-ри, чунки ўзбек ҳикоячилиги авлоддан-авлодга ўзгариб келмоқ-да. Ҳурмат қиламиз, кўзимизга суртиб ўқиймиз Қодирийни, Ойбекни, Абдулла Қаҳҳорни... Лекин уларнинг даври ўтиб кетди. Қачонгача Қодирий деб юрамиз? Қачонгача Қаҳҳор деб юрамиз? Ҳозирги ёшлар “Улоқда”ни ўқиб ўтирадимиз? Фикрлар турлича бўлиши табиий: нега Ғафур Ғулом асарлари кирмаган китобга, ёки фалончи ёзувчининг ҳикояси кўпайиб кетган, писмадончи ёзувчиники кам бўлиб қолибди, дейиш осон. Иш жараёнида бўла-ди бунақаси. Қолаверса, ҳамма ёзувчининг асарини бир китобга жамлаш имконсиз. Энди замон ўзгарди, китобхон ўзгарди, қараш-лар ўзгарди, ёшлар ўзгарди. Мана бундай китоблар энди тўғри йўналишни белгилаб беради: яхшини – яхши, ёмонни – ёмон, ўр-тани – ўрта деб саралаш имконини беради.

Ниҳоятда муҳим китоб бўлган. Турк тилига таржима орқали Туркияга чиқиш, Туркия орқали Европага чиқиш имконияти яра-тилди. Менда битта таклиф бор Хайрулла Ҳамидовга: турк тили-да ўзбек тилига ва ўзбек тилидан турк тилига таржима қилади-ган ижодкорларнинг бошини қовуштириш, керак бўлса Туркия-дан мутахассис-таржимонларни ҳам таклиф қилиб таржима тўга-ракларини ишга солиш, устозлар тажрибасидан фойдаланиш ке-рак. Бу рўйхат давом этади, Хайрулла ака! Сизга яна бир таклиф, бугун ўқидим Абдуқаюм Йўлдошевнинг “Тафаккур” журналининг 2024 йил 3-сонида “Сусамбил” деган ҳикояси чиқибди. Кўз-қулоқ бўласиз. Шухрат Маткарим деган ёзувчининг “Ойижон” деган ки-тоби чиқибди, “Қизалоқ” деган ажойиб ҳикояси бор экан. Ана шундай янги ҳикояларни кўздан қочирмаслик керак. Ўқиш керак, ҳикоячилигимиз бошқача йўлларни излаяпти. Бошқача ташбеҳ-лар, бошқача тимсолларни излаяпти... Уларни ҳам таржима қи-лиш керак. Муборак бўлсин, яна бир бор табриклайман.

Зухриддин Исомиддинов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, филол.ф.н.: Биз Хайрулла Ҳамидов китобла-рининг тақдиротини кеча, ижтимоий тармоқларда эълон қили-ниши билан бошлаб юборганмиз. Табриклар, фикрлар, истаклар билдирилди, улар орасида танқидий мазмундагилари ҳам бор. Амалий иш учун бу ҳам керак-да. Ҳозир биргина турк тилида нашр этилган ўзбек адабиёти антологияси ҳақида гап бораяпти.

Аввало, Хайруллани 2025 йил январь ойида 3 та китоб нашр эттиргани билан табриклайман. Мана шу 3 китобнинг жами ҳажми 704 бетни ташкил этади. Менимча, Ўзбекистонда ҳали ҳеч бир олим, ижодкор бир ой ичида 3 та асар нашр эттирмаган. Бугун ана шу китоблардан фақат биттаси – Ўзбек адабиёти антологияси китобининг тақдимоти бўляпти. Иккинчи китоб – “Ойбек асарлари турк тилида” деб номланган. Бу жуда нозик масала. Ойбекнинг асл исми Мусо. Унга “Ойбек” тахаллусини турк муаллими берган. Ойбек асарлари турк тилига Мустақиллик йилларида таржима қилинган, ундан олдин ўзбекча асарлар фақат рус тили орқали бошқа тилларга таржима қилинган. Асарлар ўзбек тилига ҳам бошқа тиллардан рус тили орқалигина қилинган. Бу жараёнда кўп асарлар ўртада таржима қилинмасдан қолиб кетган.

Хайрулла Ҳамидовнинг “Ойбек асарлари турк тилида” монографиясида адиб асарларининг мустақиллик йилларида илк бор турк тилига таржима қилинган учта йирик романи таҳлил қилиниб, уларнинг бадиий савиясига имкон қадар холис баҳо берилган.

Учинчи китоб – “Миад Ҳакимов – моҳир таржимон” деб номланган монография. Маълумки, турк тилидан она тилимизга асарлар таржима қилган илк таржимонлардан бири Миад Ҳакимовдир. Асил Рашидов Чингиз Айтматовни бизга қандай танитган бўлса, Миад Ҳакимов бизга таниқли турк ҳажв устаси Азиз Несиннинг асарларини ўзбек тилига таржима қилиб берди. Биласиз, Азиз Несин ижоди ўзбек ҳажв санъатининг ривожланишига катта ҳисса бўлиб қўшилган. Хайрулла архив маълумотларидан ҳам фойдаланиб, Миад Ҳакимовнинг таржимонлик санъати, сўз танлаш маҳоратини кўрсатиб, устознинг руҳи шод бўладиган бир ишни амалга оширибди. Аслида Хайрулла бундай ишларни ўша ТДШУда “Таржима назарияси ва амалиёти” кафедраси очилган 2011-2012 йиллардан бошлаган. Кафедрада амалга оширилган йирик лойиҳалар доирасида ўнлаб китоблар нашр этилган ва бу ишларга Хайрулла раҳбарлик қилган. Унинг яна бир катта хизмати шундаки, Хайрулла 2016-2023 йилларда собиқ шўро даврида яратилган кучли илмий ва ўқув адабиётларидан Мустақиллик йилларида фойдаланишга язши қаралмаётган, ҳатто энг яхши китоблар ҳам ўқув дастурларидан чиқариб ташланаётган бир даврда ўзбек таржимашунослигининг устунларидан ҳисобланган проф. Ғайбулла Саломовнинг 1978 йилда нашр этилган “Таржима назариясига кириш” номли дарслигини, 1966 йилда нашр этилган “Тил ва таржима” номли монографиясини, Жуманиёз Шарипов-

нинг 1965 йилда нашр этилган “�збекистонда таржима тарихидан” деб номланган машхур монографиясини қайта ишлаб, нашр эттирди ва бу китобларни янги авлод илмий ва ўқув адабиётлари сифатида олий таълимга жорий қилди.

Мен Хайрулланинг турк тилига таржималарига баҳо бера олмайман, лекин катта ижодий ишни амалга оширганини биламан. Чунки, бугун туркий адабиёт дурдоналарини ўзаро таржима қилиш, ўзбек-турк тиллари орасида бадий таржимачилик янги, катта жабҳа бўлиб майдонга чиқди. Энди буни янада кучайтиришимиз керак. Ана шу жабҳага “музларни ёриб” кириб, йўл очиб кетаётган Хайрулла Ҳамидовга муваффақият тилайман.

Адҳамбек Алимбеков, филол.ф.н, ТДШУ профессори: Раҳмат, аввало шуни айтишим керакки, бу уч китобни Хайрулла ўзи ёзиб, ўз маблағлари ҳисобига нашр эттирган. Яна бир жиҳат, биз ҳар доим мунозара қилиб келамиз, она тилидан хорижий тилга таржима қилиш мумкинми деб. Аввало, бир тилдан бошқасига ўгириш учун таржимон икки мамлакат, икки халқни ўрганган бўлиши, у ерда яшаган бўлиши керак. Хайрулла кўп йиллар Туркияда ишлаган, тилни мукамал ўрганган. Бундан ташқари, унинг ўзи бунга қизиқади, бу ишнинг фидоийси, ҳеч ким уни таржима қилишга мажбур қилган эмас. Масалан, бундан 10 йил олдин у Муҳаммад Юсуфнинг 60 йиллик юбилейи арафасида у ўз ташаббуси билан шоир шеърларини турк тилига таржима қилиб кичик бир китобча ҳолида нашр эттирган эди.

Бугунги кунга қадар турк тилидан ўзбек тилига жуда кўп асар таржима қилинди. Ўз навбатида ўзбек тилидан ҳам турк тилига кўплаб асарлар турк тилига таржима қилинди ва бу ишни фақат турк таржимонлари амалга оширган. Масалан, “Ўтган кунлар” романининг туркча таржима нашрига эътибор берсак, салкам 50 саҳифа таржима қилинмай ташлаб кетилганини кўришимиз мумкин. Хайрулла таржимашунос сифатида ушбу роман таржимаси хусусида докторлик диссертацияси ва монографиясида ўз фикрини билдиради. Романдаги миллий хос сўзлар (кутидор, чимилдиқ, чопон, “анди”, “ойим” ва б. сўзлар) таржимаси ва уларнинг таржимасида нотўғри ўгирганлигини ўз тадқиқотларида таъкидлайди. Бугунги тақдим қилинаётган китоб, “ҳамир учидан патир”. Бу борада Хайрулла жуда кўп ишларни амалга оширган ва таржималари давом этмоқда. Бундан-да муҳими, Хайрулла она тилидан турк тилига таржима қилипти, буни турк таржимонларидан кўра юқорироқ бадий савияда амалга ошираяпти. Хайрулланинг ўзбек-турк тар-

жимачилиги соҳасидаги ташаббуслари, амалий фаолиятида улкан муваффақиятлар тилайман.

Қудратулла Омонов, филол.ф.д, профессор, ТДШУ проректори: Қадрли илм аҳли, қалам аҳли, бугун сиз билан қутлуғ бир маскан, халқимизга маърифат тарқатаётган, ўзбекнинг маънавий юксалишига хизмат қилаётган, юзлаб улуғ шоир ва ёзувчилар, ижодкорларнинг машҳур китобларнинг тақдмоти бўлиб ўтган улуғ масканда йиғилиб турибмиз. Ана шундай масканда ТДШУ профессори Х.Ҳамидовнинг навбатдаги китоби тақдмотининг ўтказилиши университетимиз учун ниҳоятда қувончи воқеадир. Шу муносабат билан ушбу издиҳомни уюштирган Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига ўз миннатдорлигимни ва Давлат топишириғи билан Малайзияда сафарда бўлган Тошкент давлат шарқшунослик университети ректори, профессор Гулчеҳра Рихсиеванинг табрик ва миннатдорликларини етказмоқчиман. Бу ерда адабиёт ва бадиий таржима соҳасининг катта мутахассислари ўтиришибди ва улар ушбу антология бўйича ўз фикрларини билдирадилар. Мен эса ушбу китобнинг бошқа икки кескин қиррасига эътиборингизни қаратмоқчиман. Биринчиси, бу китоб Китобнинг ижтимоий-сиёсий аҳамияти ҳақида гапирмоқчи эдим.

Халқларни бирлаштиришнинг энг осон йўли бадиий адабиётнинг таржимасидан бошланади. Бу китоб XX аср ва ҳозирги давр адабиёти билан туркий улус китобхонларини кенгроқ таништиришда алоҳида аҳамият касб этади. Ўзбек адабиёти намуналарининг биз учун Европага очилишга дарча бўлиб турган қардош турк халқининг тилига таржима қилингани сиёсий жиҳатдан муҳим ҳисобланади. Адабиётлар яқинлашган сари икки халқнинг бир-бирини тушуниши осон кечади. Яна бир жиҳати – ушбу китоб олий таълим муассасалари талабалари учун таржимонлик соҳасини эгаллашлари учун муҳим билимлар манбаидир. Яна бир муҳим нарсага эътиборингизни қаратмоқчиман. Университетимизнинг нисбатан янги, аммо муҳим соҳаси ҳисобланган ва асосий мақсади Ўзбекистонда шарқ тиллари бўйича кўп қиррали таржимонлар етиштириш саналган “Таржима назарияси ва амалиёти” кафедраси (кейинчалик “Таржимашунослик”, “Таржимашунослик, тилшунослик ва халқаро журналистика олий мактаби” деб номланган) Хайрулла Ҳамидовнинг ташаббуси билан 2011 йилда ташкил этилган ва у киши ушбу кафедранинг кўп йиллар бошқариб келган.

Кафедрада ўзбек адабиёти намуналарини шарқ тилларига ва шарқ тилларидаги асарларни она тилимизга таржима қилиш бўйи-

ча йирик лойиҳалар амалга оширилган. Ўнлаб китоблар нашр этилган ва бу ишларнинг бошида Хайрулла ака турганлар. Асосийси, ўтган салкам 15 йил мобайнида юзлаб шарқ тилларини биладиган малакали таржимон мутахассислар ва таржимашунослик фанларидан дарс берадиган салоҳиятли профессор-ўқитувчилар етиштирилган. Яна бир нарсани таъкидлашим керак. Бугун бизнинг университетда дарс берадиган турк олими, педагог Четин Юлдуз исмли домла билан гаплашиб қолдим. У киши Хайрулла Ҳамидов таржима қилиб нашр эттирган “Ўзбек адабиётидан танланган асарлар. Ҳикоялар” антологияси стол устида турганини кўриб, “Бу китоб билан яхши танишман. Уни Хайрулла Ҳамидов таржима қилган бўлиши мумкин эмас, боиси бундай юксак бадиий савиядаги таржимани фақат турк тилини она тили даражасида биладиган ёзувчи – таржимон қилиши мумкин. Мен Хайрулла Ҳамидовнинг истеъдодига қойил қолдим” деган гапни айтди. Бунга ўхшаш эътирофлар Хайрулла аканинг бугунги кунда ўзбекчадан туркчага бадиий асарларни таржима қилувчи йирик мутахассис эканлигини кўрсатади.

Ғайрат Мажид: Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Туркия Республикасининг TÜRKSOY Халқаро маданият ташкилоти билан яқин ҳамкорлик қилиб келади ва биз Х.Ҳамидов томонидан турк тилига қилинган асарларни ушбу ташкилот воситасида Туркияда нашр этилишига ёрдам берамиз. Бу китобларни Хайрулла ака ўз маблағлари ҳисобидан нашр эттирганини билмас эканмиз. Биз китобларни университет нашр эттирган деб ўйлагандик. Энди китобни Туркияда нашр этилиши учун биз Ёзувчилар уюмаси ўлароқ кўмак берамиз. Бундан ташқари, ўзбек тилидан турк тилига таржима қилиш қанчалик қийин эканлигини яхши биламиз. Мана юқорида қанчалик катта иш қилинганлиги ҳақида Хуршид Дўстмуҳаммад ҳам айтиб ўтдилар.

Бугунги тадбир ўзгача. Унда Ўзбекистонимизнинг энг кўзга кўринган шоир ва ёзувчилари, адабиётшунос олимлари: Муҳаммад Али, Хуршид Дўстмуҳаммад, Нормурод Норқобилов, Зухриддин Исомиддинов, Тоҳир Қахҳор, Адҳам Алимбеков, Зулфия Қуролбой қизи, Рисолат Ҳайдарова, Маъмура Зоҳидова, Қудратулла Омонов, уюшма аъзолари, адабиёт ихлосмандлари бўлган ёшлар ва бундан-да эътиборлиси, тақдимот этилаётган китобга асарлари киритилган атоқли ўзбек ёзувчиларининг оила аъзолари, фарзандлари иштирок этишмоқда.

Таржимада баъзан бир сўзнинг икки сўз орқали берилиши ёки таржиманинг бошқа қийинчиликлари, таржима учун фақат она тилини билишнинг ўзи етарли бўлмаслиги, иккала тилни ҳам мукамал билиши лозимлиги, икки халқ маданияти, миллий ўзига хослиги, менталитетини яхши билиши кераклиги ҳақида гапирилди. Мана шулар ҳақида ва бундай катта ишни амалга оширишга нима ундаганлигини сўзлаб бериш учун Хайрулла Ҳамидовга берамиз. Марҳамат!

Хайрулла Ҳамидов: Ассалому алайкум, муҳтарам устозлар, кадрли ҳамкасблар, аввало барча айтилган илиқ сўзлар учун, ташрифингиз учун ташаккур! Бу антологиянинг иккинчи наشري деса ҳам бўлади. Китобнинг биринчи наشري 2023 йил Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 32 йиллиги ва Туркия Республикасининг 100 йиллигига тухфа сифатида нашр этилган ва унда ўзбек шоирларининг шеърлари ҳам киритилганди. Бугунги тақдим қилинаётган антологияда эса фақат ўзбек адибларининг ҳикоялари ва қиссаларидан парчалар киритилган. Ўзбек шоирларининг шеърларини антология сифатида нашр қилиш галдаги вазифамиз ҳисобланади. Режалаштирилаётган китобимиздан Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжондан бошлаб Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Омон Матжон, Муҳаммад Юсуф ва ҳозирги кунда ижод қилаётган машҳур шоирларимиз қаламига мансуб шеърлар жой олади. Яна бир жиҳати, ушбу китобдан жой олган ҳикояларнинг бир қисми сўнгги йилларда Туркияда алоҳида китоб ҳолида ва адабий журнал саҳифаларида нашр этилган. Жумладан, 2020 йил Ўзбекистон халқ ёзувчиси Саид Аҳмад таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан Туркия Республикасининг TÜRKSOY Халқаро маданият ташкилоти кўмагида *"Said Ahmet. Seçme Hikâyeler"* (Саид Аҳмад. Танланган ҳикоялар) таржима китобимиз Анқарада нашр этилди ва Ўзбекистон Республикасининг Анқарадаги элчи-хонасида тақдимоти ўтказилди. Ушбу китобнинг электрон шакли ҳозирда Туркияда интернет сайтида сотувга ҳам чиқарилган. Бундан ташқари, таржималаримиз Туркиядаги адабий журналларда ҳам нашр этила бошланган.

Энди, юқорида устозларимиз ўз сўзларида бу таржима тўпламининг қанчалик машаққатлар эвазига юзага чиққанини гапириб ўтишди. Лекин айтишим керак, мен таржима қилишда ҳеч қандай машаққат чекканим йўқ. Агар бу китоб салкам 15 йиллик меҳнат самараси ўлароқ юзага келган бўлса, мен бу меҳнатимдан фақат завқ олганман. Ҳатто келишув асосида ҳақ тўлана-

диган буюртма таржималарни четга суриб мана шу китоб устида йиллаб иш олиб борганман. Чунки инсон муайян бир мавқе, даражага етгандан кейин у фақат ўз яхши кўрган машғулоти билан шуғулланмоғи керак, деб ўйлайман. Мен севган машғулот – бадиий таржима. Яна бир нарсани айтиб ўтишим керак, бизнинг таржималаримиз икки йўналишда: турк тилидан ўзбек тилига таржималар ва аксинча таржималар. Масалан, 2022 йилда, барчангизга яхши маълум, Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан нашр этилган 100 жилдлик “Туркий адабиёт дурдоналари” жамланмасининг турк тилидан қилинган асарларимиз ўрин олган икки жилди (45- ва 51-жилдлари) бизга тегишли. Ёки ушбу жамланманинг 47-жилдида (устоз Адҳам Алимбеков тузган) турк сатирик ёзувчиси Азиз Несин ҳикояларидан устоз Миад Ҳакимов ва биз қилган таржималар ўрин олган.

Сўзим охирида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси жамоасига шахсан ўзим ва оилам, Тошкент давлат шарқшунослик университети жамоаси, Таржимашунослик, тилшунослик ва халқаро журналистика кафедраси профессор-ўқитувчилари номидан ушбу тақдимот маросимини ташкил этганликлари учун миннатдорлик ва ташаккур билдираман.

***Нилуфар Худоёрова,
ЖИДУ магистранти***

ТАБРИК

Тошкент давлат шарқшунослик университети профессори, филол. ф.д., Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, касбилик забардаст олим Хайрулла Ҳамидовнинг ўзбек адабиёти дурдоналарини қардош турк тилига таржима қилганликлари, ўзбек адабиёти билан турк дунёсини таништиришдек мураккаб жараёни муваффақиятли амалга оширганликлари билан чин дилдан касбилик илм фидойилари номидан табриклаймиз, воҳамиздан чиққан олим Хайрулла Ҳамидовни бу навбатдаги ютуқлари Касби элимизни ютуғи ва фаҳри деб биламиз. Хайрулла ака бир режа қилиб бизнинг университетимизга келиб, ёш филолог мутахассислар ва талабаларимиз учун ижодий учрашув қилиб беришингизни кутиб қоламиз. Илмий фаолиятингизда улкан зафарлар тилаймиз.

***Ўктам Абдуллаев,
Осиё технологиялар университети проректори***




ТУРКИЙ ДАВЛАТЛАР ХАЛҚАРО ШЕЪРИЯТ БАЙРАМИ

TDSHU • ТГУВ • TSUOS

6 104 подписчика



TDSHU • ТГУВ • TSUOS



📌 2025-yil 7-fevral kuni TDSHU professori *Xayrulla Hamidov* O'zbekiston Yozuvchilar uyushmasining "Do'rmon" ijod uyida **Turkiy davlatlar xalqaro she'riyat bayramini** yuqori saviyada o'tkazishdagi hamkorligi uchun Turkiya Respublikasi **"TÜRKSOY"** Xalqaro madaniyat tashkilotining ko'krak nishoni va Yozuvchilar uyushmasining "Tashakkurnoma" yorliqlari bilan taqdirlandi.

🔗 **TDSHU Matbuot xizmati/Пресс-служба ТГУВ/Press secretary of TSUOS**

Telegram | Facebook | Youtube | Instagram | Twitter | tsuos.uz

👁 389 изменено 19:38





OLTIN QALAM

**FEVRAL
2025 YIL
№ 02
(369)**

Adabiy-ijtimoiy gazeta

Gazeta 2005 yildan chiqq boshlagan

Oyda bitta son chop etiladi

www.muhammadyusuf.uz

“O‘ZBEK ADABIYOTIDAN TANLANGAN HIKOYALAR” ANTOLOGIYASI TURK TILIDA NASHR ETILDI



Toshkent davlat sharq-shunoslik universiteti professori, filologiya fanlari doktori, Yozuvchilar uyushmasi a'zosi Xayrulla Hamidov tomonidan turk tiliga tarjima qilinib, nashr etilgan “O‘zbek adabiyotidan tanlangan hikoyalar” antologiyasi (O‘zbek

Edebiyatidan Seçme Eserler: Hikâyeler. Antoloji) kitobi nashr etildi.

Mazkur kitobda XX asr atoqli o‘zbek adiblari va hozirda qaynoq ijod jarayonida bo‘lgan 21 nafar taniqli o‘zbek yozuvchilari qalamiga mansub 74 ta hikoyaning turkcha tarjimalari jamlangan. Zamonaviy o‘zbek adabiyotini dunyoga tanitish, xalqlar o‘rtasidagi do‘stlik aloqalarini yanada mustahkamlashda badiiy tarjimaning alohida o‘rni bor.

Kitobdan XX asr o‘zbek adabiyotining eng sara namunalaridan bo‘lgan, atoqli yozuvchilarning hikoyalari, qissalaridan parchalar o‘rin olgan. O‘zbek xalqining milliy o‘zligini aks ettiruvchi asarlarni tanlab olish, asarlarni mazmun-mohiyatiga daxl qilmasdan

tarjima qilish, badiiy-uslubiy xususiyatlarini saqlab qolishga intilish mazkur ijodiy ishning o‘ziga xos va muvaffaqiyatli jihatlariidan biridir. Taniqli tarjimon Xayrulla Hamidov nashrga tayyorlagan ushbu kitob shu jihatdan muhimdir.

– Kitobda Abdulla Qodiriyning XX asrning 20-yillarida yozilgan “Jinlar Bazmi” va “Uloqda”; Oybekning 30-yillarda yozilgan “Fanarchi ota”, “Musicha”; Abdulla Qahhorning “San’atkor”, “Yillar” “Kampirlar sim qoqdi”, “Kim aybdor” hikoyalari,



Said Ahmadning “Mehribon”, “Ko‘klam chechaklari”, “Ko‘klam taronalari” hikoyalari, O‘lmas Umarbekovning “Abdulla qovunchi” va “Bahor nafasi” hikoyalari, O‘tkir Hoshimovning hikoyalari o‘rin olgan, deya ta’kidlaydi tarjimon Xayrulla Hamidov.



ТАРЖИМА – САНЪАТ, ТАРЖИМАШУНОСЛИК – ИЛМ

(филол. ф.д., проф. Хайрулла ҲАМИДОВнинг илмий-педагогик ва ижодий фаолиятига бағишланган давра суҳбати)



2025 йил 1 май куни Тошкент давлат шарқшунослик университетида “Маърифат улашиб” лойиҳаси доирасида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда Тошкент давлат университетининг Таржимашунослик, тилшунослик ва халқаро журналистика олий мактаби профессори, филология фанлари доктори, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, таниқли таржимон Хайрулла Ҳамидовнинг ибратли ҳаёти ва сермазмун илмий фаолияти ва таржимашунослик соҳасидаги ишлари, илмий фаолияти, олимнинг тафаккур оламидаги излари, сўз орқали қалбларга йўл топиш маҳорати хусусида гап борди. Университет раҳбарияти, профессор-ўқитувчилар ва талабалар, шоир ва ёзувчилар иштирок этган давра суҳбатида олим ўзининг илмий тажрибаси ҳамда таржимонлик фаолияти билан боғлиқ қизиқарли маълумотлар берди, талабалар ва ёш тадқиқотчилар профессорнинг нутқини катта қизиқиш билан тинглаб, илмий фаолиятда дуч келинаётган муаммолар юзасидан саволларига жавоблар, тавсиялар олдилар. Иштирокчилар Хайрулла Ҳамидов ҳаётидаги илмга бўлган меҳр, собитқадамлик ва ўзига хос фикрлаш тарзидан илҳомландилар. У кишининг ҳар бир мақоласи, ҳар бир фикри замирида чуқур маъно, юракка етиб борадиган ҳиссий кечинмалар борлиги ҳақида сўз юритилди.

Давра суҳбати **ТДШУ проректори, проф. Қудратулла Омонов**нинг кириш сўзи билан бошланди. Хайрулла Ҳамидовнинг чорак асрдан кўпроқ даврдан буён университетимизда ишлаб келаётган етук мутахассис, бугунги кунда университетнинг **“азим чинор”** ларидан бирига айланганига алоҳида урғ берган Қ.Омонов қуйидаги-

ларни таъкидлади: “Биз ҳеч иккиланмасдан Хайрулла акани бугунги шарқшуносликнинг дарғаларидан бир дея оламиз. У кишининг сўнгги йилларда илм-фан соҳасига қўшган ҳиссалари, яратган ўнлаб китоблари, юзлаб илмий мақолалари, юзлаб таржима асарлари, умуман педагогик ва илмий-ижодий фаолиятлари, университетнинг энг йирик кафедрасига асос солиб уни кўп йиллар бошқарганликлари таҳсинга сазовор. Хайрулла аканинг оилапарварлиги, шогирдпарварлиги, билимдонлиги ва бошқа фазилатлари бир томонда, иккинчи томонда, алоҳида бўртиб турувчи бошқа бир фазилатлари бор, бу у кишининг ўта меҳнаткашлигидир. У киши ҳаётда нимага эришган бўлсалар, меҳнатлари орқасидан эришганлар. У киши ҳар доим, ҳар жабҳада энг олдинги сафларда бўлиб келганлар. Ҳеч қачон орқага олмаганлар, ким бор деса, мен борман, деб турганлар. Бу илмда бўладими, дарсдами, жамоат ишида бўладими, тадбир-анжуманларни ташкил этишда ва иштирок этишда бўладими, ҳамма-ҳамма соҳадаги илғорлик, фаолликлари алоҳида таҳсин ва эътиборга лойиқ. Бундан ўн-ўн беш йил муқаддам университет жамоаси пахта таеримига жалб қилинганда Хайрулла ака бутун масъулият, қийинчиликларни ўз елкаларига олиб, университетни қийинчиликлардан олиб чиқиб кетганлар. Бир куни менга таниқли футбол шарҳловчиси, журналист, шоир Хайрулла Ҳамидов қўнғироқ қилиб қолди. Мен уни биринчи Хайрулла Ҳамидов деб юрардим, кейин билсам аксинча экан. У “Сизларда бир Хайрулла Ҳамидов деган домла бор экан, у кишининг китобларини имзо учун менга олиб келишди”. Мени у киши билан таништириб қўйинг деди, худди шундай вазият бўлди, бу кез шоир Хайрулла Ҳамидовнинг шеърлар китобини бу кишига олиб келишган ва автограф сўрашганини ҳам биладиман. Умумий таржимашунослик борми, тилшуносликми, турк адабиёти-ми, барча соҳаларда талабаларимиз у кишидан энг малакали маслаҳатларни олишлари мумкин. Чунки Х.Ҳамидов бу соҳада нафақат университетимизда, мамлакатимизда ҳам энг кўзга кўринган олим, энг илғор фикрни айта оладиган мутахассис ҳисобланади”.

Филол.ф.номзоди, доцент Жумали Шабанов: “Мен Хайруллани 1984 йил Республика рус тили ва адабиёти педагогика институтига ўқишга кирган кунидан бери, мана салкам 41 йилдан бери биладиман. Мени таржимонликка олиб кирган Хайрулла бўлади. Мен ўқитувчи эдим, Хайрулла 2-курс талабаси эди, иккаламиз юридик соҳага оид бир русча илмий китобни ўзбекчага таржима қилганмиз. Роса қийин бўлган, лекин ўшанда таржиманинг кўп сирларини ўрганганмиз. Шунини эътироф этишим керакки, мен таржима қилишни Хайрулладан ўрганганман. Мен ҳам ҳозир таржима қиламан, лекин услуб, савия жиҳатдан Хайруллага тенг келадигани йўқ, у бошқача,

унинг таржималари юксак бадий савияда, беҳато. Хайрулла бугунгача шеър ёзиб, шоир сифатида танилмаган, лекин унда шоирлик истеъдоди бор, акс ҳолда бунча шеър дostonларни таржима қилмаган бўлар эди. Ўйлайманки, ҳозир ёзиб юрган шеърларини етмишларга бориб кетма-кет нашр эттирса керак”.

Муҳаммад Юсуф номидаги ижтимоий фондинг “Олтин қалам” газетаси бош муҳаррири Назира Ас-Салом Х.Ҳамидовнинг нафақат таниқли олим, балки юксак фазилатлар соҳиби бўлган инсон сифатида ҳурмат қилишни таъкидлаб, шундай дейди: “Биз, отам, яъни таниқли таржимашунос олим Ғайбулла Саломов оиласи ва турмуш ўртоғим – Муҳаммад Юсуф оиласи Хайруллажон олдида бурчдормиз. Боиси, Хайруллажон 2016-2023 йиллар отам – Ғ.Саломовнинг 1978 йилда нашр этилган “Таржима назариясига кириш” номли дарслигини, 1966 йилда нашр этилган “Тил ва таржима” машҳур монографиясини қайта ишлаб нашр эттирган ва бу китобларни бугунги кунда янги авлод илмий ва ўқув адабиётлари сифатида олий таълимга жорий қилган бўлса, Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф таваллудининг 60 йиллиги (2014) ва 70 йиллиги (2024)га бағишлаб “Muhammed Yusuf. Seçme Şiirler” номли китобини нашр эттирган. Китобда М.Юсуфнинг Хайрулла Ҳамидов томонидан туркчага таржима қилинган ўнлаб шеър ва дostonлари жой олган ва ушбу китоб учун у Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти ректорининг 2024 йилнинг 22 апрелдаги 44-сонли буйруғига асосан таъсис этилган “Муҳаммад Юсуф” кўкрак нишони билан тақдирланган. Хайруллажонда отамнинг айрим хислатларини кўраман. Бу уларга хос тартиб-интизом, шогирдпарварлик, ёрдамсеварлик, пунктуаллик, ҳамма ишни режали, оғишмай қилиш одати. Бунақа хусусиятларни отамда ва Хайруллажонда кўрганман”.

Арабшунос олим, проф. Шорустам Шомусаров шундай дейди: “Мен Хайрулладан вақтдан унумли фойдаланишни ўргандим. Кафедра мудири бўлиб ишлаб юрган йиллари узоқ давом этадиган мажлисларда ҳамма зерикиб, телефон кўриб ўтирса, Хайрулла компютерини очиб олиб тинимсиз ишлар, бирон дақиқасини бекор ўтказмасди. Нашр эттирган ўнлаб китоблари бунинг натижасидир. Сиз ёшларга айтмоқчи бўлганим, вақтдан унумли фойдаланишни устозингиз, менинг кўнглимга яқин инсон, ижоди қайнаб турган олим, таржимон Хайрулла Ҳамидовдан ўрганинг”.

Давра суҳбатида иштирок этган туркиялик **адабиётшунос олим, PhD. доцент Четин Юлдуз** шундай дейди: “Хайрулла Ҳамидовни салкам беш йилдан буён танийман, шундан уч йил у киши билан бирга ишладим ва янада яқинроқ танишдим. У икки мамлакат ора-

сидаги адабий кўприк, Ўзбекистонда мен билган ягона, ўзбек тилидан турк тилига таржима қилувчи йирик мутахассис. У турк тилидан ўзбек тилига, ўзбек тилидан турк тилига йирик асарлар таржима қилган, менинг назаримда, биринчи инсон. Бундан икки-уч йил илгари у кишининг 60 йиллик юбилейида ёзган хотираларимни мен у кишига нисбатан “Ёзув машинкаси” тахаллусини қўллагандим. Гап шундаки, Усманийлар салтанатининг сўнгги даврида яшаб ижод этган атоқли адибларимиздан бири Аҳмад Мидҳат афандини шундай тахаллус билан аташган. Бунинг сабаби, адибнинг жуда самарали ишлаганлигидир. Мен ҳам кафедрада ишлаб юрганимда Хайруллоҳ хўжа жуда самарали инсон экан. Шунинг учун мақолам учун ушбу сарлавҳани танладим. Ҳақиқатдан ҳам Хайрулла ака, тинимсиз меҳнат қилади. Мана шу териб қўйилган китобларнинг ҳаммасини у ёзган. Бир куни “Нечта китоб ёзгансиз?” деб сўраганимда, у киши “билмадим, санамаганман, баракаси кетади” деган. Хайрулла ака муваффақиятли инсон, мен уларга узоқ умр тилайман”.

Тадбир сўнгида Хайрулла Ҳамидов талабаларни қизиқтирган саволларга жавоб бераётиб шундай дейди: “Мен 1980 йил мактабни тугатиб, Тошкент театр ва рассомчилик институтининг “Драма ва кино актёрлиги” йўналишига ўқишга кирмоқчи бўлганман. Ижодий имтиҳонларнинг иккинчи босқичидан ўта олмай (ушбу институтда ижодий имтиҳонлар бошқа университетлардан бир ой олдин бошланар эди. Эсимда қолгани, мен Театр ва рассомчилик институтига топширган йилим мактаб даврида ўзининг “Шум бола” роли билан танилган актёр Абдурайим Абдуваҳобов, машҳур актёрлар Беҳзод Муҳаммадкаримов, Фатхулла Маъсудов ва Мадина Мухторовалар ҳам ўша йили айни шу йўналишга кира олишмаган ва 1 йил Ўзбекистон халқ артисти Турғун Азизов раҳбарлигида заҳирада ўқиб, бир йилдан кейин 2-курсга қабул қилинган эканлар. Бунинг менга Беҳзод Муҳаммадкаримовнинг ўзи айтиб берган. Ҳатто у кишига сизларга ҳавас қиламан деганимда, йўқ мен сизга ҳавас қиламан, қани мен профессор бўлиб қолсам, деган. Раҳматли дўстим Фатхулла Маъсудов билан кўп суҳбатлашардик, у кишининг фарзандлари ҳам бизнинг университетни битирган), ТошДУнинг ўзбек филологияси факультетига имтиҳонлардан ўтганман, лекин тўпланган балл етмай ўқишга кира олмаганман. Орадан тўрт йил ўтиб, икки йил армия сафида хизмат қилиб, маданият уйида ишлаб, тайёрланиб кейин ўқишга кирганман”. Талабаларнинг “Келгусида олдингизга яна қандай мақсадлар қўйгансиз?” деган саволларига Х.Ҳамидов қуйидагича жавоб берди: “62 ёшга кирдим, ҳаётнинг паст-баланди, борчилигию йўқчиликларини кўрдим, қаноат қилдим; уйимни 2 марта “ўғри урди”, лекин чидадим. Азиз отам, онажоним, опам, укам, синг-

лим, жон-жигар учта жиянимни йўқотдим, хасталандим, лекин сабр қилдим... Ҳеч қачон исён қилмадим, енгилмадим, афсусланган пайтларим бўлди, лекин қилган ишимдан ҳеч қачон пушаймон бўлмадим. Жуда кўп муваффақиятга эришдим, лекин талтаймадим. Кимдир, камбағал деди, кимдир хасисга йўйди, кимдир беписанд ўтди ёнимдан, ҳеч қайсига эътибор қилмадим, ёмонликларни унутдим. Лекин ким яхшилик қилган бўлса, ҳеч қачон унутмадим, ортиғи билан қайтаришга ҳаракат қилдим. Ўз олдимга ҳеч қачон аниқ бир мақсад қўйиб, шунга эришиш учун бор кучим билан интилан эмасман. Фақат янги-янги нарсалар ёзиш, китоблар нашр қилиш, мақолалар чиқаришга қизиқаман. Ҳеч қачон фан доктори даражаси-ю, доцентлик, профессорлик унвонларини олишга ошиқмадим. Масалан, фалсафа доктори (PhD) диссертациямни 55 ёшимда ҳимоя қилганимда 180 га яқин илмий иш, ўқув-услубий иш, таржима китоблари муаллифи эдим (Ҳозирги ёшлар 8 та илмий иш билан фалсафа доктори (PhD) диссертациясини ҳимоя қилишяпти). Ёки доцент унвонимни 57 ёшимда олганман. Фан докторлиги (DSc) диссертациямни салкам 59 ёшимда ҳимоя қилган бўлсам, профессор унвонимни 62 ёшимда олдим. Яъни ҳеч нарсага кеч қолмадим. Асосийси, мен ҳар доим яхши ният қилиб иш бошладим, Яратганга таваккал қилиб, ундан куч-қувват, мадад истаб ҳаракат қилдим, интилдим. Чунки, эртага нима бўлишини, қаерда бўлишимни мен қаердан биламан?!

Хуллас калом, мақсаддан кўра ниятни устун қўяман. Ва Аллоҳга минг қатла шукр, ниманики ният қилсам, Ўзи етказиб, қўллаб, сўраганимни барчасини бериб турибди...”

Талабаларнинг “Ёшлигингиз қайтса, актёрликни танлаган бўлармидингиз, ёки педагогик, илм кишиси бўлишними?” деган саволларига Х.Ҳамидов қуйидагича жавоб берди: “Ҳақиқий педагог актёр бўлади, чунки ўнлаб талабалар олдида ҳар куни соатлаб гапириш, уларга билим, мотивация бериш учун муаллим киши актёр ҳам бўлиши керак. Шунинг учун мени бу фахрли касбга йўналтирган, ҳаёт йўлимни тўғри танлашим ва муаллим бўлишимни маслаҳат берган раҳматли падари бузрукворим – Худоёр Ҳамидовдан Аллоҳ рози бўлсин, дейман”.

“Маърифат улашиб” – бу ном орқасида ҳар гал бир нур, бир илҳом, бир ибрат яширинган. Ҳайрулла Ҳамидов меросига бағишланган бугунги давра суҳбати эса кўнгилларда чуқур из қолдирди.

Саида МУСТАФАЕВА,
филол.ф. доктори, доцент,
Марҳабо АБДУЛЛАЕВА,
филол.ф. бўйича фалсафа доктори

Mehr qolur, muhabbat qolur

Muhammad Yusuf nomidagi
Jamoat fondi



OLTIN QALAM

Adabiy-ijtimoiy gazeta

APREL-MAY
2025 YIL
№ 04-05
(371-372)

Gazeta 2005 yildan chiqq boshlagan

Oyda bitta son chop etiladi

www.muhammadyusuf.uz

SHARQDAN YANGILIKLAR!



bir maqolasi, har bir fikri zahirida chuqur ma'no, yurakka yetib boradigan hissiy kechinmalar borligi haqida so'z yuritildi.

“Ma'rifat ulashib” – bu nom orqasida har gal bir nur, bir ilhom, bir ibrat yashiringan. Xayrulla Hamidov merosiga bag'ishlangan navbatdagi davra suhbatida esa ko'ngillarimizda chuqur iz qoldirdi.

TDSHU Axborot xizmati

Toshkent davlat sharqshunoslik universitetida “Ma'rifat ulashib” loyihasi doirasida yana bir davra suhbat bo'lib o'tdi.

Bu safargi suhbat Xayrulla Hamidovning ibratli hayoti va sarmazmun ilmiy faoliyatiga bag'ishlandi. Uning tafakkur olamidagi izlari, so'z orqali qalblarga yo'l topish mahorati davra markazida bo'ldi.

Ishtirokchilar Xayrulla Hamidov hayotidagi ilmga bo'lgan mehr, sobitqadamlik va o'ziga xos fikrlash tarzidan ilhomlandilar. U kishining har



Oltin qalam

Muassis:
Muhammad Yusuf
nomidagi
Jamoat fondi
Bosh muharrir:
Nazira as-SALOM

JAMOATCHILIK KENGASHI:
SIROJIDDIN SAYYID, AKMAL NUR,
ABDURASHID HASANOV,
XAYRULLA HAMIDOV,
MA'SUMA AHMEDOVA

Nashrga mas'ul: Nazira Salomova
Sahifakovchi: Lola Sotova
Bahosi kelishilgan nashrda

Gazeta Toshkent viloyati Matbuot va axborot
boshqarmasi tomonidan 22.12.2006 yilda 03-035
raqami bilan qayta no'ynatga olingan.

Obuna indeksi 483
Adadi 1000
Tahririyat manzili:
Toshkent shahri, 100011.
Navoiy ko'chasi, 30-uy.
Telefon: (99) 816-58-22
El manzili:
muhammad-yusuf54@mail.ru

“AZMIR NASHR PRINT” MCHJ
bosmaxonasida chop etildi.
Bichimi A-3 Hajmi 2 b.t.
Buyurtma №
Bosmaxona manzili:
Toshkent shahri,
Adham Rahmat ko'chasi,
10-uy.

КИЧКИНТОЙ КИТОБХОНЛАР УЧУН КАТТА ҲИКОЯЛАР

Филол. ф.д., проф. **Хайрулла ҲАМИДОВ** нашрга тайёрлаган
“Özbek Çocuk Edebiyatı. Küçük Okurlar İçin Büyük Hikâyeler: Narmurad Narkabilov'dan Seçme Öyküler”

номли китоб тақдироти материаллари



2025 йил 30 май, мамлакатимизда болалар кунини нишонлаш арафасида Тошкент давлат шарқшунослик университетидида маънавият ва ижод руҳини ўзида жамлаган бадиий-маърифий тадбир бўлиб ўтди. Бу болалар адабиётининг юксак намунаси, халқ севган адиб Нормурод Норқобилонинг болалар учун ёзган энг сара ҳикоялари жамланган янги китоб, *“Özbek Çocuk Edebiyatı. Küçük Okurlar İçin Büyük Hikâyeler: Narmurad Narkabilov'dan Seçme Öyküler”* (“Ўзбек болалар адабиёти. Кичкинтой китобхонлар учун катта ҳикоялар: Нормурод Норқобилон. Танланган ҳикоялар”) чоп этилди. Ушбу китобга Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими Нормурод Норқобилон қаламига мансуб бир қисса ва 30 га яқин ҳикоянинг туркча таржималари киритилган.

Университетимизнинг Таржимашунослик, тилшунослик ва халқаро журналистика олий мактабидида йўлга қўйилган “Устоз-шогирд” анъаналари асосида Ёш шарқшунос-таржимонлар уюшмаси аъзолари (таянч докторант ва тадқиқотчилар, магистрантлар ва “Таржима назарияси ва амалиёти” таълим йўналишининг иқтидорли талабалари) томонидан юксак бадиий савияда бажарилган ушбу амалий лойиҳа маҳсули бўлган таржима тўплами нафақат бадиий ва миллий қадриятларимиз, балки халқлар дўстлиги, тиллар орасидаги маънавий кўприк сифатида ҳам алоҳида аҳамиятга эга.

Тақдимотда янги китобга кирган асарларнинг болалар тарбиясидаги ўрни, уларнинг дунёқарабини бойитишдаги аҳамияти ҳақида сўз юритилди.

Китобнинг орқа муқовасидаги мақола Туркиянинг Отатурк университети Туркология тадқиқотлари институти директори проф. др. Хусайн Бойдемир қаламига мансуб. “Сўнгги сўз” эса таниқли ўзбек болалар шоири Ориф Тўхташ қаламига мансуб. Ҳажми 212 бетдан иборат таржима китобининг муҳим жиҳати шундаки, унинг дунё юзини кўриши учун 20 дан ортиқ ёш ижодкорни ўз ичига олган таржимонлар гуруҳи Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, ТДШУ профессори, филология фанлари доктори Хайрулла Ҳамидов раҳбарлигида салкам бир йил давомида ижодий меҳнат қилишди ва бугун тақдим этилаётган китоб ушбу меҳнат маҳсулидир. Бу жараён ёшлар учун чинакам амалий дарс, ҳақиқий таржима мактаби, шу билан бирга адабиёт билан ҳамнафас бўлиш имкониятини яратди.

Бадий-маърифий тадбирда республикамизнинг таниқли таржимашунос, тилшунос ва адабиётшунос олимлар, ёш ижодкорлар иштирок этишди. Ушбу эзгу тадбир ўзбек таржима адабиётининг янги босқичга қадам қўйиши, ёшларимизнинг ижодий салоҳияти ҳамда халқаро майдондаги фаол иштироки учун мустаҳкам замин яратади. Болалар учун ёзилган асарларнинг турк тилига таржима қилиниши, уларни кенг китобхонлар оммасига етказилиши икки қардош халқ ўртасидаги маданий алоқларнинг ёрқин намунаси. “Бир қалам, бир таржима, бир меҳр кўп қалбларга нур улашадиган куч” дея ушбу анжуманни фахр ва илҳом билан шундай таърифлаш мумкин. Бу муҳташам тадбир шарофати билан устозлар учун ифтихор, талаба ёшлар учун илҳом, таржима адабиёти учун эса янги саҳифа очилди. Устоз раҳнамолигида ёш ижодкор-таржимонлар меҳнати адиб Нормурод Норқобилонинг қалбдан чиққан қисса ва ҳикоялари бугун бутун туркий дунё болаларига туҳфа қилинди.

Эътиборлиси, болажонларимизда ота-онага, она табиатга, ҳайвонот дунёсига нисбатан севги-муҳаббат ҳисларини тарбияловчи, уларнинг маънавий дунёсини бойитиб, миллий қадриятларимизни болаларнинг мурғак қалбларига мактаб ёшида муҳрловчи, ота-оналарга эса фарзанд тарбиясида нималарга эътибор қаратилиши кераклигини ўргатувчи “Қуёш ботмайдиган юрт”, “Ўғил”, “Айрилиқ қувончи”, “Оқбўйин”, “Капалак”, “Йўлак”, “Тўрткўз”, “Чол ва илонлар”, “Тошбақа”, “Қуёш ботмайдиган юрт” каби қисса ва ҳикоялар ёзувчининг салкам қирқ йиллик фаол амалиёт ва бадий ижоди юксалган даврда дунё юзини кўрган. Чунки адибимиз Нормурод Норқобилонинг ўзга ёзувчиларга насиб этмаган улкан бир ютуғи шундаки, у республикамиз ҳудудини деярли қадамба-қадам кезиб чиқиш бах-

тига муяссар бўлган ва бу ишга ўзининг деярли 30 йилдан зиёд умрини сарфлади.

Нормурод Норқобилов тележурналист сифатида юртимизнинг барча тоғу тошларини, қир-адирларини, Қизилқум ва Қорақум саҳроларини, шаҳар ва қишлоқларини кезиб чиқаркан, сирли ғорларга алоҳида аҳамият беради. Телевидение тарихида биринчи бўлиб Амир Темур ғорига экспедиция уюштиради. Мана шу тарзда у ўнлаб ғорларни бошдан-оёқ ўрганиб, улар ҳақида батафсил ҳикоя қилади.

Қардош турк тилига қойилмақом қилиб ўгирилган асарларнинг кўпчилиги республикамиз ўрта мактабларининг 4-9 синфлари учун нашр этилган ўқиш ва адабиёт китобларида берилган, Бошқача айтганда бу ҳикоялар болажонларимизнинг кўнгилларидан жой олган, десак асло муболаға бўлмайди. Энди ана шу маънавий бойликдан дастлаб турк болалари, ундан кейин дунёнинг бошқа мамлакатларида яшаётган болажонларнинг ҳам баҳраманд бўлишларини истаб таржимонлар ушбу хайрли ишга қўл уриш, десак бўлади.

Китоб тақдимотида иштирок этган муаллиф – таниқли болалар адиби Нормурод Норқобилов таржимонлар ва жамоа раҳбари проф. Хайрулла Ҳамидовга ўз миннатдорчилигини билдирди: “Бу китобнинг нашр этилиши мен учун қутилмаган воқеа бўлди. Шу йил бошларида турк тилида нашр этилган “Ўзбек адабиёти антологияси”да 4-5 та ҳикояси таржимаси Хайрулла Ҳамидов томонидан турк тилига таржима қилинган. Буни ҳам ўшанда тақдимот жараёнида билганман. Лекин орадан ярим йил ўтиб ҳикояларим таржимасининг катта китоб бўлиб чиқиши мени ростдан ҳам жуда қувонтирди. Мени қувонтирган яна бир нарсаси юртимизда янги, ёш таржимонлар етишиб чиқаётганлигидир. Таржималарни кўздан кечирганимда сўзда, услубда, сўз танлашда, фикрни ифода этишда, воқеа-ҳодисаларни қайта акс эттиришда ўзига хослик, билим, маҳорат ўзини намоён этиб турибди. Чунки бугунги ижодкор ёшлар ҳақиқатдан ҳам изланишяпти, қидиришяпти, ўз устларида ишлашяпти”.

Мазкур лойиҳа доирасида асарларнинг болалар онги ва дунёқарашига мослиги, ахлоқий тарбия ва ўзбек қадриятларини тарғиб этиш ҳам алоҳида эътиборда бўлди. Тақдимот якунида ушбу китобнинг нашр этилиши нафақат таржимонлар ва таржимашунос олимлар балки бутун ўзбек адабиёт учун ҳам муҳим қадам эканлиги таъкидланди. Ушбу китобни нашрга тайёрлаб муҳаррирлик қилган, таъбир жоиз бўлса иккинчи муаллиф саналган Хайрулла Ҳамидов таржима китобининг яралиши ҳақида шундай дейди: “Бу китоб кеча яратилиб, бугун сизнинг эътиборингизга ҳавола этилаётгани йўқ. Хабарингиз бор, дастлаб “Ўзбек адабиётидан танланган ҳикоялар” антологияси 2025 йил январь ойида турк тилида нашр этилиб,

4 февраль куни Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида унинг тақдироти ўтказилди. У китобдан 20 ўзбек ёзувчисининг 70 дан ортиқ ҳикояси (ва 4 та қиссадан парча) нинг туркча таржимаси ўрин олган эди. Ўша куни миямда “Ажабо, шу антологиядан жой олган ҳар бир ёзувчининг ҳикояларини ажратиб олиб, ҳар бирини алоҳида китоб қилсак қандай бўларкин?..” деган ғоя туғилди. Кейин антологиядан биринчи бўлиб, болалар адабиётига оид ҳикояларни ажратиб олдик. Бу таниқли болалар ёзувчиси Нормурод Норқобилонинг 4 та машҳур ҳикояси эди. Эртаси куни ёш шарқшунос-таржимонлар гуруҳимиз аъзолари бўлган бакалаврият талабаларимиз (улардан ташқари 1 та тадқиқотчи, 1 докторант, 5 та магистрант ҳам бор) билан маслаҳатлашиб адибимизнинг яна 25 та ҳикояси ва 2 та қиссасини танлаб олдик ва ишга киришдик. Роппа-роса 4 ой мобайнида 20 кишилик таржимонлар гуруҳи тинимсиз меҳнат қилди, таржималар 2-3 маротаба таҳрир қилинди, таъбир жоиз бўлса, ҳаммамиз “бир қозонда қайнадик” ва мана бугун ана шу меҳнатнинг маҳсулини кўриб турибсиз. Китобнинг номи жуда ҳам жарангдор *“Özbek Çocuk Edebiyatı. Küçük Okurlar İçin Büyük Hikâyeler: Narmurad Narkabılov'dan Seçme Öyküler”*, яъни “Ўзбек болалар адабиёти. Кичкинтой китобхонлар учун катта ҳикоялар: Нормурод Норқобилов. Танланган ҳикоялар”. Чунки бу китобни нафақат болалар, балки еттидан етмишгача барча ёшдаги китобхонлар ўқиб завқ олишлари мумкин. Бу номни бир киши ўйлаб топгани йўқ. Китобга ном қўйишда Н.Норқобилов ижоди билан яхши таниш бўлган туркиялик профессор ҳамкасбларимиз билан ҳам маслаҳатлашдик ва ушбу номни танладик. Мана китоб нашр этилди, энди уни турк китобхонлари орасида тарғиб қилишни ҳам режалаштирганмиз ва умид қиламизки, китобимиз турк ўқувчиларининг ҳам эътиборини тортади ва яқин келажакда Туркияда катта тиражларда нашр қилинади”.

Китобнинг яна бир муҳим жиҳати, уни бемалол бадиий таржима билан боғлиқ дарсларга хрестоматик ўқув адабиёти сифатида жорий қилиш, талаба ва магистрантларнинг бадиий таржималарни таҳлил қилишлари, танқидий мақолалар ёзишлари, ҳатто илмий тадқиқотлар, диссертациялар тайёрлашлари учун ҳам зарур адабий манба сифатида фойдаланиш ҳам мумкин.

Саида МУСТАФАЕВА,
филол.ф. доктори, доцент,
Марҳабо АБДУЛЛАЕВА,
филол.ф. бўйича фалсафа доктори

ХАЙРУЛЛА ҲАМИДОВНИНГ 60 ЙИЛЛИК ЮБИЛЕЙИ МУНОСАБАТИ БИЛАН УСТОЗ, ҲАМКАСБ ВА ШОГИРДЛАРИ ТОМОНИДАН ЁЗИЛГАН МАҚОЛАЛАР

ТИЛЛАР ВА ДИЛЛАРНИ БИРЛАШТИРГАН ОЛИМ

*Тошкент давлат шарқшунослик университети ректори
Гулчеҳра РИХСИЕВА*

Халқимизда “Тил билган эл билади” деган нақл бор. Мен бунга қўшимча тарзда улар тил эгаларини билиши билан бирга, бошқаларнинг ҳам ўзга элларни ўрганишига сабабчи бўлади бундай инсонлар дея оламан. Бундай инсонлар халқ миллий тафаккурининг намоёни бўлган адабиёт намуналарини она тилига таржима қилиб қардош ёки бошқа элларнинг дунёқарашини тахайюл оламини билишимиз, тушунишимизда энг муҳим восита бўла оладилар. Университетимизда адабиётга, китобга меҳр берган устозлар талайгина. Аммо улар орасида ўзига маъқул китобларни бошқа тилларга таржима қиладиган ёки хорижий тиллардаги асарларни ўзбек ўқувчиларига тақдим эта оладиганлари саноқли.

Таржимонлар орасида ҳам бир томонга ўгирувчилар кўпчиликни ташкил этади, аммо ҳар икки тилга бирдек бадий таржима қила оладиган таржимонлар кўп эмас. Бунинг учун нафақат бир тилнинг, балки иккинчи тилнинг ҳам бадииятини, халқ маданиятини чуқур билиш ва унинг асарни қабул қилиш имкониятларини чуқур англаш, ҳис қилишни талаб этади.

Таржимашунослик йўналишида кадрлар тайёрловчи кафедрамиз профессори, филология фанлари доктори, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Хайрулла Ҳамидовни айнан кўп қиррали таржимон дея оламиз. Хайрулла ака ўзбек адабиёти намуналарини турк тилига таржима қилиб турк халқига таништиришда фаол меҳнат қилиб келмоқдалар. Илмий лойиҳалар доирасида бажарилган таржималар, ўзбек адабиётининг энг сара асарларини турк тилига чиройли ўгириб тайёрлаган китоблари ўқувчилар орасида машҳур бўлиб кетган. “Турксой” халқаро ташкилотининг эътиборига тушган Хайрулла аканинг таржималари янада машҳур бўлишида ўзбек халқининг севимли ёзувчиси Саид Аҳмаднинг ҳикоялари таржима китоби ҳам

сабаб бўлди. “Турксой” ташкилотининг маркази айнан Тошкент давлат шарқшунослик университетидида очилиши ҳақида таклиф киритилишида туркшунослик маркази бўлган олий таълим ва илм даргоҳи эканлигимиз билан бирга, Хайрулла акадек таржима усталари фаолият юритаётганлигининг ҳам аҳамияти бор, албатта. Кичик хонадан катта марказга айланиши кутилаётган ушбу шўъбанинг тараққиётида, кўплаб йирик бадий асарларнинг таржималари чоп этилишида, шогирдларнинг ҳам фаол бўлишида Хайрулла аканинг ҳиссалари катта.

Хайрулла ака – кўп қиррали истеъдод соҳиби. Юқорида айтганим – бу инсоннинг биринчи қирраси. Хайрулла ака ўзбек, рус, турк тилларида эркин ижод қилдилар, таржималарни қойилмақом қилиб тақдим этадилар доим.

Меҳнатсеварлик – бу Хайрулла аканинг энг муҳим сифати дея оламан. Қачонки уларни сўрамай, доим қайсидир китоб таржимаси, қайсидир илмий мақола устида ишлаётган ёки таржима матнларини таҳрир қилаётган вазиятда учратаман. Тинимсиз ўз устида ишлашнинг намунаси бу. Хайрулла ака талабаларнинг севимли устози. 2011 йилда таъсис этилган мазкур ихтисослик кафедрасининг юзлаб битирувчилари Хайрулла аканинг шогирдлари. Таржима сирларини, бадий ўғирмаларнинг жиҳатларини ўрганиб мутахассис бўлган ҳамма битирувчиларимизнинг тақдирида уларнинг ўрни алоҳида. Кичик асарлар таржималарини биргаликда тайёрлаб мунтазам китоб шаклида чоп эттириб, шогирдларини рағбатлантириб, руҳлантириб келадилар.

Хайрулла ака ўз устозларини ниҳоятда улуғлайдиган инсон. У киши устозлари, ўзбек таржимашунослигининг асосчиси проф. Ғайбулла Саломовнинг бир неча китобини қайта нашрга тайёрлаб, чоп эттириб ёшларнинг билим сандиғига қўшиш борасида катта меҳнат қилганлар. Университетимизда 12 йилдан буён ўтказилиб келинаётган ва бугунга келиб халқаро таржимашунослар форуми даражасига кўтарилган, ўзбек олимлари, хорижий мутахассислар ва таржимонларни бирлаштириб, катта илмий муҳокамалар, сарҳисоблар майдонига айланиб келаётган таржимашунослик анжуманларимизнинг бардавомлигида ҳам Хайрулла аканинг ҳиссалари беқиёсдир. Айниқса, ушбу халқаро форумнинг ҳар йили анъанавий тарзда Устоз Ғ.Саломовнинг таваллуд кунларида ўтказиб келинаётганлиги ҳам қувонарли ҳол. Устоз-шогирд анъаналарининг беқиёс инъикосидир. Уни-

верситет устозлари, кўп сонли жамоамизнинг ҳурматига сазовор Хайрулла ака таржимон ва ўқитувчи бўлишлари билан бирга, яна бир муҳим ва масъулиятли ишга қўл урган ва уни уддалаган шахс сифатида олимлик мартабасига эришганликлари уларнинг яна бир қирраларидир.

Хайрулла Ҳамидовнинг “Турк тилида фразеологизмларнинг юзага келиши, маъно ва грамматик хусусиятлари” мавзусидаги филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) даражаси учун ёзилган диссертацияси 2018 йилда ҳимоя қилинган бўлса, 2021 йилда “Ўзбек қисса ва романларининг туркча таржималарида миллийлик, бадиийлик ва лисоний адекватлик масалалари” мавзусидаги докторлик диссертациясини профессор Абдураҳим Маннонов раҳбарликларида ҳимоя қилиб, филология фанлари доктори илмий даражасига эга бўлдилар. Бу ҳам Хайрулла аканинг тиришқоқлиги, ўз олдига қўйган мақсадга эришиш йўлида тинимсиз ишлаганлигининг натижасидир.

Олимликнинг юксак мартабаси – фан доктори илмий даражасига эришганларида барчамиз жуда қувонганмиз. Чунки бу йўналишда мутахассислар етишмаслиги бугунги кунда халқлараро, маданиятлараро алоқалар, мулоқотлар кучайган бир пайтда жуда долзарб соҳа бўлиб бормоқда. Турк ва ўзбек тилларини қиёсий ўрганиш, таржима сирларини чуқур эгаллаш асосида қатор илмий мақолалар нашр эттирган Хайрулла ака кўплаб дарслик ва ўқув қўлланмаларнинг ҳам пишиқ ва пухта бўлишига эришган мутахассис олимдир. Ҳамма олим ҳам дарслик ёзишни ўзининг иши деб билмайди. Хайрулла ака эса турк тилининг назарий масалаларидан тортиб, бугунги кунда кафедрада ўқитиладиган таржимашунослик соҳасига қадар бўлган бир неча фандан дарслик, ўқув ва ўқув-услубий қўлланмалар, изоҳли луғатлар муаллифи ҳам ҳисобланадилар.

Хайрулла аканинг санъатга ошнолиги, муסיқани севиши, миллий ва европа чолғу асбобларида қойилмақом куйлар чалишлари, миллий қўшиқларимизни ҳам хиргойи қилишлари бу истеъдодли инсоннинг яна бир муҳим қирраси ҳисобланади. Университетимизда ўтказиладиган маданий-маърифий тадбирларда Хайрулла аканинг жамоамиз олқишига сазовор бўлганларини биламиз.

Хайрулла аканинг ҳали санаб айтилмаган қирралари кўп. Оилапарвар, ўз касбига фидойи, сўзнинг қадрига етувчи тил ва

адабиёт ихлосманди бўлган Хайрулла ака тинимсиз илм ва ижод билан машғул бўлганликлари боисми, доим ёш. Бугунги 60 ёшлик таваллуд айёмида узоғи билан 50 ёшда бўлсалар керак деймиз. Доим шундай ёшлар орасида, шогирдлар ардоғида ёш бўлиб, илм-фан кишилари даврасида ҳурматга сазовор бўлиб узоқ умр кўриб юришларини тилаб қоламан.

Ижодингизга барака берсин, Хайрулла ака! .

Tarjimashunoslar forumi – 2023.

Translation Forum – 2023

(Xalqaro ilmiy-amaliy anjuman materiallari).

– Toshkent: TDSHU, 2023. – B.316-318.



ИЛМ-ФАН ХИЗМАТИГА КАМАРБАСТА ОЛИМ

*Таржимашунос олим, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, филология фанлари номзоди **Зухриддин ИСОМИДДИНОВ***

Бирон одам тўғрисида – унинг ҳаёти, ишлари ҳақида нимадир ёзмоқчи бўлиб, қоғозга қалам теккизган чоғингизда ғалати ҳол юз беради: ўша кишини кўпам яхши билмаслигингизни пайқаб қоласиз. У узоқ бир танишингиз эмас, ҳатто отангиз бўлса ҳам. Иккинчи ёқдан, энг керакли, муҳим гапни топа оламанми, топсам ҳам, ўшани одамларга етказиб айта оламанми, деган ҳадик ҳам ташвишлантиради. Хайрулла тўғрисида ҳам бир нималарни қоралашга киришаётиб, яна бир карра ўша ҳисни бошдан ўтказдим.

Ўрислар, бировнинг кимлигини яхши билиш учун бир пуд тузни бирга ейишинг керак, дейишади. Аммо ҳозирги замонда бир пуд нима экан, беш ботмон тузни бирга тотиб ҳам, кишининг дилидагини била олмаслигингиз мумкин. Ва, аксинча, шундай одамлар ҳам борки, бутун борлиғи: юзидаю, сўзида мана мен, деб акс этиб туради, шу сабаблимикин, бошқалар оҳанрабога тортилгандай бўлиб уларнинг теварагидан нари кетмайди. Мен Хайруллани ана шундай дили-ю тили, ўзию сўзи

бир одамлардан, деб биламан. Қачон, қай кунда танишганмиз – эсимда ҳам йўқ, ҳар доим танигану билгандекман.

Қирғизларда: “Кыз кыялдуу кылтындап, жакшы ат камчы салдырбайт, Жакшы адамдын белгиси – көңүлүңды калдырбайт» (Қиз сингари ўйноқлаб, Яхши от қамчи солдирмас, яхши одамнинг белгиси – кўнглингни қолдирмас), деган бир мақол бор. Хайрулланинг биринчи белги-фазилати, менимча, ҳеч қачон бировнинг кўнглини қолдирадиган иш қилмаслиги. Ҳамиша кўнглингизга қарайди, эркалик-инжиқлигингизни кўтаради, кулибгина туриб, муаммога ечим топади.

Иккинчи фазилати эса...

Мен ушбу китоб қўлёзмасини – филология фанлари доктори Хайрулла Ҳамидов ҳақида ёзилган ўн бешта мақола охирига илова этилган библиографияни кўриб, анграйиб қолдим – бу одам эртаю кеч талабаларга дарс беришдан ортиб, санаса бармоғингиз етмайдиган ададда китобу дарсликлар, қўлланмалар тайёрлаган, уч юздан ортиқ илмий мақола ёзган, ўнлаб китобларни таржима ҳам қилган экан! Чамаси, биз ўқиган даврда мактабда ҳар бир болага ёдлаттирилган “Ўқиш, ўқиш ва яна ўқиш” деган шиорни Хайрулла ўзи учун “Меҳнат, меҳнат ва яна меҳнат”, дея қабул қилган кўринади. Олим ҳақидаги бу китобча матнининг роса 30 бетини (40 %) Хайрулла ёзган асарлар библиографияси ташкил этиб турибдики, бу олимни тавсиф этиб яна 15 киши дилсўз битса ҳам, ана шу салобатли библиографиянинг ишини қила олмайди. Меҳнаткашлик Хайрулланинг табиатига айланган.

Демак, кўнгилчанлик ва меҳнаткашлик. Гарчи, булар ҳар кимга ҳам муяссар бўлавермайдиган фазилат бўлса ҳам, ҳеч кимда топилмайдиган, алоҳида феномен даражасидаги хислатлар эмас. Бошқа яна кимдир ҳам кўнгилчан, меҳнаткаш бўлиши мумкин. Бироқ давр Хайрулланинг айнан шу икки хислатига эҳтиёж сезди ва олим, ўзи мўлжаллаб қўйган бошқа бир талай режаларини четга суриб туриб бўлса ҳам, яна икки катта ишни амалга оширди: булардан биринчиси – ўзбек таржимашунослигига тамал тошини қўйган, бу фанни ўзбек филологиясининг алоҳида бир тармоғига айлантирган Ғайбулла Саломов, Жуманиёз Шарипов каби устозларнинг асарлари матнига давр тақозоси билан киритилган ҳар хил советизмларни гуручдан курмакни ажратгандек бирма-бир “териб ташлаб”, бошқатдан чоп эттирди,

уларни яна илм-фан хизматига қўйди. Айнан Хайрулланинг масих каби “силаб-сийпалаш”ларидан кейин бу китоблар яна тирилди, яна илм-фан хизматига камарбаста бўлмоқда. Ғайбулла Саломовга, Жуманиёз Шариповга шогирдлик даъвосида бўлган кўп аҳли фазллар эса ҳайрат бармоғини тишлаб қолабердилар.

Иккинчи муҳим иши эса унинг туркология соҳасида етакчи мутахассислардан бирига айланиши бўлди. Асли, рус тили ва адабиёти муаллими эди-да. Аммо давр эҳтиёжини ҳис этиб, таржималар яна авалгидай фақат рус тилидан ва рус тили орқали эмас, балки бевосита барча тиллардан, биринчи навбатда – қардош туркий тиллардан амалга оширилишини ўз вақтида пайқаб, ҳам илмнинг, ҳам амалиётнинг бу соҳасига катта ҳисса қўшиб келаётибди. Турк тилидан ўзбекчага, ўзбек адабиёти намуналарини турк тилига ўгиришнинг ҳам амалий, ҳам илмий жиҳатларини ривожлантириш бўйича қилган ишларининг ўзи келгусида кўплаб тадқиқотларга мавзу ва материал бўлгудек.

Шу аснода мен Хайрулла Ҳамидов таржима қилган бир асар тўғрисида икки оғиз тўхталиб ўтсам. Бу турк ёзувчиси Яшар Камолнинг “Севги афсонаси” (туркчаси: “Оғритоғ афсонаси”) деган асари эди. Бу романда сентиментал саҳналар бисёр, аммо ҳар қандай бадиий асардан кутиладиган асосий нарса – китобхон қалбини юмшатиб, унга олижаноб туйғулар бахш этадиган катарсис ҳодисаси тўла-тўқис амалга ошган.

“Севги афсонаси”да воқеалар кўп эмас, улар тифиз ҳам эмас. Асарда Оғритоғ (Арарат) этагида жойлашган Куп кўли атрофида чўпонларнинг ҳар йил баҳорда ҳали қуёш чиқмасдан сибизгада “Оғритоғ ноласи”ни чалишлари айтилади. Бу нола қуёш чиқишидан бошланиб, уфққа бош қўйгандагина ниҳоясига етади. Кун ботиши билан эса қордай оппоқ, бармоқдай келади-ган митти бир қушча кўл узра чарх ура бошлайди. У кўлнинг мовий сувига бир қанотини уч маротаба теккизиб ўтади. Қушча ғойиб бўлгач, у ердан жимгина узоқлашадилар. Мана шу тасвир романда бир неча маротаба такрорланади.

Хўш, бу сирли тасвир зимнида не ҳодисотлар бор?

Яшар Камол “Севги афсонаси” романида Оғритоғ (Арарат тоғи) этакларида яшаган халқларнинг ҳаёт тарзи, маҳаллий аҳолининг тарихий қадриятлари, урф-одатлари, халқларга оид афсоналардан усталик билан фойдаланган. Асарда ҳикоя қилинган воқеа-ҳодисаларнинг баъзилари афсона эмас, балки тарихда юз бер-

ган воқеалар бўлиб, адиб уларни романга моҳирона сингдира олган. Ҳозиргача қирқдан ортиқ тилга ўгирилган ушбу асар киши руҳиятининг энг нозик торларини чертиб ўтади. Бироқ бу шунчаки сентиментал бир роман бўлмай, унинг марказида “ҳокимият ва халқ” муаммоси туради.

Асар бошида бир чўпон йигитнинг ҳовлиси олдига ажаб келишган, эгар-жабдуғи башанг бир от келиб тўхтади. Наридайда салар ҳам, яна қайтиб келаберади. Оғритоғ элининг удумига кўра, ўз оёғи билан келган от асл эгасига ҳеч бир ҳолатда қайтариб берилмасди. Энди бу от уники, ҳатто эгасига ҳам бериб юбориш мумкин эмас. Аммо шундай хоназот отдан хабар топган вилоят ҳокими унга оғиз солади, чўпон эса отни яширади, чунки бу олчоқлик, номуссизлик бўлар эди. Ҳоким ҳеч қўймагач, узоқларга бош олиб кетади. Асарда ўз муҳаббатини Маҳмудхондан ҳимоя қилган Аҳмад билан Гулбаҳорнинг аччиқ қисматлари ҳақида ҳикоя қилинади.

Бундай асар таржимасига қўл урган таржимон зиммасига жиддий масъулият юкланиши табиий. Романни турк сўз санъатининг бир талай намуналарини она тилимизга, ўзбек адибларининг асарларини туркчага ўгириб, етарли малака ҳосил қилган туркшунос мутахассис, филол.ф.д. Хайрулла Ҳамидов таржима қилгани шу ўринда айни муддао бўлган. Мақсадимиз уни бир бошдан таҳлил қилиш эмас, балки унинг баҳонасида бир-икки фикр айтиш бўлганлигидан, мутаржим сўзма-сўз эмас, лозим ўринларда ўзбек китобхони учун зарур бўладиган “қистирма”ларни ҳам ўринли қўллаганини далиллаш учун иккита мисолни тақдим этиш билан чекланамиз.

Аслият: *“Atın sahibi bey de olsa, paşa da olsa, Osmanlı Padişahı, Acem Şahı da olsa, Köroğlu da olsa, kelleni verir de bu atı veremezsin. Ve hem de veremeyiz”*. Таржимаси: *“Майли, отнинг собиқ эгаси бей бўладими, пошшоми, Усмонли султони ёки Ажам мулкининг ҳукмдори бўладими, Гўрўғли бўладими, бошингни ўртага қўясан, аммо отни эгасига қайтариб бермайсан. Бу бизнинг одатларга тўғри келмайди”*. Роман охирида Аҳмад Куп кўлида афсонавий қалдирғоч каби нозик, кичкина қушга айланади: *“...küçük ak bir kuş gelip kanadını suyun som mavisine batırır. Ve sonra da bir atın kapkara gölgesi gölün üstünden gelir geçer”*. Таржимаси: *“...шунда кичкина оппоқ қушча учиб келиб, қанотларини мовий зилол сувга теккизади ва яна юқорига парвоз қилади.... Сўнгра бир қўнғир отнинг қоп-қора кўланкаси қўл устидан учиб ўтгандай бўлади”*.

Юқорида таъкидлаб ўтдик, асарда ана шундай тахайюл ме-
васи бўлган тасвирлар бисёр. Уларни ўз романтикаси, хулёвий
руҳи билан ўзбек китобхонига тақдим этиш учун алоҳида ма-
ҳорат, сўз бойлиги лозим. Х.Ҳамидов бунинг уддалай олганини
кўрдик – таржима матнининг ҳеч бир ўрнида қоқилиш, китоб-
хонни тараддудга солиб қўядиган жумлалар йўқ. Турк адабиёти
ниҳоятда бой, унинг ўзбек китобхони ўқиши шарт бўлган асар-
лари сон-саноқсиз. Шу маънода, Хайрулла домла Яшар Камол-
нинг ушбу асарини танлаб ўгиргани – айтиш муддао бўпти.

Чўлпон бир таржимасига ўзи ёзган сўзбошида “нафис асар-
ларни бир тилдан иккинчи тилга ағдариш жуда оғир бўлади.
Айниқса, ишланган тилдан ишланмаган тилга”, деб кўрсатган
эди. Биз ҳозиргача асосан рус тилидан таржимага андармон бў-
либ, шу тилдан ўгириш принципларини яхши эгалладик. Бироқ
бошқа қайси тилдан ўгиришга киришсак, тилимиз ўша онда,
“ишланмаган тил” ҳолига тушади. Бунинг давоси битта – кўп
тиллардан бевосита ўгиришни йўлга қўйиш, ҳатто жуда яқин
бўлган турк тилидан ҳам рус тили орқали таржима қилиш каби
даққиюнусдан қолган амалиётга барҳам беришимиз, бу йўлда
ўз таржималари орқали туркий тиллардан бевосита ўгириш-
нинг сир-синоатларини инкишоф этиб бораётган Хайрулла ва
унинг орқадошларига таҳсин айтишимиз керак, албатта.

Киши олмиш ёшини шунча илмий ва амалий натижалар би-
лан кутиб олса, қандоқ яхши! Умрнинг бу палласи санъатнинг
бошқа турлари – рақс, созандалик, ҳайкалтарошлик, хонандалик
кабилар учун биров хорғинлик ва толғинлик даври бўлади, дей-
дилар, аммо ёзувчи, олим, шоир ва таржимон учун айтиш камолга
етган давр деб ҳисобланар экан. Илм соҳасида тўплаган қарашла-
ри ва принципларини, сўз қўллашдаги тажрибаларини татбиқ
этадиган ёшга кириб келаётган Хайрулла инимизга аванс тариқа-
сида айрим ҳавойи тилаклар билдиришдан қочиб, биргина иста-
гимизни айтиб қутлагимиз келади – шу йўлда давом этинг, ҳами-
ша шундай сермахсул бўлинг, ҳормай-толмай кейинги бир талай
ўн йиллик юбилейларга етинг, ўшанда гаплашамиз, иншооллоҳ!

*Tarjimashunoslar forumi – 2023. Translation Forum – 2023
(Xalqaro ilmiy-amaliy anjuman materiallari).
– Toshkent: TDSHU, 2023. – B.319-322.*



ФИДОЙИ ОЛИМ

Профессор *Адҳамбек АЛИМБЕКОВ*

*Хоҳлайсанки, замона сендин бўлсин шод,
Ҳеч бир дилга ғам еткизма умрбод.
Лекин ҳаргиз тўғри сўздан тоймагин,
Майли, сендан бутун олма деса дод.*

Абулқосим Лоҳутий

Хайрулла Ҳамидов ҳақида ўйлаганимда камтарин, ишига масъулиятли, дўстларга садоқатли инсон кўз олдимга келади. Исмои жисмига мос хайрли ишларни хуш кўрувчи заҳматкаш олим сиймосини тасаввур қиламан. Мен Хайруллани ўттиз йилга яқин вақт давомида билсам, уни бирор марта нимадандир нолиганини эшитмаганман. Биз кўпроқ турк адабиёти ва қилаётган ишларимиз тўғрисида гаплашардик. Ҳаётини мавзуларда кўп суҳбатлашганмиз. Хайруллада ўзига хос юмор бор. Ҳеч кутилмаганда ўхшатиб аския қилиши, ё ўрнини топиб туркларда мана бундай мақол бор, дея суҳбатдошига жўяли жавоб қилиши мумкин.

Хайрулла педагогик фаолиятини ижодий иш билан баробар олиб бораётган олимлардан. У айни пайтда Умар Сайфуддин, Холида Адиб Адивар, Саид Фоик, Азиз Несин, Яшар Камол каби турк адибларининг таржимони сифатида ҳам таниқли. Хайрулла Ҳамидов Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг фаолларидан. У уюшмада “Таржима кенгаши”нинг аъзоси.

Унинг ўзбек адибларининг туркча таржималари хусусидаги илмий тадқиқотлари, умуман таржимашунослигимизга оид ишлари ўз салмоғига эга. Ўнлаб китобларини санаб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Аммо бир савобли ишини алоҳида таъкидлаш керак. Таржимашуносларнинг устози филология фанлари доктори, профессор Ғайбулла Саломовнинг (Ғайбулла ас-Салом) 1966 йилда нашр этилган “Тил ва таржима” номли монографияси ва 1978 йилда нашр этилган “Таржима назариясига кириш” номли дарслиги ҳамда таржимашунос олим, адиб Жуманиёз Шариповнинг 1965-йилда нашр этилган “Ўзбекистонда таржима тарихидан” деб номланган машҳур монографиясини бугунги кун нуқтаи назаридан таҳрир қилиб нашр этгани ва бу китобларнинг янги авлод илмий ва ўқув адабиётлари сифатида олий таълимга жорий қилингани. Собиқ шўролар даврида ёзилган асарлар маълум маънода таҳрир қилиниши табиий. Муҳими Ғайбулла Саломов ва Жуманиёз Шарипов устозлар-

нинг илмий меросини бутун мазмун моҳияти билан илм толиб-ларига етказилиши.

Мен Хайруллага кўп маротаба қачон илмий ишини ҳимоя қилишини сўрар, вақтида диссертациясини ҳимоя қилиб олишига тилакдош бўлиб рағбат беришни истар эдим. У бўлса анча вақт бу масалага бепарво қараб юрди. Аммо бир шиддат билан қисқа вақтда диссертацияларини ҳимоя қилиб, филология бўйича фалсафа доктори сўнг эса филология фанлари доктори илмий даражаларини олди. Бу Хайрулланинг қилган ишларини муносиб акс садоси бўлди десам адашмаган бўламан. Ундаги талабаларга бўлган меҳр, куюнчакликни алоҳида таъкидлаш керак. У талабалар билан ишлашдан оғринмайди, ёрдамини аямайди. Илмий ишларини ҳам, бадий таржималарини ҳам китоб қилиб талабаларга тарқатишдан завқ олади. Бу ишдан у ҳечам чарчамайди.

Хайрулла Ҳамидовнинг яна бир жиҳати у ҳеч қачон мансаб кетидан қувмади, аммо “амал курсиси” уни излаб юради. У кафедра мудирини бўладими, магистратура бўйича деканми ёки университет касаба уюшмаси раиси вазифасида фаолият юритадими, доимо ўзлигини унутмади. Дўстларга, атрофидагиларга ҳамиша бирдек муносабатда бўлди. Шунинг учун ҳам университетда унинг ҳурмати баланд.

Хайрулланинг ўзига ярашган жиндай ўжарлиги бўлса-да, шу вақтга қадар бирор кишининг дилини оғритганини билмайман. Хайрулланинг оиласи том маънода зиёлилар оиласи. Хайрулла фарзандларида ҳам илмга меҳр уйғота олган оила бошлиғи. Ўз соҳасининг билимдон фидойиси бўлган моҳир педагог, таржимон, созанда, тўғри сўз Хайрулла дўстимга узоқ йиллар талабаларга маърифат улашиб юриш насиб этсин. Янги таржима асарлари билан китобхонларни қувонтирсин. Ҳар соҳада омадлар ёр бўлиб, соғ-саломат юришини тилаб қоламан.

*Tarjimashunoslar forumi – 2023.
(Xalqaro ilmiy-amaliy anjuman materiallari).
– Toshkent: TDSHU, 2023. – B.323-324.*



МЕҲНАТИ БИЛАН ЮКСАЛГАН ОЛИМ

Филология фанлари доктори, профессор Қудратулла ОМОНОВ

Тошкент давлат шарқшунослик университети мисоли бир катта боғ. Бу маскандан Турку форс, араб гулларини ҳам, япону корейс чечакларини ҳам, ҳинду хитой анвойи ўсимликларини ҳам, қўйинки, барча шарқ элларининг ўз ифориға эға боғу бўстонларини топасиз. Бу боғларнинг ҳар бирининг ўз боғбони бор. Турк бўстониининг боғбонлари ҳам бисёр. Улардан бири Хайрулла Ҳамидов домла бўладилар. Хайрулла ака қарийиб 30 йилдан ортиқ йигитлик ва етуклик паллаларини турк тили, турк фразеологияси, таржимашунослик масалаларига қаратдилар ва ҳозирда замонавий турк тилининг катта билимдони, етук таржимашунос мутахассис ўлароқ ном қозондилар.

Мени Хайрулла Худоёровчини таниганимға 20 йилдан ошди. Бу йиллар давомида Хайрулла ака кафедра ўқитувчиси пиллапоясидан профессор пиллапоясига қадар бўлган фаолият йўлини қандай машаққатлар билан босиб ўтганини узоқ йиллар бир кафедрада елкама-елка ишлаб жонли шоҳиди бўлганман. Шу жиҳатдан ҳам Хайрулла ака ҳақида узоқ гапиришим, ёзишим мумкин. Лекин ҳозир сўзни қисқа қилиб, у кишини ниҳоятда муҳим бир жиҳатлари – меҳнатсеварликлари ҳақида тўхталсам.

Хайрулла Ҳамидов туғма меҳнатсевар. Бугун Хайрулла ака нимаға эришган, нимани топган, қандай китоблар чиқарган бўлса, буларнинг бари унинг меҳнаткашлиги орқасидан келган. Нима иш бўлишидан қатъий назар ҳеч қачон у ишни ортға ташлаб қўймайди. Ўша ишни битирмагунча тинчимайди. Бу иш бирор анжуман ўтказиш билан боғлиқми ёки бирор ўқув қўлланмани ёзиш биланми ёки пахта даласидаги ишларми, хуллас, қўйинки, ҳар қандай фаолиятда у кишининг меҳнаткашликлари, вақтни беҳудаға зойе этмасликлари сезилади. Кузатганларимдан бир мисол.

Хайрулла ака ҳар қандай йиғин, мажлис, анжуман ёки суҳбатға доим ўз ноутбуки билан келади. Узоқ чўзилиб кетадиган бундай йиғинларда тинч турмайди. Ноутбукини чиқариб йиғин давомида бирор бир мақоласи устида ишлайди ёки бирор бир ўқув қўлланмасини таҳрир қилаётган бўлади. Ҳеч бўлмаганда бирорта асар таржимасини сайқаллаштириб ўтиради. Қачон кафедраға кирсангиз ҳам айна манзараға дуч келасиз. Хайрулла ака ўз ноут-

букида бирор матн қоралаётган ёки таҳрир қилаётган бўлади. Столда, албатта бир чойнак иссиқ чой дамланган ҳолда туради. Хайрулла домланинг доимий ҳамроҳлари: ноутбук ва кўк чой.

Хайрулла аканинг ана шу меҳнаткашликлари ва вақтнинг қадрига етишлари эвазига ўнлаб ўқув услубий қўлланмалар, юзлаб мақолалар, монография ва таржима китоблар дунёга келган ва келмоқда. Бу айтганларим Хайрулла аканинг қиёфа-сидаги бир чизги, холос. У киши бундан ташқари ниҳоятда яхши ҳофиз ва созанда, оилапарвар ота, яхши уста ҳамдирлар. Хайрулла Ҳамидовнинг бу қирраларини кейинги қутлуғ ёшларида ёзишни ният қилиб, ҳозир у кишининг муборак ёшлари билан чин кўнгилдан табриклайман. У кишига узоқ, серҳосил умр, соғлиқ-омонлик, фарзандлар, набиралар ва шогирдлар камолини кўриб юришларини тилаб қоламан.

Tarjimashunoslar forumi – 2023.

Translation Forum – 2023

(Xalqaro ilmiy-amaliy anjuman materiallari).

– Toshkent: TDSHU, 2023. – B.327-328.



УЗОҚ УФҚЛАРНИ КЎЗЛАГАН ЖОНКУЯР ОЛИМ

Филология фанлари доктори, профессор Шоира УСМАНОВА

Заҳматкаш таржимашунос олим Хайрулла Ҳамидов билан 2014 йилда танишганмиз. У киши билан танишишимиз жуда қизиқ бўлган. Ўша пайтда Хайрулла ака Тошкент давлат шарқшунослик институти “Таржима назарияси ва амалиёти” кафедраси мудири лавозимида ишлар эдилар. Гарчи, Хайрулла ака билан илгари юзма-юз кўришмаган бўлсак-да, улар мени сиртдан, яъни тилшунос олима сифатида яхши танир эканлар. 2013 йилнинг кузида уларнинг ўзлари пахта далаларида бўлиб, мени кўрмасдан, кафедрада ишлашга тавсия қилганлар. Ўшанда мени ТДШИга келишимга кўпчилик қарши бўлган ва мен ҳақимда турли “миш-миш”ларни уйдиришиб Хайрулла акадан кафедрага ишга олмасликни сўрашган. Лекин Хайрулла ака бундай гап-сўзларга зиғирча ҳам парво қилмай: “Мен Шоира Усмо-

новани шахс сифатида яқиндан танимасам ҳам, яхши олима сифатида танийман. Унинг кафедрада ишлаши кафедра, қолаверса, институтнинг ривожланишига катта ҳисса бўлиб қўшилишига ишонаман” деб ўз фикрларида қатъий турганлар. Шундай қилиб, 2014 йилнинг 2-семестрида “Таржима назарияси ва амалиёти” кафедрасида ўриндошлик асосида профессор вазифасини бажарувчи лавозимида иш бошладим (у пайтда ЎзМУда асосий штатда ҳам ишлар эдим). Устоз билан биринчи марта кафедрада кўришдик ва бир умрга қадрдон бўлиб қолдик.

Хайрулла ака кафедрани талабчанлик ва қаттиққўллик билан бошқарган бўлсалар-да, лекин талабаларга, шогирдларга жуда меҳрибон устозлар. Кафедрдаги ўқитувчиларни кичкина ва чоғроқ хоналарига эрталабдан кечгача ўтиргизиб қўйиб, ишлашларини талаб қилар эдилар. Кафедранинг аксарият ўқитувчилари аёллар, келинлар бўлгани учун бундай тартиб-интизомдан баъзан нолиб қолганларида, Хайрулла ака ҳазиллашиб: “Бундан қутулишнинг ягона йўли – декретга чиқиш” дер эдилар. Энг қизиғи, ўша даврда айрим аёл ўқитувчилар ҳақиқатан ҳам Хайрулла аканинг “тавсия”ларига амал қилиб декрет таътилига чиқиб кетишди!!!

Мен ўриндош бўлганим учун ҳафтада 2 кун ишга келардим. Менга ҳам кечгача ўтириб ишлайсиз дер эдилар. Хуллас, кафедрада иш ҳаёти қизғин бўлар, жамоада эса аҳиллик ҳукм суради. Кафедр жамоасининг иноқлиги, бир-бирига меҳрибонлиги, одоб-ахлоқи менга қаттиқ таъсир кўрсатди. Бу жамоани ёқтириб қолдим. Лекин Миллий университетда ҳам, хорижда ҳам эркин ишлаб юрганим учун мен бу ердаги қаттиққўлликни сингдира олмасдим. 2-семестрни якунлагач, Хайрулла ака менга “Таржима назарияси ва амалиёти” кафедрасига асосий штатга ўтиб, шу ерда қолиб ишлашни таклиф қилдилар. Табиийки, “йўқ” дедим. “Сиз ўриндошликда мани шунча ишлатдингиз, асосийга ўтсам қандоқ ишлайман” дедим. Шунда Хайрулла ака ёнимга ўтириб менга ётиғи билан тушунтира бошладилар: “Кафедрда жуда яхши фаолият олиб бордингиз. Мутахассислик фанларини жой-жойига қўйдингиз, дарсларни яхши олиб бордингиз. Кафедр ҳужжатларини ҳам тартибга солишда катта ёрдам кўрсатдингиз” дедилар. Ўшанда Хайрулла ака илмий даражалари бўлмаганлиги боис, кафедра мудирлигини топширишлари кераклигини айтиб, “Сиз нафақат яхши

тилшунос, балки яхши таржимашунос олимасиз. Кафедра йўналиши ва ҳужжат ишларини ҳам жуда яхши тушунасиз. Шунга кафедранинг ўзингиз олиб, бошқарсангиз. Сизга жуда ўрганиб қолдик. Қисқа вақтда шунча иш қилдингиз. Агар сиз кетсангиз, кафедранинг ички моҳиятини тушунмайдиган бошқаси келиши мумкин. Мен ўзим сизга ёрдам бераман” дедилар. Хуллас, у қилиб, бу қилиб кўндирдилар. Шундай қилиб, 2014-2015 ўқув йилидан “Таржима назарияси ва амалиёти” кафедрасининг мудири лавозимида иш бошладим.

Кафедра мудири бўлиб ишлаган давр ичида Хайрулла ака менга жуда кўп ишларда ёрдам бердилар. Ҳар доим мени қўллаб-қувватлаб, ёнимда бўлдилар. Кўп ишларни бирга амалга оширдик. Кафедра ҳужжатларини янгилашдан бошлаб, илмий лойиҳалар устида ишлаш, кафедрада янги йўналишлар, мутахассисликлар ва ихтисосликлар очиш, илмий салоҳиятни ошириш, хорижий алоқаларни ривожлантириш, турли тадбирлар, анжуманлар, семинарлар, форумлар ўтказиш, ўқув адабиётлари, монографиялар, тўпламлар нашр қилишда доимо ҳамкорлик қилдик. Кўплаб шогирдлар етиштирдик, илмий мактаб яратдик.

Кафедра фаолиятининг дастлабки йиллариданоқ унинг таркибига малакали кадрларни жалб қилишга алоҳида эътибор берилди, илк бошдан юқори даражали малакали профессор-ўқитувчилар таркиби шаклланганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Республика таржимашунослари ва ижодкор жамоатчилигининг эътирофига кўра, ТДШУ “Таржимашунослик” кафедраси Ўзбекистондаги турдош муассасалар ичидаги энг кўзга кўринган ўқув ва илмий марказлардан бири ҳисобланиб, ўтган қисқа давр ичида таржимашунослик ва амалий таржима соҳасида фаол илмий ва таржимачилик фаолияти билан ўзини намойён қила олди.

Яна шу нарса таҳсинга сазоворки, бугунги кунда кафедрада педагогик ва илмий-тадқиқот фаолиятларини олиб бораётган профессор-ўқитувчилар, мутахассисларнинг 60 %идан ортиғи шу кафедра ва турдош кафедралар мутахассисликларини битирган ёшлар ҳисобланади.

Ўрни келганда бундан йигирма йилча муқаддам, чамаси 2000 йилларда Миллий университетда ишлаб юрган кезларимда Шарқшунослик институтидан бир ўқитувчининг (фамилияси эсимда қолмаган эди) “Турк тили”дан ўқув қўлланмасини

менга эксперт хулосаси ёзишга беришган эди. Ўқув қўлланмани ўқиб чиқиб, “тепа сочим тикка” бўлди. Ўқув қўлланмани “лолазорга айлантириб”, бор захримни сочиб, “Бу китоб қайта ёзилиши керак” деб хулосамни яқунладим. Тез орада хорижга жўнаб кетдим. “Таржима назарияси ва амалиёти” кафедрасига мудир бўлганимдан икки йил кейин бу ўқув қўлланманинг муаллифи Хайрулла Ҳамидов эканлигини билиб қолдим. Шунда Хайрулла акадан: “Мендан шунча жабр кўрган экансиз, қўлланмангизни йўққа чиқарган эканман. Нега мени кафедрада ишлашга тавсия қилдингиз? Нима учун ўрнингизга мудир қилдингиз? деб сўраганимда, у киши: “Сизни жуда яхши олима сифатида сиртдан танир ва жуда ҳурмат қилар эдим. Қатор илмий ишларингизни ўқиб чиққанман. Ўқув қўлланмамни тўғри танқид қилгансиз. Мен бу танқидни ўзим учун сабоқ деб қабул қилдим. Кейинроқ уни тавсияларингиз асосида қайта ёзиб, камчиликларини тузатиб, 2006 ва 2011 йиллар қайта-қайта нашр қилдим. Сизга катта раҳмат” деб жавоб қилдилар. Жуда таъсирландим, Хайрулла устознинг бағрикенглигига, тантилигига, мардлигига тан бердим. Бу воқеа мен учун бир умрлик сабоқ бўлиб қолди.

Хайрулла ака ва мен кафедра мудирини бўлиб ишлаган йилларимизда кафедрада ягона эркак устоз Хайрулла ака эдилар. “Товуқларнинг катагида битта хўроз бўлади” деб, институтнинг бошқа эркак устозларини умуман кафедрага йўлатмасдилар. Биз аёллар ҳам ўзимизни хавфсиз ва ҳимояланган ҳис қилиб хурсанд бўлардик. Яна бир муҳим жиҳат: кафедрада институтнинг энг гўзал аёл устозлари ишлашларига қарамай, Хайрулла ака ҳеч қачон, ҳеч бир аёл ўқитувчига кўз қири билан қарамаганлар. Уларнинг бирига “синглим”, бошқасига “қизим” деб, доимо ғамхўрлик қилиб келмоқдалар. Айниқса, 8 мартда бечора Хайрулла акага жуда қийин бўларди-да! Халқаро хотин-қизлар кунида биз аёл устозлар учун эрта тонгдан келиб, тўкин дастурхон тузардилар. Келинойининг қўллари жуда ширин бўлгани учун ҳар доим сархил таомларни уларга тайёрлатиб олиб келардилар. Яна ҳаммамизга бир ўзлари совға ҳам берардилар. Бу анъана ҳозир ҳам давом этмоқда, лекин эндиликда кафедрада эркак устозлар анча кўпайиб қолган.

Хайрулла акадаги яна бир муҳим фазилат у кишининг меҳнаткашлигидир. Ахир Хайрулла акадек бир ойда иккитадан китоб ёзиб нашр қиладиган мард борми? Ҳар университет Кенга-

шида Хайрулла Ҳамидовнинг ҳеч бўлмаганда битта китоби нашрга тавсия қилинади. Мабодо Кенгашнинг бирон мажлисидаги тавсияларда уларнинг китоблари бўлмаса, Кенгаш аъзолари: “Ийе, Хайрулла аканинг китоблари йўқми бу гал?” деб ҳайрон бўлишади. Қўлларида ҳеч қачон ноутбуклари тушмайди. Қачон қарама-қарши, ҳар доим ишлаб, ижод қилиб ўтирадилар. Баъзан ҳазиллашиб: “Кечасиям ноутбукизи қучоқлаб ухласангиз керак” деб қўйишади.

Хайрулла аканинг яна бир ҳавас қилса арзийдиган жиҳатлари у кишининг комил инсон қиёфасидир. Тез фурсатда кетма-кет PhD ва DSc диссертацияларини муваффақиятли ҳимоя қилиб, илмий даража ва илмий унвонларга эришган бўлсалар ҳам, камсуқумлик ва камтарликни сақлаб қолдилар.

Хуллас, Хайрулла ака билан танишганимдан, бирга ишлаётганимдан, шундай инсон билан замондош бўлганимдан жуда бахтлиман. Таниқли олим, ҳурматли устозимиз, қадрдон акаимиз Хайрулла Ҳамидовни қутлуғ ёшлари билан муборакбод этаман!

Tarjimashunoslar forumi – 2023.

Translation Forum – 2023

(Xalqaro ilmiy-amaliy anjuman materiallari).

– Toshkent: TDSHU, 2023. – B.328-331.



АҚЛИ КИРГАН ОДИЛ ВА ЎЗИНИ ТАНИГАН ОРИФ КИШИ

Филология фанлари номзоди, доцент Эргаш ОЧИЛОВ

1

Афандини эшаксиз тасаввур қилиб бўлмаганидек, Хайрулла Ҳамидовни ҳам ноутбуксиз тасаввур қилиб бўлмайди. Чунки белидан носқовоғи тушмайдиган носкашдай у кишининг ҳам ҳамиша олдида ноутбук бўлади-да. Агар бирор ерга ноутбуксиз борса, ўзиям бир нарсасини йўқотгандай бўлаверса керак. Шунинг учун ҳам мен бу одамни ҳамиша ёнида ноутбуги билан тасаввур қиламан.

Халқимизда “Миришкор хотиннинг қўли чарх йигирар, оёғи бешик тебратар”, деган ажойиб мақол бор.

Ҳар бир мажлисда, ҳар бир тадбирда ноутбугини ёнига қўйиб олиб, ҳам ўзи иштирок этаётган анжуманни кузатиб ва эшитиб, ҳам ўзининг ёзув-чизувини қилиб ўтирадиган, я’ни бир вақтнинг

ўзида иккига бўлиниб ишлайдиган: кўзи ва қулоғи мажлис ёки тадбирдаю хаёли ва фикри қилаётган ишида бўлган Хайрулла Ҳамидов – ҳамма жойда, ҳар қандай шароитда ҳам илм қилиш мумкинлигининг ёрқин намунаси.

Бу – Баҳоуддин Нақшбанд талаб қилган анжуманда хилват қилишнинг айнаи ўзи! Зоҳиран анжуманда ўтиради-ю, ботинан илм осмонида парвоз қилади. Битта мажлис тугагунча битта илмий мақола ёки тақриз ҳам тайёр бўлади. Ҳазрат Али намоз ўқиётиб ҳам хаёлан аскарларини сафга тизар экан. Шунга ўхшаб, Хайрулла ака ҳамиша илмий-ижодий режаларга тўлиб тошиб юради ва юрган йўлида фикрлари ва кузатишларини қайд этиб боради. Менимча, бу одам кечаси ўринга кирганида ҳам ёнига нотбугини қўйиб ётса керак: хаёлига бирор фикр келса, ёки уйқуси қочса, шартта ўтириб ишлайверади. Худди улуғлар ёстиғининг ёнига қоғозу қалам қўйиб ётгандай.

Бу – омонат умрнинг ғаниматлигини теран англаган – ақли кирган оқил ва ўзини таниган ориф кишиларнинг йўли – бу тоифа инсонлар бир дақиқасини ҳам беҳуда ўтказмайди.

Хайрулла Ҳамидовнинг сермахсул ва серқирра илмий, ижодий, мураббийлик фаолиятининг илдизи шунда бўлса керак.

2

Худойи таоло баъзиларга ғайрат-шижоат, ижодий қувватни ўлчамай берган бўлади. Бу тоифа ҳамиша ижодий режаларга тўлиб-тошиб юради. Бу тоифа ишлаб сира чарчамайди. Яна ҳаммасига улгуришини айтмайсизми: дарс беришга ҳам, илм қилишга ҳам, ҳар турли тадбирларда қатнашишга ҳам, рўзғор ишларини бутлашга ҳам...

Мен ғайрат-шижоати чек-чегарани билмайдиган ва ҳамма нарсига улгурадиган тўрт кишини биламан ва ҳамиша уларга ҳавас қиламан: Маматқул Жўраев, Қаҳрамон Ражабов, Хайрулла Ҳамидов, Комилжон Раҳимов. Хайрулла Ҳамидов менинг назаримда фавқулодда меҳнаткаш ва заҳматкаш инсон.

Тасаввуфда тариқат йўлига кириб, Худо сари сайр қилаётган кишини сўфий дейди. Хайрулла Ҳамидов, таъбир жоиз бўлса, маърифат йўлининг сўфийси. Чунки сўфий Ҳақ йўлида икки дунёни назарига илмаганидек, бу бутун вужуди билан илму ижод одами ҳам изланиш ва яратиш йўлида икки дунёни унутган. Академик Наим Каримов бирда айтган эди:

– Ўқиш-ёзишдан бошқа нарсани билмайди, – деб одамлар бизнинг устимиздан кулишади. Бизнинг ўқиш-ёзишдан қанчалик хузур қилишимизни улар билмайдилар-да.

Хайрулла Ҳамидов ҳам умрнинг мазмунини, ҳаётнинг нашъасини ўқиш-ёзишда деб биладиганлардан.

Ўқиш, ёзиш, изланиш, таржима қилиш, тадқиқ этиш – бу илму ижод одами ҳаётининг мазмун-моҳиятига айланиб кетган.

У меҳнатсиз ҳаётини ҳатто тасаввур ҳам қилолмаса керак.

Мен аслитдан ҳалол меҳнати билан ўз ризқини топиб юрган киши борки, ҳаммасини ҳурмат қиламан.

Хайрулла Ҳамидов каби меҳнатдан бош кўтармайдиган, издиҳомларда ҳам қўлидан нотбуги тушмайдиган, ҳатто тушида ёзилажак мақоласининг тарҳини тузиб, кўз очиши билан ёзув столига ўтирадиган фидойиларга-ку сидқу ихлосим чек-чегарасиз!

3

Хайрулла Ҳамидовнинг ташкилотчилик фаолияти – алоҳида суҳбат мавзуи. “Таржима назарияси ва амалиёти” кафедрасига мудар этиб тайинлангач, у қисқа бир фурсатда кафедрани йўқдан бор қилди – уни университетнинг манаман деган кафедралари билан бўйлашадиган ўз ўрни ва мавқеига эга кафедрага айлантирди.

Таржимашунослик, бир томондан, нисбатан янги фан бўлгани, иккинчи томондан, кейинги йилларда эътибордан четда қолиб кетгани учун бу йўналишдаги дарслик ва қўлланмалар ниҳоятда тақчил, борлари ҳам совет даврида, қизил мафкура руҳида ёзилган эди. Шунинг учун у ишни кафедрани зарур адабиётлар билан таъминлашдан бошлади. Ўзбекистонда таржимашунослик бўйича йирик тақиқотлардан тортиб кичик мақолаларгача – нимаики нашр қилинган бўлса, барчасини излаб топди ва уларни компьютер хотирасига киритиб, таржимашуносликка оид адабиётларнинг бой электрон тизими – электрон кутубхонани яратди.

Бугина эмас. Қисқа бир фурсатда истиқлол даврида ижтимоий фанларда қарор топган янгича қарашлар асосида жаҳон андозаларига жавоб берадиган кўплаб янги авлод дарсликлар, ўқув қўлланмалари, услубий тавсияномалар, мақолалар ва таржималар тўпламларининг дунёга келишига бош-қош бўлди ва уларнинг катта қисмига ўзи муаллифлик қилди. У ҳозирги турк тили ҳамда таржимашуносликка оид 10 дан зиёд монография ва рисола, 20 га яқин дарслик, ўқув ва ўқув-услубий қўлланма, изоҳли луғат ва хрестоматиялар муаллифидир. Унинг турк тили фразеологияси ҳамда таржимашуносликка бағишланган 200 дан ортиқ

илмий мақоласи Ўзбекистондаги илмий журналлар, тўпламлар, халқаро ва республика конференциялари тўпламлари, Туркия ва бошқа мамлакатлардаги нуфузли илмий журналларда чоп этилган.

Кафедра профессор-ўқитувчилари ва мутахассислари томонидан 10 йил ичида 100 атрофида турли ўқув, ўқув-услубий ва илмий адабиётлар нашр этилди. Жумладан, Шарқшунослик университетида 2012–2014 йилларда амалга оширилган “Ўзбек адабиёти намуналарини шарқ тилларига таржима қилишнинг назарий ва амалий масалалари” мавзuidaги илмий-тадқиқот лойиҳаси доирасида мен нақ 6 та китоб: “Форсийдан ўзбекчага шеърий таржима муаммолари” номли монография, “Таржимашунослик терминларининг изоҳли луғати” ҳамда “Таржима назарияси ва амалиёти”, “Таржимашуносликнинг назарий масалалари”, “Бадий таржима масалалари”, “Таржима назарияси” каби ўқув қўлланмаларини ёздим ва уларнинг барчасини Хайрулла Ҳамидов машаққат чекиб нашрга тайёрлаганини биламан ва бунинг учун ундан бир умр миннатдорман. Бу китоблар йиллар давомида талабаларнинг таржима назарияси бўйича билимларини оширишга баҳоли қудрат хизмат қилиб келмоқда. Бу китоблардаги мақолаларимни нашрга тайёрлаш жараёнида Х.Ҳамидов ўзига хос очиловшунос бўлиб қолган. Бугина эмас. Олим умидли ёшларни топиб, танлаб, бутун бир таржимашунослар авлодини тарбиялаб етиштирди ва кафедранинг илмий ва педагогик салоҳиятини мустаҳкамлади.

Кучайиб, кенгайиб, ҳамма ҳавас қиладиган ва ҳисоблашадиган “Таржимашунослик ва халқаро журналистика” кафедрасининг ҳозирги даражага келишида кафедра асосчиси – Хайрулла Ҳамидовнинг хизматлари катта. Ҳозир ҳам у кафедранинг устози ва оқсоқоли, таянч устунни. Ҳамма у билан маслаҳатлашади.

Ҳамма унинг фикри билан ҳисоблашади.

– Бу масалага Хайрулла Ҳамидов қандай қарар экан?

– Бу муаммонинг ечими бўйича Хайрулла Ҳамидов қандай таклиф берар экан? Бунга Х.Ҳамидов нима деркин?–деб туришади.

Таъбир жоиз бўлса, ер ўз ўқи атрофидан айланганидек, бутун кафедра ҳам Хайрулла Ҳамидов атрофидан айланади.

Чинакам олимлик ва устозлик бахти шу – аслида!

Бундай юксак мақом ҳаммага ҳам муяссар бўлавермайди.

Ҳа, Хайрулла Ҳамидов ҳам Алишер Навоий каби кўксига уриб:

*Олам элидин кимга муқаррар бўлди. Бу мартабаким, манга муяссар бўлди?! –*деб фахру ифтихор қилишга ҳар жиҳатдан ҳақли.

Хайрулла Ҳамидов расмий қоғоз ва ҳужжатлар тайёрлашнинг пири дейиши мумкин. Бу жуда майда ва ўта сердиққат иш аслида кишини ҳолдан тойдириб, жонини суғуриб олади. Бир неча йил ЎзР. ФА Президиуми Ижтимоий-гуманитар фанлар бўлими илмий котиби бўлиб ишлаганим, ҳозиргача ҳам Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтидаги барча асосий хат ва ҳужжатлар менинг қўлимдан ўтиши туфайли бу ишнинг қанчалик оғир ва нозиклигини жуда яхши биламан. Аслида хат ва ҳужжатлар билан ишлаш ҳам бир истеъдод. Хат ва ҳужжатлар тайёрлаш ҳам бир санъат.

Чунки бу иш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди.

Чунки бу инжиқ ишга ҳамманинг ҳам тоқати йўқ.

Бир парча хатни эплаб ёзолмайдиганлар қанча!

Ўтмишда бу иншо санъати ҳисобланиб, унинг гўзал намуналари асосида алоҳида “Муншаот” (“Мактублар”) тўпламлари тартиб берилган. Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Абдулло Марворид каби улуғ адиблар ўзлари ёзган хатларни “Муншаот” номи остида алоҳида тўпламлар қилганлари бежиз эмас. Саройлар ва маҳкамаларда хат ва ҳужжатлар билан ишлайдиган кишилар – мирзолар-ку махсус тайёрланган. Бизда эса бундай кишиларнинг ўзлари лаёқатларига кўра ажралиб чиқадилар ва бутун оғирлик ўшаларнинг зиммасига тушади.

5

Менинг кимлигимни эл билса бўлди, – деб ёзган эди Омон Матжон.

Хайрулла Ҳамидовни ҳозир фақат Шарқшунослик университети жамоаси эмас, бутун республика, ҳатто Туркия илму адаб аҳли билади ва ҳурмат қилади. Илмий-адабий жамоатчилик, кенг талабалар аудиториясининг ҳурмат ва муҳаббатини қозонганининг ўзи унинг илмий-ижодий ва мураббийлик фаолиятига берилган муносиб баҳо эмасми?

Бундай ҳурмату эъзозга у ўзининг кўп йиллик муттасил машаққатли меҳнати билан эришди.

Истеъдод туғма бўлгани билан уни муттасил ва машаққатли меҳнат юзага чиқаради. Улуғ рус адиби Максим Горкий бежизга: “Истеъдоднинг тўқсон тўққиз фоизи меҳнат” – демаган эди.

Хайрулла Ҳамидов ҳам ўзида мавжуд лаёқат ва истеъдод қирраларини доимий меҳнати билан бирма-бир намоён этиб келмоқда. Бу одамни ўзининг ҳалол меҳнати элга танитди ва унга элнинг ҳурмат ва муҳаббатини олиб келди.

У ўрнини ҳам, обрўсини ҳам, ҳурматини ҳам, муҳаббатини ҳам, бахтини ҳам меҳнатдан топган бахтиёр инсон!

Сенга ҳавас қиладиганлар борлигининг ўзи қайсидир жиҳатдан улардан устунлигини кўрсатади.

6

Бир савдогар танишим: – Агарда мен қайта туғилсам, яна бозорчи бўлардим! – деган эди. Хайрулла Ҳамидов ўз касбини шунчалик яхши кўрадики, агар мўжиза юз бериб, унга иккинчи ҳаёт туҳфа қилинса, мен унинг яна ҳозирги касбини танлашига – мураббий ва мутаржим, тилшунос ва таржимашунос бўлишига тўла ишонаман! Фақат яна кафедра мудирлигини орзу қилишига ишонмайман. Чунки у илму ижод учун эркинликдан афзал имконият йўқлиги ва ҳаётнинг мазмун-моҳияти айнан илму ижодда эканлигини теран англаб етди. Дурдона асарлари билан дунёни забт этган донишманд Са’дий ҳам эришганларидан кўнгли тўлмай, армон ва ҳасрат билан айтган эдики:

*Ҳунарманд ва оқил кишига асли
Икки умр лозим бўлар дунёда:
Бирида тажриба ҳосил қилса-ю,
Бирида қўлласа уни зиёда.*

Афсуски, иккинчи умрга етишишнинг иложи йўқ. Шунинг учун ҳам ўзини англаб етган кундан бошлаб киши умрининг ҳар бир дақиқасини маъноли ўтказишга интилади.

Хайрулла Ҳамидов ҳозир айни ёшда ва худди шу мақомда. Унинг тиним билмай ишлаётгани ва янгидан-янги марраларни забт этаётгани худди шу омил билан изоҳланади.

7

Биз Хайрулла Ҳамидов билан ўн йилдан зиёд бир жамоада елкама-ёлка ишладик. Иш жараёнида кўп тадбирларда биргаликда қатнашдик, илмий-адабий гурунглари қурдик, ўзаро фикрлар алмашдик. Мана шу яқинлик, ҳамкорлик натижаси маҳсули бўлган у билан боғлиқ ба’зи ҳангомаларни бошқалар билан ҳам баҳам кўришни истадим.

Ҳаёт ва ижод. Хайрулла Ҳамидов тайёрлаган китобларнинг кўплигидан ҳайратга тушган Хуррам Раҳимов:

– Бунча ишга қандай улгурасиз-а? Нима, сизда рўзғор, болачақа йўқми? – деса, у киши жавобан:

– Менинг охирги фарзандим 2001-йилда туғилган. Илмий маҳсулотни эса 2002-йилдан бера бошлаганман, – дебди.

Фаросат. – Юринг, Хайрулла Ҳамидовнинг ошига бориб келайлик, – десам, Зухриддин Исомиддиновни таклиф қилмаган экан. Шунга қарамай:

– Мени айтмай қўйиши мумкин эмас–кимгадир тайинлаган бўлса кераг-у, унинг эсидан чиққан бўлса керак, – деб шерик бўла қолди. Эшикдан кириб борар эканмиз:

– Биз Эргаш билан қўшни яшаймиз, – деган эди ҳамки, тўй эгаси бир оғиз сўзи билан хижолатпазликни ювиб юборди:

– Шунинг учун ҳам мен сизни Эргашга тайинлаган эдим-да...

Туз ҳақи. – Менинг икки фарзандим ҳам Шарқшунослик институтида таҳсил олди – шунинг учун кеча-кундуз бу даргоҳнинг хизматини қилишга тайёрман, – дейди Хайрулла Ҳамидов. Туз ҳақини биладиган инсон экан.

Дардлашув. Хайрулла Ҳамидов билан бирга та’лим тизимидаги муаммоларни роса муҳокама қилдик. Хайрлашар эканмиз ҳазиллашдим: – Ҳа, майли, додимизга ҳеч ким етмаса ҳам, дардлашиб кўнглимизни бўшатганимиз қолади-ку.

Гўзаллик қудрати. – Нилуфар мудир сифатида кафедрани кўп хужумлар ва текширишлардан қутқариб келади, – деб миннатдор бўлган Хайрулла Ҳамидовга қўшимча қилдим:

– Шундай катта дунёни қутқарган гўзаллик биттагина кафедрани қутқаролмайдими!

Ҳозиржавоблик. Нилуфар туғилган кунида барча табрикларни эшитиб бўлгач, кафедра аъзолари ҳақидаги илиқ фикрлари, уларнинг қандай қилиб кафедрага келиб қолишлари тарихини роса бир соат давомида бутун тафсилотлари билан ҳикоя қилиб берди. Охирида ўзи ҳақида гап бошлаб:

– Мен Давлат хавфсизлик хизматига ҳам ишга кириш учун хужжат топширган эдим, лекин ўтолмагач, яна ўзим ўқиган Шарқшунослик институтига қайтиб келдим... – деган эди ҳамки, шу пайт телефони жиринглаб қолди.

– Кўрдингизми, у томоннинг қулоғи доим овда, – деб луқма ташлади шунда Хайрулла Ҳамидов.

Қиёсни қаранг! – Мен диссертация ҳимоя қилаётганимни бировга билдирганим йўқ, – деган эди Хайрулла Ҳамидов. – Чунки менинг ёшимдаги кишининг ҳимояси қариқизнинг тўйидай гап.

Ҳазинанинг харитаси. Ўзбек халқ эртакларидан маълумки, девларнинг жони тилла сандиқда сақланади. Мана шу сандиқни қўлга киритсангиз бўлди – тасаввурининг ўзи кишининг кўнглига қўрқув соладиган бу даҳшатли махлуқ билан курашиб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Бу ҳаёлий ваҳимали жонивор ипакдай эшилганча қўлини кўксига қўйиб: – Бизга нима хизмат? – деб туради.

Шунга ўхшаб, Х.Ҳамидовнинг ҳам жону жаҳони ўша кўримсиз ноутбугида. Камбағални урма, сўкма, тўнини йирт дейишади. Х.Ҳамидовга ҳам қасд қилган киши ноутбугини қўлга киритса кифоя – қўйган барча шартига кўниб, ўзи ўғрининг олдида боради. Чунки унинг бутун илму ижоди шу қора қутининг ичида-да.

Ҳурматли олимлар.–Мен 3 олимни ҳурмат қиламан: Алимулла Ҳабибуллаев, Эргаш Очилов ва Хайрулла Ҳамидовларни, чунки уларнинг хати бор, – деган бир мажлисда Абдурахим Маннонов.

Оқилона йўл. – Мен одамларнинг ўзим ҳақидаги фикрларини биламан, – дейди Хайрулла Ҳамидов. – Мени танқид қилишади, ба’зан соддалигимдан фойдаланиб алдамоқчи бўлишади, ҳатто устимдан ҳам кулишади, лекин мен парвосиз ўз ишимни қилиб кетавераман. – Сиз тўғри йўл тутар экансиз, – дедим буни эшитиб. – Одамлар ўзларидан бир қадам олдга ўтганни ҳасад қилиб кўз очиришмайди ўзи.

Табиийликка нима етсин! – Тайёргарлик кўриб сўзга чиқсангиз, расмий нутққа ўхшаб қолади, тасодифан гапирсангиз табиий чиқади, – дейди Хайрулла Ҳамидов.

Муаммолар силсиласи. Абдурахим Манноновнинг маслаҳати билан Хайрулла Ҳамидов тўртта китобини бирлаштириб, докторлик диссертацияси тайёрлабди. – Сиз олиб чиқаётган бу муаммоларнинг ҳар бири битта докторлик диссертацияси бўлади – бир-варакайига таржимашунослик учун ўта муҳим бўлган тўртта муаммони бир-бирига боғлаб, тўртта хоннинг ўртасида талаш бўлганга ўхшаб қолибсиз. – дедим ишини ўқиб чиққач.

Қоғозбозликлар. Бир куни Нилуфар Хўжаева ёрилиб қолди:

– Эргаш домланинг ҳар хил қоғозбозликларга тоб-тоқатлари йўқ. Шунинг учун ҳар ўқув йили бошланаётганда Хайрулла Ҳамидов: “Бу йил Очиловга дарс бермаймиз”, – деб туриб олардилар. Мен: “Устознинг билимлари талабаларга жуда керак”, – деб зўрға кўндираман. “Бўлмаса ҳужжатларини ўзингиз қиласиз”, – деб менинг бўйнимга қўйиб қўядилар...

Шу-шу у кишининг шарофати билан яна ишлаб кетдим. Ўрни келганда, мен билан боғлиқ дардисар қоғозбозликларни ўз зиммаларига олиб келаётганлари учун “Таржимашунослик ва халқаро журналистика” кафедрасининг аҳил ва танти илмий жамоасига ўзимнинг беқиёс миннатдорчилигимни билдираман.

Яхши кўрсаткич. Докторлик диссертацияси муҳокамасида Хайрулла акага ҳазиллашдим:

– Бу паст-баланд гаплар шу ерда қолиб кетади. Биз эртага унутиб юборамиз. Лекин сиз кераклисини олиб қолинг!

Мен Эргаш Очилов билдирган фикр-мулоҳазаларнинг етмиш фоизини инобатга олдим, – деди у диссертацияси муҳокамасида.

– Бу – мен учун яхши кўрсаткич, – дедим бу эътирофга жавобан ҳазиллашиб.

Қутлов. Мен 2021-йили “Меҳнат шуҳрати” ордени билан тақдирланганимда Хайрулла Ҳамидов кафедра каналига шундай қутлов сўзи ёзиб эълон қилибди: *“Эргаш Очиловга бундай мукофотнинг берилиши мамлакатимизда илм-фанга бўлган эътиборнинг ортаётганидан далолат. Энди умид қилса бўладиганга ўхшайди инсон меҳнати қадрлана бошлаганига”*.

Ишонч. Фан номзоди бўлсам-да, семинарда Хайрулла Ҳамидовнинг докторлик диссертациясига оппонент қилиб тайинлашибди.

– Кейин бирор гап чиқмасмикан? – деб эътироз билдирсам, Ихтисослашган кенгаш раиси Абдурахим Маннонов:

– Мен Эргаш Очиловни ҳар қандай фан докторидан устун қўяман! Бу масалада барча мас’улиятни ўз бўйнимга оламан! – деб жавоб берибди.

Эркинлик. – Докторлик диссертациясини ҳимоя қилиб олганимдан кейин эркин бўлиб қолдим – энди нимани хоҳласам, ўшани ёзаяпман, – дейди Хайрулла Ҳамидов.

Муболаға. Берилиб дарс ўтаётган эдим. Хайрулла Ҳамидов қолиб кетган курткасини олгани келди. – Бу домлаларинг – қомусий аллома. У кишидан оладиганларингни олиб қолинглар! Ким нима деса-десин, мен сизни Ўзбекистондаги энг кучли таржимашунос деб биламан, – деган эди ўзимга ҳам мақтаб.

Оҳорли ташбеҳ. Нилуфарнинг туғилган кунида: “Мен сизни фариштадай осмондан тушган деб юрганим учун ҳам туғилган кунингизни унутиб қўйиб, ҳаммадан кейин қутлаяпман-да”, – деб табрик хати жўнатсам, Хайрулла Ҳамидов айтади:

– Ҳамиша бир оҳорли фикр ёки ташбеҳ топиб юрасиз-да. Бу ўхшатишингиз ҳам ҳаммаёқда дув-дув гап бўлиб кетди.

Овоз залвори. – Бир куни бир домла Х.Ҳамидов дарс ўтаётган аудиторияга кириб келади. У иккита магистрантга дарс ўтаётган бўлади. “Сиз шу икки талабага шунча бақиряпсизми?.. Агар мумкин бўлса, овозингизни сал пасайтирсангиз”, – деб чиқиб кетди (русчалаб). “Дарсдан кейин чиқиб қарасам, опа олтмишта талабага дарс бераётган экан. Лекин овозлари деярли эшитилмайди” – дея ҳикоя қилади Хайрулла Ҳамидов.

Қўшни кафедра мудири Рихситилла Алимуҳаммедов айтар экан: – Сизлар бу Хайрулла Ҳамидов билан қандай ишлайсизлар-а? Унинг бақир-чақиридан биз кафедрада тинч ўтиролмаيمиз-у...

Вақтим йўқ. Бир куни туркшунос Абдумурод Тилолов Хайрулла акага: – Нимага биров бирор нарса илтимос қилса ёки буюртма берса, муддатидан олдин бажарасиз, ҳолбуки ҳозирги замонда кўпчилик бир ишни вақтида бажармайди, – деб сўраганда, у шундай жавоб берган: – Чунки менинг буюрилган ишни чўзишга ҳечам вақтим йўқ.

Қойилмақом баҳона. Хайрулла Ҳамидов айтади:

– Менинг ҳамма нарсага улгуришим, ўзларининг эса рўзғор ташвишларидан ортмасликларига ишора қилиб кафедра аёллари айтишади: “Бизнинг сиздай эрининг хотиржам ишлаши учун барча шароитни муҳайё қилиб берадиган хотинимиз йўқ-да!”

Гўзал табрик. “Таржимашунослик ва халқаро журналистика” кафедраси аъзоси Наргиза Исматуллаеванинг туғилган кунида шундай табрик ёзиб юбордим: “Гўзаллик дунёни қутқаради дейдилар. Дунё ва унга қўшилиб кафедрамиз тақдири ҳам сиз ва сизга ўхшаган гўзал нажот фаришталарига боғлиқ эканлиги шубҳасиз. Агар шу гап рост бўлса, гўзаллар галереясидан иборат кафедрамизга ҳеч қачон бало-қазо доримаслиги аниқ!”

– Сиздан ҳамиша оригинал табрик эшитамиз, – деб хурсанд бўлди. Х.Ҳамидов ҳам айна шу табрикни қайта жўнатиб: – Мен Эргаш Очиловнинг тилакларига юз фоиз қўшиламан! – дебди.

Аёл табиати. – Эридан кўп топган хотин унга бўйсунмайди, – десам, Хайрулла Ҳамидов:

– Ҳатто тенг топган хотин ҳам! – деди қатъият билан.

* * *

Хайрулла Ҳамид деганда,
Тасаввур қилар ҳар банда:
Бир заҳматкаш олим бормиш,
Илҳом парисига ёрмиш.
Ўқувчига раҳм қилмай ҳеч,
Китоб ёзар эртаю кеч.
Ҳаммасини биратўла
Қилиш қийин мутолаа.
Бир варақлаб чиқишга ҳам
Бутун бошли бир умр кам.

Ergash Ochilov Ответить
Устоз Хайрулла Ҳамид –
Олимларнинг аълоси.
Устма-уст мукофотлар –
Меҳнатининг баҳоси.

Тўлиб кетсин кўкраги
Орден билан нишонга.
Фақат “Ташаккурнома”
Кирсин бу хонадонга!



20:04

Таниқли таржимашунос олим ва таржимон, филология фанлари доктори, профессор Хайрулла Ҳамидовнинг туғилган кунига қўш шеърӣй табрик

1-шеър

Хайрулла Ҳамидов – заҳматкаш олим,
Ўқланган милтиқдай қалами доим.

Игна билан тинмай қудуқ қазади,
Бир йилда бир нечта китоб ёзади.

Олим қаламидан чиққан китоблар,
“Қачон ўқийсиз?” – деб қилар хитоблар.

Қандай улғурар кўп ёзишга ул зот,
Бизлар улгурмаймиз ўқишга, ҳайҳот!

Кўп ёзиш бўйича кирар, йўқ шубҳам,
“Гиннесснинг рекордлар китоби”га ҳам.

Китобларин тахлаб чиқса агарда,
Энг баланд тоғ пайдо бўлар шаҳарда.

Туғилган кунда эзгу тилаклар
Тилаш учун гуп-гуп урар юраклар:

Узоқ умр, соғлик, тинчлик бўлиб ёр,
Қалами ёзишдан тинмасин зинҳор!

Ёзишдан толмасин, жўш уриб илҳом,
Ўқиб улгурмайлик, майли, биз мудом.

2-шеър

Илҳом отлиғ фаришта
Керак асли ҳар ишда.
Лек у кимга қилиб ноз,
Кимга чиқармиш пешвоз.

Хайрулла Ҳамидовга
Илҳом доим эмиш эш.
Шунданми, китоблари
Чиқаверар пешма-пеш.

Овлайверсин, майлига,
Илҳомойнинг кўнглини.
Унутиб қўймаса бас
Ётоқхона йўлини...



YAZI MAKİNESİ (Ёзув машинкаси)

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Четин Йилдиз

2021 yılından beri Hayrullah Hoca'yi tanıyorum. Türk Filolojisi bölümünün de fahri bir üyesi sayılır hocamız. Orada yapılan toplantılarda karşılaşıyorduk. Ancak 2022 yılının Eylül ayından itibaren aynı bölümde çalışma şerefine nail olduğum hocamızı daha yakından tanıma fırsatı buldum. Benim için Hayrullah hocamızın en dikkat çeken özelliği üretken bir akademisyen olmasıdır. Türk edebiyatında Osmanlı Devletinin son dönemlerinde yaşamış, önemli yazarlarımızdan olan Ahmet Mithat Efendi için “yazi makinesi” denmektedir. Ona bu lakabın verilisinin sebebi ise Ahmet Mithat'ın çok üretken biri olmasındandır. Ben de bölümde çalıştığım andan itibaren yakinen şahit oldum ki Hayrullah hoca oldukça üretken biri. Bu yüzden de yazımın başlığını bu şekilde koydum.

Hocamızın dikkate değer bir diğer özelliği de işini ciddiyetle yapan bir akademisyen olmasıdır. Lisans öğrencilerinin bitirme tezlerini dahi itina ile okuyup bilimsel değerlendirmesini dikkatli bir şekilde yapmaktadır. Bu durum aynı zamanda hocamızın şahsiyetine dair ipucu vermektedir. Hocamızın işine verdiği önemi gösteren bir diğer anım ise onun tercüme eserlerinden birini okumam ile ilgilidir. Turksoy tarafından bastırılan Said Ahmed Seçme Hikâyeler isimli çalışmanın tercümanı Hayrullah hocamızdır. Özbek bir yazara ait bir eseri Türkiye Türkçesi ile okurken hocamızın maharetine, yeteneğine hayran kaldım. Olağanüstü bir itina ile hazırlanmış çalışma aktarma olmasına rağmen oldukça akıcı bir üslupla ve kusursuz bir tercümeyle hazırlanmıştır.

60 yıllık bir ömre onlarca çalışma sığdırmış olan hocamıza öncelikle Türk ve Özbek dilleri arasındaki sağlam bir köprü olma rolünden ve ettiği hizmetlerden dolayı minnettarım. Bu vesile ile 60. Yaşınızı tebrik eder, kalan ömrünüzü sağlık, sıhhat ve afiyet içerisinde geçirmenizi dilerim.



ШОГИРДПАРВАР УСТОЗ

PhD, доцент Наргиза ИСМАТУЛЛАЕВА

*Ҳар йўл, ҳар соҳанинг бир пири бўлур,
Эҳтиром дил аҳлин тадбири бўлур,
Ҳар ишда устознинг бир сири бўлур,
Кашфи асрор бўлмас, устоз бўлмаса.
(Мирзо Кенжабек)*

Ҳам билим, ҳам ота-оналардек меҳр берган **ўрнатқуч Устозлар** инсон ҳаётида саноқли бўлади. Ҳаётимдаги шундай устозлардан бири **Хайрулла Ҳамидов**дир. Бу инсон ҳақида уларнинг 60 йиллик муборақ ёшларини қутлаш учун дил сўзларимни ёзиш мен учун шараф ва ҳавасдир. Хайрулла акадаги билимдонлик, меҳнаткашлик, кенг дунёқараш, нотиклик, камтарлик, покдиллик, хуллас, узоқ санаш мумкин бўлган фазилатларнинг бир инсонда жамланганлиги кишини ҳайрон қолдиради.

Мен Тошкент давлат шарқшунослик институти бакалавр босқичида хитой филологияси йўналишидан то магистратурада лингвистика мутахассислигини тамомлагунигга қадар доим “Шу институтда қолиб дарс бераман”, деб ўз олдимга мақсад қўйган эдим. Магистратуранинг 2-курсида ўқиётганимизда институтда “Таржима назарияси ва амалиёти” кафедраси ташкил этилаётганлиги ва кафедрага хитой тилидан дарс беришга курсдошларим Устажалилов Жамшид ва Якубов Жасурни қабул қилишаётганини эшитиб, чин дилдан ҳавас қилдим, “бу кафедрага фақат таржимачилик фаолиятида пишган ўқитувчиларни олишса керак” деб ўйладим. 2010-йил магистратурани битираётганимда Хитой филологияси кафедраси мудир Л.Султанова сентябрдан менга дарс соатлари ажратишларини айтиб қолдилар.

У пайтда оилада иккинчи фарзандимизни кутаётган эдик, Лола опадан узр сўрадим. Фарзандимни икки ёшга етказиб ишга тушишга қарор қилдим. 2012-йили август ойида “Хитой филологияси” кафедрасидан хитой тилидан дарс соатлари мавжудлиги ҳақида сўраганимда, ўқув соатлари июн ойидаёқ тақсимланиб, ўқув юкламаси тасдиқланганлигини билдиришди. Шунда раҳматли устозим Исматулла Бекмуратов “Таржима назарияси ва амалиёти” кафедраси мудир Хайрулла Ҳамидовга мени хитой тили ўқитувчиси сифатида тавсия қилдилар. Бахтимга, бу кафедрада хитой тили фанидан 0,5 ставкалик соатлар бор экан.

Шу пайтда илк маротаба Хайрулла Ҳамидов билан учрашиб гаплашдик. Улар: “Менинг ҳеч қандай қаршилигим йўқ, лекин ректоримиз Абдурахим Маннонов билан суҳбатдан ўтасиз. Агар бирор кўзга кўринадиган ютуқларингиз бўлса, домлага кўрсатинг. Домла ёш мутахассисларнинг билим ва қобилиятларига қарайдилар”, дедилар. Бу сўзларни эшитиб жуда ҳам қувониб кетдим. Икки йиллик фарзанд парвариши чоғида раҳматли устозим Мажид Маҳмудходжаев маслаҳати билан Конфуцийнинг “Суҳбат ва мулоҳазалар” асарини ўзбек тилига таржима қилиб қўйган эдим. Устозим М.Маҳмудходжаевга қўнғироқ қилиб бу хабарни етказдим. Ректор билан суҳбатга устозим ҳам келдилар ва мен ҳақимда ижобий фикр билдирдилар. Шу тариқа ҳаётимда уч буюк устозим Мажид Маҳмудхўжаев, Исматулла Бекмуратов, Хайрулла Ҳамидовнинг қўллаб-қувватлаши билан мана шу таълим даргоҳида дарс беришдек катта мақсадимга эришдим. Бу устозларимнинг ёди доим қалбимда. Илм чўққисига интилишимга сабабчи бу улуғ инсонлар *энг мукаммал УСТОЗлардир*. Одавийликни шу инсонлардан ўргандим.

Мен илк ишга қабул қилинганимда устозим Хайрулла Ҳамидовнинг кун сайин янги қирраларини очардим, биринчи тассурутларим тобора ўзгариб борарди. Уларнинг кафедрадаги раҳбарлик фаолияти ҳақида гапирсам, улар ўз ишларига жуда масъулиятли, талабчан эдилар ва энг муҳими, ҳеч кимдан ўз ёрдамларини аямас, ўз ишланмаларини қизғанмас эдилар. 2011-йили очилган “Таржима назарияси ва амалиёти” кафедрасида ўқитиладиган фанлар мен учун янги эди. Айрим фанлар бўйича фан дастурлари, ўқув қўлланмалари Х.Ҳамидов, Н.Ходжаева, Н.Аззамова томонидан ишланган бўлсада, мен янги иш бошлаган 2012 йили яна янги фанлар (“Синхрон таржима масалалари”, “Фалсафий матн таржимаси” ва б.) киритилди. Бу фанларнинг хужжатлари, ўқув материалларининг ҳаммасини нолдан бошлаш керак эди. Шунда Хайрулла ака худди фарзанд катта қилгандек, биз янги ўқитувчиларни ҳам йўналтириб, кўмак бериб улғайтирдилар. Тўғри, иш бор жойда камчилик бўлади, зиддиятлар бўлади. Хайрулла ака талабаларга дарс ўтганларида, кафедрада мажлис ўтказганларида овозлари биров баландроқ чиқарди. Хайрулла аканинг шу баландликдаги овози билан даkki эшитсам, хафа бўлиб қолардим. Бир марта ишдан бўшаш ҳақида ариза ҳам ёзганим эсимда. Шундай пайтларда

улар: “Менинг гапиришим ўзи шунақа, хафа бўлманглар. Урганим угра оши, сўкканим сўк оши”, деб кўнглимизни кўтариб кўярдилар. Ҳозир шу воқеаларни Хайрулла ака, Нилуфар Ходжаева билан кулишиб эслаймиз.

Хайрулла Ҳамидовнинг таржимашунослик ва туркшунослик соҳасида хизматлари беқиёслигини эътироф этмасдан бўлмайди. Бу инсонни таржимашуносликнинг бақувват устунларидан бири деб биламан. Мен ўша 2012-2013-ўқув йили давомида аранг бир дона илмий мақола чоп эттирган бир пайтимда, Хайрулла аканинг кафедрада ҳам мудирлик, ҳам ўқитувчилик функцияларини бажариб туриб иккита ўқув қўлланма, 17 та илмий мақола ёзиб нашр эттирганликларига қойил қолгандим. Уларнинг шундай меҳнаткашлигига, илмий мушоҳадасининг кучлилига тасанно айтгандим. Хайрулла Ҳамидовнинг ҳозирга қадар 15 га яқин монографияси, 5 та илмий ва илмий оммабоп рисола, 20 дан ортиқ ўқув адабиёти, таржима асарлари, муҳаррирлигидаги қатор китоблар нашр этилган.

Ҳамкасблар Хайрулла Ҳамидов номини эшитганда ҳар қандай тадбирда ўз ноутбуки билан ишлаётган ижодкор олимни тасаввур қилади. Қизиғи, улар ноутбукда ишлаш билан бирга, тадбирда бўлаётган ҳар битта маърузани ҳам диққат билан эшитаётган бўладилар. Уларга масала юзасидан фикр билдириш, савол сўраш навбати берилганида, ҳеч иккиланмай нутқ сўзлайдилар. Бу каби ҳам тадбир жараёнида бўлиш, ҳам ижод билан шуғулланишдек қобилиятга ҳавас қиладиганлар кўп. Анча вақтдан бери кафедрамизда ишлайдиган аксарият ўқитувчилар нафақат кафедрада, балки турли кичик тадбирларда ҳам ўз ноутбуклари билан кириб ишлайдиган бўлишганини сездим. Бизда “Синиқдан бошқа ҳамма нарсаяқди” деган нақл бор. Хайрулла аканинг меҳнаткашлик фазилатлари “юқса” бу биз учун катта ютуқ.

Хайрулла Ҳамидовнинг инсонийликдаги 3 та “парварлиги”ни қадрлайман. Устоз чин маънода инсонпарвар, оилапарвар, болапарвардир. Хайрулла аканинг ўз талабаларига жонкуярлиги, доим ёрдамга тайёрлиги, дарсларига виждонан ёндашиши, талабаларга бирдай адолатли муносабатда бўлиши уларнинг болапарварлигидан далолат, деб биламан.

Хайрулла ака мудирлик чоғларида кафедрамизда дарс берадиган эркак ўқитувчилар сони ўртача иккитага етарди. Бошқа

кафедра эркак устозлари: “Хайрулла ака ўзининг кафедрасига эркакларни йўлатмайди, аёл устозларини қаттиқ қўриқлайди”, деб ҳазил қилишарди. Мен буни Хайрулла аканинг оилапарварлигига йўяман. Улар кафедрасига ўз оиласини, қўрғонини қўриқлагандек муносабатда бўладилар. Улар кафедранинг оғирини доим ўз елкаларига олганлар, кафедра аъзоларига ташқаридан ёмон сўз келмаслигига, кафедрада дўстона муҳитни сақлашга ҳаракат қилганлар. Ҳар йили кафедрамизга бир қанча янги профессор-ўқитувчилар келиб кетмасин, ана шундай ғийбатдан йироқ, дўстона, аҳил муҳит, Хайрулла ака ўрнатган кўпгина анъаналар ҳозир ҳам сақланиб қолган. Шу маънода, Хайрулла акадан нафақат илм, касбий фаолият, балки ҳаётий масалаларда ҳам кўп маслаҳатлар оламан. Илм билан бир қаторда, оилапарварликда ҳам улардан ўрнатилган олишга ҳаракат қиламан.

Шиму (师母 – хитой тилида эркак устознинг рафиқасига нисбатан шогирдлари томонидан қўлланиладиган мурожаат сўзи. Ўзбек тилида бу сўз лақналикни юзага келтиради ☺), яъни келинойим билан бирга узоқ, фаровон ва бахтли умр кечириб, фарзандларингизнинг фақат яхшилиги, камолини кўриб юриш насиб қилсин. Билимли, баркамол шогирдларни етиштириш, монография, илмий мақолалар ижод этиш, кўплаб ажойиб таржималарни амалга оширишда куч-қувват, сабрматонат тилайман.



ШОГИРДЛАР УСТОЗ ҲАҚИДА

*Ҳақ йўлинда сенга бир ҳарф ўқитмиш ранж ила,
Айламак бўлмас адо, онинг ҳақин юз ганж ила...*

Жаҳонгир Абдупаттахов. Улуғ даргоҳ – шарқшунослик университетида кечган талабалик даврим ва педагог вазифасида кечаётган фаолиятим давомида яқиндан танишиш насиб қилган самимий устозлар орасида мулоқотда самимияти, илм-фанга куюнчанлиги билан ажралиб турувчи, ҳамкасблари даврасида ўзгача юксак ҳурмат қозонган, ғамхўр педагог ўлароқ ҳаёт йўлини холис маслаҳатгўйликка бунёд этган чин маънодаги мукаррам инсон Хайрулла Ҳамидов бўлади. Шундай маънавияти юксак инсон билан танишиш мен учун чинакам маънода тақдирнинг тухфаси – инъоми бўлди. Айнан унинг “оқ фотиҳаси” ила шу даргоҳда педагогик фаолиятимнинг иккинчи даври бошланди. У кишининг саъй-ҳаракатлари билан очилган Таржимашунослик кафедрасини бугунги кунга қадар юздан ортиқ магистрант, уч юздан ортиқ бакалавр битириб касбий ҳаётга йўлланма олди, кафедрада ўндан ортиқ илмий даражали моҳир педагоглар етишиб чиқди ва бу жараён давом этмоқда.

Хайрулла Ҳамидов раҳбарлигида таржимашунослик фани қамровидаги билимларни пухта эгаллаган, серқирра билимдон кадрлар етишиб чиқаётгани, рус, турк ва ўзбек адабиёти ҳамда ушбу тиллардан ўзбек тилига ва аксинча, ўзбек тилидан рус ва қардош турк тилига таржима қилинган асарлар соҳасида чуқур билимдон, фан доктори Х.Ҳамидов билан бирга ишлаётганим, кундалик суҳбатлар, илмий семинар, симпозиум ва анжуманларда у киши ёритаётган мавзулар ёш педагог ва олимларнинг маҳорати, дунёқарашини янада кенгайтириб, бойитилиб боришида тутган беқиёс ўрни илмни қадрлайдиган ҳар бир инсонда ифтихор ва шукроналик ҳис-туйғусини кучайтиради, кучига куч қўшади. Хайрулла ака мен учун нафақат устоз ва моҳир забардаст педагог, балки акадек ғамхўр, яқин дўстдек самимий маслаҳатгўйдир. Турли маросим ва учрашувларда у киши билан ҳамроҳ бўлишдан киши ўзида олам-олам завқ олади, унинг бадий гўзаллик билан йўғрилган суҳбатидан завқ олади.

Устоз Хайрулла акага ушбу қутлуғ кунларида узоқ ва баракали умр, оилада рўшнолик, сўнмас касбий баркамоллик, жамият, оила, дўстлар ва яқинлар даврасида ҳамиша ардоқларга тўла ҳаёт, Яратганнинг марҳамати ила яна кўп йиллар баҳорнинг

насимий ифори, қувончбахш онларига тўла муждаларни жуфти ҳалол ва фарзандлар, абира ва набиралар даврасида, устоз-шогирдлар ва яқинлар эҳтиромига сазовор мўътабар инсон ўлароқ кўриш, Яратган ярлақанган муқарраб бандалар қаторида муносиб, сермазмун ва гўзал ҳаёт йўлини тилаб қоламан.

Камола Расулова. Устоз... Устоз Хайрулла Ҳамидов шогирдларига оталарча меҳрибон бўлишига қарамай, кези келганда қаттиққўл ва талабчандир. Бир юмуш билан келган инсонни ҳеч умидсизлантирмайди ва қўлдан келганча ёрдам беришга ҳаракат қилади. Хайрулла ака жонкуяр, шогирдлари ютуқларига ҳаммадан кўп қувонадиган, самимий, ҳалол устоз. Талабалик вақтларимиз устоз ҳар биримиз билан алоҳида-алоҳида ишлар, гуруҳда 12 та талаба бўлсак-да, ҳар бир талаба билан унинг таржимаси устида ишлаб, камчиликлари ва хатоларини тузатар эдилар. Ҳамма нарса одил бўлишига барча дарсдан мамнун кетишига эътибор берардилар. Устознинг саъй ҳаракатлари билан гуруҳдаги барча талабаларнинг таржималари албатта тўпلامда чоп этиларди. Устоз шогирдларини ҳеч унутмайдилар. Бакалаврни тугаллаганимиздан сўнг магистратура босқичи ўртасида қарийб 6 йил вақт ўтган бўлсада, шу вақт мобайнида устоз билан таржима қилган асарларимизнинг бир қанчаси журналларда ва тўпламларда босилиб чиқди. Улардан бири Саид Аҳмаднинг Туркияда ҳам нашр этилган.

Хайрулла Ҳамидовнинг нашрдан чиққан китобларини бирма-бир мутолаа қилар эканман у инсонни “билимлар хазинаси” дегим келди. Устознинг тинимсиз ўз устларида ишлашлари, янгидан-янги китоблар яратишга бўлган иштиёқлари бизга ҳам илҳом, устозга муносиб шогирд бўлишга шижоат беради.

Шаҳзода Ҳасанова. Мени Хайрулла Ҳамидов ишга қабул қилганлар. Аввалига сизга иш йўқ деб айтганлар, сўнгра қатъият билан сўраганимга “Майли ишлайверинг, фақат ҳозирча ойликсиз ишлаб турасиз, кейинчалик бирон иш чиқиб қолар” деганлар. “Менга ойлик керак эмас, ҳозирча иш ўрганишим керак” – деганимда ишончлари ортдими ёки, билмадим, олдиларига чақириб рус гуруҳдаги талабаларга хитой тилидан дарс ўта оласизми деб сўрадилар. Мен “Албатта” деб жавоб бердим. Аввалига 0,25 ставкага ишга олдилар, бир ҳафтадан кейин 0,50 ставкага, 2 ойдан кейин тўлиқ 1 ставкага қабул қилиндим. Ўша пайтда менга билдирган ишончлари туфайли ўз севган ишим

“ўқитувчилик”ка эришдим. Устозимнинг доим ёшларни қўлаб-қувватлашлари уларга куч-ғайрат, ўзига ишонч бағишлайди. У кишининг яна бир хислатлари бор: улар кафедрамизнинг психологи. Ҳаммани дардини эшитиб, керакли ечим топиб берадилар. Шахсан мен бундан мамнунман. Мен у кишидан нафақат илмда ўрнатилган оламан, балки оилавий ҳаётимда ҳам бебаҳо маслаҳатларингизга амал қиламан. Оиламнинг бутун бўлишига унинг оталарча берган маслаҳати сабаб бўлган. Унинг насиҳатларига қулоқ солиб йўл тутганман, фарзанд тарбиясида ҳам маслаҳатларининг ўрни бўлакча.

Гулноза НАЗРУЛЛАЕВА. Ҳар инсоннинг ҳаётида унинг ўрнини бошқа ҳеч ким билан алмаштириб бўлмайдиган яқинлари, суянган тоғлари бўлади. Бу – ота-она, яқинлар ва фарзандлардир. Аммо яна бир инсон борки, унинг ҳаётимиздаги қадри, ўрни бошқа яқинларимизникидан асло қолишмайди. Бу инсон устоз. “Устоз-муаллимсиз қолганда замон, Нодонликдан қаро бўларди замон”, деб бежизга айтилмаган.

2011 йил кузнинг илк кунларида қалбимда катта ҳаяжон, бироз ҳадик ва бир дунё орзу ниятлар билан Тошкент давлат шарқшунослик университети (ўша вақтда институт)га ўқишга кирдим. Илк кунданоқ биз талабаларни “Таржима назарияси ва амалиёти” кафедраси мудири Хайрулла Ҳамидов ва ўқитувчи Нилуфар Ходжаевалар кутиб олишди. Устозим Хайрулла ака бизга улкан зафарлар тиладилар, қандай ўқиш кераклиги, талаба қандай бўлиши кераклиги ҳақида кўп гапирдилар. Мен эса уларни гапираётган ҳар бир гапларини қизиқиш билан эшитар эдим ва ҳаёлимдан шундай гапларни ўтказдим “Мен ҳам шундай олим, шундай чиройли гапирадиган етук инсон бўлай”. Чунки устозим Хайрулла ака шундай чиройли, равон гапирган эдиларки, одамнинг ҳаваси келиб кетган эди... Шундай қилиб, университетда дарслар ҳам бошланиб кетди. Бизнинг биринчи дарсимиз “Таржима назарияси” фани бўладиган, бу фандан устозим Хайрулла Ҳамидов кирадиган бўлдилар. Мен жуда ҳам қувондим чунки бу устоздан энди кўп нарсалар ўрганаман деган мақсадни қўйдим. Ўқишим (2011-2017-йиллар) давомида устозим Ҳамидовдан таржима, унинг тарихи ва таржима амалиёти сирларини ўргандим. Мана ҳозир эса ўша ўқишнинг биринчи кунда ҳавас қилган устозим менга диссертация ишимга илмий раҳбарлар. Бундан ортиқ бахт бўлмаса керак...

Вазира Ҳамидова. Моҳир таржимон, юртимизда таржимашуносликнинг ривожига катта ҳисса қўшиб келаётган олим, илм борасида кўплаб ҳамкасблари ва шогирдларига намуна бўладиган педагог, инсонийлик борасида ўрناк оладиган устоз – Хайрулла Ҳамидовнинг монография, рисола, илмий мақолаларининг саноғига етиш қийин. У киши менинг “Таржимашунослик ва халқаро журналистика” кафедрасида ишлаб, ўқитувчи бўлишимга сабабчи бўлган, кўплаб шогирдлари ва ёш ҳамкасбларининг жамиятда ўз ўрнини топишга ёрдамини аямаган инсон.

Кафедрага ишга кирганимда таржимашунослик соҳасига у қадар қизиқмас эдим. Лекин Устозимиздан таржимашунослик борасида кўп маълумотларга эга бўлиб, бу соҳага қизиқишим ортди. Гарчи бу соҳанинг кўплаб вакиллари бир қанча илмий ишларни амалга оширган бўлсалар-да, ҳозир таржима, таржимашунослик деганда кўз олдимга Хайрулла Ҳамидовнинг бу соҳада олиб борган фаолиятлари келади. Устозни шарқшунослигимиздаги таржимашунослик мактабининг асосчиси деб биламиз. Юртимиздаги ҳар бир таржимашунос уларнинг мактабларида таълим олиши керак, деб ўйлайман.

“Таржимашунослик ва халқаро журналистика” кафедраси 4-босқич (2023 йил тугаллаган) турк-инглиз гуруҳи талабалари. Устоз Хайрулла Ҳамидов билан 2019 йил “Таржимашунослик” кафедрасига илк бора қадам қўйган кунимизда танишишга мушарраф бўлганмиз. Ўз касбини жонидан ортиқ севувчи, унга умрини бахшида этган ижодкор устоз шу кунни бизга университетнинг илк, яъни мустақиллик дарсини ўтдилар. Бизнинг таржима оламига кириб келганимиз, бизга юксак ишонч билдирилганини мамнуният билан таъкидлагани кечадек эсимизда. Шу куннинг ўзида кафедрамизнинг бошқа ўқитувчилари билан ҳам таништириб, уларни бизга намуна қилиб кўрсатган эдилар. Дарсларимиз давомида ниманидир тушунмай улардан ёрдам сўраб борганимизда ҳам излаган саволимизга жавоб топмасдан жўнатмасдилар. У киши кафедранинг шаклланишига жуда улкан ҳисса қўшган устоздир. У кишининг ажойиб гаплари бор: “Ҳар битта устоз унинг этагини қўйиб юбормай, ортидан қолмай, саволига жавоб топмагунча ёнига келаверадиган ўқувчиси, шогирди бўлишини хоҳлайди”. Устозимизнинг бизга берган билим ва кўникмалари, ҳаётий маслаҳатлари келажак ҳаётимизда катта туртки бўлишига ишонамиз.

ХАЙРУЛЛА ҲАМИДОВНИНГ ИЛМИЙ, ЎҚУВ ВА ЎҚУВ-УСЛУБИЙ ИШЛАРИ, ТАРЖИМА АСАРЛАРИ

Диссертация авторефератлари

8. Турк тилида фразеологизмларнинг юзага келиши, маъно ва грамматик хусусиятлари, Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Тошкент. – 2018. – 46 б.

9. Ўзбек қисса ва романларининг туркча таржималарида миллийлик, бадиийлик ва лисоний адекватлик масалалари, Филол. фан. док. (DSc) дисс. автореф. – Тошкент. – 2021. – 71 б.

Диссертациялар

1. Турк тилида фразеологизмларнинг юзага келиши, маъно ва грамматик хусусиятлари, Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси. –Тошкент. – 2018. – 151 б.

2. Ўзбек қисса ва романларининг туркча таржималарида миллийлик, бадиийлик ва лисоний адекватлик масалалари, Филол. фан. док. (DSc) диссертацияси. –Тошкент. – 2021. – 235 б.

Монографиялар

1. O'zbekchadan turkchaga nasriy tarjima muammolari. – Toshkent: TDShI, 2014. – 148 b.

2. Maqol va idiomalar tarjimasini muammolari. – Toshkent: TDShI, 2017. – 128 b.

3. “Ўзбек-турк таржимачилигининг долзарб муаммолари (1991-2017 йиллар)”. 1-қисм. Абдулла Қодирий асарлари турк тилида.. – - Тошкент: ТошДШИ, 2019. – 128 б.

4. “Ўзбек-турк таржимачилигининг долзарб муаммолари (1991-2017 йиллар)”. 2-қисм. Одил Ёқубов асарлари турк тилида. – Тошкент: ТошДШИ, 2019. – 128 б.

5. Турк фразеологияси масалалари, – Тошкент: “Баёз” нашриёти, 2019. – 160 б.

6. Ўткир Ҳошимов асарлари турк тилида, монография. –Тошкент: Нодирабегим нашриёти, 2020. – 144 б.

7. O'zbek va turk tillarida somatik frazeologizmlar. –Toshkent: Nodirabegim, 2021. – 156 b. (Sh.Usmanova bilan hammualliflikda);

8. Aziz Nesin asarlari badiiyatining tarjimada aks etishi. –Toshkent: Nodirabegim, 2021. – 140 b. (Sh.Usmanova va A.Alimbekovlar bilan hammualliflikda).

9. O'zbek qissa va romanlari turk tilida. – Toshkent: «EFFECT-D» nashriyoti: 2022. – 276 b.

10. Abdulla Qahhor uslubini tarjimada qayta yaratish masalalari: monografiya. Toshkent: «Innovatsion rivojlanish nashriyot-matbaa uyi», 2024. –140 b.

11. Turk tili frazeologiyasi va o'zbekcha-turkcha tarjima masalalari. – Toshkent: TDSHU, 2024. – 232 bet.

12. Miad Hakimov – mohir tarjimon (monografiya). Toshkent: TDSHU, 2024. 144 b. ISBN: 978-9910-8970-0-9

13. Oybek asarlari turk tilida (monografiya). Toshkent: TDSHU, 2025. – 108 b. ISBN: 978-9943-6961-7-4.

Илмий ва илмий-оммабоп рисолалар

14. Чингиз Айтматов – классик современности. –Тошкент: ТГИВ, 2018. – 64 с.

15. Ogahiyning tarjimonlik faoliyati (Jumaniyoz Sharipov tadqiqotlari asosida). –Toshkent: TDSHU, 2021. – 52 b.

16. O'zbek tili frazeologiyasi sohasidagi ilk tadqiqotlar (Ya.D.Pinxasovning ishlari misolida) – Toshkent: 2022. – 64 b.

17. Шарқшунос. Ўзбек шарқшунослигининг йирик намояндаси. – Тошкент: «Innovatsion rivojlanish nashriyot-matbaa uyi», 2023. – 308 b.

18. Tarjima va tarjimashunoslik (Tarjimashunoslik va xalqaro jurnalistika kafedrası faoliyatiga bir nazar) Risola. Toshkent: TDSHU, 2023. –64 s.

Дарслиklar

19. Turk tili (darslik). – Toshkent, “Innovatsion rivojlanish nashriyot matbaa uyi” DUK: 2022. – 382 bet.

Ўқув қўлланмалари

20. Турк тили. – Тошкент: ТДШИ, 2003. –164 б. (Қ.Содиқов, З.Худойберганова ва Л.Аминовалар билан ҳаммуаллифликда)

21. Turk tili (lotin yozuviga o'girilib qayta nashr etilgan) –Toshkent: TDSHI, 2005. – 172 b. (Q.Sodiqov, Z.Xudoyberganova va L.Aminovalar bilan hammualliflikda).

22. Турк тили грамматикаси. Морфология. – Тошкент: Фан ва технология: 2006. – 172 б.

23. Турк тилининг назарий грамматикаси. – Тошкент: ТДШИ, 2010. – 280 б. (З. Худойберганова билан ҳаммуаллифликда).

24. Турк тилининг имло қоидалари. Türkçe Yazım Kuralları. – Тошкент: ТДШИ, 2010. – 88 б. (Ж.Шабанов билан ҳаммуаллифликда).

25. Turk tili. Morfologiya (Sharq tillari akademik litseylarining turk tili bo'limi 2- va 3-kurs o'quvchilari uchun qo'llanma), Toshkent: "Muharrir" NMB, 2011. –188 b.

26. Turk tili. Leksikologiya. Frazologiya. Leksikografiya (oquv qo'llanma) -T.: ToshDShI, 2013 (G.Rixsiyeva bilan hammualliflikda).

27. Turk tilining nazariy grammatikasi. – Toshkent: Tafakkur, 2016. – 284 b. (Z.Xudoyberganova bilan hammualliflikda)

28. Tarjima stilistikasi va tanqidi. – Toshkent: TDShI. – 2016. – 188 b. (Z.Xudoyberganova bilan hammualliflikda);

29. Эрон тарихи. – Тошкент: ТДШИ. – 2016. – 400 б. (З.Қодиров, М.Қаландаров ва Р.Рашидовлар билан ҳаммуаллифликда);

30. Tarjima tarixi. – Toshkent: TDShI, 2017. – 192 b. (S.Ergasheva bilan hammualliflikda);

31. Узбекский язык (учебное пособие с опорой на практический перевод текстов). – Москва: Издательство «Прометей», 2018. – 254 с. (в соавторстве с Т.Махаматовым и Т.В.Лосевой-Бахтияровой)

32. Tarjima amaliyoti ("Tarjima nazariyasi va amaliyoti" ta'lim yo'nalishi talabalari uchun o'quv qo'llanma). – Toshkent, TDShI, 2019. –172 b.

33. Sinxron tarjima. –Toshkent: – Toshkent: TDShU. – 2020. – 144 b. (N.Ismatullayeva va S.Ergashevalar bilan hammualliflikda);

34. Matn tarjimasi va tahriri. – Toshkent, TDShU: 2020. – 176 bet.

35. Sinxron tarjima nazariyasi. –Toshkent: –TDShU. – 2022. – 140 b.

36. Узбекский язык (учебное пособие с опорой на практический перевод текстов). Изд-е 2-ое, стереотипное. – Москва: Изд-во «Прометей», 2022. – 254 с. (в соавторстве с Т.Махаматовым и Т.В.Лосевой-Бахтияровой).

Ўқув-услугий қўлланмалар

37. Турк тилидан амалий машғулотлар учун матнлар. Türkçe pratik dersler için metinler. – Тошкент: ТДШИ, 2007. – 160 б.

38. Turk tili. Mavzulashtirilgan testlar to'plami. Konularına Göre Türkçe Deneme Sınavları Test Kitabı. (Turk filologiyasi bo'limi talabalari uchun). – Toshkent: TDShI, 2007. – 156 b.

39. Turk tilidan mashqlar to'plami. Türkçe alıştırma kitabı. – Toshkent: Voris-nashriyot, 2009. – 192 b. (A.Tilavov va H.Yildirimlar bilan hammualliflikda).

40. Шарқ халқлари адабиётидан таржималар, хрестоматия. –Тошкент, ТДШИ, 2013. –180 б. (А.Алимбеков билан ҳаммуаллифликда).

Изоҳли терминологик луғатлар:

41. Turkcha tilshunoslik terminlarining o'zbekcha izohli lug'ati. Türkçe Dil Bilimi Terimlerinin Özbekçe Açıklamalı Sözlüğü. –Toshkent: TDShU, 2020. – 184 bet.

42. Русча синхрон таржима терминларининг ўзбекча изоҳли луғати. –Тошкент: Нодирабегим нашриёти, 2020. – 184 б. (Ш.Ҳасанова билан ҳаммуаллифликда).

43.Yuridik terminlarning o'zbekcha-ruscha izohli lug'ati. Толковый словарь узбекско-русских юридических терминов. – Toshkent: TDSHU, 2020. – 364 б. (R.Sharipov bilan hammualliflikda);

44. Журналистикага оид русча терминларнинг ўзбекча изоҳли луғати. – Тошкент: ТДШУ, 2022. – 140 б. (Ш.Ҳасанова билан биргаликда).

Хорижий ва халқаро журналларда нашр этилган МАҚОЛАЛАР:

45. Özbek Edebiyatının Ünlü İsmi Mirza Kelan İsmaili, Kardeş Edebiyatlar, Üç aylık edebi dergi, 40. Sayı. Temmuz, Erzurum (Türkiye). –1997, s.17-18.

46. Düz Yazıların Çevirisinde Yazarın Dil Üslubunu Yeniden Yaratmak Sorunsalı, “Kaşgar” Edebiyat Seçkisi, 3. Sayı, Nisan, 1998, İstanbul (Türkiye). – S.60-65.

47. Türkçe’de İnsan İlişkileriyle İlgili Deyimler, Türk Dili, Dil ve Edebiyat Dergisi. TDK Yayınları, Sayı: 610. Ankara (Türkiye), 2002 s. 810-815.

48. Türkçe’de İnsan Vücuduyla İlgili Deyimler, Türkçem’in Sesi, Dergi. Sayı: Bahar, Erzurum (Türkiye). –2003. S.4-6.

49. Türkçe Deyimlerin Anlam Özellikleri, Konuşma ile ilgili Deyimler, Türk Dünyası, Dil ve Edebiyat Dergisi, Türkiye, Güz 22, 2006. – s. 39-45.

50. Формализация конструкций предложений узбекского, турецкого и каракалпакского языков. Труды 1-международной конференции «Компьютерная обработка тюркских языков», Астана, 3-4 октября 2013 года. – С. 33-42. (в соавторстве с Ш.Назировым, А.Аланиязовым, К.Рахмановым и А.Махмудовым).

51. İlk Rönesans ve Farabi. Türksoy, Uluslararası Türk Kültürü Teşkilatı Türk Dünyası Kültür ve Sanat Dergisi, 2020. Sayı. Özel Sayı. İnsanlığın «İkinci öğretmeni» Fârâbi. S.154-157.

52. The Issues of Word Choice in Fiction Translation. International Journal of Psychosocial Rehabilitation, Vol. 24, Issue 04, 2020. ISSN: 1475-7192. P.6660-6668. (N.Ismatullayeva, Z.Rasulova va D.Karimovalar bilan hammualliflikda).

53. Translation Of Common Words And Phrases In The Novel «Dats Gone By» Abdulla Kadiri // (Abdulla Qodiriyning “O’tkan kunlar” romanida gi barqanot so’z va iboralar tarjimasiga doir). Current Research Journal of Philological Sciences. Volume-1, Issue-1, 2020. –R.12-18 (№23, SJIF: 5.823).

54. Translations of Liao Zhai stories // Academica an international multidisciplinary research journal. Vol.10, Issue 12, Desember 2020. ISSN (online): 2249 – 7137. Impact Factor Sjif 2020=7.13. DOI: 10.5958/2249-7137.2020.01969.2. 1502-1506 (Sh.Xasanova bilan hammualliflikda).

55. Regarding The Transference of Metaphors In Uzbek Novels In Turkish Translations // AJMR: Asian Journal of Multidimensional Research. DOI: 10.5958/2278-4853.2021.00221.4 ISSN: 2278-4853 Vol 10, Issue 4, April, 2021. Impact Factor: SJIF 2021 = 7,699 – R. 200-205 (№ 23).

56. Translation of Idioms from Japanese and Turkish to Uzbek Language. International Journal of Multicultural and Multireligious Understanding. Vol. 8, Issue 4 April 2021. ISSN 2364-5369. Pages: 397-406. (D.Abduraximova bilan hammualliflikda).

57. “Devonu lug‘oti-t turk”dagi maqollar va hozirgi turk tili paremifologiyasi. Turkologiya. Turkology. Toshkent davlat sharqshunoslik universiteti. Xalqaro ilmiy jurnal. ISSN 2181-2101 2021, 3-son. B.88-94.

58. Kaynak Eserin Üslubunun Çeviri Esere Yansıtılması sorunu. The Problem of Reflecting the Style of the Source Work into the. Çeviri / Translation Work. (Çeviri Geliş Tarihi: 16.11.2022 / Kabul Tarihi: 23.11.2022). Çeviren: Hüseyin Baydemir. Comparative Turkish Dialects and Literatures. Karşılaştırmalı Türk Lehçeleri ve Edebiyatları. Cilt/ Volume 1 Sayı / Issue 2, Kasım/ November 2022. S. 45-52.

59.Regarding Phraseologisms Formed Based On Somatisms In The Turkish Language. SPAST Abstracts, 2(02). Retrieved from Published Dec 28, 2023. <https://spast.org/techrep/article/view/4460>. P. 6660-6668. Ismatullayeva, N., Kayumova, M., Mubarakova, D., & Jumaboyev, O.

60. Somatic Phraseologisms in Uzbek and Turkish Languages. Website: <https://ores.su/es/journals/boletin-de-literatura-oral/Scopus>: Emerging Sources Citation Index. P. 6660-6668.

61. Слова-реалии как средство передачи национального своеобразия (на примере перевода повести Уткура Хашимова «Дунёнинг ишлари» («Дела земные») на русский язык). Языки и литература в поликультурном пространстве. Сборник научных статей (Выходит раз в год № 10). Изд-во Алтайского госуниверситета – 2024. ISSN 2411-4324. С. 235-239.

62. Alternative Versions and Functional Characteristics of Phraseologists in Uzbek. Vol. 4 No. 3 (2024): European Journal of Innovation in Non-formal Education. **PUBLISHED:** 2024-03-05. P. 51-54. (M.Abdullayeva bilan hammualliflikda).

63. Istanbul toponimlarining leksik-morfologik xususiyatlari («köy» komponentli nomlar misolida) 1-maqola. **Onomastika**. Qarshi davlat universiteti xalqaro elektron ilmiy jurnal. 2024 yil, 2-son. B. 64-72.

64. Istanbul toponimlarining leksik-morfologik xususiyatlari (2-maqola). **Onomastika**. Qarshi davlat universiteti xalqaro elektron ilmiy jurnal. 2024 yil, 3-son. B. 48-58;

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги ОАК
рўйхатида бўлган илмий журналларда нашр этилган
ИЛМИЙ МАҚОЛАЛАР**

65. Турк тилидаги ҳайвонот дунёси билан боғлиқ фразеологизмлар, Шарқшунослик. Тошкент: ТДШИ, 2002. №2, 18-22-б.
66. Турк тилидаги феъл ибораларнинг грамматик хусусиятлари, Шарқшунослик. Тошкент: ТДШИ, 2004. №1, 40-45-б.
67. Турк тилида иборанинг бирламчи маъноси ва ундан шаклланган кўчма маъно, Шарқшунослик. –Тошкент: ТДШИ, 2010. №1, 64-70-б.
68. Аёл – турк мақол ва ибораларида, Шарқ машъали. –Тошкент: ТДШИ, 2010. №1, 51-55-б.
69. Турк тилида атоқли отлар иштирокида юзага келган мақол ва иборалар, Шарқшунослик. –Тошкент: ТДШИ, 2011. №1, 13-19-б.
70. Туркча ибораларнинг грамматик (синтактик) хусусиятлари, Шарқшунослик. – Тошкент: ТДШИ, 2011. №2. – Б. 15-22.
71. Турк тилида табиат ҳодисалари асосида юзага келган мақол ва иборалар, Шарқ машъали. –Тошкент: ТДШИ, 2011. №2. – Б. 32-37.
72. Бадиий таржимада сўз танлаш муаммосига доир, Шарқшунослик. – Тошкент: ТДШИ, 2013. №1. – Б. 7-15.
73. “Тирилиш”нинг ўзбек ва турк тилларида “қайта тирилиши”, Шарқ машъали. –Тошкент: ТДШИ, 2013. № 2. – Б. 21-26.
74. О некоторых особенностях турецких пословиц и их передача в русском языке, Маяк востока. –Ташкент: ТГИВ, 2013. №1-2. – С.33-38.
75. Бадиий асар таржимасида фразеологизмларнинг берилиши, Филология масалалари. –Тошкент: ЎзДЖТУ, 2013. № 1. – Б. 39-43.
76. Особенности воссоздания портретной характеристики героев в художественном переводе (на материале перевода романа “Воскресение” Л.Н.Толстого), Востоковедение. – Ташкент: ТГИВ, 2014. №1, 8 с.
77. “Ўткан кунлар” романи таржималарида мақолларнинг берилиши, “Ўзбекистонда хорижий тиллар” электрон журнали, 2014. январ. - 107-113-б.
78. “Дунёнинг ишлари” қиссаси таржималарида миллийлик, Шарқ машъали, ТДШИ илмий-услубий, маърифий журнали –Тошкент, 2015. № 2, 43-48-б.
79. Туркча даврий нашрлар ва оғзаки нутқдаги инглизча унсурларнинг таржимада берилиши, Шарқшунослик. – Тошкент: ТДШИ, 2015. №4, 106-111-б. (Н.Ибрагимов билан ҳаммуаллифликда)
80. Мақол ва иборалар образли асосининг таржимада сақланиши, Шарқшунослик. – Тошкент: ТДШИ, 2016. №1. –Б. 39-45.
81. Слова-реалии как средство передачи национального своеобразия, Шарқшунослик. – Ташкент: ТГИВ, 2016. №4, 105-111-б. (в соавторстве с Д.Хатамовой)
82. Шароф Рашидов романларидаги миллийликнинг таржимада қайта яратилиши (“Ғолиблар” романи мисолида), Шарқшунослик. – Тошкент: ТошДШИ, 2017. №3, 115-122-б.

83. Ўзбек ва турк тилларида ҳайвонлар номи асосида юзага келган мақол ва идиомалар, Шарқшунослик. – Тошкент: ТДШИ, 2018. №2, 78-85-б.
84. «Жамила» қиссаси ўзбек ва турк тилларида // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2018, №6. –Б.63-67.
85. «Адолат манзили»нинг туркча таржимаси // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2019, №6. –Б.57-60.
86. «Ўткан кунлар» романининг туркча таржимасида миллийликнинг акс этиши // Шарқ машъали, ТошДШИ илмий-услубий, маърифий журнали –Тошкент, 2019. № 1-2, Б. 58-67. (10.00.00; № 7).
87. Япон тилидан ўзбек тилига таржимада фразеологизмларнинг берилиши масалаларига доир // Шарқ машъали, ТошДШИ илмий-услубий, маърифий журнали –Тошкент, 2019. № 4, Б. 100-113. (Д.Абдурахимова билан ҳаммуаллифликда)
88. Ойбекнинг «Навоий» романида лексик-фразеологик бирликлар турк тилига таржимасининг хусусиятлари // Шарқшунослик. – Тошкент: ТДШУ, 2020. №4, Б. 50-59.
89. Бадиий таржимада сўз танлаш муаммоси («Дунёнинг ишлари» романининг туркча таржимаси мисолида)//Шарқ машъали, ТДШИ илмий-услубий, маърифий журнали –Тошкент, 2020. № 2, Б. 117-126.
90. «Адолат манзили» романининг туркча таржимасидаги персонажлар портрети // Шарқ машъали, ТошДШИ илмий-услубий, маърифий журнали –Тошкент, 2020. № 4, Б. 97-104. (10.00.00; № 7).
91. Ойбекнинг «Навоий» романи туркча таржимасида хос сўз (реалия) ларнинг берилиши // «Ўзбекистонда хорижий тиллар» электрон журнали, Scientific-methodological electronic Journal «Foreign Languages in Uzbekistan », 2021, Но 3 (38). – Б.167-174.
92. Миллийликни қайта яратишда таржимон маҳорати // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2021. –№2. – Б. 33–37.
93. Ойбекнинг «Навоий» романи фразеологиясининг туркча таржимада берилиши//Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2021. – №3. – Б. 56–60.
94. Бадиий асар номлари таржимасига доир // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2021. –№4. – Б. 45–50.
95. Яқин тиллардан таржиманинг ўзига хосликлари // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2021. –№5. – Б. 51-55.
96. Синхрон таржимада эҳтимолий башорат стратегияси. Шарқ машъали. – Тошкент, 2021, № 4. - Б. 3-6.
97. Синхрон таржимада сиёсий лексиканинг берилиши (ўзбек ва араб тиллари мисолида). Шарқ машъали. – Тошкент, 2021, № 4. – Б. 58-64. (Х.Юнусова билан ҳаммуаллифликда).

98. Хитой ва ўзбек тилларида синхрон таржима жараёнидаги муаммолар. Синхронист маҳорати. Шарқ машъали. – Тошкент, 2021, № 4. – Б.58-64. (З.Намозова билан ҳаммуаллифликда).

99. Хитой **Икки тилли терминологик луғат тузиш принциплари (хитой тили мисолида)**. Шарқ машъали. – Тошкент, 2021, № 4. – Б.111-115. (С.Исмоилова билан ҳаммуаллифликда).

100. Усмон Носир ижодининг Туркияда ўрганилиши. Ўзбек тили ва адабиёти. ЎзР. ФА. –Тошкент, 2022, № 4. Б.9-12.

101. Бир ҳикоянинг икки таржимаси. Шарқшунослик. – Тошкент, 2022, № 3. – Б.28-40.

102. Абдулла Қаҳҳорнинг “Даҳшат” ҳикояси таржималарига доир. Sharqshunoslik / Востоковедение / Oriental Studies. – Тошкент, 2022, № 4. – Б.18-29.

103. Абдулла Қаҳҳор асарларидаги мақолларнинг таржималарда берилиши ва таҳлилига доир. Sharqshunoslik / Востоковедение / Oriental Studies. – Тошкент, 2023, № 4. –Б. 33-42.

104. “Анор” ҳикояси турк ва рус тилларида. Sharqshunoslik / Востоковедение / Oriental Studies. – Тошкент, Toshkent, 2024, № 1. Б. 25-34.

105. Миад Ҳакимовнинг таржимонлик маҳорати. Ўзбек тили ва адабиёти. Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси. –Тошкент, 2024, № 2. – Б.37-42.

106. Сабоҳиддин Али ҳикоялари Миад Ҳакимов таржимасида. Ўзбек тили ва адабиёти. Ўзбекистон Рес. ФА.–Тошкент, 2024, № 5.–Б.26-31.

107. XX асрнинг 60-йилларида Туркиядаги ижтимоий-сиёсий вазиятнинг кескинлашуви ва оқибатлари. “XXI asr: fan va ta’lim masalalari” ilmiy elektron jurnali. №2, 2024 yil. – С. 258-272. ISSN: 2181-9874 SJIF 2022: 6.698 www.sharqjurnali.uz DOI:10. 5281/ zenodo.13921541 258.

108. Aziz Nesin asarlaridagi maqol va iboralarning tarjimada berilishi masalasi. Turkologiya. Turkology. Xalqaro ilmiy jurnal. 2024, 1-2-son. –В. 110-121.

Халқаро илмий-амалий конференция тўпламларида нашр этилган МАҚОЛА ВА ТЕЗИСЛАРИ

109. Актуальные проблемы восточного переводоведения, XII виноградовские чтения. Международный сборник научных статей. 18 мая 2016 года. – Ташкент. – С.113-116.

110. Туркияда Ҳиндистон тарихининг ўрганилишига доир. “Ўзбекистон ва хорижда замонавий ҳиндшунослик: филология, маданий-тарихий алоқалар масалалари” Халқаро илмий конференция. “Modern Indology in Uzbekistan and Foreign Countries: Issues of Philology, Cultural-historical Relations”, 2017 October 12-13. 2017. 12-13-oktyabr. –В.195-198.

111. Бадий таржимада фразеологик бирликларнинг берилиши муаммосига доир, “Ўзбекистон ва Япония маданий алоқаларининг долзарб масалалари: тил, таржима ва адабий жараёнлар”. Халқаро илмий-амалий анжуман материаллари. 2018-йил 16-17 март. –Тошкент, 2018. 314-319-б.

112. Ҳозирги турк тилида ҳолатни ифодаловчи фразеологизмлар хусусида, “Адабий алоқалар ва қиёсий адабиётшуносликнинг долзарб масалалари” мавзусидаги Халқаро конференция материаллари 2-қисм. Фарғона - 2018. –110-112-б.

113. Hayvanlarla İlgili Türk ve Özbek Atasözleri ve Deyimlerinin Ortak Özellikleri, I.Milletlararası Türkiye-Özbekistan Münasebetleri Sempozyumu Bildiriler (8-10 Kasım 2018-Kastamonu). – Kastamonu, 2018, 519 s. (S.105-111).

114. Umar Sayfiddin hikoyalari o'zbek tilida, “Tarjima, axborot, Mu-loqot – siyosiy va ijtimoiy ko'priq. Translation, Information, Communication – Political and Social Bridge” Xalqaro ilmiy-amaliy anjuman materiallari. Samarqand, 2018 yil 4 may. Proceedings Of The International Scientific Conference. Samarkand, May 4, 2018. –B.99-102.

115. “Қўшчинор чироқлари”нинг русча таржимасида муаллиф фразеологиясининг акс этиши масаласига доир, “Ўзбек мумтоз ва замонавий адабиётини халқаро миқёсда ўрганиш ва тарғиб қилишнинг долзарб масалалари” мавзусидаги Халқаро конференция материаллари. Materials of International Conference “Problems of Studying and Disseminating of Uzbek Classical and Contemporary Literature on the International Scale. Toshkent “Mashhur-Press”, 2018, 403-410-б. (0,5 б.т.) (Т.Маҳаматов билан ҳаммуаллифликда).

116. Шарқшуносликда таржимашуносликнинг янги босқичи, “Ўзбек мумтоз ва замонавий адабиётини халқаро миқёсда ўрганиш ва тарғиб қилишнинг долзарб масалалари” мавзусидаги Халқаро конференция материаллари. Materials of International Conference “Problems of Studying and Disseminating of Uzbek Classical and Contemporary Literature on the International Scale. Toshkent “Mashhur-Press”, 2018, 403-410-б. (0,5 б.т.) (Г.Рихсиева билан ҳаммуаллифликда).

117. ““Lun Yuy” tarjimalariga qaytib... “Uzbekistan-China: Development of Historical, Cultural, Scientific and Economic Relations” November 17, 2018.Tashkent. “O'zbekiston-Xitoy: Tarixiy-madaniy, ilmiy va iqtisodiy aloqalar rivoji” mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya materiallari. 17 noyabr 2018 yil, Toshkent. 352-357. (N.Ismatullayeva bilan birga)

118. Чингиз Айтматов – выдающийся классик современности, статья, «Чингиз Айтматов и современный мир» Сборник материалов Международной конференции, Москва, 8-10 декабря 2018 года, Москва, ИСАА МГУ имени М.В.Ломоносова, 2019. стр. 271-278. (в соавторстве с Д.А.Пулатовой)

119. Турк тарихнавислигида Афғонистон масаласи, “Афғонистон XX ва XXI асрлар чорраҳасида: тарихий, иқтисодий, ижтимоий, сиёсий жиҳатлари ва унинг Марказий Осиё мамлакатлари билан ўзаро муносабати масалалари” Халқаро илмий-амалий конференция материаллари тўплами Тошкент, 2019 йил 21-22 июнь. - Б. 276-279.

120. К вопросу передачи реалий в переводе / Материалы В Международной научно-практической конференции «Наука и образование в современном мире: Вызовы XXI века» «Science and Education in the Modern World: ChallenGES of the XXI Century», Нур-Султан, Казахстан, 2019. С. 78-81.

121. Мехробдан чаён»даги ҳажв унсурларининг таржимада берилиши / Материалы В Международной научно-практической конференции «Global Science and Innovations 2019: Central Asia», VI том, Нур-Султан-2019 – 347 б. -Б.228-231. (Л.Хамдамзода билан ҳаммуаллифликда).

122. «Қутадғу билиг»нинг Ўзбекистонда ва Туркияда ўрганилиши. «Жаҳон туркологиясининг буюк обидаси «Қутадғу билиг» ва уни ўрганишнинг долзарб масалалари» Халқаро конференция тўплами, Тошкент, 2020. – 288 б. -Б. 115-119.

123. Япон ва ўзбек тилидаги мақолларнинг образли асослари/ “Турфа маданиятлар, миллат, тилларни қиёсий-типологик тадқиқотлар орқали англаш” Халқаро илмий конференция 12. Илмий тўплам 文明のクロスロード 12 多元性のパラダイムを求めて 「中央アジアと日本における文化的・社会的多元性と共生」 論文集. – Б. 66-73 (Д.Абдурахимова билан биргаликда).

124. Ўзаро яқин тиллар орасида бадий таржиманинг мураккабликларига доир //Маданиятлараро мулоқотда шарқ тилларининг аҳамияти. Халқаро онлайн илмий-анжуман материаллари. The Role of Oriental LanguageS in Intercultural Communication. International Online Scientific Conference. «Тамаддун», Тошкент, 2021. –Б. 191-196.

125. «Dunyoning ishlari» asarining turkcha tarjimasida tabiat tasvirining berilishi. “Tilshunoslikdagi zamonaviy yo‘nalishlar: Muammo va yechimlar. Modern Trends in Linguistics: Problem and Solutions” mavzusidagi Xalqaro ilmiy-amaliy onlayn-konferensiya materiallari, 2021- yil 28-yanvar, Andijon, 2021. – B. 53-57.

126. «Мехробдан чаён» романининг туркча таржимасида қаҳрамонлар портретининг берилиши //«Ўзбек филологиясида матншунослик ва манбашунослик муаммолари» мавзуидаги Халқаро илмий-амалий анжуман материаллари, 2-китоб. – Наманган, 2021. – Б. 320-325.

127. Япон тилидаги рангни ифодаловчи фразеологик бирликларнинг ўзбекча таржимада берилиши//“Японшунослар Халқаро форуми” Илмий тўплам 国際日本学研究フォーラム 論文集114-119-бетлар (Д.Абдурахимова билан ҳаммуаллифликда);

128. Алишер Навоий ижодининг Туркияда ўрганилиши // «Алишер Навоий дунё шарқшунослари нигоҳида» мавзуидаги халқаро конференция илмий тўплами. – Т.: ТДШУ, 2021. – Б. 446-449.

129. Chingiz Aytmatov asarlaridagi mifologik unsurlar va ularning tarjimada berilishi. Sharq xalqlari folklori – qadriyatlar in'ikosi. Xalqaro ilmiy konferensiya. Folklore of the Peoples of the East – A Reflection of national values. International Scientific Conference, Toshkent: TDShU, 2021. –B. 344-350.

130. О проблемах передачи реалий в переводе «Ўзбекистон - Хитой: тарихий-маданий, илмий ва иқтисодий алоқалар ривожини» мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция материаллари. 20 ноябр 2021 йил, Тошкент. “乌兹别克斯坦-中国：历史，文化，科学和经济关系发展” 国际学术研讨会 2021 年 11 月 20 日 Б.283-288;

131. Синхрон таржима муаммоларига доир. “Жаҳон илм-фани тараққиётида таржимашуносликнинг аҳамияти” мавзусида халқаро илмий конференция, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети, 06.12.2021. –Б. 29-32 (О.Жумабаев билан ҳаммуаллифликда);

132. Туркчадан кинофилмлар таржимасида тилак, дуо ва қарғишларнинг берилиши. “Жаҳон илм-фани тараққиётида таржимашуносликнинг аҳамияти” мавзусида халқаро илмий конференция, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети, 06.12.2021. –Б. 33-35 (Н. Эшназарова билан ҳаммуаллифликда);

133. “Дунёнинг ишлари” асари туркча таржимасида персонажлар портрети талқини. Хорижий тилларни ўқитиш методикаси – инновациялар, анъаналар, муаммолар ва ечимлар. Халқаро илмий-амалий конференция материаллари. 20-май 2022 йил. Самарқанд – 2022. – 428 бет. СамДЧТИ. Б. 270-273;

134. “Ўтмишдан Эртақлар” қиссаси фразеологиясининг таржимада берилишига доир. “Марказий ва жанубий осий: маданиятлараро мулоқот чорраҳасида” Ўзбекистонда ҳиндшунлосликнинг 75 йиллигига бағишланган Халқаро илмий анжуман материаллари.

